

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

# ОЗОД ВАТАН САОДАТИ

*Беш жилдли*

*1-жилд  
Шеърят*

*Адабиёт яшаса –  
милат яшар.  
Ўзбекистон*



Тошкент  
“ADIB” нашриёти  
2013 йил

УЎК: 821.512.133.1/-9

КБК: 84(5Ў)6

О-36

**Таҳрир хайъати:**

*Муҳаммад Али  
Сирожиддин Саййид  
Маҳмуд Тоир  
Иқбол Мирзо  
Аҳмаджон Мелибоев  
Ҳамидулла Болтабоев  
Шуҳрат Ризаев  
Улуғбек Ҳамдам  
Уйғун Рўзиев*

**Нашрга тайёрловчи:**

*Маҳмуд Тоир*

**Масъул муҳаррирлар:**

*Муҳиддин Омон,  
Мунаввара Усмонова*

**Озод Ватан саодати:** Беш жилдли. [Таҳрир хайъати: М.Али, С.Саййид ва бошқ. Нашрга тайёрловчи: М.Тоир; масъул муҳаррирлар: М.Омон, М.Усмонова. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси]. – Тошкент: ADIB, 2013.

Ж.1. Шеърият. – 2013. – 404 б.

УЎК: 821.512.133.1/-9

КБК: 84(5Ў)6

**ISBN 978-9943-4165-4-3**

© “ADIB” нашриёти, 2013

*Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифода-чиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади. Хусусан, мустақиллик йилларида юртимизда маънавиятимизнинг зоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривож-лантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оши-рилаётган ишлар ўз ҳосилини бераётгани, бадиий адабиё-тимиз мавзулар кўлами жиҳатидан ҳам, жанрлар нуқтаи назаридан ҳам ранг-баранг бўлиб бораётгани, адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётгани китобхон халқимизни албатта қувонтиради. Буларнинг барчаси миллий тикланиш жараёнлари қалам аҳлининг ижодий изланишлари учун қандай катта уфқлар очиб берганини яна бир бор кўрсатади.*

**Ислом КАРИМОВ**

*“Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридан*

## СЎЗБОШИ

Инсонни камолотга ундовчи омил орзу бўлгани сингари жамиятни тараққиётга бошлайдиган куч идеалдир. Орзудан маҳрум қолган инсон тубанликка қулашга маҳкум, идеалдан бебаҳра жамият эса таназзул гирдобига тушиши мукаррар. Инсон орзуси, жамият идеали эса адабиётда акс этади. Адабиёт миллий шаклда намоён бўлар экан, фақат алоҳида шахсларнинг, миллатнинг орзу-идеалларини ифодалаб қолмайди. Президентимиз И.А.Каримовнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисола-сида таъкидланганидек: “Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”. Бу ҳол адабиётнинг энг фаол тури саналган шеърятда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Шеърятимизнинг мустақиллик давридаги ривожланиш тенденцияларини аниқлаш, унинг хос хусусиятларини таҳлил этиш, шеършуносликнинг замонавий мезонлари асосида баҳолаш ана шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга.

Шеърнинг поэтик ўзига хослигини таъминлайдиган етакчи бадиий восита бу – образдир. Шу боис чинакам истеъдод эгаси ёрқин ва бетакрор образлар яратишга алоҳида диққат қаратади. Шеърятдаги мавжуд образларга янгича бадиий либос кийдиради, уни оҳорли мазмун билан бойитади. Ҳар бир давр, ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, адабиёт олдига, шеърят олдига янгидан-янги вазифаларни қўяди. Бу эса, поэтик тафаккурда ўзига хос эврилишларни юзага келтиради. Бу мақбул ходисадир.

Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида “Назмда ҳам асл анга маъни дурур, Бўлсун анинг сурати хар не дурур”, деб ёзади. Буюк шоир назмнинг ранго-ранг либослар билан зийнатланиши табиий эканини таъкидлаш баробарида, ҳар қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, “асл анга маъни” эканини ҳам алоҳида таъкидлаган. Бугунги шеърятимизда кузатилаётган ана шундай шаклий янгиликлар, айниқса, эътиборга лойиқ.

Ҳозирги адабий жараёнда, хусусан, шеърятда кечаётган жанр ва шаклий изланишлар шунчаки ижодий тажриба намуналари бўлиб қолаётгани йўқ. Муттасил кечаётган жанр ва шаклий изланишлар шоирларнинг юрак амрига, маънавий-интеллектуал эҳтиёжига айлангани туфайли ҳам муносиб самара бераётир. Воқеликни тушуниш, инсон ва жамият психологиясини талкин этишда ҳаётий мазмун билан уйғунлашган ҳолда истиқлол даври шеърятининг ғоявий-эстетик мундарижасини белгиламоқда. Реал ҳаётий мазмун, замонга ҳамнафаслик, қайноқ давр руҳи истиқлол шеърятининг етакчи хусусиятларидан бирига айланди.

Поэтик жанр ва шакллардаги изланишлар қанчалик кўп бўлса, бадий-эстетик маънони ифодалаш усуллари, йўллари шунчалик кенглигини, шоирларимиз салоҳиятининг даража-микёсларини кўрсатади. Зеро, жанр ва шаклий изланишлар бадий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий мазмунни бериш баробарида, истеъдоднинг имкониятларини ҳам кўрсатади. Инсоннинг табиат, жамият билан боғлиқ руҳий ҳаётини янгича бадий тадқиқ этишда шеърятнинг ижодий имкониятлари тобора такомиллашиб, кенгайиб бормоқда.

Айтиш мумкинки, истиқлол шеъряти образлар тизимида фаол, эътиқодли, маънан ва ақлан комилликка чоғланган замондошларимиз руҳиятини ифодалашга йўналтирилган. Замондош шоирларимизнинг мазкур мажмуадан жой олган шеърлари ҳам истиқлол даврининг меваларидир. Биноба-

рин, мустақиллик ижод аҳлига ўз истеъдодини баралла на-  
моён этиш, эркин ижод қилиш имкониятини яратди. Мана  
шу имконият боисидан ўзбек шеърлятида янгича қарашлар  
ва ўзига хос ифодалар жаранглай бошлади. Бу, албатта,  
миллий адабиётимизнинг янада юксалиб боришидан дарак  
беради.

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Шеърлят кенгаши*

*Ўзод Ватан сардари*



## ЗУЛФИЯ

Ўзбекистон халқ шоири  
(1915 – 1996)



---

### МЕН ЎТГАН УМРГА

Ҳаёт китобимни бехос варақлаб,  
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.  
Табассум ўрнида кулдим чарақлаб.  
Суйиш керак бўлса – телбача суйдим.  
Кийганим ипакми, читми ё кимхоб,  
Юрак бойлигидан қилмабман парво.  
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,  
Янги қўшиқ талаб унда ҳар сабоқ.  
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,  
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:  
Суйдим,  
Эркаландим,  
Айрилдим,  
Куйдим,  
Иzzат нима – билдим.  
Шу-да бир яшаш!..



## СЕНСИЗ

Мана, бир умрни яшадим сенсиз,  
Қайтмас шодликларнинг қайтишин кутиб,  
Тобутинг бошида чўкканимда тиз,  
Фарзандлар кўтарди кўлимдан тутиб.  
Шундан бери тикман. Ҳар нега қалқон,  
Бахтга, баҳорга ҳам, кишга, қайғуга.  
Биров азасида йиғлайман қон-қон,  
Тўйида яйрайман ўхшаб оҳуга.  
Лекин қолганимда қалбим-ла танҳо,  
Туйғулар зорига солганда кулок.  
Ўзни заиф, чанқоқ сезганда гоҳо,  
Аламдан бераман жавобсиз сўроқ:  
Тирик экан нега ташлаб кетмадинг?  
Мендан нафисрокнинг хуснига ошиқ,  
Мендан ёниқроғи тортмади сани,  
Эди нигоҳингга бор жаннат очик,  
Сени мажнун этиб бир ер гўзали,  
Нега мени ташлаб кетавермадинг?  
Тирик айрилишнинг доғи оғирмиш,  
Хўрлик кемирармиш умрни чайнаб!  
Бу мудҳиш эговга берардим туриш,  
Кетсанг ҳам менга жон туйғунгдан айнаб.  
Билардим, қайдадир оласан нафас,  
Мураккаб бу дунё сен-чун ҳам тирик.  
Сенга ёт – ношудлик, тунд руҳлик, кафас,  
Бугунги кадаминг кечадан йирик.  
Нега, нега мени ташлаб кетмадинг?  
Биламан, рашк мени этарди ҳалок,  
Афзал кўрганингни қарғаб ўтардим,  
Изингдан юрмасдим соядай ғамнок,  
Ҳаётда мен учун қолардинг тирик,  
Қаламинг муждасин кутардим муштоқ.  
Маънос тақдирингга яшаб мен шерик,  
Мушкул бўлаётир шодлик яратмоқ.





Нега тирик экан ташлаб кетмадинг,  
Ташлаб кетмадинг-да, бошлаб кетмадинг?!

## СОҒИНИБ

Шу кунларда баҳорга зорман,  
Навжувонлик ўти танда йўк.  
Куз сингари заъфар рухсорман,  
Мевалар ҳам шохлардан узук.  
Шу кунларда баҳорга зорман,  
Танхасталик эзади руҳим.  
Танҳо эмас, қаторда борман,  
Яна нени излайди суқим?  
Шу кунларда баҳорга зорман,  
Шаффоф, ёркин куй тилар кўнгул.  
Яхшиямки, қаламга ёрман,  
Сўзлаб турар бор дилимни ул.  
Шу кунларда баҳорга зорман,  
Ўз баҳорим каби бемисол.  
Баҳор қайтмас, ёнувчи қорман,  
Ё нўноқ қўл бутаган ниҳол.  
Шу кунларда баҳорга зорман...

## БАЛКИ

Кўзингда чакмоққа ўхшаш ўтли нам,  
Рангинг синиқиши, лаб титраши сир.  
Балки, ҳисни бўғиб, иродангга жим  
Ёлворасан, куч бер, бўлмайд деб асир?  
Кўмиб юбормоқчи сен тул ёшлигинг,  
У – фақат яшнашга кодир табиат.  
Балки, бахт бекаси атаган кишинг –  
Руҳи ҳам истамас хазонинг бевақт?  
Билсанг, дарахтни синдирар бўрон,  
Ниҳол бўлса, яна ўсар гуркираб.



Балки, йўк таъналар, андиша, гумон,  
Бахтга ҳақкинг ютар, дилинг зиркираб?  
Ярим тақдир гўё синик кўзгумиш,  
Ҳаёт тақозоси бахт бекамликдир.  
Балки, тўққиз гулинг билмасдан сўлиш,  
Пок ҳиснинг амрига кирмак керакдир?

## ҚАЙДА ЎЗ СЕВИНЧИМ...

Ўқилмаган мактуб,  
Тақилмаган зийнат  
Нодаркорлар ичра ётар кесакдай,  
Узоқроқ,  
Хилватроқ кунжакка иргит  
Нақ жарроҳ пичоғи – кайфинг кесардай!  
Шундай ҳам нобутун кўксинг қўйсин тинч!  
Тухфалардан баланд,  
Синчковликка ёт,  
Севинч!  
Қайда ўша қайтмовчи севинч?  
Кўлга тутолмагум бебаҳо бисот!

## БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОҚЛАБ

Салқин саҳарларда, бодом гулида,  
Бинафша лабида, ерларда баҳор.  
Кушларнинг парвози, елларнинг ноzi,  
Бахмал водийларда, қирларда баҳор.  
Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,  
Ўрик гулларининг эдинг мафтуни.  
Ҳар уйғонган куртак, ҳаёт берган каби  
Кўзларингга суртиб ўпардинг уни.  
Мана қимматлигим, яна баҳор келиб,  
Сени излаб юрди, кезди сарсари.  
Қишнинг ёқасидан тутиб сўради сени,



Ул ҳам ёш тўкди-ю, чекилди нари.  
Сени излар экан бўлиб шаббода,  
Сен юрган боғларни қидириб чиқди.  
Ёзиб кўрсатай деб хусн-кўркини,  
Яшил кирғокларни қидириб чиқди.  
Топмай сабри тугаб бўрон бўлди-ю,  
Жарликларга олиб кетди бошини.  
Фарход тоғларидан дарагинг излаб,  
Сойларга қулатди тоғнинг тошини.  
Сўнгра жило бўлиб кирди ётоғимга,  
Хулқар ва Омоннинг ўпди юзидан.  
Сингиб ёш куйдирган зафар ёноғимга  
Секин хабар берди менга ўзидан.  
Лекин ётоғимда сени тополмай,  
Бир нуқтада қолди узок тикилиб.  
Яна ел бўлди-ю, кезиб сарсари,  
Мендан сўрай кетди қалбимни тилиб:  
«Қани мен келганда кулиб қаршилаб,  
Кўшиғи мавжланиб бир дарё оққан?  
«Бахтим борми дея», яккаш сўроқлаб,  
Мени шеърга ўраб суқланиб бокқан?  
Ўрик гулларига тўнмайди нега  
Елда ҳилпиратиб жингала сочин?  
Нега мен келтирган шўх наъшидага  
Пешвоз чиқмайди у ёзиб қулочин?  
Қани ўша куйчи, хаёлчан йигит?  
Нечун кўзингда ёш, туриб қолдинг лол.  
Нечун қора либос, сочларингда оқ,  
Нечун бу кўкламда сен паришонхол?»  
Қандай жавоб айтай, лолдир тилларим,  
Баридан тутдим-у, кетдим қошинга.  
У ҳам гаминг билан кезди афтода,  
Боқиб туrolмайин қабринг тошига.  
Аламдан тутокиб дарахтга кўчди,  
Куртакни уйғотиб сўйлади ғамнок.  
Сенинг ёдинг билан елиб беқарор,  
Гуллар ғунчасини этди чок-чок.



Гул-у райҳонларнинг таралди атри,  
Самони қоплади майин бир қўшиқ.  
Бу қўшиқ нақадар ошно, яқин,  
Нақадар ҳаётбахш, оташга тўлик.  
Баҳорги бурканган сен севган элда,  
Овозинг янгради жўшқин забардаст.  
Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт,  
Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим нафас.  
Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,  
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.  
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!



# Эркин ВОҲИДОВ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири  
(1936 йилда туғилган)



## ЎЗБЕКИСТОН БОҒЛАРИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ БУЛБУЛЛАР

Бугун сахар булбулларнинг чаҳ-чаҳидан уйғондим,  
Шохимардон тоғларида бир яйрадим, кувондим.

Бир-бирига навбат бермай, қўшиқ айтди булбуллар,  
Шукр бўлсин, боғларимга яна қайтди булбуллар.

Неча замон ноёб эди ўлкамда бу тарона,  
Неча замон булбулларни соғинганди Фарғона.

Томигача пахта эккан элда нетар булбуллар,  
Осмонидан захар ёккан юртдан кетар булбуллар!

Чаманзорлар шудгор бўлса булбул қандок яйрасин,  
Эрк кушчаси эрк йўк жойда қандок килиб сайрасин?

Мана, букун боғларимга қайтиб келди булбуллар,  
Хур Ватанга хур қўшиқлар айтиб келди булбуллар.

Мен ҳам энди қаламимни шеърлар учун чархлайин,  
Бу сеҳрли таронани ғазалларда шархлайин.

Бугун сахар булбулларнинг чаҳ-чаҳидан уйғондим,  
Шоҳимардон тоғларида бир яйрадим, қувондим.

Чаманларда шўх сайрасин, завққа тўлсин булбуллар,  
Қайтмас бўлиб ватанимга келган бўлсин булбуллар.

\* \* \*

Ватан, то танда жоним бор,  
Сенингдирман, сенингдирман,  
Таним хок ўлса ҳам сен ёр,  
Сенингдирман, сенингдирман.

Жаҳон кенгдир, фалак кенгдир,  
Юрак кенгдир, чу сен борсан,  
Сенингсиз икки дунё тор,  
Сенингдирман, сенингдирман.

Менга бегона элларда  
Насиб гар ўлса юз роҳат,  
Чекай бағрингда минг озор,  
Сенингдирман, сенингдирман.

Агар шодликларинг оздир,  
Менингдирсан, менингдирсан,  
Магарким ғамларим бисёр,  
Сенингдирман, сенингдирман.

Бугун бор, эрта йўқ жисмим,  
Валек руҳим учун мангу  
Сенинг мангулигинг даркор,  
Сенингдирман, сенингдирман.

Сенинг ишқинг билан ёндим,  
Кетар жонимда бу оташ,  
Сенингдирман, яна такрор  
Сенингдирман, сенингдирман.

## ЯНГИ ЙИЛ МУНОЖОТИ

Вактнинг чопқирлигига ҳайратим тугамасдир,  
Йилнинг ўтиши гўё чакнаган чакмоқ мисол.  
Йил надир, умр ўзи аслида бир нафасдир,  
Эшикдан кириб шу он дарчадан чикмоқ мисол.

Беш юз йил яшар эмиш тоғ аҳли бир қабила,  
Сабрни маслак билиб, қаноатни тоат деб.  
Уй тикламас эмишлар биргина сабаб ила,  
Шу озгина умрга ранж чекмоқ на ҳожат деб.

Бу-ку бир афсонадир, аслида аҳли олам  
Одамдек яшаш истар шу беш кунлик дунёда.  
Жаҳондан умид узмас умри ўтиб борса ҳам,  
Ёши улғайган сари орзулари зиёда.

Болам деб ниҳол экар, набирам деб уй солар,  
Мендан ҳам бирор ёдгор авлодимга қолсин, дер.  
Дил тубида умрбод яшар ойдин хаёллар,  
Ватаним камол топсин, миллатим юксалсин, дер.

Инсондек яшамокнинг асли шудир маъноси,  
Юрт севгиси бизларга юракдаги қондандир.  
Бу муқаддас туйғуда ажодларнинг нидоси,  
Ҳадис сўзи – Ватанга муҳаббат имондандир.

Имонимни бутун қил, юртимни нурафшон қил,  
Пок, ҳалол йўлларингга бизни йўлла, илоҳим.  
Ватаним кемасини долғалардин омон қил,  
Бу поёнсиз уммонда ўзинг қўлла, илоҳим.

Юракларга меҳр сол, адоватдан қил йироқ,  
Бу кунги заҳматларнинг оқибати кут бўлсин.  
Эрка ташна элимнинг бахти бўлсин ярқироқ,  
Осмони ёруғ бўлсин, насибаси бут бўлсин.

## НАВРЎЗ НАШИДАСИ

Юртим!  
Илҳомимга сарчашма ўзинг,  
Бирдек азиз менга ёзинг ҳам кузинг.  
Букун баҳорингга шеър айтмоқчиман,  
Ватаним, муборак бўлсин наврўзинг.  
Яна олам бўлди яшил, серфусун,  
Яна қизғалдоқлар очилди гулгун.  
Бу йилги кўкламинг ўзгача бутун,  
Ватаним, муборак бўлсин наврўзинг.  
Қаттиқ қишдан чиқдинг зах тортиб, ҳориб,  
Ердан чиққан каби бойчечак ёриб.  
Бағрингдан муз кетди ҳамалга бориб,  
Ватаним, муборак бўлсин наврўзинг.  
Қир яшил, боғ яшил, бўстондир яшил,  
Баҳорий либосда жаҳондир яшил,  
Эрк яшил, истиқлол, имондир яшил,  
Ватаним, муборак бўлсин наврўзинг.  
Бошингда хуррият қуёшинг бордир,  
Ўз Туғро, Байрогинг, Юртбошинг бордир.  
Мақсадинг, ғайратинг, бардошинг бордир,  
Ватаним, муборак бўлсин наврўзинг.  
Чўнг чинорсан, ўзни тутиб оларсан,  
«Илик узилди»дан ўтиб оларсан.  
Юзлаб баҳорларни кутиб оларсан,  
Ватаним, муборак бўлсин наврўзинг.  
Бугун далаларга қадалган уруғ  
Иншооллоҳ, ризку баракот тўлуғ,  
Эй, умид ўлкаси, эртаси улуғ –  
Ватаним, муборак бўлсин наврўзинг.





## КУЗАТИШ

Маъсум кўзларингда севинч бир олам,  
 Мурғак кўнглинг ичра дунё хаяжон.  
 Бугун қўймоқдасан мактабга кадам,  
 Мустақил юртимга тенгдош болажон.

Отанг ғурурланар, онанг билмас тин,  
 Бувинг бўйларингдан юз бор айланди.  
 Янги ҳаёт сенга муборак бўлсин,  
 Озод ватанимнинг озод фарзанди.

Биринчи сентябрь, биринчи нахор,  
 Биринчи кўнғирок, биринчи таълим.  
 Осмонинг беғубор, дилинг беғубор,  
 Бахтли кун дунёга келган асалим.

Сени кузатаркан, ойижон эмас,  
 Фаришталар сочинг тараб турибди.  
 Хаёлимда шу бир хонадон эмас,  
 Олам йўлларингга қараб турибди.

Ойдин истиқболинг, иқболинг билан  
 Кўнглимнинг энг ширин хаёлидирсан.  
 Ниҳолсан, эртанги камолинг билан  
 Умидлар юртининг тимсолидирсан.

Кўнглим тўла сенга ҳавас ва зиё,  
 Ўзинг ўз, сўзинг сўз, мутелик абас.  
 Ўзга тил, бегона маслагу маъво  
 Энди сенга азиз, муқаррам эмас.

Хур мамлакат сенинг, хур юрак сенинг,  
 Буюк тарих сенинг, сенинг замонанг.  
 Инқилоб зурёди эмас ватанинг,  
 Қуллуқдан бошланмас миллий таронанг.

Шукур, шундоқ кунга етказди тақдир,  
 Ёруғ пешонангдан, кел, битга ўпай.  
 Юксакларни кўзла, қарчиғай ахир  
 Полопон бўлса ҳам зоти қарчиғай.

## ВАТАН ҚАДРИ

Чашма қошида тиник сув  
Қадрини билмас киши,  
Сайр этиб гулшанда гулни  
Кўзига илмас киши.  
Вах, бу не ғафлатки инсон –  
Кўксида тутмиш ватан,  
Ким ватан ичра ватаннинг  
Шукрини қилмас киши.  
Юрт недир, юрт доғи недир,  
Юртдан айрилган билар,  
Англагувчи юрт фироғин  
Юртда топилмас киши.  
Эй, ватандошим, эшит  
Бобуру Фурқат ноласин,  
Бесабаб андуҳ тигида  
Бағрини тилмас киши.  
Билма, фарзандим, ватан ҳажрини,  
Лек кадрини бил –  
Ким ватан кадрини билмас,  
Англа, комилмас киши.

## БОҚИЙ ХОТИРА

Ўйлайман, очилса ҳар йил навбахор  
Мовий кенгликларда алвон лолалар,  
Булар лола эмас, ёт элларда зор  
Лолага айланган аскар болалар.

Ўйлайман, офтоб уйғониб сахар,  
Кунчиқар уфкига тикканда ялов,  
Бу гулгун шафакмас, осмонга кадар  
Бевалар оҳидан туташган олов.



Ўйлайман, ҳар кеч шамс етса заволга,  
Борликнинг тугамас мотами ростдир.  
Тун эмас, оналар эғнида қолган  
То маҳшар ечилмас қора либосдир.

Юр, болам, Майдонга борайлик бугун,  
Қўлингда дона гул яноғингдек ол.  
Бу гул сенинг бахтинг, шод кулгинг учун  
Фидо бўлган бобонг қалбига тимсол.

Йўқ, сен ўзинг гулсан, ватанинг – чаман,  
Улғай, асл зотинг унутма сира.  
Билки, кадр билмак аслида – ватан,  
Ватаннинг маъноси боқий хотира.

## ҲОЖИ ОТА МАРҒИЛОНИЙ СЎЗИ

Етмиш йиллик умрим ўтди хорижда  
Юздан ошган Ҳожи отанг бўламан.  
Ўлолмадим Истанбулда, Парижда,  
Она юртдан айру қандок ўламан?

Қандок кетай ватанимни кўрмай хур,  
Илҳақликдан зўр дунёда ҳеч дард йўқ.  
Мана, етдим муродимга, минг шукур,  
Энди, болам, ўладиган номард йўқ.

## 16 ФЕВРАЛЬ, 1999 ЙИЛ

Бу дунёда яхши, ёмон кунлар кўрдим,  
Ўкинчим йўқ, майли, йиллар қаддим эгсин.  
Мен ҳамон бир аскарингман, она юртим,  
Сен томонга отилган ўқ менга тегсин.

Ҳали комил атолмасман маконимни,  
Бекам одил санолмасман замонимни.  
Лек киприкда саклайман бу давронимни,  
Бу давронга отилган ўқ менга тегсин.

Юртим, олис йўлга чиққан карвонинг бор,  
Карвонингга посбон уйғоқ сарбонинг бор,  
Эл дардида ҳаловатсиз ўғлонинг бор,  
Шу инсонга отилган ўк менга тегсин.

Тонг нурисан, ватан, қалбим осмонида,  
Эркинг азал аждодларнинг армонида,  
Меҳринг абад авлодларнинг имонида,  
Шу имонга отилган ўк менга тегсин.



## Абдулла ОРИПОВ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири  
(1941 йилда туғилган)



---

### ХУРРИЯТ

Хуррият, муқаддас байроғим ўзинг,  
Гарчи ғанимлар бор ичу тошингда.  
Мен учун фахрдир ҳар айтган сўзинг,  
Бир умр парвона бўлгум қошингда.

Хуррият, дадил боқ, ёвлар иғвоси  
Тутса, этагингдан тутаверсинлар.  
Ҳасадга тўладир улар даъвоси,  
Олдингдан бари ҳам ўтаверсинлар.

Хуррият нелигин машъум замонда  
Поймол бўлган ҳуқуқ, ҳаққимдан сўранг.  
Қадрин тополмайин яшаб армонда,  
Тили забун бўлган халқимдан сўранг.

Хуррият нелигин хоки хор бўлган  
Имом Бухорийдек Инсондан сўранг.  
Ватани ўзига тангу тор бўлган  
Қодирийдан сўранг, Чўлпондан сўранг.



Одамзод бор экан кўкка тикиб кўз,  
Орзу қилганини кутгай бетоқат.  
Тарих туҳфа берса, олгай у сўзсиз,  
Хуррият аталмиш гавҳарни фақат.

Шоирлар ёзгайдир қасидасин ҳам,  
Қуйлаб Хурриятнинг хуш сафосини.  
Ризкин териб юрсин, майли, ҳар одам,  
Ҳар эл азиз тутсин Раҳнамосини.

Болам, сен йўлдасан, ет ниятингга,  
Озод кечган умр – жаннатлардан соз.  
Билиб қўй, шу қутлуғ Хурриятингга  
Ўн саккиз минг олам фидо бўлса оз!

## ЙИГИРМА ЙИЛ

Йигирма йил йўл босиб,  
Маккага етган каби,  
Юраклардан дард, алам,  
Армонлар кетган каби,

Ёхуд тинмай шунча йил  
Ҳикмат конин қазгандай,  
Йигирма йил бир шоир  
Шоҳ асарин ёзгандай,

Кул босган ўчоқлардан  
Чикқан каби ўт-олов,  
Қўл етмас чўққиларга  
Қадалгандек туғ-ялов,

Ёки эккан ниҳолинг  
Айлангандек чинорга,  
Номанг етиб боргандек  
Олисдаги нигорга.





Йигирма йил – уфққа  
Ташланган кўприк мисол,  
Ва ёки чашминг узра  
Саф тортган киприк мисол,

Жой талашар мутгасил  
Оқшом билан сахар ҳам,  
Дуч келгайдир ҳамиша  
Зафар билан хатар ҳам.

Карвон ўтди, гўёки  
Қашқир юрмас чўллардан.  
Йигирма йил тап тортмай  
Довуллардан, дўллардан.

Арслонларнинг наъраси  
Қутқу солса басма-бас,  
Сувараклар аҳли ҳам  
Тинч турганмас бир нафас.

Довонлардан шу тахлит  
Ғолиб ўтган карвон бу.  
Йигирма йил зил юкни  
Олиб ўтган карвон бу.

Бисотида бор унинг  
Асли башар зақоси.  
Аждодлар армонию  
Авлодлар муддаоси.

Эрк деб жангда ўлганнинг  
Ёди ҳам у биландир,  
Адолат деб кетганнинг  
Доди ҳам у биландир.

Унда не-не гулшаннинг  
Таровати – атри бор,  
Гўдакларнинг кулгуси,  
Шоирларнинг сатри бор.



Унда мушфиқ шу Ватан  
Камолотин кўргайдир.  
Саксон ёшли пирлар ҳам  
Йигирмага киргайдир.

Кимларгадир ёкмадик,  
Кимларгадир ёкқанмиз.  
Не бўлса ҳам, она юрт  
Жамолига боққанмиз.

Сарбон ҳаққи, нор ҳаққи,  
Тоғдай баланд ор ҳаққи.  
Шундай элнинг то абад  
Тўй қилишга бор ҳаққи.

## ЎЗБЕК

Халқимнинг тарихи жуда ҳам қадим,  
Ҳамиша оққан у дарёдай тўлиб.  
Ҳали турфа динлар бермасдан таълим,  
Дунёга танилган Хоразм бўлиб.

Кўхна Самарканду Бухорою Шош  
Мудом кимлигимиз англадиб турган.  
Не эллар Темурга бўлай деб ёндош  
Кўлига обдаста олиб югурган.

Кўхна шажарани чуватсанг агар,  
Учи бориб етгай Одам Атога.  
Ўзбек унвонингдан тонма, биродар,  
Таяниб кимлардир қилган хатога.

Ҳануз сузиб юрар Нухнинг кемаси,  
Барча жонзотларнинг қисмати бирдек.  
Биз ҳам алал-абад ҳужжат эгаси,  
У ерда ёзилган Ўзбек деб, Ўзбек!





## БИР МАРТА...

Бир марта кўрганман,  
Фақат бир марта,  
Тушимнинг ҳаётда ростга дўнганин.  
Бир марта кўрганман,  
Фақат бир марта,  
Ойнинг ўроғига юлдуз кўнганин.

Бир марта кўрганман,  
Фақат бир марта,  
Отамнинг жимгина йиғлаганини.  
Бир марта кўрганман,  
Фақат бир марта,  
Онаниг йўқ, деб бағрин тиглаганини.

Бир марта кўрганман,  
Фақат бир марта,  
Янгарди озодлик сўзи дафъатан.  
Бир марта кўрганман,  
Фақат бир марта,  
Ягона бўлганди ўша кун Ватан.

## ЎЙИН

Сочимни тарамай-тарагунимча  
Бошимни улар тарк эта бошлади.  
Теграмга қарамай-қарагунимча  
Дўстларим бирма-бир кета бошлади.

Бунчалар чопағон бўлмаса умр,  
Бу отни тўхтатиб қололмагайсан.  
Гоҳида берилган саломга бир қур  
Улгуриб алик ҳам ололмагайсан.

Фурсатинг етмайди, атрофга қараб  
Телпакни қозикқа ҳатто илишга.

Вақтинг топилгайдир лекин, вожаб,  
Кимнингдир дилини вайрон қилишга.

Кимгадир, кел, дединг эртага шу пайт,  
Яхшилик қилишга демак кўнглинг тўк.  
Эртан сенинг учун мавжудмикан, айт,  
Мавжуд бўлганда ҳам балки ўзинг йўк.

Умидни Аллоҳга айлаб ҳавола,  
Балки термилгайсан кўкка бедармон.  
Мисоли ўйинни бузди бир бола,  
У бошқа ўйинга энди андармон.

## ЎКИНЧ

*Рафиқамга*

Ўтган фурсатларни бўлмади тутиб,  
Ўтган ўтди энди – буни билгайман.  
Ва лекин гоҳида дардимни ютиб,  
Тазарру қилгайман, тавба қилгайман.

Билмасмиз яхшилик келгайдир қачон,  
Билмасмиз муддатин ёмонликнинг ҳам.  
Кимнингдир омади чопса ногаҳон,  
Кимнидир пойлайди ташвиш билан ғам.

Қай замон бир тўда зотлар бешафқат,  
Гуноҳсиз Инсоннинг суғурди жонин.  
Имконим бўлса-да этмадим журъат,  
Мен ўша шўрликнинг олмадим ёнин.

Мудом хуш кўргаймиз лутфу хандани,  
Бирок, бир ҳолатга гувоҳ бўлганман:  
Масхара қилишса ожиз бандани,  
Даврага кўшилиб мен ҳам кулганман.

Кимнингдир дардидан бўлмадим огоҳ,  
Комил этолмади бирорта мактаб.  
Бир шоир дўстимнинг олдида ногоҳ  
Бошқа бир шоирни қўйганман мактаб.



Ўтган кунларимга ташлайман назар,  
Ҳар нечук, биз уни яшаб ўтганмиз.  
Тақдир бошимиздан сочмаса ҳам зар,  
Жоним, шу кунларни интиқ кутганмиз.

Узоқ сафарларга сенсиз йўл олсам,  
Мени койимадинг, кўнглим тўк эди.  
Қайдадир тентираб, агар кеч қолсам,  
Мен ўйлаб топмаган сабаб йўқ эди.

Кечалар термилиб ойга, юлдузга,  
Қоп-қоп ваъдаларнинг тошини тердим.  
Йўқчилик азобин илмадим кўзга,  
Бахтлиман, дедим-у кўксимни кердим.

Бу кун шеър битурман шукрона айтиб,  
Дардаш каламимни кўлимдан кўймай.  
Билурман, ёшлигим келмайди қайтиб,  
Ҳануз дийдорингга боқурман тўймай.

Аллоҳ тўзим берсин бардош, сабрингга,  
Баъзан ўкинч билан бағрим тилгайман.  
Айтгил, етолдимми Сенинг қадрингга,  
Тазарру қилгайман, тавба қилгайман.

## ВОРИСЛИК

Ҳар қандай ғафлатнинг интиҳоси бор,  
Тонг отиб, бедорлик бошлангай яна.  
Охири, ғам босган жойда ҳам такрор,  
Шодлик қайта бошдан қилгай тантана.

Кўзга ёш берилган, бармоққа узук,  
Той босиб келгайдир отнинг изини.  
Силсила бардавом бўлмоғи тузук,  
Ҳар ким зурёдида кўргай ўзини.

Азалий бу занжир келар узилмай,  
Бор бўлса, бандаси йўқота олмас.



Полапон улғайиб, учмоқликка шай,  
Заргар дастгоҳи ҳам эгасиз қолмас.

Кимдир эзгулик деб тинмайди, бироқ  
Кимдир ханжар билан йўлини пойлар.  
Ҳаётнинг мана бу йўриғига бок:  
Ёвуз ҳам ёвузни ҳимоят айлар.

Бундай ворислик ҳам наҳотки мангу,  
Боисин билолмай, боқурмиз ночор,  
Бу дунё нафис бир чинни экан-у,  
Кўксида дарз кетган чизиқлари бор.

Ибройим  
ЮСУПОВ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва  
Қорақалпоғистон халқ шоири  
(1929 – 2008)



МЕНИНГ ЙИГИТ ВАҚТИМ,  
СЕНИНГ ҚИЗ ВАҚТИНГ...

*Б...га*

ТошДУ десам, дархол тушади эсга  
Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг..  
Тўғри самолётдан тушдим-да кечда  
Ётоқ жойингизнинг эшигин қоқдим.

Нукусда юрган чоғ сен мени кунда,  
Ҳатто соат сайин соғинар эдинг.  
Бу сафари кўриб мени Тошкентда,  
Салқин мийиқ тортиб “сенмисан”, дединг.

Гулшанда очилган бир тоза гулдай,  
Чиройингга чирой кўшган экансан.  
Қувончимни қай тарз айтишни билмай,  
Ютиниб, термулиб қарайвердим ман...

Кетдик қўлтиклашиб кўчани бўйлаб,  
Унсиз келаяпмиз. Эснаб кўясан.  
“Жоним, айт-чи, келаяпсан не ўйлаб?  
Эртан учрашамиз қаерда қачон?!”

“Эрган кўлим тегмас...Имтихоним бор...”, –  
Дединг ўйнаб йўғон бураминг билан.  
Навой театри халқ билан қайнар,  
Сен кирганда яшнаб кетди у обдон.

Зар кўйлак кўз сочиб ёнар устингда,  
Сен айтдинг “Афв этгил, тобим йўк”, дединг.  
Ва мрамар зинадан эпчил тушдинг-да  
Кетдинг... Мен сен учун бегона эдим.

ТошДУ десам, мудом тушади эсга  
Менинг йигит вақтим, сени қиз вақтинг..  
Сенга яна қайтиб малол бермасга  
Бел боғлаб, жонимни ўтларга ёқдим.

“Кел” деб чакиради очиқ оналар,  
Боғлар “кел, йигитим, қайғурма” дерди.  
Юрагимни тирнаб йиғлар “Тановар”,  
Япроқларни титиб шамол эсарди...

Мен ҳар борган сари энди Тошкентга  
Сенга кўринмасга тиришар эдим.  
Бир куни тўсатдан мени кўрдинг-да,  
“Ростдан бу сенмисан, сенмисан”, дединг.

Айни саҳар чоғда очилган гулдек  
Қиз бўлиб шиддатга минган экансан.  
Ҳинд кўлига тушган асранди филдек  
Унсиз етагингда кетавердим ман.

Товусдай таранган ўзбек қизлари  
Дўстлик иззатларин кўрсатиб шу он,  
Эски дўстларимдек кулишиб бари,  
Ёзди олдимга талабалик дастурхон.

ТошДУ – билим боғи, ёшлар дўстлиги,  
Қанча кўнгилларга нур берар ёғдунг!  
ТошДУ минг-минг қиз, йигитлар ёшлиги,  
Менинг йигит вақтим, сени қиз вақтинг...



## КҮНГИЛ КҮНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Кийиклар сув ичар сойдан,  
Гоз-ўрдак кўлдан сув ичар.  
Одамнинг-чи, кўнгли қайдан?  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Кўрди оққув ўйинларин,  
Эркалашиб бўйинларин,  
Соғингандай ошиқ ёрин,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Отлар гулдур-гулдур кишнаб,  
Чарх уриб уюрин излаб.  
Кўйлар маъраб, бўта бўзлаб,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Дарёлар денгизга ошиқ;  
Ошиқлар мавж уриб, тошиб.  
Йўллар йўлларга тутшиб,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Дўстлик, иззат – улуғ давлат,  
Жон озиғи – яхши суҳбат.  
Чўлга – баҳор, гулга навбат,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Кўкка зехн солиб боқсанг,  
Юлдузлар сўйлашар окшом.  
Ўзинг булоқ бўлиб оқсанг,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Юрак шодланиб юрсин-да,  
Дунёнинг қайси бурчинда  
Яшаб турсак ҳам, тўғриси-да,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Олисдаги асқар тоғлар  
Бир-бирини кўрмак бўлар.  
Шу туфайли буюк улар  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Огоҳ бўл, инсон боласи,  
Ёмондир кўнгил ноласи,  
Одам одамнинг куёши,  
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

## ҒОЗЛАР УЧАР АҚЧАКЎЛДАН

Бахши, шоирлар тилинда  
Ошиқларнинг достони бор.  
Ҳар булбулнинг ўз элинда  
Сайрашар боғ-бўстони бор.

Кўҳна тарих масканисан,  
Чўкуварлар Ватанисан,  
Элнинг шонли деҳқонисан,  
Элликқалъа, Бўстони бор.

Ғозлар учар Ақчақўлдан,  
Кўрик очган сахро-чўлдан,  
Юрт айлансин сендай элдан,  
Йигитларнинг султони бор,  
Гўзал қиз ва жувони бор.

Диёрисан тўй-сайилнинг,  
Тилиндасан кўп шоирнинг,  
Ошиқ Аёз Ибройимнинг  
Ватандошлик мақоми бор,  
Мустақиллик даврони бор.



## РАСУЛ ҲАМЗАТОВ ХОТИРАСИГА

Кавказнинг энг баланд чўккилари ҳам  
Пасайиб қолгандек бугун қарасанг.  
Патиматсиз қолган бу ёлғончини  
Энди сен ҳам ташлаб кетиб борасан.

Баланд тоғ бағрида булоқ тинч оққан,  
Чанқовин босади йўловчиларнинг.  
Сенинг кўшиқларинг барчага ёққан,  
Замондошлар кўнглин чин бийлаб олдинг.

Сулув ҳазил билан донолик сўзни  
Илҳом узугига кўйдинг муҳрлаб.  
Инсон армонлари қайнаган чоғлар  
Гулдан чирой, ойдан шуъла ўғирлаб.

Кўйсув дарёсининг бўйин жойлаган  
Оз сонли аварга азиз ул бўлиб,  
Инсоният ор-номусин “жир”лаган  
Танилдинг Ҳамзатов Расул бўлиб.

Ширлик чўккисин забт эта билдинг,  
Замонингда аскар тоғлардан ошиб.  
“Улуғимиз” деб кўкрак керган элларнинг  
Шоирлари чиқолмади тирмашиб.

Сен таваллуд топган Цада овули  
Оқшомида эсга олдик Ҳамзатни.  
“Улуғ шоирларни бердик дунёга”  
Деб Хунзах сойлари мавжланиб оқди.

Ухла, шоир! “Бул бемаза дунёнинг  
Энди сен кўрмаган не қизиғи бор?  
Кел, менинг қошимга азиз шоирим!”  
Деб Патимат\* балким чақирган чиқар...

## ТҮРТЛИКЛАР

Музейда Мономах бўркини кўрдим,  
У зилдек оғирмиш (тўғридир балким).  
Гарчанд бўйни синиб кетар бўлса ҳам,  
Бир киймокни орзу қилади ҳар ким.

\* \* \*

Ёт юртларда ўлди Овидий Назон,  
Ватан жудолиги шоирни йикди.  
Зар ё гавҳар эмас, чўнтагидан сўнг  
Туғилган бир сиқим тупроқ чиқди...

\* \* \*

Тушсангиз ҳам ҳозир қайси гузарга,  
Барча йўллар олиб борар бозорга.  
Сўзинг харидорсиз қолмасин, шоир,  
Бу ёғини эсда тутгин ёзарда.

\* \* \*

Мабодо кимгадир яхшилик этсанг,  
Зиёни йўқ уни унутиб кетсанг.  
Ким сенга яхшилик қилса агарда,  
Арзийди ҳамма вақт ёдингда тутсанг.

\* \* \*

Туғилган элини суя олмади,  
Уни ёмонлашдан уялмади.  
Кўчиб борган юрти ёт деб олди тан,  
Ҳеч жойни “Ватаним” дея олмади.

*Қорақалпоқчадан Янгибой Кўчқоров  
таржималари*

\* Патимат – Расул Ҳамзатовнинг рафиқаси



## Муҳаммад АЛИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси,  
Давлат мукофоти лауреати

(1942 йилда туғилган)



### МЕН КИММАН

Агар тўрт аллома бўлса дунёда,  
Шухрати ҳаволаб юрган самода,  
Буни айтмасам ҳам, башар биладир,  
Битгаси, шубҳасиз, бобом бўладир.

Агар тўрт шоирга тан берса олам,  
Шундоқ мартабага эришса калом,  
Буни айтмасам ҳам, замон биладир,  
Битгаси, шубҳасиз, бобом бўладир!

Дунёда от сурди не-не саркарда,  
Манаман дегани бўлса агарда,  
Тўртганинг ичида, олам биладир,  
Битгаси, шубҳасиз, бобом бўладир!

Замонлар ўтадир санаб ҳар онин,  
Буюк давлат бўлгай Ўзбекистоним!  
Ўшанда боболар, Оллоҳ биладир,  
Ватаннинг қалбида мудом бўладир!

## ИЗҲОР

Шукирлар қиламан сенга, худойим,  
Қутлуғ айёмларга етганим ҳаққи.  
Қўлга қалам тутиб, имоним қоим,  
Ушбу сатрларни битганим ҳаққи.

Умр чархпалагин бўлмайди буриб,  
Ёшгина болага ширин сўз ғурур.  
Мен ношуд замоннинг тубинда туриб,  
Умидвор кидирдим гумбазлардан нур.

Илк бора сабоқни олдим онамдан,  
Мурғак қаламимга отам ишонди.  
Қутлуғ номи қора бўлган у дамда,  
Бордим азиз айлаб Дукчи эшонни.

Талаба эканман, ғурбатда ғариб,  
Ёш кўнглим ёритди “Машраб” деган ном.  
Жафокаш тарихга термилган сарим,  
Қадимги кўшиқлар бахш этди илҳом.

Халким тухматларга қолганда ногоҳ,  
“Ўз-ўзинг англа!” деб майдон отилдим.  
Чидамоқ мушкулдир, Конибилда, оҳ,  
Сарбадорлар билан дорга тортилдим...

Темурбек этагин тутиб босафо,  
Табаррук изларин тавоф айлайман.  
Нўноқ қаламимни йўниб бу асно  
Жонимни ўтларга урмоққа шайман...

Сени севганимдан ҳаётим обод,  
Бас, бугун бошингга келди Истиклол!  
Атрофга кўз солсам, гувиллар ҳаёт,  
Жамолин кўргизар буюк истикбол!



Шукирлар қиламан сенга, худойим,  
Ушбу сатрларни битганим ҳаққи.  
Қўлга қалам тутиб, имоним қоим,  
Қутлуғ айёмларга етганим ҳаққи...

\* \* \*

Кўрсат, шижоатнинг бекиёс кучин,  
Ақлли ақлни бизларга кўрсат!  
Озод Ватан учун, истиқлол учун  
Жон фидо қилмоққа етгайми фурсат?

Бир бор назар ташлаб, англар ҳар оқил,  
Билар у, замонлар ўқдай еладир.  
Бу куннинг ишини бу кун адо қил,  
Эрта ўз ишини олиб келадир!..

\* \* \*

Тўй бўлса, Амрико элида удум:  
Йигит қиз қошида тиз чўкар бир зум.  
Тиз чўкар ва лекин билмайдики қиз,  
Йигит тиз чўкару қалби чўкмас тиз.

Тўй бўлса, ўзбекнинг элида удум:  
Йигит қиз қошида тиз чўкмас бир зум.  
Тиз чўкмас ва лекин шуни билар қиз,  
Йигит мағрур қолар, қалби чўкар тиз!..

## ШОҲРУҲИЯ ХАРОБАЛАРИДА

Ҳайратни кўрингиз, дўстим Бегали,  
Жуда қизиқ ишлар бўлар дунёда.  
Тоғлар учар экан осмонда ҳали,  
Шаҳарлар оқаркан ҳатто дарёда!..

Азим Шоҳруҳия, эй ота макон,  
Бунёду барбоднинг ёркин тимсоли!  
Кўҳна Урганч янглиғ этилдинг вайрон,  
Ҳар ерда дарёдир шаҳар заволи...

Барчасини раво кўрмиш олий зот,  
Раҳму шафқат бизга ҳақдан қайтади.  
Шул сабаб, бу борлиқ, жумла коинот  
Оллоҳ Таолога тасбеҳ айтади...

\* \* \*

– Кўзларингиз қисик, осиеликлар,  
Олам кенглигини қандок кўрасиз?  
Шунга ярашадир сизда биликлар,  
Шундан орқароқда юрасиз.

– Ҳайҳот, осиелик сийрати қизик,  
Бугун армонлари туғён урибди:  
Келажак қандок, деб кўзларин қисиб  
Олис-олисларга боқиб турибди!..

## БАҲОР

1

Баҳорни севаман! Ох, яланг даврон!  
Шоирлар хилма-хил ташбеҳ топамиз.  
Қишнинг кўрғонидан чиқиб соғ-омон,  
Кўклам оғушига қараб чопамиз.  
Баҳор – табиатнинг ибтидосидир,  
Табаррук йил умрин бошлаб беради.  
Баҳор – шоирларнинг иддаосидир,  
Илҳом кўзларини ёшлаб беради.  
Табаррук йил умрин бошлаб беради.

## 2

Ялтилар самода уч кунлик камар.  
Яна далаларга тушади излар.  
Бошларига боғлаб толпопук чамбар,  
Сулувлик санъатин ўрганар кизлар.  
Билмайман, недир у – кизларми гўзал,  
Ва ё куртак отган нафис сурх новда?  
Тоғлар жонланибди, ҳамал-да ҳамал,  
Замин уйғонибди, сойлар безовта,  
Ва ё куртак отган нафис сурх новда?...

## 3

Шабада эсади тоғлар тарафдан,  
Эй мудрок Она ер, кўзларингни оч!  
Ажралиб чиқару ана, курч сафдан  
Чеккадаги томга кўнар қалдирғоч.  
Қадрдон ховлига бўлиб парвона,  
Париллар, чарх урар айвон тагида.  
Инин тузатмоққа эринмай яна  
Хас излаб куйманар боғ этагида,  
Париллар, чарх урар айвон тагида.

## 4

Дошқозон қошида кайвони момо  
Капкир-ла қозонни кавлаб қолади.  
Эртага пишажак сумалак, аммо  
Ҳозирдан дилларга кутку солади.  
Кимдир ўт ёқади, ким кўшиқ куйлар,  
Воҳ, қишлоқ қизлари чаман-чаман-о!  
Момо тунни билан чўпчаклар сўйлар,  
Ҳар битта сўзида оламча маъно!  
Воҳ, қишлоқ қизлари чаман-чаман-о!

## 5

Наврўз суруридан яйрайди кўнгил,  
Бинафша тутганлар юрарлар мағрур.

Баҳорий фараҳнинг бўлмагай сўнги!  
Рухлар озод эрур, мамлакатим хур!  
Тўлан дўстим билан, Ҳумоюн билан  
Сойнинг тепасига чиқиб кетамиз.  
Бизники шу Замин, шу озод Ватан!  
Дунёнинг тагига етамиз!

Дунёнинг тагига етамиз!..

\* \* \*

Шўхлигим ёқади, қарайман зимдан,  
Доим тегажоклик этиб юраман.  
Не қилай, одат-да, болалигимдан  
Ҳаддидан ошишни яхши кўраман.

Дердилар, чатоқ иш қилмагин шошиб,  
Афсуслар чеккайсан ўзинг олиб тан.  
Кўрингиз, мен бевош ҳаддимдан ошиб,  
Шул бағри қаттиғни севиб қолибман!..







## ШУКРУЛЛО

Ўзбекистон халқ шоири

(1921 йилда туғилган)



---

## ОЙБЕКНИНГ ГУЛИ

Ойбек ҳар тонг туриб гулзорин кезар,  
Бир дона гул қўяр ҳар тонг гулдонга.  
Бир ховли гулзордан бир дона узар,  
Нега гулдастамас, бир дона, нега?

Гоҳ ўйчан, гоҳ хушҳол гулга боқар у,  
Бошин шу фурсатда чулғар не хаёл?  
Уни мафтун этган гўзал қизми бу,  
Ё ёрдан айрилган ёлғиз бир аёл?

Буюк орзулару дард тўла юрак  
Наҳот муҳтож гулдан таскин топгани!  
Балки хаёл билан сезмас керак  
Гулзорга кирганин, гулга боққанин.

Гулга бокардию назаримда у  
Ўжар хаёлларни қувиб соларди.  
Чехрасида қувонч, лабида кулгу,  
Фикрин гулоб билан ювиб оларди.



Гулга боқардию, унинг наздида  
Худди гулдек поку беғубор олам.  
Бир дам холи бўлиб дунё дардидан,  
Бир дам яхшиликдан оларди ором.

## ИСТАК

Бугун ҳам тонг отди, минг қатла шукур,  
Беадад шукрона етказганига.  
Кошки шундай беғам кечсайди умр...  
Минг шукур тунни тинч ўтказганига.

Кўнгилга сиғарди на молу давлат,  
Тинчликсиз бўларди на зарра ором,  
Емак-ичмагингда бўлмай ҳаловат,  
Ғалвадан иборат бўларди олам.

Ноҳақ тўкилган қон, ноҳақ ҳақорат,  
Муҳаббатдан бевақт бўлмоқлик жудо...  
Ўзинг офатлардан асрагин ҳар вақт,  
Ўзинг хотиржамлик, тинчлик бер, Худо!

Сувлар шилдирасин, қушлар сайрасин,  
Олам сув куйгандек майли бўлсин тинч,  
Зиндоний тинчликдан лекин асрасин.  
Ғанимлар солмасин кўнгилга кўркинч!

\* \* \*

Сен мени соғинсанг, дарахтларга бок,  
Елпиган ҳар япроқ менинг хатларим.  
Қулоқ сол, япроқлар шитири эмас,  
Менинг соғинчларим, менинг дардларим.



## ҲАССА

Оқсокланиб қолдим...  
 Онам ҳассаси  
 Суянчиғим бўлди яна ўша дам.  
 Камдек тиригида тортган жафоси,  
 Тинч қўймадим ҳатто ҳассасини ҳам.

Ҳасса ҳам қариган онамдек нозик,  
 Худди қоматидек букилган эди.  
 Шу ҳасса онамга бўлиб суянчик,  
 Қариган чоғлари тутилган эди.

Кимдир кулиб деди – бунга суянма,  
 Бошқа оёғинг ҳам бўлади чўлок.  
 Аммо бу ҳассанинг сеҳрий кучини,  
 Буюк қудратини сезмади шу чок.

Бу ҳасса кичкина, нозик бўлса ҳам,  
 Буюк бир онани суяди ҳар он.  
 Биз-чи, фарзанд бўлиб шу бир ҳассача  
 Баъзан бўлолмадик дардига дармон!

Онамнинг тоғ каби оғир дардини,  
 Чидамин, орзусин кўтарган ҳасса...  
 Мен кимман, бу улуғ зотнинг олдида,  
 Мендек бир кичкинани кўтаролмаса!

## ТУШ ЙЎЙИШ

*(Шукруллониң тушига таъбир)*

Туш кўриб келибсан, ўғлим, йўяйми,  
 Ёмғир баракату қуту нишона.  
 Камалак кўрибсан, бунинг таъбири –  
 Етти ранг кўёшу қутлуғ пешона.  
 Қалблари покиза дўстларнинг доим  
 Ҳаттоки тушлари келади таққос.

Умид кўкламида олма гулидек,  
Шоир, шу файзни ҳам ўз шеърингга ёз!

Гулсафсар очилди, қизғалдоқлар ҳам,  
Арпа, буғдой бўйи белга баробар.  
Йўнғичка шабнами тўпикларда нам,  
Мол тўйин, юрт тўйин, элга баробар.

Чигитдан хавотир ола кўрмангиз,  
Эжилди ва унди, кўп жойда чопик.  
Яъники бу йилги режамизни ҳам  
Бажармак, узрсиз, бўлур йўл очик.

Ёмғир-ку кўрибсан – халқнинг қудрати,  
Шундай баракали, енгилмас, ботир.  
Камалак кўрибсан, ўзбек элининг  
Икки кош ўртаси бир қуёш ётур.

Туш кўриб келибсан, ўғлим, йўййми,  
Ёмғир баракату қуту нишона.  
Камалак кўрибсан, бунинг таъбири  
Етти ранг қуёшу қутлуғ пешона.

“Ҳаёт туш эмасдир, ҳаёт – ҳаётдир”.  
Туш гарчанд яхшилик, кўргузади фол.  
Ҳаёлсиз ва фолсиз, тушсиз келажак –  
Бизда шунақадир порлоқ истиқбол.

## **ВАТАНДА МЕНИНГ БАХТИМ**

Ватан менинг жонимда,  
Ватан менинг қонимда,  
Ватан ҳар бир онимда,  
Ватанда менинг бахтим.

Ватан қалбим бургути,  
Ватан қалбимнинг ўти.



Хазинамнинг кўр-кути,  
Ватанда менинг бахтим.

Кел, севгилим, куйлайлик,  
Бир умр тўй тўйлайлик,  
Садокатни ўйлайлик,  
Ватанда менинг бахтим.

Ватан дўст билан обод,  
Дўстлик билан одам шод.  
Шу Ватанда умрбод  
Қувончим, менинг бахтим.

Ватан менинг жонимда,  
Ватан менинг қонимда,  
Ватан ҳар бир онимда!  
Ватанда менинг бахтим.





## Жуманиёз ЖАББОРОВ

Ўзбекистон халқ шоири

(1930 – 2010)

---

### ЙЎҚЛАШ

Тўқис бўлмас инсоннинг бахти,  
Бир қусурдан холимас тақдир.  
Яшнаётган умр дарахти  
Неларгадир яна илҳақдир.

Юрагимда ётар бир тугун,  
Танга солиб аламли титрок.  
Ечилмайди, афсус, кунма-кун  
Тугилади балки қаттиқрок.

Барча бахтли соатларимга  
Бир доғ бўлиб уради муҳр,  
Табиатим, одатларимга  
Тамға чекиб кетмиш бир умр.

Юрагимда дардларим ниҳон,  
Ўртанаман, ёнаман жим-жим.  
Гўё бўрон қайирган ниҳол,  
Тополмайман асло иложин.



Бўм-бўш бўлиб қоламан бирдан,  
Ҳазм этолмай яшаш туйғусин.  
Топиб бўлмас сени ҳеч ердан,  
Йўқотганим, Онажон, бу сен!

Қанча сенга бўлмайин хумор,  
Йўқлик сари қўйгансан қадам.  
Кўзларимга олам бўлса тор,  
Чигилимни ёзади қалам.

Ҳамма нарсам етарли бугун,  
Баҳту обрў – бари мукаммал.  
Орзуларим очилиб гулгун,  
Ишқ, ижодда севинчим тугал.

Қани, шодлик, ҳаяжонимга  
Шерик бўлиб, жилмайсанг бир зум.  
Эшиқдан шод кирган онимда  
Кўзларингда ёнса табассум.

Орзуларим сўзласам бир-бир,  
Ўғитларинг тингласам кулиб.  
Майли, койи, ўтса бирор сир,  
Мен эшитай тавбалар қилиб.

Бирок энди мумкинмас булар,  
Булар энди сароб бир хаёл.  
Хаёл баъзан алдамчи бўлар,  
Хаёллардан ғолибдир ҳаёт.

Дилдан ёдинг сизиб ўтаркан,  
Тикилади бирдан нафасим.  
Оналарни бошга кўтарган  
Ўғилларга келар ҳавасим.

Шунда сени излаб қоламан  
Фарзандларим қошу кўзидан.  
Аччиқ ўйлар ичра толаман,  
Сўзларингни излаб сўзидан.

Яна меҳринг бўлади далда,  
Дейсан: «Энди кўп куйма, ўғил!»  
Сал енгиллик сезаман дилда  
Ва иш билан бўламан машгул.

Ҳамма нарсам етарли, тўлиқ,  
Кўз ўнгимда ёп-ёруғ жаҳон.  
Фақат энди ёнимда сен йўқ,  
Гуноҳимни кечир, Онажон.

### БИР КУНИ...

Мен мовий деб ёздим самони,  
Таърифладим тонгни, сабони.  
– Ҳаётдан узилган, – дедилар.

Севги кўрки – хижрону висол,  
Деб яратдим минг лавҳа, мисол.  
– Соф туйғу бузилган, – дедилар.

Достон қилдим меҳнатни, шонни,  
Йўллар, йиллар берган эҳсонни.  
– Ортиқча, чўзилган, – дедилар.

Лекин бир кун хаёлга толдим,  
Ўзлимгни кўшиққа солдим.  
– Юракдан тузилган, – дедилар.





\* \* \*

Ич-ичимга шўнғиб кетмоқ истадим,  
Истадим, шўнғисам қалбим қаърига.  
Хаёлим отини неча қистадим,  
Вале ўтолмадим сендан нарига.

Етти мўъжиза бор, дерлар, жаҳонда,  
Ким билсин, еттидир, ё балки етмиш.  
Фақат сен барқарор эурсан жонда,  
Оллоҳ сени менга мўъжиза этмиш.

\* \* \*

Донолар китобин кўп ўкиб чикдим,  
Дилбар ўлкаларни этдим томоша.  
Ҳайрат манзиллари ичра чиникдим,  
Сенга етмоқ бўлдим тоғма-тоғ оша.

Сен ҳамон олисда, ҳамон олдинда,  
Қанча юрган сарим бўлурсан йироқ.  
Гоҳо қоронғуда, гоҳо ойдинда  
Сени қидиришдан толмасман бироқ.

## УМР МАЗМУНИ

Бешиқдан то қабрга қадар  
Одам умри ажабдир, ажаб.  
Боғча фасли тугалса агар,  
Қучоғига олгайдир мактаб.

Бир энтикиш, маъюс бир лаҳза  
Гўдак қалбин имтиҳон эгар.  
Бу айрилиқ – илк оғир ларза –  
Хувиллатиб боғчани... кетар.

Сўнг мактабда ўн йиллик ҳаёт,  
Ёшлик кечар сойдай гувиллаб.  
Бир кун келиб «хайр», дер, хайхот,  
Мактаб колар ортда хувиллаб.

Сўнгра эса олий илмгоҳ,  
Бунда умр сабоғин олар.  
Бул каср ҳам бир кун колур, ох,  
Олтин давр хувиллаб колар.

Сўнг... ҳаётда минг синов кечиб,  
Кўражакдир узоқ-ёвукни.  
Гоҳо ширин, гоҳ аччиқ ичиб,  
Кўп кўражак иссиқ-совукни.

Ҳар бир одам ўзи бир олам,  
Йўқ ўхшаши, такрори асло.  
Дунё ичра дунёдир одам,  
Бир-биридан фарқли, мустасно.

Кўз олдида эврилар замон,  
Фарқ этади бахтни, рўёни.  
Авж нуқтага етганда инсон  
Хувиллатиб кетар дунёни...



## **Хусниддин ШАРИПОВ**

Ўзбекистон халқ шоири  
(1933 йилда туғилган)



---

### **ВАТАН – ФАХРИМ**

Ватан бахтим, Ватан кўрку камолим,  
Ватан – нақдим, Ватан – ширин хаёлим.  
Бошим кўклардадир кафтингда ўрлаб,  
Ватан – фахрим, Ватан тил узра болим.

Саодат боғига олтин эшиксан,  
Маликам улғайиб-ўсган бешиксан,  
Ўғил ҳам қизларим севган қўшиқсан,  
Ватан – фахрим, Ватан тил узра болим.

Элим хуррамки, мен ҳам шоду хуррам,  
Ёшаргай биз билан бу Боғи Эрам,  
Олиб соз, куйлагай бир кун набирам:  
– Ватан – фахрим, Ватан тил узра болим.

Қучоғингда туриб соғинганимсан,  
Гаҳи чакмоқсан-у, гоҳо ҳалимсан,  
Не бўлсанг ҳам, менинг жону танимсан,  
Ватан – фахрим, Ватан тил узра болим.



## АЙЛАНАР ЗАМИН

Намангонда ёзсам-да япрок,  
Тавба,  
                    сайёҳ қушга ўхшайман.  
Ўтган умр мағзини кўпрок  
Тошкент вақти билан ўлчайман.  
Чир айланар замин ва замон,  
Юзлаштириб Шарқни Ғарб билан.  
Ернинг ўқи,  
                    фикримча, бу он  
Ўтар менинг онам кабридан.  
Билмам,  
                    нахот у мўътабар зот  
Хавотирда биз учун хануз:  
“Қолгайму, деб, дуд аро ҳаёт,  
Хазон ёкиб исинганда куз?!”  
Шу пайт мен ҳам,  
                    худди парвона  
Интилгандай олис чирокқа,  
Талпинаман яна ва ёна  
Болалигим жилмайган ёкқа.  
Мана, хушлар кадрдон ҳаво,  
Тол – соябон,  
                    ўтлоқлар – гилам:  
Ақллироқ кўринар ҳатто  
Она юртнинг бузоклари ҳам...

## ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Узумнинг шарбати бўлар бир кун май,  
Кўшиққа айланар бир кун оҳ-фарёд.  
Дўстим, шеър ёзаман шунча йил тинмай,  
Ҳаётдан бермоқ-чун сенга ахборот.

Нетай, сатрларим топгунча сени,  
Ўзгариб кетади йўллар ва йиллар.  
Урмас ўт ва сувга энди ўзини  
Пўсти қалинлашиб колган ақллар.

Биз ишқ деб ўйлардик, десалар “савдо”,  
Меҳнатга чопарди қувонч истаган.  
Илҳом берар эди бизларга ҳатто  
Дастурхонингдаги оддий стакан.

“Қарс икки қўлдан” деб айтишмас бекор,  
Ўзинг ҳам акс садо берсанг-чи, ўрток!  
Тилим қўполроқ деб чўчима зинҳор,  
Ҳақиқат кўпинча бўлади тўмтоқ.

Мана, тотмоқдамиз кузакнинг тузин,  
Ҳосилнинг чўғини чўтлаймиз бот-бот.  
Оҳлар кўшиқ бўлди, май бўлди узум,  
Дўстим, дастурхонинг бўлгандир обод?!

### ЗАВК

Яшаш – яхши! Кўнгил ёш бўлса,  
Умр учун ундан ҳам аъло!  
Инсон чиқар бу олис йўлга  
Бахту қувонч истаб аввало.

Ёр хуснидан нур олар кўзлар,  
Эритворар фарзанд жилмайса.  
Фақат сизни кутганга ўхшар  
Тоғда булоқ, боғда гул, майса.

Сўкилса-да булутлар чоки,  
Завки зўрнинг тегмас ғашига.  
У рақс тушиб кетар ҳаттоки  
Ўтмас арра вазиллашига.

## ҚУЁШИМ БОР

*Ўзбекистон Давлат консерваториясига*

Яшил қаср ичра на тахтим, на бошим узра тожим бор  
Ва лекин сўз билан созга ҳамиша эҳтиёжим бор.

Қаранг: шоҳона бир даргоҳ этар санъат элин ардоқ,  
Юрак илҳом билан ўртоқ, демак, сирдош қуёшим бор.

Жўшиб най, авж этиб ғижжак, мақому яллалар янграр,  
Ҳаёт ишқин қўшиқ қилган ажаб созанда Шошим бор.

Бу гулшанни безаб Ферузахоним бирла шогирдлар,  
Бу боғ ичра Зулайҳо бирла ҳамсоз Абдуҳошим бор.

Бўлар жўр уста Икром, Мустафо, Моцарту Бетховен:  
“Билинг, ижод тарозусига қўйган тоза тошим бор!”

Муҳаббат лаззатин сезгай бу жаннат мевасин тотган:  
– Эгиз, – дер, – “Оҳ” билан “Оҳанг”, демас “Оҳангтарошим бор”.

Нажот топгач “Муножот”дан, берар дилларга дил оро,  
Наво бошлайди булбул сўнг, ҳаво айлашга лочин бор.

Гўзалликдан кўзим яйраб, ёшаргай орзуманд кўнглим,  
Жаҳон айвонида ҳамроҳингизман то иложим бор.

Азизлар, куйларингиз – хуснингиздир, сўлмагай асло,  
Шукур, дунёда сиз борки, “Тановар”, “Дилхирож”им бор.

Нормурод  
**НАРЗУЛЛАЕВ**

Ўзбекистон халқ шоири  
(1934 – 2006)



---

**ЯШАШДАН МУРОД ШУЛКИ...**

Кимки яхшилик деб яшаса агар,  
Эл-юрт хизматида бўлса бир умр!  
Ҳаёт йўлин Оллоҳ этгай мунаввар,  
Пойига поёндоз бўлгай гулу нур!

Кўнгилни ҳеч қачон тарк этмас баҳор,  
Қорли қиш бошида қишласин майли.  
Инсондан из қолсин, бўлсин у номдор,  
Яшаш ишқи бўлсин кўнгилнинг майли.

Бошида кўтарар мовий осмонни,  
Кўзин қароғида айланар олам.  
Азиз ва муқаррам қилиб инсонни,  
Азалдан бандам деб, яратган Эгам.

Ризқу насибасин, бахтини бериб,  
Ёшин ёзиб қўяр пешонасига.  
Яхшилар хулқини кузатиб, кўриб,  
Кўмар Ой, Куёшни остонасига.

Эшик қоқиб келмиш, мана, етмиш ёш,  
Бир умр посбондир бокий муҳаббат.  
Тошдан қаттик экан инсондаги бош,  
Юрак уриб турса, тўхтамас ҳаёт!

Юлдузлар тарк этмас осмонларини,  
Меҳрини улашар ўтли юракка.  
Оллоҳим асрагай инсонларини,  
Ишонмас уларни еру фалакка.

## ВАТАН МУҲАББАТИ

*(Байрам алёри)*

Оллоҳнинг назари тушган ҳур диёр,  
Озодлик нуридан мунаввар ўлкам.  
Еру осмонида тинчлик барқарор,  
Ҳавас кўзи билан боқар кенг олам.

Заррин шафак ёниб, тонглар кулажак,  
Сўнмас юракларда Ватан ғурури.  
Ардоқлар бағрида бизни келажак,  
Тиллардан тушмагай ҳаёт сурури.

Ватан муҳаббати қалбларда машғал,  
Йўлимиз ёритгай ишк бўлиб ёғду.  
Жоним Ўзбекистон, камол топ, юксал,  
Истиклол қуёши порласин мангу!

Байраминг муборак, тўйинг муборак,  
Тўймайман ҳеч қачон дийдорларингга.  
Қуёшли жамолинг, бўйинг муборак,  
Жон элим, жўр бўлай алёрларингга.



**ВИҚОР**

Азалдан умиду ишонч, муҳаббат  
Бир умр ҳамроҳдир ҳар тирик жонга!  
Ҳалол меҳнат билан яралар ҳаёт,  
Борлиғи кўрк берар яшил оламга.

Кимки қудук қазиб, гар чиқарса сув,  
Равон йўллар қуриб, ўрнатса кўприк.  
Меҳр қуёшидан таратса ёғду,  
Кўзларга азиздир бамисли киприк.

Ер билан, эл билан гар олса нафас,  
Юрт дуосин олиб, тепса юраги.  
Яхшилар орзиқиб, қилсалар ҳавас,  
Ушалгай юракда орзу-тилагги.

Кўнгли бўлса унинг яйлов каби кенг,  
Кўриб чеҳрасини очилса баҳринг,  
Сиз бундай одамни асл инсон денг,  
Оламни сиғдирар нигоҳинг, бағринг!

Одамийлик – олий мартаба, виқор,  
Биродар, ҳаётда инсон бўлиб қол!  
Ердан узилмасин оёғинг зинҳор,  
Сен элинг қалбида жаҳон бўлиб қол!

**ХАЛҚИМ ИРОДАСИ**

Субҳидам сабоси эсади эркин,  
Ҳумо қуш кўк узра қутлар эл эркин,  
Кўз-кўзлар диёрим камолин, кўркин,  
Энг улугъ неъматим – озов, ҳурлигим,  
Ўзбекман, оламга аён кимлигим!

Ҳамма ҳам қуёшдай Ҳотамтой бўлса,  
Бошимиз устида офтоб, ой бўлса,  
Эл-юрт тинч, омон, жаннат жой бўлса,  
Мен нечун суртмайин кўзга гардларин  
Ва нега асрамай асл мардларин?!

Булбуллар чағ-чағлар, чамани бор-да,  
Чавандоз ўзади, самани бор-да,  
Инсонлар яйрайди, ватани бор-да,  
Гар боғбон бўлмаса, бўстон қайдадир,  
Бахшилар бўлмаса, дoston қайдадир!

Туморли эл борки ҳеч кўз тегмагай,  
Иймонли халқ эса бошин эгмагай,  
Об-ҳаёт йўқ жойда экин экмагай,  
Султонин сийлаган миллат – миллатдир,  
Халқини ўйлаган давлат – давлатдир.

Бир йўла кўрсатиб эъзозимизни,  
Юрт учун берайлик овозимизни,  
Кўрсинлар фазовий парвозимизни,  
Истиқлол, истиқбол эртамыз ўйлаб,  
Озоду ободу ўлкамыз ўйлаб!

Аҳил бўл, яқдил бўл, азиз ватандош,  
Қўллагин бир-биринг, бўлгин елкадош,  
Бир мушт бўл, бир эл бўл, яқин қариндош,  
Ўшанда Оллоҳ ҳам бизни қўллагай,  
Муродни, манзилни дадил ўйлагай!

Бир элат, бир миллат, битта халқ бўлиб,  
Қулоқ сол дилингга битта қалб бўлиб,  
Юракка жодурсан мангу Ҳақ бўлиб,  
Келажак тонгини кутиб ол шодон,  
Мен – сенман, Сен – менсан, жон Ўзбекистон!



Тўра  
СУЛАЙМОН

Ўзбекистон халқ шоири

(1934 – 2005)



ФАХРИЯ

Ассалом, она юрт, тонглар ўлкаси,  
Таъриф-тавсифингнинг йўқ ниҳояси.  
Сенга бағишланур мукаддас қўшиқ,  
Бу – ўзбек элининг ўз мадҳияси.

Кўхна ота юртим, қадим Туроним,  
Ўз бешиқ, ўз тилим, шавкатим, шоним.  
Етти иқлим ичра тенги топилмас –  
Тупроқлари олтин Ўзбекистоним.

То башар бор экан, бор экан куёш,  
Бирлашган элга ёв отолмагай тош.  
Ёвқур йигитларинг, лочин қизларинг  
Ғанимлар олдида эгишмайди бош.

Дастурхони очик, хирмони баланд,  
Самовий тоғлари номига монанд.  
Оламга машҳур не зотлар ватани  
Меҳринг қон-қардошлар меҳрига пайванд.

Сен тошкин Жайхуним, теран Сайхуним,  
Сен – менинг ўтмишим, сен – ёруғ куним.  
Елкадош ўлкалар билан ҳамнафас  
Шонли Туркистоним – Ўзбекистоним.

Гулинг гулзор бўлсин, қирларинг ўрмон,  
Дарёларинг денгиз, кўлларинг уммон.  
Худудинг дахлсиз, яловинг юксак,  
Сен – шарқнинг машъали, сен – доруломон.

## ГУЛ БИР ЁН, ЧАМАН БИР ЁН

Чаман ичинда бир гул, гул бир ён, чаман бир ён.  
Сарви, санобармидир – соч бир ён, суман бир ён.  
Сахар, субҳи содиқда мушк бир ён, мужгон бир ён.  
Тун пардасин тортса гар, он бир ён, осмон бир ён.

Ўсган боғига олқов, ўстирган боғбонига,  
Хавфу хатардан сақлай келган соябонига,  
Андалиб кўнар, зоғлар кўнолмас бўстонига,  
Мактовига мен бир ён, борлиқ суҳандон бир ён.

Ҳаким зоти бор ерда дард бир ён, дармон бир ён.  
Ёринг жафокаш бўлса, уй бир ён, зиндон бир ён.  
Икки жон бир бўлмаса, шам бир ён, шамдон бир ён.  
Айри бўлса йўллари – туғ бир ён, қалқон бир ён.

Кўриқчиси бўлардим боғимда унар бўлса,  
Кузим келмай баҳорим қайта бошланар бўлса,  
Солномачиси бўлай магар у Қамар бўлса,  
Қасам ичиб айтаман: намак бир ён, нон бир ён.

Кумри, саъва ошиён айлар бир гулафшон бу,  
Бир кокили Сир бўлса, у бири Зарафшон бу,  
Илоҳий санамлардан бир зурёд, бир нишон бу,  
Керак бўлса магар жон, жон бир ён, жаҳон бир ён.



Бу оламда Ой танҳо, муборак Қуёш танҳо,  
Бўй кизларнинг ичинда шу бир эгма кош танҳо,  
Унингдек ҳеч ким менга бўлмаса сирдош танҳо,  
Гўрўғли султон бир ён, Тўра Сулаймон бир ён.

## БОЛАЖОН

Кўнгилга ёвуқсан кўз билан қошдай,  
Губори йўқ тонгда чиққан қуёшдай.  
Гўзалликка номинг гўё уйқошдай,  
Жону жаҳонимиз сенга тутошдай.  
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Зарра хабаринг йўқ дунё ишидан,  
Фалакнинг қай йўсин айланишидан,  
Атом ваҳимаси, эл ташвишидан,  
Кимнинг кулиб, кимнинг қайғуришидан.  
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Теран, тиниқликда чашмасан, чашма,  
Бу олам қаршингда қилар карашма.  
Бундан сен қувонма, ҳовликма, шошма,  
Ҳали манзил йироқ, йўлдан адашма.  
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Ўйнаб келмоқликдан ўзга ғаминг йўқ,  
Бир нафас ҳасратда ўтган дамнинг йўқ,  
Кимсада ғаразинг, ўч, аламинг йўқ,  
Билгимча дунёда сира каминг йўқ.  
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Ўйлайсан йил бўйи мудом баҳор деб,  
Баҳорсиз бу дунё безътибор деб,  
Ҳамманинг бир хилда ташвиши бор деб,  
Барчани ўзингдай пок, беғубор деб...  
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Офтобдай безавол, охудай соксан,  
Сен элик боласи – ўйинқароксан,  
Кўксимизда мудом ўчмас чироксан,  
Ғурбатдан холисан, ғамдан йироксан.  
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Оламда сен билан она шодлиги,  
Бахти барҳақлиги, умрбодлиги.  
Бегард, ўкинганинг – дил барбодлиги,  
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Сенинг кўзинг билан кўпни кўролсам,  
Сенинг сўзинг билан дилга киролсам,  
Босган изинг бўлиб гулга ўролсам,  
Сенинг ўзинг бўлиб, қайта яралсам...  
Ҳавасим келади сенга, болажон.

## ИЛТИЖО

Баҳор келса бошланур боғда булбул хониши,  
Саъва-қумри нағмаси, суралай товланиши,  
Қирларда лола сайли, кишлоқларда йил боши:  
Тўхтагай табиатдан Ҳаққушлар зорланиши.  
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Қилмиши кинғир зотга давр қайда, даврон қайда?  
Ватангадо кимсага беминнат макон қайда?  
Ёлғиз отга оламда ном қайда, нишон қайда?  
Баҳор, сенсиз сахрою тоғу тошга жон қайда?  
Кетма, Баҳор, менинг боғимдан.

Ўлмасликка ишора – ўланга ошиқлигим,  
Саодатга ишора – замонга ошиқлигим,  
Теранликка ишора – уммонга ошиқлигим,  
Гўзалликка ишора – бўстонга ошиқлигим.  
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Буқун қай бир ерда қиш, қайда хазонрезгилик,  
Қайларда ёз, қайда куз, қайда жондан безгилик,  
Кўкларнинг ҳар нафаси умрга арзигулик,  
Боғсиз, боғбонсиз ерда не ҳам қилсин эзгулик...  
Кетма, Баҳор, менинг боғимдан.

Гиёҳ билан қопланмиш кўҳна қабр бошлари,  
Майсадаги шудринглар – кимларнинг кўз ёшлари?  
Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари,  
Ҳар баҳор эслар уни қавми-қариндошлари,  
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Ёз бўйи қорга зорман, қишда баҳорга зорман,  
Чаманда гул бўйига интиқман, интизорман,  
Куз келмай хазон бўлган севги, гулдан безорман.  
Баҳорсиз ҳам диёрсиз эл ичра беназарман,  
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

## УМР ЎТМОҚДАДИР ДАРЁ МИСОЛИ

Эсиз, болаликни қолдириб ортда,  
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.  
Қолдириб-қолдирмай из бу ҳаётда,  
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Оппок тонгни улаб тийраи шомга,  
Бирда шак келтириб сирли оламга,  
Гоҳо таъзим қилиб бадқор, бадномга,  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Қай кезлар ушалмай орзу-армонлар,  
Бирда ғолиб келиб тулкисимонлар,  
Бирда бой берилиб бебаҳо онлар,  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Денгиздай мавж уриб, кирғоқдан тошиб,  
Юрар йўлимиздан бирда адашиб;  
Ким биландир зимдан мансаб талашиб  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Яратиб не сирлар, не мўъжизалар,  
Кутлуғ кун кетидан кун ўтказилар.  
Беҳуда ўтган дам – кўнгил эзилар...  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Ҳар тонгда тўрғайдан олдин уйғониб,  
Чаманлар яратиш ишқида ёниб,  
Бирда-чи: эътиқод, имондин тониб  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Эрта билан боғлиқ – не дамларимиз,  
Билиб-билмай босган кадамларимиз,  
Хайрли иш, алам, карамларимиз,  
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Кексалик мўралаб эшик қоқмоқда,  
Болалик қайтадан қайтарилмоқда...  
Биздан эрта кунга нелар қоқмоқда?  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Ўлмас созни ўйлаб дегинг келмайди,  
Ўчмас издан сўйлаб дегинг келмайди,  
Мангуликка бўйлаб дегинг келмайди:  
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли...







## Охунжон ҲАКИМОВ

Ўзбекистон халқ шоири  
(1935 йилда туғилган)

### ГУЛШАНГА КИРГАН БЎЛСАМ

Бир кўнглим дер: «Бунчалар ҳам ҳовликасан, Охунжон,  
Эллик йилким, шеърятнинг бўстони деб чопасан?  
Лутфийлару Навойлар, Бобурлар чаманига  
Кирмоқ учун сен ўзингда қандай журъат топасан?»  
Ҳақсан, кўнгил. Бу гулшанда мендайларга нима бор?  
Не ҳаддим бор Мирзо Бобур терган гулдан термакка?  
Бу гулшанга кирган бўлсам... Кирдим ҳазрат Навоий  
Этакларин бир умрга кўзларимга сурмакка!

### ЕРДА ЮР, ЕРДА...

Омад тулпорида чопсанг-да, ўғлон,  
Шон ила шавкатлар топсанг-да, ўғлон,  
Икки дунё магар бир кадам бўлиб,  
Жумлаи жаҳонга ёқсанг-да, ўғлон,  
Гарчи юлдуз бўлиб таратсанг-да нур,  
Гоҳида ўзингга сиртдан боқиб тур.

Ногоҳ, ўчмоғи бор ёниб турган шам,  
Шамдаин бир гапдир одамизод ҳам,  
Қадамин ўйлаброк босса ҳар киши,

У дунё-бу дунё сира бўлмас кам.  
Бўйин бермаса-да ҳамият, ғурур,  
Юриш-туришингта сиртдан бокиб тур.

Тўкисликка даъво қилмоқ бекордир,  
Доно корида ҳам сахвлар бордир,  
Шуни унутма, э бандаи ғофил,  
Беайб биргина Парвардигордир.  
Сен гарчи чароғдек таратсанг-да нур,  
Барибир, ўзингга сиртдан бокиб тур.

Ғафлатда қолмай деб бирдамас-бирда,  
Хушёр қадам босар йўлбарс-да, шер-да,  
Сен лочин эмассан, бургут эмассан,  
Ҳой, одам боласи, ерда юр, ерда!  
Доим юзларингни ҳақиқатга бур,  
Сен ўзинг ўзингга сиртдан бокиб тур.

## **ЙИГИТ БЎЛСАНГ, ШУНҚОРДЕК БЎЛ!**

Йигит бўлсанг, шунқордек бўл,  
Бўл лочину бургутдек.  
Жонон қизлар, гулрухсорлар  
Тушларига киргудек.

Йигит бўлсанг, зўр ишларга  
Мардонавор шимар енг,  
Саботларинг, шиддатларинг  
Яшинларга келсин тенг.

Йигит бўлсанг, қоматларинг  
Қилмай кўз-кўз, намоийш,  
Пешонангдан терлар тўкиб,  
Севгилингга кўрин хуш!

Қизлар кўнглин билар бўлсанг,  
Унутмагин ҳеч шуни:  
Зебу зийнат мафтунимас,



Қизлар – мардлик мафтуни!  
Йигит бўлсанг, шунқордек бўл,  
Бўл лочину бургугдек.  
Жонон қизлар, гулрухсорлар  
Тушларига киргудек!

## ХАЛҚИМ

Бекорга кўксингни кермадинг, халқим,  
Эрк дея қиличлар сермадинг, халқим.

Гоҳида Муканна сиймосида сан  
Ўтларга бекорга кирмадинг, халқим!

Сен айро тушмассан зако йўлидан,  
Норасо йўллардан юрмадинг, халқим.

Илк ўзинг кашф этиб само сирларин,  
Бекорга Оқсарой қурмадинг, халқим.

Бу кун ўзбек яна машҳури жаҳон,  
Етти иқлим қилгай ҳурмадинг, халқим!

Сенга истиқлолинг кўшқанот бўлди,  
Яшинга тенг келсин суръатинг, халқим!

Сенга Оллоҳ берган ўз даҳоинг бор,  
Шаксиз ортиб борар қудратинг, халқим!

## НА ҚИЛДИМ...

Қўлим очиқ кетса, молу дунёсини на қилдим,  
Ҳаёт билан тенг тургувчи тиллосини на қилдим?

Майли, унга сажда айлаб топинсинлар ўзгалар,  
Бу матоҳнинг ул шайтоний имосини на қилдим?

Ҳакман дея, турфа-турфа ғавғоларга дуч келдим,  
Яна бошга тушадиргон савдосини на қилдим?

Ёлгон билан гохи сени овутмоқчи бўларлар,  
Бу кулдириб ўлдиргувчи шифосини на қилдим?

Дили бошқа, тили бошқа каслар ақл бўлурлар,  
Муллосифат бесубутлар дуосини на қилдим?

Тўғри сўзлаб бир бошимга минг бир бало оширдим,  
Басе, энди яна янги балосини на қилдим?

Дунё ғалат, чин дўст каму, озор бергувчи бисёр,  
Бу илону чаёнларнинг уёсини на қилдим?

Бир кун келиб дунё вафо қилар, дерлар, Охунжон,  
У дунёда бу дунёнинг вафосини на қилдим?



# Барот БОЙҚОБИЛОВ

Ўзбекистон халқ шоири  
(1937 – 2006)



\* \* \*

Юр, чиқайлик сайрга, дўстим,  
Соғинганман Сиёб бўйини.  
Тарк этайлик шаҳарни бир зум  
Кўрмоқ учун кўклам тўйини.

Капалакдай айлаб сайри гул,  
Боғлар аро кезайлик хуррам.  
Сендан фақат илтимосим шул,  
Биздан ризо бўлсин бу кўклам.

Кўлиңдаги чинни пиёла,  
Майли, менга тутмасин шароб.  
Юр, азизим, тезроқ Сиёбга,  
Май ўрнида ичайлик гулоб.

Ёшлигимиз ўтган гул боғлар  
Ҳар баҳорда бизни сўроқлар.

\* \* \*

Ургут чиноридан менинг қаламим,  
Қалбимнинг софлиги – булоқларидан.

Одамларин меҳри – ўтли каломим,  
Қаддим расолиги – алп тоғларидан.

Кўклам хандасидан – табассум, кулгим,  
Шеър битган қоғозим – сахий даласи.  
Кимё тупроғидан тўлган илигим,  
Нафасим – шифобахш субҳи сабоси.

Бедор сойларида – умрим кемаси,  
Чарх урган каптари – ўй-орзуларим.  
Тилидаги ғазал – севгим шеvasи,  
Чўккига кетган йўл – менинг изларим.

Таржимаи ҳолим – Ургут қиссаси,  
Шеърим – ургутликлар олтин бўсаси.

\* \* \*

Мевали дарахтга тош отар,  
Тошлардан бутоғинг синмасин,  
Шохингга калхатлар қўнмасин,  
Қисматинг ўйласам бош қотар.

Кўзимда қўрғошин ёш қотар,  
Майли, тош отганлар тинмасин.  
Мевангни еб туриб, тиғлансин,  
Бошингда бир куни тонг отар.

Вале тонг отгунча отиб тош,  
Тутундек ўрласа охларинг,  
Дардингга бўлгандек қайғудош.  
Хазондек ёнса гар боғларинг,

Сен бўлиб ўртада жон талаш,  
Қирқишиб кетмасин шохларинг.



\* \* \*

Эй менинг гўзалим, менинг фариштам,  
Сенга тушганида дастлаб нигоҳим,  
Юлдуздай бешумор балки гуноҳим,  
Эй менинг гўзалим, менинг фариштам.

Қалбингга туташдир менинг жон риштам,  
Эй менинг дилбарим, чашми сиёҳим,  
Бу чигал дунёда сенсан паноҳим.  
Қалбингга туташдир менинг жон риштам.

Жоним риштасини узма қалбингдан,  
Самони тутундек тутмасин оҳим,  
Офтоб ҳам куймасин сенинг қаҳрингдан.  
Севмаклик айб эмас, эй менинг моҳим,

Ишқимни ҳайдама кўнгил қасрингдан,  
Қалбингдир топинган менинг меҳробим.

\* \* \*

Инсон билан бирга яралган  
Бир чашма бор – мангу муқаддас.  
Ҳаёт боғи ундан кўрк олган,  
Сўлмоқни ҳам билмас бир нафас.  
Бу чашмага тушса хору хас,  
Киприги-ла териб олар кун.  
Юракларда кўзгаб зўр хавас  
Шайдо этган ҳаётга бутун.  
Ундан баҳра топмаган одам  
Туғилмаган онадан ҳали,  
Ёнмагандир кўзларида шам.  
Ишқ чашмасин сеҳри туфайли  
Танидигу ҳаётни, эркам,  
Бошланди чин муҳаббат сайли!

\* \* \*

Муҳаббат чироғи ёнмаса,  
Кўнгил уйи зулматдир.  
Дунё боғи ғурбатдир  
Муҳаббат чироғи ёнмаса.  
Муҳаббат чироғи ёнмаса,  
Кечган умр ғафлатдир.  
Яшаш бахтмас, кулфатдир,  
Муҳаббат чироғи ёнмаса.  
Муҳаббат инсонга қўшканот,  
Дунёни кўргувчи кўзидир,  
Авлодлар топинган бахт, нажот.  
Инсоннинг у айтар сўзидир,  
У билан гўзалдир бу ҳаёт,  
Муҳаббат инсоннинг ўзидир!

\* \* \*

Тонг билан кўрдим ёр юзида ханда,  
Кўзларим нурланди шарорасидан,  
Юрак туғён урди наззорасидан,  
Тонг билан кўрдим ёр кўзида ханда.  
Чиннидек жаранглар сўзида ханда,  
Кўнгилга бол томар иборасидан;  
Рухга жон югурар ишорасидан,  
Гул бўлиб яшнайти изида ханда.  
Бу висол айёмин айламай қанда,  
Маст бўлиб кўнгилнинг иштиёқидан,  
Бошимда чарақлаб куёш кулганда,  
Ҳайратланиб Ишқнинг ихтиросидан,  
Шеър айтгим келади ушбу чаманда,  
Ёр рози эрса бас ҳар мисрасидан!







## Жамол КАМОЛ

Ўзбекистон халқ шоири  
(1938 йилда туғилган)



\* \* \*

Бу жаҳонга сиғмаган  
кетсин, деган қоида йўқ,  
Истаганда гоҳи кетгайдир киши, гоҳида йўқ.

Не замон битгай ҳаётинг,  
қайда етгайдир мамот?  
Бу билим донода бўлмас, бу илм дохийда йўқ.

Келмадинг истаб жаҳонга,  
кетмак истарсен нега?  
Сенда бордир бу таассуб, дашт аро оҳуда йўқ.

Эй юрак, йўқдир ҳаловат,  
қайга кетди роҳатинг?  
Топмадинг излаб, валийларнинг қадамгоҳида йўқ.

Мен йўқотдим гавҳаримни,  
сўрмангиз, не эрди ул?  
Бир хусндирким, фалакнинг юлдузи, моҳида йўқ.

Йиғладим ҳам, сиктадим ҳам,  
лек ниҳоят англадим,  
Йиғларимдин менга бир суду самар, фоида йўк.

Келди ғойибдин садоким,  
Тангри даргоҳига бор,  
Йўк бирор ҳусни адоким, тангри даргоҳида йўк...

Эй Жамол, ер бор, куёш бор,  
не тиларсен, бор яна,  
Сенга ул Ваҳида йўқдир, сенга ул Воҳида йўк...

## ДУГОҲ

Хайёмки ичди нозанин ёри-ла шароб,  
Ой эрди гоҳ пиёласида, гоҳи офтоб.

Эй дўст, нишоти базмаро ўзни кам дема,  
Келтир най ила доира, ғижжаку рубоб.

Бир пиёла майдин туташди танга мунча ўт,  
Сол энди савти соз ила жонга инкилоб.

Бир ёр муҳаббати жоним оху зоридир,  
Тун-кечаларда улфатим роҳату азоб.

Эй гул, яширма, ул ниҳон сирринг айт менга,  
Қайдин етишгай сенга бу ноз ила итоб?

Ишқинг оҳини жаҳонда кимлар чекмади,  
Кимлар “Муҳаббатнома” деб ёзмади китоб?

Ёқди Жамолни нозанин ёр васли оташи,  
Ҳижрони этди оқибат бағрини кабоб...



## НИШОПУРДА

Манам сайёҳ бўлиб, сайр айлабон юрдим Нишопурда,  
Малаксиймо, ажаб гулчехралар кўрдим Нишопурда...

Чинорлар кўркига хайрон, атиргуллар аро сайрон  
Кезиб, гохи хаёллар гаштини сурдим Нишопурда.

Работлар бор экан, кирдим, хиёбонларга юз бурдим,  
Гурунг айлаб, ёронлар бирла ўлтирдим Нишопурда.

Кўнгил хушлаб наволардин, симирдим хуш ҳаволардин,  
Келармен, деб хаёлда ошиён кўрдим Нишопурда.

Баногоҳ осмон бўлди чароғон, чақнади юлдуз,  
Ажаб юлдуз экан деб термулиб турдим Нишопурда.

Дедим: кимсан? Деди: ёринг, фалаклар ичра дилдоринг...  
Паризодим, сени деб неча оҳ урдим Нишопурда.

Азизлар қисматин ўйлаб, муҳаббатдин савол айлаб,  
Куйиб эрдим, яна куймоққа улгурдим Нишопурда.

Жамолман, бир аламкаш деб, бухорий бир қаламкаш деб,  
Не бахтким, шайх Агтор ҳолини сўрдим Нишопурда...

## КЕЧА ЭЛ УЙҚУСИДА...

Кеча эл уйқусида, кўнглим биров қайғусида,  
Улки, мен қайғусида, осуда, ноз уйқусида...

Ҳар сафар ҳазрат Навоийдан ўкиб шу матлани,  
Ул санамни мен кўрармен кўзларим ўтрусида.

Уйқудин кўз очсаю кўзгуга юзни бурса ул,  
Йўқ ажабким, бир малаксиймо кўрар кўзгусида...

Тонг отарлар шуъласи юзларда зоҳирмиш, не тонг,  
Кўкда Зухродин нишон эрмиш кўзи жодусида.

Тонг билан Зухрони кўйгил, ойдан ахтаргил киёс,  
Хуснини кўргил унинг тунларда, ой ёғдусида.

Гарчи жоду кўзлари фаттон эмиш, жон офати,  
Жонга роҳатлар яшармиш лаблари кулгусида.

Эй Худойим, айлагил ишқу вафони унга ёр,  
Бўлмасин қайғу, аламлар қалбида, туйғусида.

Шоиро, айтдинг, париваш васфига сўз етмади,  
Таърифи топсин адо созандалар чолғусида.



# Тўлан НИЗОМ

Ўзбекистон халқ шоири

(1939 йилда туғилган)



---

## ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ

Истиқлол куёши порлайвер, порла,  
Ёғдуларга чўмсин жумлаи жаҳон.  
Само кенг, бесанок юлдузни чорла,  
Ёшариб бормоқда Туркистон, Турон.

Сенки абадийсан, мангусан, мангу,  
Фарзандлар қалбида ошиёнинг бор.  
Ўғлонлар шаштини тилаган туйғу,  
Сени ато қилган Аллох – мадаккор!

Биз мудом заминни бағирга босиб,  
Кунларни улаймиз, лаҳзалар санаб.  
Умр дарёсини бўлмайти тўсиб,  
Ўзиб бораётир қайси бир жаноб.

Енгил ҳой-ҳаваслар пасаяр охир,  
Дўсту ошнолар ҳам бўлолмас таянч.  
Тарих тан олмаса қанчалар оғир,  
Қанчалар аламли, қанчалар аянч?..

Кўк аро мудраган бир парча булут  
Қоп-қора чодирин гар ёйса бир дам,

Қанотин кокканда ёвқур бир бургут  
Ёмғирлар сочилиб, топади барҳам.

Юз ювиб покланур она табиат,  
Эрка ғунчаларда нозик табассум.  
Тенгсиз қўшиқ бошлар олий ҳамият,  
Шеърият улғаюр ғамгин ва маъсум.

Умидлар кулади, орзу етилар,  
Шодлик қайнаб тошар, киприкларда нам.  
Боғлардан боғларга илхом еталар,  
Тонг отар армонин битади қалам:

Амир Темур каби тўлишар авлод,  
Ҳақиқат шамшири ёвни тўсадир,  
Ўшал кун тирилуր Навоийдек зот,  
Тоғлар юксаладир, тоғлар ўсадир.

Дадил қадам ташлаб бораман шодон,  
Қаторим мустаҳкам, манзилим олис.  
Тўлан Низом номи айтилуր равон,  
Кимдур нима деяр, ким билар холис.

Менга аён бўлди энди кўп сирлар,  
Дунё ўйинлари турфа, хилма-хил.  
Хурликка бегона юраги кирлар,  
Элимга эл эмас ҳар қандай бахил.

Манманлик оқибат топади завол,  
Бевошлиқ қилганни жазоси тайин.  
Покиза кўнгиллар тўлин ой мисол,  
Уларнинг найи соз, оҳанги майин.

Тўққиз йил бошимда Ҳумо парвози,  
Тўққиз йил юртимда эрклиқ шамоли.  
Олам қулоғида Ўзбек овози,  
Навкирон дилларда миллат камоли.



Мардона яшайман белимни боғлаб,  
Зарра куч бўлай деб Ватан корига.  
Истиқлол куёши ёниб, чараклаб,  
Мени чорлаб турар ихтиёрига.

Майлига вужудим аланга олсин,  
Чўғланиб-чўғланиб, ёшлансин кўзим.  
Шул сўзим одамлар ёдида қолсин:  
Мустақил халқ билан яшайман ўзим.

Истиқлол куёши порлайвер, порла,  
Ёғдуларга чўмсин жумлаи жаҳон!  
Само кенг, бесанок юлдузни чорла,  
Ёшариб бормокда Туркистон, Турон!

## ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИМИЗ

Ўзбекистон нурга тўлди, кетди дил армонлари,  
Яшнади чўл, саҳролари, ерлари, осмонлари.

Белни боғлаб чиқди бул кун Мустақиллик тахтига  
Она юртим Ўзбекистон қизлари, ўғлонлари.

Мир Алишер, Мирзо Бобур, Нодира авлодимиз,  
Юртимизга хўп ярашиқ номлари, унвонлари.

Отахонлар, Онахонлар бу кунларга етдилар,  
Соғ-саломат бўлсин энди имонлари, жонлари.

Қаҳрамон халқ тинч, бахтиёр, мағрур яшар то абад,  
Тоғ-тоғ бўлиб осмон ўпар пахталари, донлари.

Боғ-роғлари жаннат мисол: шафтолизор, анорзор,  
Ойга монанд, кунга монанд ширмонлари, нонлари.

Ҳар кунидир мезбонлиги, дастурхонда ризку рўз,  
Ер юзининг ҳар жойидан энг азиз меҳмонлари.

Тилда алёр, дилда шеъру кўксимизда меҳри бор,  
Ҳар юракни яйратур чин хур Ватан фармонлари.

Мен Низомий куйлагайман, куйласин деб ёру дўст,  
Бастакору булбули, шўх хофизу хушхонлари.

### ИККИ ОҚИН ДАРЁ

Қуёшдан йўғрилиб, тоғларга тушар,  
Тоғлардан эврилиб, боғларга тушар,  
Боғлардан ўргилиб, ер узра жўшар,  
Ўлим не, билмайди, абадий яшар –  
Икки оқин дарё Аму билан Сир,  
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Жўшқин ирмоқчалар найлар чаладур,  
Найлар наволари кўнгил оладур,  
Кўнгил зарбларига юрак қалъадур,  
Юрак тўлқинлари тўлиб келадур –  
Икки оқин дарё Аму билан Сир,  
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Улар ғам чекарлар, оналар йиғлар,  
Оналар йиғласа, болалар йиғлар,  
Тошлар қўйнидаги лолалар йиғлар,  
Сахролар йиғлайди, далалар йиғлар:  
Икки оқин дарё Аму билан Сир,  
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Асрий армонларнинг силсиласи бу,  
Наинки силсила, оқ шуъласи бу,  
Тегина онанинг зўр алласи бу,  
Соҳибкирон Темур ашуласи бу,  
Икки оқин дарё Аму билан Сир,  
Бириси Навоий, бириси Бобур.







Тўлғониб оқарлар – борар жойи Халк,  
Мангу қароргоҳи ва саройи Халк,  
Шул сабаб, туркийлар бир кирови Халк,  
Башарият кўрки, Шарк чиройи Халк,  
Икки оқин дарё Аму билан Сир,  
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Олам харитасин қоқ ўртасида,  
Бу хил дарёлар йўқ бирортасида,  
Сиз, айтинг, кимлар бор ер китъасида –  
Бизнинг боболарнинг мартабасида!  
Икки оқин дарё Аму билан Сир,  
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Бири Фарҳод янглиғ гоҳо шиддаткор,  
Гоҳи Баҳромсифат, гоҳо Мажнунвор  
Бечора Оролга чопар беқарор,  
Бу қандай тақдирот, қандай сир-асрор,  
Икки оқин дарё Аму билан Сир,  
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Бу шундай ғаройиб тақдир шеvasи,  
Тилни тил, элни эл қилган меваси,  
Туркистон, Турондир қадим кемаси,  
Наслимиз қайғулар, ғамлар емасин,  
Икки оқин дарё Аму билан Сир,  
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Мен эса улардан бир томчи, холос,  
Шеърим қўлимдаги бир қамчи, холос,  
Ҳақ гапни айтувчи каломчи, холос,  
Тўлан Низом Сизга илҳомчи, холос,  
Икки оқин дарё Аму билан Сир,  
Бириси Навоий, бириси Бобур.





## Александр ФАЙНБЕРГ

Ўзбекистон халқ шоири  
(1939 – 2009)

\* \* \*

Сузаяпман, муҳаббат, олис  
Гулханлардан ўрлайди тутун.  
Сендан бўса олади юлдуз,  
Бу кирғокдан кетаман бугун.  
Қирғокқа ташлайман лангарчўп,  
Измига солади мовий сув.  
Тўлқинлари югурик, тўп-тўп,  
Дарё туби – адабий ғулув.  
Дарё бўйлаб оқим бетизгин,  
Тикиласан – самода кушлар.  
Тўлқинлар ҳам айрилиқ хиссин  
Сезган каби бир-бирин ушлар.  
Сирғалади бўзларинг қайноқ,  
Кўринмайди гулхан тутуни.  
Булутларнинг ортида – кирғок:  
– Кечир! – кўкка сиғмайди унинг.

\* \* \*

Кўклам ўтди – қабристонга келмадим,  
Бўсағада кўзим тушди ноғаҳон.

Кўкдан тушаётган қормас, билмадим,  
Онамнинг рўмоли эди шодумон.  
Ёхуд кўзларимга кўриндими у,  
Ҳовлимда – ноябрь. Сездим бу дамни –  
Туғилган кун. Туғилган кун эди бу –  
Ноябрь – таваллуд оғи онамнинг.

\* \* \*

Мен кимдан миннатдор бўлайин, кимдан –  
Борлиғимда ҳамон яшайди тирик  
мовийранг ва мунис бу азиз ҳовлим,  
эшиксиз подъездлар,  
настарин деворлар.  
Юрагимда севинч, қайғу югурик –  
Мен кимдан миннатдор бўлайин, кимдан?  
Онамга айтаман:  
– Тезда қайтаман.  
Кўршапалак қанотидан узилар шамол.  
Чордоқ деразаси.  
Ундан – томга бемалол.  
Жаранглаб кетади қизиган темир.  
Бошим узра – тубсизлик эмас,  
мен тубсизлик узраман гўё...  
Борлик – бетин. Кўринмайди тун.  
Оқади шомлар.  
Юлдузлар чарақлар тиниқ ва некбин.  
Айвондан сас келар: – Тўққиз... уйга кир...  
Онамни алдайман: – Ҳозир, ҳа, ҳозир...  
Ўша томдан тушиб бўлмас  
Қабрнинг лавҳи қадар.  
Қирқдаман...  
Унда ҳали тўққиз бўлмаган...  
Ундан кетмас баҳор, вақт ҳам бекадар.  
Айвон ва мовийлик.  
Онам айвонда...

\* \* \*

Туби йўк денгиздан бок,  
Юлдузлар ёруғ чакнар.  
Четлари кирра япрок,  
Шеърим асра жон кадар.

Айтиб бўлмайди барин,  
Хаёт сатрин бит, калбим.  
Тўқайзор сўкмоқлари,  
Кўл камишзори каби.

Ўрмон ялангликлари,  
Кушли, булутли, сайрок  
Шеърларим борган сари  
Сен билан қондош, япрок.

Авлодларга пок ҳиссим  
Элтиб бергувчи сасим –  
Шамол, барглар, денгизим  
Табассуми, нафаси.

\* \* \*

Нелар рўй бермоқда мен билан, билмам,  
Вақт отни сурдим азиз, мукаррам.  
Қирқ ёшимда ўтгиз ёшдай шод, хуррам,  
Элликда – элликнинг ярмидай кўркам.

Тасаввурга сиғмас қайси хато йўл,  
Гуноҳларим чизиб борар тақдирим.  
Мен ёшариб бораяпман йилма-йил,  
Дўстим, нима кутар мenden охирым?

## КЕНГЛИК

На гўзал далалар! Майсалар тоти!  
Онам изларида – оғрик беадад.  
Тиз чўкиб ўтади энди ҳаётим  
Онамнинг ҳаёти олдида абад.



\* \* \*

Кимни суйдинг ўтли дилинг яралаб,  
Келмас хузурингга йиллар оралаб.

Фақат баъзан-баъзан қай бир гўшада  
Бир жуфт байт тўқийсан, ана ўшанда

Тилларингдан кўчган сўзларни ёна  
Кимдир эслаб қолар, унутар яна.

Наҳот шунинг учун яшадинг узок?..

\* \* \*

Умринг бўйи ишонгинг келар  
Буюк бўлиб туғилганингга.  
Фаришталар ишора қилар  
Дея кўқдан сен келганингга.

Умр ўтди. Чанг-тўзон аро  
Билмай борми ё эдинг йўқдан.  
Еростига чорлайди садо,  
Лек ишорат бўлмади кўқдан.

\* \* \*

Кечикади поездлар баъзан,  
Учоқлар ҳам кечикар, аммо  
Чин кулфатдир мабодо инсон  
Айтар сўзи кечикса, илло.

Ўчиб қолган гулхандай ғамлар,  
Тамбаланган ойнадай бу кез  
Уни кеча кутган одамлар  
Каби сўз ҳам бўзлайди ёлғиз.

Олис боққан ўрмонлар ичра  
Маъюс тортар олис йўл пинҳон.  
Саф-саф тортган қабрлар узра  
Манзили йўқ, чексиздир осмон.

\* \* \*

Қувончни ҳам, қайғуни ҳам қўй,  
Ортингга бир карама – ўтгин.  
Неки бўлган бўлса – унутгин,  
Хаёлингга рўёларни суй.

Ачинмагин ўтар шуҳратга,  
Кузги титроқ кезган ўрмонда  
Қўмма бериб савол ҳар онда  
Бу майсалар, тошни ҳасратга.

Ёвшан исли елларни симир,  
Ёдингга тут гар шоир бўлсанг –  
Бу дунёда нима бор бўлса,  
У дунёда бўлмайдди, ахир.

\* \* \*

Апрелгача, алвидо.  
Очилган қўлларинг – висол.  
Уюм-уюм қор учкунлари  
севгилинг кафтидан бир умрга  
учиб кетаётир.  
Апрелгача, алвидо.  
Янги настаринли боғ  
ҳидлари анқигунча  
кезиндик  
қорда, куёшда.  
Омон бўлсин содиқ дўст – шаҳар.  
У бизни бошлади,  
сирларимиз – қалби.  
Қўлларида тутди бизни  
оғриқлари нафис мўъжиза каби.  
Сени эслаб... унутаман ҳам...  
Қўз ўнгимдан кетмайсан хуррам –



баргсиз дарахтзорда,  
куёш нурида  
севгидан бахтиёр.  
Елкангдаги ёпинчиғингда  
яркирайди январ куёши.  
Бу айрилиқ ишқ эди, асли.  
Лабларда музлаган бўсалар ёши.  
Апрелгача, алвидо.  
Бу апрел иккимиз учун ҳам –  
қайтмайди,  
қайтмайди,  
қайтмайди.

\* \* \*

Мени дея чекма изтироб,  
Яшаяпман мағрур, қадди тик.  
Елкам тутар собит Ишончим,  
Ёруғ кунлар қаршимда – тетик.

Кенгликларда гоҳ ёмғир, шамол,  
Ўрлар бўм-бўш дала ўтинчи.  
Юрагимга баргсиз шохлардан  
Мўралайди Умид соғинчи.

Ишонаман, умид узилмас,  
Зиналарда – ҳаётим изи.  
Тақдиримни мен-ла бўлишар  
Олис, аччиқ Муҳаббат ҳисси.

Хусуматдан холи дил тоза,  
Алам, ҳасрат сезинмас асло.  
Мовий кўкда тиниқ юлдузим  
Ойдин йўлга бошлайди, илло.

*Рус тилидан Ойгул СУЮНДИҚОВА  
таржималари*





## Ҳабиб САЪДУЛЛА

Ўзбекистон халқ шоири  
(1942 – 2005)

### НАМАНГАН ТОНГИ

Тун кулранг этагин йиғиштирмакда,  
Асрий чинорларнинг япроқларидан.  
Гул хиди омухта олма хидига,  
Тутар йўловчининг димоғларидан.

Айни пишиқчилик, сўритокларда  
Олтинранг хусайни кўрсатар жамол.  
Анвойи нашрати, сархил ноклардан  
Бутоқлар эшилмиш гўё мажнунтол.

Ўхшаши топилмас боғкўча кўркин,  
Гўё маъмур давр дастурхони бу.  
Боғбон қалби каби сахий ва тўкин,  
Миришкор меҳнатин чин нишони бу.

Тамбалар олинар дарвозалардан,  
Ташриф буюрмакда ахир кутли тонг.  
Тонготар палласи боғкўчаларда,  
Гулзорларда бесас ажиб бир оҳанг.



Чилвир сочин бошга чамбарак қилиб  
Ҳовли супиришар келинлар, кизлар.  
Улкан тандирларда олов ёқилиб,  
Нонвой иссиқ нонни, хў, боя узган.

Самовар қопқоғи шарақлаб турар  
Исроил повоннинг чойхонасида.  
Гузарлар қаймоғу қатикқа тўлар,  
Қишлоқлик дўстлардан тухфа-насиба.

Ойнадай ярқирар кенг асфалт йўллар,  
Ҳа, махсус машина сув сепиб ўтган.  
Тонг билан Тошкентдан поезд ҳам келар,  
Тонг билан бошланар меҳмондўстлик ҳам.

Меҳрин қориштириб пок ҳавосига,  
Чиройига чирой қўшар Намангон.  
Кўзгудир халқнинг муддаосига,  
Қатта тўйхонага ўхшар Намангон.

Қатик-қаймоғини, нони, гулини,  
Меваси, шеърини қилиб дастурхон.  
Шаҳрим кўкси узра қўйиб кўлини  
Тонгни қаршилайди, кутади меҳмон.

## ТИЗ ЧЎҚТИРИБ БЎЛМАС ЎЗБЕКИСТОННИ

Номардлар қавмига мард кўкси нишон,  
Бахиллар ҳамиша сахий пайида.  
Зиёдан ажалдай қўрқар зимистон,  
Қўрқоқлар курашда билмас қоида.

Майдонга чикмоққа оёғи титраб,  
Ортдан тош отишга ўрганган каслар –  
Коридан ажабга тўлма, мағрур қалб,  
Не тонг, тубанлигин қилади пастлар.

Мутелик занжирин чил-парчин килиб  
Кўкрагини тоғдай кўтарган Ватан,  
Фурурин дунёга байроқдай илиб  
Мадад олар буюк Темур рухидан.

Ватан мукаддасдир,  
Хурлик мукаддас.  
Юртдошим, хурликка тикканмиз жонни.  
Ёвузларнинг чиркин нияти абас,  
Тиз чўктириб бўлмас Ўзбекистонни!

## ОНА ҚЎЛЛАРИ

Кўксига сиғмасдан кувончи,  
Қийкириб эмаклар хонада.  
Болакай оёққа турмоқчи,  
Талпиниб ёлворар онага.

Завқланиб гўдагин кузатар:  
Журъат йўқ, бўлса-да дармони.  
Онажон қўлини узатар,  
Оёққа турмоқчи ўғлони.

Тирмашиб онанинг қўлига,  
Топади журъат ҳам, нажот ҳам.  
Бир олам бахш этар ўғлига,  
Қўлида парвозга қанот ҳам.

Ох, она қўлларинг бўлмаса,  
Оёққа туrolмас ўғлонинг.  
Ўғлонлар оёққа турмаса,  
Ҳоли вой бўларди дунёнинг.



## АЖАБ...

Инсон тафаккури лол этар мени:  
Унинг измидадир табиат, олам.  
Қаранг, сўриб олиб илон захрини  
Ундан кашф этибди бир ноёб малҳам.

Инсон табиати лол этар мени,  
Илоннинг захридан топару дармон –  
Нечун ништар санчиб заҳар тил билан  
Баъзан инсон жонин олади инсон?!



## Ойдин ҲОЖИЕВА

Ўзбекистон халқ шоири  
(1942 йилда туғилган)

---

### МУСТАҚИЛ ВАТАННИ БАХТ НУРИ ЧАЙСИН

Сумбула сувидай тиник бир Аёл  
Дунёни асрайди бало-қазодан.  
Юртнинг рўзғорида сен барака, бол,  
Қалдирғоч ниятли, умри озодам!

Ерни уйку деви алдаб, музлатар,  
Жонини илитгай Қавс яхоби.  
Қарри, соқов ерни қайта сўзлатар  
Дехқон юрагининг майин офтоби.

Оёғингда тилла кавушчалармас,  
Кирза этик кўрдим чўяндай оғир.  
Сумбул сочларингга шивирлаб минг сас,  
Ҳар йил ошиқ бўлар кўкламги ёмғир.

Ҳар йил шоналаган ғўза бошига  
Эгилдинг, унутиб полапонингни.  
Мен кўрдим: балхи тут боланг қошида  
Оғзига дур тутган саратонингни.



Сендан рози кетар шу кўхна кетмон,  
Бошингдан тер қуяр, чопик қиларсан.  
Эркақлар қочарлар шийпонни чоғлаб,  
Нозигим, сен қачон ҳордик биларсан?

Рўзғор – ғор дейдилар. Шу тубсиз ғорда  
Равшан бир чирокдай юрасан, бекам!  
Шу ғорни бутлагил деб биру борда  
Жонингни қирқ битта яратмиш эгам...

Тунлар без-без оғрир, ох, бармоқларинг,  
Дутор пардасида уйғонур нола.  
Аллага шайланса гул дудоғларинг,  
Мустақил Ватанинг етар камола.

Ўғлинг элга эга бўлиб улғайсин,  
Қизларинг малика бўлиб улғайсин.  
Шоҳу гадога ҳам оқ сут берган зот,  
Мустақил Ватанни бахт нури чайсин.

Борингга барака берсин илойим,  
Суянч тоғларингнинг хайрини берсин.  
Аёлманд Ватаним, жўжабир жоним,  
Меҳнатинг роҳати, мойини берсин!

Энди уйинг тўри ўзники бўлғай.  
Нонинг бутун бўлғай, ўзлигинг бўлғай!  
Энди оғзингдагин олдирма, халқим,  
Мустақиллик ёруғ юзлигинг бўлғай!

\* \* \*

Эркнинг зуваласи ўтдан қорилмиш,  
Булбул кўз ёшидан, сутдан қорилмиш,  
Шамол дояли булутдан қорилмиш,  
Булут, уйғотсанг-чи майсаларингни!



Ўтнинг «тиш»ларида пўлод гуллайди,  
Пўлод тигларида нажот ухлайди,  
Ҳар тонг бул нажотни умид йўқлайди,  
Пўлод, зулматга санч найзаларингни!

Булбулнинг кўз ёши кўл бўлди лим-лим,  
Сабр тошди сутдай, парт бўлди кўнглим,  
Менинг Гурур деган жонажон синглим,  
Уйғот бу хокисор майсаларингни...

## ЛАЙЛАТУЛ ҚАДР

Маним лайлу наҳор тиловатларим  
Темир том токига урилиб қайтар.  
Бу дунёда топган ҳаловатларим  
Меҳрим толасидан эшилган байтлар.

Бошимга ёғилган нури ҳидоят  
Бир ҳовуч чағир тош бўлди не замон.  
Такбир сасларидан уйғонди карахт,  
Қулоғи том битган даҳрий оломон.

Яратганга йиғлаб айтдим саловот,  
Ойдан, юлдузлардан хушхабар эсди.  
Қадр кечасидан тилаб саодат,  
Тушларимда гулихайрилар ўсди.

Кўзларни боғлаган афсун-синоат,  
Темир том устунни тутдай тўкилди.  
Гуноҳлардан фориғ Ерга иноят,  
Баракот гулхайри мисли экилди.

Эшигимни тутсам, тилло бўларди,  
Бешигимни тутсам, тилло бўларди.  
Бир қултум сув ютсам, тилло бўларди,  
Нима ният этсам, тилло бўларди.





Элимга чироғи Иймон тиладим,  
Дилимга шифойи Куръон тиладим.  
Чекил, ғафлат куфри, зулмат юҳоси,  
Эрк деган энг улуғ Эҳсон тиладим!

## ДАЪВАТ

Бу элнинг юраги мисоли чилтор.  
Қай пардасин чертсанг нола чиқаду.  
Куйласа, ўт тушиб жонига яқбор,  
Кулларида қанқус бола чиқаду!

Дарду балосига ўзи ошиғ эл,  
Куйган – кўшиқчию суйган – ўланчим.  
Ичганига кўз ёши қоришиқ эл,  
Ўзи бек, ўзлигига бўлган тиланчим.

Зардобнинг рангини, кўз ёш таъмини,  
Қуллик ҳасратини бу элдан сўранг.  
Ғам чўғида куйган пойқадамини,  
Занжир кулфатини бу элдан сўранг.

Бу улусдан сўранг тож пайларида  
Қулдан мерос сим-сим оғриқларини.  
«Гиря»сини тинглаб сурнайларидан,  
Қаҳрабодан сўранг сарикларини.

Елкасида тилсим қирқ қанотларин  
Шайтон бўлиб қирққан каслардан сўранг.  
Кўкка пайваст руҳи озодларини  
Ясавийдан келур саслардан сўранг.

Бу тўққиз фалакнинг аршига етган  
Оху вовайлоси «Минг бир кеча»дир.  
Бир зарга ботгану бир зорга ботган  
Улуским, дўзаху жаннат ичрадир.



Такдир ўтга отди, ёнғок бўлди ул,  
Токчада очилди ул гуликаҳках.  
Дарёга отдилар – балик бўлди ул,  
Қафасда тўтидай айлади чаҳ-чаҳ.

Чориклари бўлиб пиёз пўстидай.  
Ҳассаси игнадай ингичка тортиб,  
Озодлик деган нур кўприк устида  
Турибдир бу элат наъралар тортиб.

Елкасига унинг кун тушди ногоҳ,  
Димикқан бағрига тегди ҳур шамол.  
Кўрсаки, кўксида доғ устина доғ,  
Мақсадга етибди ранг-рўйи бир хол.

Кўзлари қамашиб, айланиб боши,  
Туродур Истиклол чорраҳасида.  
Эски мажруҳлари эсига тушиб,  
Қолар гоҳ изтироб исканжасида.

Жафокаш Ватансан, қад ростла, ҳайқир,  
Бир совуқ оҳ бўлиб чиксин фасодлар!  
Чакмоқ шиддати-ла чакна, тилга кир,  
Арслонюрак бўлғай руҳи озодлар!

Қадим чинорларнинг илдизларига  
Сингисин Истиклол оби нажоти!  
Ўлмас минорларнинг юлдузларига  
Айланиб порласин ойдин ҳаётинг!





Омон  
МАТЖОН

Ўзбекистон халқ шоири  
(1943 йилда туғилган)



---

ВАТАН МЕҲРИ

Парвоз этдим мен кушларга кўшилиб эркин,  
Оқ булутлар пешонамни ўпдилар силаб.  
Замин сеҳрин шунда қалбга жо этган эдим,  
Оқ хирмондан ҳар ёқамга толалар улаб.

Ўзбекистон – зўр табаррук маъволар юрти,  
Берунийлар, хоразмийлар, кубролар юрти,  
Етти иқлим мафтун бўлган наволар юрти,  
Ватан бирла миллатга жон фидолар юрти!

Янграганда чаманларда булбул овози,  
Гуллар абад рақсда бунда, капалаклар маст.  
Сир ва Жайхун онам меҳри туташ дарёлар,  
Қайга бормай, азиз нурлар жонимга пайваст.

Ўзбекистон – зўр таббаррук маъволар юрти,  
Бухорийлар, фарғонийлар, синолар юрти,  
Етти иқлим мафтун бўлган наволар юрти,  
Бизга мангу ижобатли дуолар юрти!

Ватан меҳри – хаёлларим узра биллур тож,  
Ватан меҳри – орзуларим рамзи бебаҳо,  
Ватан меҳри – иқболимининг олтин калити,  
Ватан меҳри – юрт кўкида чарх урган хумо!

Ўзбекистон – зўр табаррук маъволар юрти,  
Улуғбеклар, термизийлар, даҳолар юрти,  
Етти иқлим мафтун бўлган наволар юрти,  
Ватан бирла миллатга жон фидолар юрти!

## ИККИМИЗ

Кўш қирғоққа тушди уммон орзуси,  
Мавжларга ўн икки буржнинг ёғдуси.  
Ва, охир, бир ёна боқдик иккимиз,  
Битта дарё бўлиб оқдик иккимиз.

Бир ёна ёна етдик,  
Жон тикиб жона етдик,  
Фақат севгимиз боис,  
Гўзал замона етдик.

Уфқлар қуёшни ларзага солгандек,  
Қутблар қуёшни асрай олгандек...  
Ва, охир, бир ёна боқдик иккимиз,  
Тонг муждаси бўлиб балқдик иккимиз.

Хақни тавоб этдик тўксон тўққиз бор,  
Шу боис, дийдорга бўлдик сазовор.  
Ва, охир, бир ёна боқдик иккимиз,  
Ижобат эшигин қоқдик иккимиз.

Ишқ аҳли бир йўлда бўлсалар мудом,  
Замон охир бўлмас, туганмас инъом.  
Ва, охир, бир ёна боқдик иккимиз,  
Шукур, висол жомин тотдик иккимиз.

## ТОШКЕНТДА

Қаламим парилар йўнар Тошкентда,  
Йўлларим гулларга тўлар Тошкентда.

Бир оқ варақ кўрса, чақмоқлар тиниб,  
Меҳр ёғдусига дўнар Тошкентда.

Дунё кўрган қушлар қайта айланиб,  
Қанот покламоққа қўнар Тошкентда.

Ерга бир дон тушса деҳкон қўлидан,  
Минг жаннат гуллари унар Тошкентда.

Болакай бир нега бармоқ текизса,  
Кўрай, деб сабо ҳам тинар Тошкентда.

Шоший, Шайхонтоҳур руҳлари уйғок,  
Мангулик рамзидек ёнар Тошкентда.

Муқаддас Навоий кутубхонаси  
Тамаддун қудратин синар Тошкентда.

Ҳарки баргга қўнган битга шабнамга  
Қуёш ҳам кўзгудек инар Тошкентда.

Дунёвий эътироф нон шаҳри азал,  
Башарга ризку рўз тилар Тошкентда.

Эътикод меҳрибон, чин иймондандир,  
Келганлар таъзим-ла тинар Тошкентда.

Ҳали минг-минг ошиқ худди мен каби,  
Чинакам ишқ топиб, қўнар Тошкентда.

Қиш армони кетди қорда шу кунлар,  
Гул навбати навбахорда шу кунлар,  
Ҳар келган куш эътиборда шу кунлар,  
Кўзим йўлда, кўнглим ёрда шу кунлар,  
Тилим шеърда, қўлим торда шу кунлар.

Қиш кетдию паст жойларда музи бор,  
Ҳат ёзганнинг сиёҳимас, сўзи бор,  
Ер экканнинг юз ранжи, бир хази бор,  
Кўзим йўлда, кўнглим ёрда шу кунлар,  
Умр ҳикмати – даст бакорда шу кунлар.

Гулмих тегса, тош ҳам мазмундор бўлғай,  
Кимки ошиқ ўлса, мажнунвор бўлғай,  
Фақат ҳақ сўз элга маъжун қор бўлғай,  
Кўзим йўлда, кўнглим ёрда шу кунлар,  
Қадру киймат номус-орда шу кунлар.

Ўзбекистон – жаннат устахонаси,  
Не-не буюқ инсонларнинг онаси,  
Сенга боқиб, жаҳон кўзи ёнаси,  
Кўзим йўлда, кўнглим ёрда шу кунлар,  
Менда зўр бир ғурур бор-да шу кунлар.

## ЎЗБЕК ГЎЗАЛИ

Бу ҳусни тажалли осмондан эмас,  
Кўкка бу хил ишлар имкондан эмас.

Лабингдан шакл олди бичиқчи баҳор,  
Бу қирмизи ғунча бўстондан эмас.

Ҳикматлар ҳосили деҳқонникидир,  
Дона холинг бўлак хирмондан эмас.



Яралдинг бир катра соғинч ёшимдан,  
Кўз остимдан бўлак уммондан эмас.

Омон рост гапни ҳеч қарзга олмайди,  
Севдим, деганларим ёлғондан эмас.

## ИШҚ

Ишқ не дединг? Фазлу камолингдир ишқ,  
Кипригинг – ҳаёлиғ саволингдир ишқ.  
Тонг йўлига қуёш нафис зар ёяр,  
Орзу қанотида ҳаёлингдир ишқ.

Сенинг ишқинг билан дунё кезгум бор,  
Арш тоқига висол расмин чизгум бор.  
Рухимни гарчи чарх қаён сурмасин,  
Вафо аҳли билан мажлис тузгум бор.

Ҳижрон синар бўлса гарчи дошингни,  
Охим билан артай кўзда ёшингни.  
Нолам булбулларни лол айлагай, лол,  
Ҳаётда ҳеч эгик кўрмай бошингни.

Сени деб уйғондим,  
Сен бор учун ёндим.  
Исмингни биргина  
Айтиб мен қувондим,  
Дийдорга инондим...



## Рауф ПАРФИ

Ўзбекистон халқ шоири  
(1943 – 2005)

### ВАТАН

Дарё каби доимо уйғоқ,  
Интилишим тоғ қадар баланд.  
Олис йўлга отландим, бироқ,  
Меҳрим билан, муҳаббат билан,  
Эй, кўнглимга тугилган Ватан.

Хотиралар сўзлар ҳар бир тош,  
Эсдалиқлар ёғади осмон.  
Тирикликнинг шоҳиди куёш  
Эсламақдан тинмайди ҳамон.  
Онажоним, оҳ, Ўзбекистон.

Чақиради тоғлар, дарёлар,  
Яна йўлга чорлайди мени.  
Мени чорлаб куёшлар ёнар –  
Ўрганадир ёниш илмини,  
Чақиради тоғлар, дарёлар.

Ҳали, олдда қанчалар довон –  
Ўтгунимча то уни босиб,



Сўйла, наҳот битадир дармон,  
Кўзларимнинг тугар зиёси?!  
Ҳали олдда қанчалар довон...

Ўзбекистон, энг ширин бўса  
Каби лабларимда уриндинг.  
Мен олисга отланар бўлсам  
Юракларим бўлиб кўриндинг.  
Онажоним, оҳ, Ўзбекистон.

Дарё каби доимо уйғоқ  
Интилишим тоғ қадар баланд.  
Олис йўлга отландим, бироқ  
Сенга бўлган садоқат билан,  
Эй, кўнглимга йўғрилган Ватан.

\* \* \*

Чироқ. Чироқ ёнар бўзариб,  
Жим. Тинглангиз унинг куйини.  
У бир кўшиқ айтар дўстларим,  
Саҳаргача айтар куйиниб,  
Чироқ. Чироқ ёнар бўзариб.

Чироқ ёнар – севимли орзу,  
Чироқ ёнар – сўнгги йўқ ҳасрат,  
Севинчингиз каби ёнар у,  
Чироқ ёнар – энг гўзал қисмат,  
Чироқ ёнар – севимли орзу.

Чироқни тинглангиз, одамлар,  
Қаршисида эгиб туринг бош,  
Сизни куйлар у тонгга қадар,  
То навбатни олгунча қуёш.  
Чироқни тинглангиз одамлар...



\* \* \*

Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал.  
Майсалар эгилиб ўқийди китоб.  
Шодланиб хандалар отар бир лаҳза,  
Бир лаҳза оҳ тортиб қўяди офтоб.

Қамишлар шитирлар дарё томонда,  
Қўкда оқ булутлар кезар бемажол.  
Бир тирик нафосат айрилиб жондан  
Қимгадир эланар, этар илтижо.

Қимгадир эланар... севгилар унда  
Қалтираб порлайди шуълага ўхшаб.  
Бир қушча сайрайди менинг руҳимда.  
Мен сенинг исмингни билмайман қушчам...

\* \* \*

Яна қайтиб келдим. Чанг тўзган  
Йўлимизни соғиндим, она.  
Том устида майсалар ўсган  
Уйимизни соғиндим, она.

Азиз даргоҳ остонасида  
Сизни қалбим билан қучайин,  
Тўйиб-тўйиб сопол косада  
Муздеқ қудуқ сувин ичайин.

Ҳар бир нарса яқиндир менга.  
Ҳар бир нарса менга қадрдон.  
Қараб қолдингизми йўлимга  
Иссиқ нонлар узиб тандирдан?..

Қойимангиз мени бу сафар  
Унутди деб уйни, даламни,






Не чора бор дил ёнса агар  
Севиб қолсам бутун оламни.

О, қишлоқнинг мунис чиройи...  
Аччиқ пиёз тўғрайин ўзим.  
Дил соғиниб йиғлади доим.  
Ҳозир, майли йиғласин кўзим.

Тарғилланиб бормоқда осмон,  
Оппоқ хидга тўлмоқда бағрим.  
Айтингизчи, борми соғ-омон  
Шахло кўзли менинг тарғилим?

Оғушимда зангори сезги  
Кипригимда суюқ ҳаяжон.  
Кўзларимда юмалок севги  
Саломатман мен ҳам онажон.



## Анвар ОБИДЖОН

Ўзбекистон халқ шоири

(1947 йилда туғилган)

### ВАТАНЖОН

Балодан асрай деб тумор бўламан,  
Номинг улуғловчи шиор бўламан,  
Ухлаб уйғонгунча хумор бўламан,  
Ватанжон!

Сен ўзинг кулбамсан, сен ўзинг – олам,  
Сен ўзинг отамсан, сен ўзинг – болам,  
Ёшлигим – ўзинг, сен – бошда оқ толам,  
Ватанжон!

Меҳрингни кўрпадек ёпиниб ўтгум,  
Ҳар дарахт, тошинга топиниб ўтгум,  
Бағрингда юриб ҳам соғиниб ўтгум,  
Ватанжон!

Ўзимдан кўп сени ўйлайвераман,  
Бўйингни жаҳонга бўйлайвераман...  
Қабримда ҳам ҳуснинг куйлайвераман,  
Ватанжон!

## ТИНЧ КУН

Бизлар куравердик, бузаверди ёв  
Кўрғону уйимиз, кўшқу қасрни.  
Шаънимизни депсиб эзаверди ёв,  
Кўрмадик суронсиз бирон асрни.

Турон солномасин ўқир талаба,  
Саҳифалар гувлар жангларга тўлиб.  
Ҳар бир мағлубият, ҳар бир ғалаба  
Из солмиш “Тарихий воқеа” бўлиб.

Фитнага бой эрур ҳар битта замон,  
Жим турсанг-да чўзар қаттоллар бўйин.  
Тутмоқликдан кўра найзага қалқон,  
Тинчликни зоғ асрай билмоқлик қийин.

Бир ўйга чорлагай китоб якуни:  
Ичикамиз ёзга фақат қиш фасли.  
Бу юртнинг тинчгина ўтган ҳар куни  
Мислсиз Тарихий Воқеа асли.

## УЧЧАНОҚЛАР

Юртим токи мустақил,  
Халқим токи эмас қул,  
Болам ёлғон шеър айтмас.

\* \* \*

Тош буғланиб учмайди,  
Қуёш қулаб тушмайди...  
Тош бўла бил лоақал.

\* \* \*

Ёмғир тезлар ва тезлар,  
Ажиб ёқимтой сўзлар —  
Оқиб тушар тарновдан.

\* \* \*

Ҳасад қилмас бўлакка,  
Таянар пок тилакка,  
Ўзбек кучли шу боис.

\* \* \*

Оч ётганга емак бер...  
Ҳеч бўлмаса кўмак бер –  
Суяб элт бир Ҳотамга.

\* \* \*

Тўмарис чанг, довулда,  
Форс талаган овулда  
Туғилди тунд, йиғламай...

## БИР КЕЧА

Юлдуз билмас ушбу тун  
Ё сўнар, ё сўнмайди.  
Бу янги ой мен учун  
Ё тўлар, ё тўлмайди.

Боғ бағрида сой гувлар,  
Тўлқинлари дард кувлар,  
Бир бўсага ҳур сувлар  
Ё кўнар, ё кўнмайди.

Айлаб титроқ нур барпо,  
Дилда кезар то барно,  
Хаёлимга мол-дунё  
Ё кўнар, ё кўнмайди.

Чечак ҳидлар йўлчалар,  
Раҳмим жўшар бунчалар?  
Гулга ёш-ёш ғунчалар  
Ё дўнар, ё дўнмайди.

Ел басталар уқпар куй,  
Ойни рақсга чорлар ўй,



Эрга ҳам бу олий тўй  
Ё бўлар, ё бўлмайди.

Боқий Машраб ва ғазал,  
Мен сўйларман бир амал,  
Ҳар бир шеърим таваккал,  
Ё ўлар, ё ўлмайди.

## ЕР

Бўшлиқда тиргаксиз ғилдираб,  
Қанотсиз бўзлаган олам бу.  
Гоҳ Ойдан, гоҳ Кундан нур тилаб,  
Сарсон гиз-гизлаган олам бу.

Очилган баҳрими ўрмонлар,  
Тўккан кўзёшими уммонлар?  
Кўксида гар ўтли вулқонлар,  
Бош-пути музлаган олам бу.

Кўз-кўзлаб тошкинда қудратин,  
Тўфонга жо айлар шиддатин,  
Кашф этиб тоғларнинг ҳайбатин,  
Денгизни тузлаган олам бу.

Ҳокимдир қонунлар ўрнатиб,  
Панд едик баъзан эс ўргатиб,  
Минг аср ташвишин қўзғатиб,  
Ҳикматлар сўзлаган олам бу.

Тулпорни қамчилаб кистармиз,  
Фурсатдан ўзмокни истармиз,  
Пойгада лек қўпроқ музтармиз,  
Биздан ҳам тезлаган олам бу.

Дунё кенг, дўстим, сен торланма,  
Шаштига мос тушмай хорланма,  
Бир зум тин бергил деб зорланма,  
Ўзи тин излаган олам бу.



## Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Ўзбекистон халқ шоири

(1947 йилда туғилган)

---

### ВАТАН БАЙРОҒИ

Юрт байроғин ҳар жойгамас,  
Кўнглиннга эк. Кўксингни ўй.  
Ишлов бергин, юмшатиб тур,  
Илдиз отсин, кўрсатсин бўй.

То бу байроқ, Ватан, нурлар  
Ич-ичингга кетсин кириб,  
Токи ғаним – ватанхўрлар  
Ололмасинлар суғуриб.

Шундай ўргат қулни, хонни,  
Учмас қуш ҳам учар бўлсин.  
То байроқдан олдин жонни  
Бермоқ осон кечар бўлсин.

### СУВ УЗАТАР ТОМИРИМ

*(Амир Темури юбилейи кунларида ёзилган)*

Тоғлар энгашиб келар,  
Боғлар эргашиб келар,



Кушлар энгашиб келар,  
Рост бўлдими, бобожон,  
Юртга қайтаётганинг!  
Бизни кўзга илмаслар  
Илиб қайтаётирлар,  
Бизга қовоқ уйганлар  
Кулиб қайтаётирлар,  
Бўйларини бизга тенг  
Қилиб қайтаётирлар.  
Инсонни ҳам, элни ҳам  
Тоғлари бўлсин экан.  
Ҳар қандай кунда умид  
Боғлари бўлсин экан.  
Сен кетиб тоғсиз қолиб,  
Изғиринда изғидик.  
Япроқлардек бенажот  
Поймол бўлдик, тўзғидик.  
Ҳай дегани ҳажи йўқ,  
Болаларинг кирдилар.  
Боши бирикмас, оғзи  
Олаларинг кирдилар.  
Териб-териб кирдилар,  
Эриб-эриб кирдилар,  
Сени кетказиб, туркни  
Жон-жойига урдилар.  
Шундай урдилар, ҳануз  
Ўзига келолмайди.  
Тортилиб қолган тили  
Сўзига келолмайди.  
Кўз ёши кўкрагидан  
Кўзига келолмайди.  
Турк туёғи шу тахлит  
Ботқоқларга ботибди.  
Шундай кунда шоҳ Амир  
Юртга қайтаётибди!..

Қайтар турк дарахтимга  
Сув узатар томирим.  
Энди кўкаражакмиз,  
Гуллагаймиз, Амирим.

\* \* \*

Инсон аслан буюк, аслан бечора...  
Охим дилингизга йўл топса зора.  
Кўлингиздан келса, қилманг овора,  
Шул ёлғиз инсонни тухматга берманг!

Бир-бирини селу тошқин кўллайди,  
Қайда бўлса етиб, шошқин кўллайди.  
Бир-бирини бўри, кашқир кўллайди,  
Сиз уни синовга, мухлатга берманг!

Кўпдир замонларнинг кимор ўйини,  
Қирқадир одамнинг эни-бўйини –  
Кўлингиздан келса, кўринг тўйини,  
Уни ҳар қандай дор, хилқатга берманг.

Ўчмас деб ишонинг босган изига,  
Паноҳ деб ишонинг ўғил, кизига.  
Ўзига ишонинг, фақат ўзига,  
Тушунтириш хати, тилхатга берманг!

Нопок дунёсидан кетмасин тўйиб  
Десангиз юрагин ғижимлаб, ўйиб,  
Йиллар бўйи ўтмас пичокда сўйиб,  
Қадрсизлик деган калхатга берманг!

Инсон аслан буюк, аслан бечора...



## ОНА ЭЛИМ

Она элим, дўстингга дўсту  
Душманингга хавфу хатарман.  
Жилғалардай чулдираб ўсдим,  
Илдизингдан келган хабарман.

Ёнган они ё сўнган они  
Кетган борми меҳрингга қониб,  
Тонготарда сен деб уйғониб,  
Кунботарда сен деб ботарман.

Болам дединг ҳар коримда ҳам,  
Қувончиму озоримда ҳам.  
Бир кун... бир кун мозоримда ҳам  
Сени суйиб ўйлаб ётарман.

Сув сўрасам, Сен узатдинг бол,  
Бир ғунчанг ҳам кетмасин увол.  
Билмагин деб тоабад завол,  
Боғларингга бўйлаб ётарман.

Камон, ўкли бўлгин, бўлма кам,  
Гўдакларинг кўрмасин деб ғам,  
Ёнимдаги шерикларга ҳам  
Пичир-пичир сўйлаб ётарман.

## БИР КУН ЯШАЙ...

Ё бор Худо, жафо берсанг,  
Навоийнинг жафосин бер.  
Вафо берсанг, Қурбонжоннинг  
Туркий қавмга вафосин бер.

Гарчанд бир ожиза – қуйган,  
Қирк ямоқ бўз кўйлак кийган,

Жуфтин Худо янглиғ суйган,  
Анбар она капасин бер.

Девонига бош кўйиб жим,  
Нодира деб оғди эсим.  
Би-и-ир ўралиб олай исин,  
Моҳларойим кўрпасин бер.

Учирдингу шеър отида,  
Кўп сир кўрдим турк зотида.  
Жон берай зиёратида –  
Яссавийнинг каъбасин бер.

Бир кун яшай, кўнглим дерки,  
Майли бир кун. Эркин-эркин.  
Бир Машрабий юрак бергин,  
Машрабнинг бир нафасин бер.

## ВАТАН ДЕБ

Кўзи ёшлиларни кўп кўрдим ғоят,  
Диллар бор, ҳар нарса ўксинтиради.  
Йиғлашга мойилни йиғлатар ҳаёт,  
Синишга мойилни... у синдиради.

Кўкрак қафасингда яшаса йўлбарс,  
Ўлгач ҳам ўкириб турса бўлади.  
Ҳар бомдод Оллоҳдан олиб турса дарс –  
Оллоҳ билан бирга юрса бўлади.

Ўғлим, кўз ёшинг арт, сўзимни уккин,  
Менам “алп туғдим”, деб кўкрак керайин.  
Ёш тўксанг озодлик учун ёш тўккин,  
Йиғласанг “Ватан” деб, йиғла, кўрайин.

Бошка ҳолатларда кўз ёши увол...



## Жиянбой ИЗБОСКАНОВ

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон  
халқ шоири  
(1949 йилда туғилган)



---

### ЯХШИ ТИЛАК ТИЛАНГ

Яхши тилак тиланг, ёру биродар,  
Ширин орзу-армон доим бор бўлсин.  
Севгилим, меҳрингдан меҳрим нур олар,  
Бизга тангримизнинг ўзи ёр бўлсин.

Лабларинг гул эди, кўзларинг қаро,  
Қанча йиллар ўтди ҳижронинг аро,  
Сочимиз окарди кузда тобора,  
Бошимиз қишда ҳам қалин кор бўлсин.

Ҳаётинг бўстондир, гулзор гўшадир,  
Ҳижрон дарахтидан япроқ тушадир,  
Йиллар ўтган билан кўнглим ўшадир,  
Ҳар бир кадамингга оғанг зор бўлсин.

Шукурким, умрдан ризқ-насибам бор,  
Худодан қарзимга эрурман иқро,  
Ҳаёт конунини айлаб барқарор,  
Бизлар кетган билан дунё бор бўлсин!



\* \* \*

Сенга, олисларда қолиб кетган киз,  
Қирк йиллик дардимни айтсам, деб эдим.  
Сен учун, ушбу кун қадринг ўтган киз,  
Ўн саккиз ёшимга қайтсам, деб эдим.

Қайда ўшал йиллар армони – хатлар,  
Кузги япроқлардай тўкилган додлар?  
Бу қандай тебраниш? Кўнглим қанотлар!..  
Ўн саккиз ёшимга қайтсам, деб эдим.

Дунёнинг адоғсиз ҳасрат-дардлари  
Кўнглимга ботганда берган пандлари,  
Азизам, сиримни ёйиш шартмиди?  
Ўн саккиз ёшимга қайтсам, деб эдим.

Афу эт бандангни, эй Танграм, дерман,  
Шоирнинг қисмати доимо – армон!  
Юрак чўкқисидан кетмас қор – хижрон,  
Ўн саккиз ёшимга қайтсам, деб эдим.

\* \* \*

Уммонда улкан айсберглар  
Туманларда обдон музлайди.  
Тўкнашса ҳам “Титаник” агар,  
Синмайди ҳеч, синин бузмайди.

Эримайди нур тушганда ҳам,  
Улар менинг кўнглимдаги ғам.  
Ҳаётимнинг “Титаник”лари  
Урилади унга дам-бадам.

Музлайди дард, ўхшар пичоққа –  
Ўткир тиғлар кўксимга ботар.  
Қотиб қолганидан юракда  
Айсбергларим суришиб ётар...



\* \* \*

Бўларман деб эдим сенинг булоғинг,  
Ишонгил! Сен учун оқмайман энди.  
Бир бора қайрилиб боқмайман энди,  
Савил қолдирса ҳам мени фироғинг.

Туйғум майсалари қувраб, эзилди,  
Қайтиб келмас, ахир, кўклам биз учун.  
Сўнгги умидимдан айрилдим бугун,  
Ишқим армон бўлиб қолади энди.

## ПУШАЙМОН

Тилимни тиймабман – дил топди озор,  
Дилимни қийнабман – зил топди озор,  
Ундаги бир нафис гул топди озор,  
Афу этарсанми, яратган Эгам?

Нафсинг итлари босди тузимни,  
Ёки ёғ босдими икки кўзимни –  
Ўзимни ўйладим, фақат ўзимни,  
Афу этарсанми, яратган Эгам?

\* \* \*

Бу ҳаёт ўтаётир  
Биз билан ёқалашиб.  
Қайғуси кетаётир  
Шодликка аралашиб.

Ўйландим, окил бўлдим,  
Сабоғи бошга тегиб.  
Баъзида ғофил бўлдим,  
Манглайим тошга тегиб.

Дўст бўлсин – жондай бўлсин,  
Кўп одам мендай эмас.

Мен каби қандай бўлсин? –  
Беш бармоқ тенгдай эмас.

\* \* \*

Оқил айтди демагин:  
Билмайсан-ку ҳали сен –  
Яқин деган жўранинг  
Икки юзи бўларин...

Ундайлардан қочиб юр,  
Ҳам орангни очиб юр.  
Ютқазсанг ҳам, ёнсанг ҳам,  
Ёлғиз ўзинг қолсанг ҳам.

\* \* \*

Боғлар агар қуриб қолган бўлмаса,  
Ҳар йил мева солар. Сени нетамиз?  
Юрагингда орзу-армон бўлмаса.

\* \* \*

У совуққон бўлса ҳам, майли...  
Не ишим бор, десам ҳам, бироқ  
Туни билан уйқум келмайди...

\* \* \*

Кузнинг сўнгги ойларининг тумани –  
Фалакнинг гардиши, тақдир ҳақида  
Оғир ўйларининг қат-қат гумони...

*Қорақалпоқчадан Рустам МУСУРМОН  
таржималари*



# Усмон АЗИМ

Ўзбекистон халқ шоири  
(1950 йилда туғилган)



---

## МАКТУБ

Сенга ҳеч нарса қилолмадим,  
Ватан.

Фақат дардкашинг бўлдим:  
жоним оғриди,  
умрим қискарди —  
телбавор тўлғондим  
оғриқларингда.

Йиғласанг,  
кўз ёшинг  
юрагимга тушди;

Кувонсанг,  
кувончинг  
кўзларимга.

Ҳа, яна...  
Шеърлар ёзаркан,  
кўнглингни қурдим —  
росту чин мақомида.

Шу.  
Мени кечир.  
Берадиган бошқа хеч нарсам колмади.

Энди  
фақат  
бир ховуч  
тупроғингга айланмокчиман,  
Ватан.

\* \* \*

Агар дўстинг ноҳақ эрса,  
Ҳақ сўзингни айтабер –  
Дўстлик сени ерга урса,  
Кўтаради каро ер.

Агар ёринг ноҳақ эрса,  
Ҳақ дилингда юравер –  
Севги сени ерга урса,  
Кўтаради каро ер.

Агар отанг ноҳақ эрса,  
Ҳақ йўлингда боравер –  
Отанг сени ерга урса,  
Кўтаради каро ер.

Агар юртинг ноҳақ эрса,  
Ҳақ руҳингда қолавер –  
Юртинг сени ерга урса,  
Кўтаради каро ер.

Агар элинг ноҳақ эрса,  
Ҳақ рўзингда қолавер –  
Элинг сени ерга урса,  
Кўтаради каро ер.

Агар дунё ноҳақ эрса,  
Ҳақ дунёнгда турабер –







Дунё сени ерга урса,  
Кўтаради каро ер.

Тангри билан кўнгил боғла,  
Кўнгилни ич, бўлгин маст...  
Агар сени худо урса,  
Болам, ер ҳам кўтармас.

\* \* \*

Кувонч билан эдим,  
Кувонч кетди –  
Ташвиш билан қолдим.

Ташвиш билан эдим,  
Ташвиш ўтди –  
Қайғу билан қолдим.

Қайғу билан эдим,  
Қайғу ютди –  
Дунё билан қолдим.

Дунё билан эдим,  
Дунё чўкди –  
Севги билан қолдим.

Севги билан эдим,  
Севги унутди –  
Ҳижрон билан қолдим.

Ҳижрон билан эдим,  
Ҳижрон йикитди –  
Армон билан қолдим.

Армон билан эдим,  
Армон тинитди –  
Кўнглим билан қолдим.



Кўнглим билан эдим,  
Кўнгил юксалди –  
Ўзим билан қолдим.

Ўзим билан эдим,  
Ўзни йўқотдим –  
Оллоҳ билан қолдим.

## ТУРФА ОСМОНЛАР ҲАҚИДА ШЕЪР

Бировнинг осмони  
чексизлик қадар юксакда.

Бошқанинг осмонига эса  
Кўл ҳам етади.

Кимдир эгилиб  
яшаяпти  
осмонининг остида.

Кимдир осмонини  
ноилож  
кўмган.

Сенинг  
осмонинг эса  
оёғинг тагида –  
тепкилаб юрибсан,  
нодон одам.

\* \* \*

Гулхан ёнар тун ўртасида,  
Кўйлақлари куқун – яланғоч.  
Қоронғунинг қоқ ўртасида  
Зулумотни ямлаб ютар – оч.





Шиддат кўпдир арча ўтинда –  
Юзни ўтди учқуни тирнаб.  
Ўлтираман суяниб тунга,  
Ўмганимни ёриққа тираб.

О, даҳшатли дунёман ҳозир:  
Асир тушди зулматга елкам,  
Ёруғ эса – азиз хавотир –  
Иссиқ бағрин кўксимга берган.

Кўйиб юбор, кўй кифтимни, тун!  
Нохос қарор кўзғолди танда...  
Тундан озод бўлмоқлик учун  
Бир маскан бор фақат... Гулханда!

Чўкиб борар юрагим мунгга –  
Сен нимасан жонда уринган?  
Орка миям суянган тунга,  
Ёруғликка руҳим урилган...

\* \* \*

Қор устига ёғар қор.  
Отни ўлим қувлади.  
Энг даҳшатли ярадор –  
Бўри ноҳос увлади.  
Йиртқич – мудом ярадор,  
Қасос! – ўртанар қони.  
Қор устига ёғар қор –  
Мангу қорнинг давоми.  
Шамолда от кўзидан  
Шовуллаб оқди учқун –  
Телбалиги кўзиган  
Қишни ёндирмоқ учун.  
Камарларда – бепарвоз  
Какликларнинг заволи...  
Изғирин. Совуқ. Аёз.  
Муз асрининг давоми.



Даштда сағирдир кўркинч.  
Даштда – кўйлакчан хаёт.  
Увлайди мангу йирткич.  
Елиб борар мангу от.  
Уларнинг ўртасида  
Мувозанат чизиғи,  
Бу мангу ўрдасида  
Ўлим борар исиниб.

\* \* \*

Бу дунёда мастур-мастур  
Яшаб ўтмоқ шарафли.  
Сен ўзингсан буюк дастур –  
Ҳаёт, куйгин шаробни.  
Тугамайсан – буюк хумсан,  
Ичдим – кўнглим фалакдир.  
Мангуликдан келган унсан –  
Тинглаб кўнглим ҳалакдир.  
Қай пардада маст бўлайин  
Асрорингга етмоққа?  
Менинг умрим мендан олис  
Бир тарафга кетмоқда.  
О, умримнинг тўлқинлари  
Чексизликдан нарида...  
Неча қават осмон бордир,  
Ҳаёт, ернинг қаърида?



## Хуршид ДАВРОН

Ўзбекистон халқ шоири  
(1952 йилда туғилган)



---

### «ДЕВОНУЛ ЛУҒАТИТ-ТУРК» ОҶАНГЛАРИ

#### I

Кетаман «Девонул луғатит-турк»ка,  
Ҳасратим, қувончим олиб кетаман.  
Мозийни бугунга, заминни кўкка,  
Қалбимни «Девонул луғатит-турк»ка  
Улай деб кетаман, бир кун етаман.

Қояларга чиқиб қушдек боқаман,  
Кўкшин япроқларда нурдек оқаман.  
Қора кўк чодирин сўз билан тилиб,  
Манграйган чакмоқни оламан юлиб,  
Кўксимга тилмочдек уни тақаман.

Қоп-қора тун чиқиб келар ботордан,  
Қип-қизил кун чиқиб келар туғордан.  
Уларга басма-бас елиб бораман,  
Бойчечаклар чанқаб чиқар қошимга,  
Томиримни ёриб, қоним бераман.



Арккўзлардан ҳатлаб, сойларни ичиб,  
Ятика шуъласин боламдек кучиб,  
Ўтлоқлар қўйнини охудек кечиб  
Етаман – эшикни аста чертаман,  
Кошғарий чиқади эшикни очиб.

У айтмас: – Шайтон, – деб, у айтар: – Баёт.  
У айтмас: – Ўлим, – деб, у айтар: – Хаёт.  
У айтмас: – Кечам, – деб, у айтар: – Эртам.  
У айтмас: – Бугуним. Айтар: – Будуним.  
– Хайр! – демас. – Салом, – дер, – салом, набирам!

## II

«Девонул луғатит-турк»да куёш сочар нур,  
Кўкшин япроқларда янграйди баҳор.  
Туманлар силжийди мисли оқ уюр,  
Барчин булутлару ўтлоқлар бедор.

«Девонул луғатит-турк»да сайрар сандувоч,  
Тотлиғ кўшиқларин айтар сандувоч.  
Қарғилоч айланур, қимиз тўла меш  
Шивирлар: – Соғинчни сўқмоқларга соч!

«Девонул луғатит-турк»да оқарар тунлар,  
Ябкинлар қўйнида елар қулунлар.  
Ям-яшил ўтларни қўмитиб шамол,  
Ёмғир тақиб кетган дурларни юлар.

«Девонул луғатит-турк»да очун ёруғдир,  
Йўллар хўб узундир, юлдузлар йирик.  
Етмоқлик – гумондир, кетмақлик – зарур,  
Юраклар – долғали, орзулар тирик.

\* \* \*

Далаларнинг қоқ ўртасида  
Еру осмон аро бир эртақ –

Юлдузларнинг майин сасидан  
Тебранади оппоқ беланчак.

Ухлаб қолар ҳориган ота,  
Ухлаб қолар теримчи сулув.  
Ухлаб қолар чорбоғ ортида  
Арикчада жилдираган сув.

Фақат қора кўзларин очиб,  
Ҳайратларга тўлдириб қучоқ,  
Онасига ўхшатиб, ойга  
Талпинади ойдек чақалок

Ва меҳрдан ийиб, кўксини  
Чақалокқа тутар ой хушҳол,  
Сўнг аллалар айтиб, ўксиниб  
Беланчакни тебратар шамол...

\* \* \*

– Мен севаман, – шивирлар аёл, –  
кирларингни ювиб бераман,  
дазмоллайман кўйлақларингни  
сени кучган қўлларим билан.

Фақат бир кун тўшакда ётиб,  
қулоғимга шивирласанг бас:  
– Юрагимнинг остида кимдир  
худди сендек олмоқда нафас...

\* \* \*

Мен дарахтга айландим тунда  
ва аксимни кўрдим осмонда.

Юлдузларни шохимга ўраб  
боқдим: наво оқди ялтираб.

Капалакдай ухлади дунё,  
ухламади мен каби дарё.

Мен дарахтга айландим тунда –  
тонгга қараб ўсди шохларим.

\* \* \*

Дала кезиб оғир ўй билан,  
Тўхтаб қолдим ҳайратдан бирдан.

Қандайдир бир сирли ҳаяжон  
Юрагимни чулғади шу он.

Уриларди димоққа бир ис –  
Қулоқ солсам, қуйларди ялпиз...

## ҲАҚИҚАТ

Қанча ўрамасин кўнгли коралар  
Баланд девор билан ёзнинг боғини,  
Барибир бағри кенг, сахий олмалар  
Кўчага узатар шиғил шохини.

\* \* \*

Қирларни кезаман...  
Дарага тушиб,  
Ўтлоққа ястаниб ўйга толаман  
Ва бирдан... ёмғир ювиб ўтган қадимий йўлда  
Муқанна изини кўриб қоламан.

## ВАТАН ТАРИХИ

Узоқдан келяпман – қонли жанггоҳдан,  
Юзимда изи бор ёғий қиличин.  
Узоқдан келяпман, жуда узоқдан,  
Ўғлим ярасини боғламоқ учун.





## ТОНГ

Туннинг томоғидан кирқди  
Хўрознинг кип-қизил овози.  
Деразалар қанот чикарди,  
Кўзларида акс этди борлик.

## ЎғЛИМ ТЕМУРГА

Ўғлим, бу ер –  
Бизнинг еримиз,  
Ўзимизнинг еримиз.  
Кўрқмасдан қадам ташла.  
Ер жуда қаттиқ –  
Боболаринг қони қотирган уни,  
Момоларинг кўзёши қотирган.  
Ўғлим, бу ер –  
Ўзимизники,  
Ҳадиксирама, ишонгин отанга,  
Ҳадеб қарайверма орқанга.  
Йиқилсанг, кўтарар сени бу тупрок.  
Йиқилсанг, турмоқни ўрганасан,  
Турмоқни ўрган, ўғлим.  
Йиқилсанг, эмаклама,  
Эмаклаганим етар, ўғлим.  
Қад тиклашни ўрган,  
Шунинг учун бизга берилган  
Бу ер – бу Ватан.

## ШАШМАҚОМ

Кўхна ғорда кўмилиб ётган  
Шаробдайсан – тотдим, биламан.  
Сен ханжарсан кўксимга ботган,  
Суғуриб олсалар, ўламан.

\* \* \*

Япроқ учиб тушди дарахтдан,  
Аммо ерга тушмасдан учди.  
Айрилгандек муқаддас тахтдан  
Наҳот уни аламлар кучди?

Ҳей, сен япроқ,  
Қайга учарсан,  
Қарамасдан бўрон қорга?  
Товуш чикди бўрон ичидан,  
Шивирлади япроқ: “Баҳорга...”

\* \* \*

Боғларни кўр зулмат кучган паллада  
Бир ўзим турардим чексиз далада.

Менинг кўзларимга боқарди маҳзун  
Олис-олислардан оқиб келган тун.

Тоғларнинг қизарган елкаси узра  
Булутдек кўпчирди ваҳший бир узлат.

Шу узлат қўйнида бир Юлдуз порлаб,  
Менинг юрагимни турарди чорлаб.

Мен унга индамай кулиб турардим,  
У қайғум эканин билиб турардим.





## Маҳмуд ТОИР

Ўзбекистон халқ шоири  
(1952 йилда туғилган)



---

### ОТА УЙ

Ота уйнинг файзи бўлак,  
Ҳар қаричда нури бор.  
Онанг кутиб олмаса ҳам,  
Дуоларнинг дури бор.

Ота уйнинг файзи бўлак,  
Қадам босиб тўймайсан.  
Онанг кутиб олмас, аммо  
Ўлганига кўнмайсан.

Ота уйнинг файзи бўлак,  
Отанг каби улуғ уй.  
Онанг кутиб олмаса ҳам,  
Вафоларга тўлик уй.

Ота уйнинг файзи бўлак,  
Гувалақдан қилма ор.  
Онанг кутиб олмаса ҳам,  
Ўғил-қизинг бошлаб бор.

Ота уйнинг файзи бўлак,  
Бўлмаса ҳам кошона.



Онанг кутиб олмас, вале  
Руҳи бўлар парвона.

Ота уйнинг файзи бўлак,  
Болаликнинг танчаси.  
Ота уйни қўмсар юрак,  
У Ватаннинг парчаси.

## СЎРАМА

Мен тошларнинг тилиман,  
Мен кўнгилнинг гулиман,  
Бу дунёнинг гилиман,  
Мендан мени сўрама.

Тиллоси йўк бой надур,  
Эгилмаса ёй надур,  
Сув оқмаса сой надур,  
Мендан мени сўрама.

Офтобга эргашмасанг,  
Ер билан йиғлашмасанг,  
Тиғ билан тиллашмасанг,  
Мендан мени сўрама.

Сен етмаган йўлдаман,  
Сув кирмаган чўлдаман,  
Бир майсаман, дўлдаман,  
Мендан мени сўрама.

Ҳар дарёнинг боши бор,  
Ҳар кўзнинг ўз ёши бор,  
Ҳам табибман, ҳам бемор,  
Мендан мени сўрама.

Тўкилмасам, тўлмайман,  
Қор кўйнида гуллайман,

Мен шунчаки ўлмайман,  
Мендан мени сўрама.

Кундан тунни сўрама,  
Қўрдан кулни сўрама,  
Мендан дунё сўрайвер,  
Мендан мени сўрама.

## ЛОЛА

Баҳор кўксидаги куёшсан, лола,  
Баҳор кўзидаги кўз ёшсан, лола,  
Қорларнинг изига сочилган коним,  
Баҳор бағридаги бардошсан, лола.

Қизарган қувончдан ранг олган, гулим,  
Гоҳ ўз жамолидан танг қолган, гулим,  
Бунчалар гўзалсан, бунчалар сўлим,  
Дилпора дилларга дилдошсан, лола.

Келишинг қувончдир, кетишинг нола,  
Оҳ бунча қисқадир умримиз, лола.  
Кўзимга суртайин, кўксимга босай,  
Қайта кўришгунча, лолажон, лола.

Ёдимда гуллайсан кетганинг билан,  
Додимда гуллайсан кетганинг билан,  
Мен сени соғиниб йўқлайвераман,  
Қонинг атиргулга тутганинг билан.

## МОМО ЕР

Шамолларнинг шокиласи дарахтларнинг бўйнидадир,  
Тоғлар тошин дил изхори ирмоқларнинг ўйнидадир,

Ошик булбул сир, хандаси ғунчаларнинг кўйнидадир,  
Айтар сўзим сувратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

Майсаларинг шивирлашди, тизлар чўкдим, кулок бердим,  
Билмай босиб чумолини, гуноҳимга сўрок бердим,  
Ватан не деб сўрганларга бир кафтгина тупроқ бердим,  
Менга Ватан сийратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

Турналарнинг туморлари яратганнинг ўзидадир,  
Кимки поклик ахтарибдур – ҳалол топган тузидадир,  
Гар гуноҳи, савоби бор бандасининг изидадир,  
Покдомонлик журъатини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

Куёш кўкда сен деб яшар, ой бошингда ўргилади,  
Кўрдим ҳар тун минг-минг юлдуз этагинга нур элади,  
Чимдимгина лойинг билан қалдирғоч бешик беледи,  
Бу дунёнинг ҳайратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

Сенда унган ҳар бир гиёҳ яратганга сано айтар,  
Кўкка етган тераклар ҳам куни битса сенга қайтар,  
Муҳаммадга уммат Махмуд кафти куйиб дуо айлар,  
Ошиқликнинг кудратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

## НЕ ҚИЛАЙ

Жиндак яхшидурман, жиндак ёмонман,  
Балки яхшилигим учун омонман.

Жиндак жунунвашлик, шоирлигим бор,  
Кимдир ор қилади, кимлар ифтихор.

Гоҳ корин қайғуси қозонга бошлар,  
Гоҳ кадр қайғуси кўзларим ёшлар.

Гоҳ кўнглим кўкласа савти самоман,  
Жиндак дилим чўкса, бир бенавоман.

Гоҳида мафтунман битта сўзимга,  
Гоҳ ёкмай қоламан ўзим-ўзимга.

Жиндак яхшилигим оширгувчи сен,  
Жиндак ёмонлигим яширгувчи сен.

Гоҳида қайғунгман, гоҳи хандангман,  
Ё раббим, не қилай, битта бандангман.

## ЛОЛАЛАР РАНГ СЎРАБДИ

Менга олов керакмас,  
Ёнаётир юрагим.  
Лолалар ранг сўрабди,  
Қонаётир юрагим.

Ассалому алайкум,  
Толиқмаган тилагим.  
Мен кўксимнинг кўкидан  
Оқ ниятлар элагум.

Жисмимдаги жоним-ов,  
Азроилга керагим.  
Булбуллар бешигига  
Келар сени белагим.

Чақишади чаёнлар,  
Ачишади курагим.  
Асрагувчи Аллоҳ бор,  
Биз яшаймиз, юрагим.

Иймон умр чироғи,  
Қиёматда керагим.  
Қиёматга сен билан  
Кетаяпмиз, юрагим.

Менга олов керакмас,  
Ёнаётир юрагим.  
Лолалар ранг сўрабди,  
Қонаётир юрагим.



## Муҳаммад ЮСУФ

Ўзбекистон халқ шоири  
(1954 йилда туғилган)

---

### ОНА ТИЛИМ

Гарчи зуғум қилганларни ёқтирмадим,  
Шеър ёздимۇ бўлак ишни қотирмадим.  
Тилим туриб ўз тилимда гапирмадим,  
Бир эласам эзилади бағри-дилим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Онам «эркам» деб қучганда тунлар ярим,  
Эрким йўқ деб зирқирарди бир жойларим,  
Паровозни ҳансиратган буғдойларим,  
Олтинларим, маъданларим, ипакларим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимлар учун биз эдик бир бадавийлар,  
Ўзбекни қон қакшатганни ўзбек сийлар,  
Ҳолимизни қон қузатди Яссавийлар,  
Топганимиз ҳандалакдек тилим-тилим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимдир майда миллат бўлди, кимдир катта,  
Катта миллат – Афандиси йўқдир ҳатто,



Биз пиёда, биз бокканлар юрди отда,  
Зулм ўтса фақат сендан ўтди зулм,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Сен бўлмасанг нима бизга силлик шеърлар,  
Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар,  
Баҳоинг-ку бериб кетган Алишерлар,  
Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Бир карасам ҳар шевангда минг жилолар,  
Ҳар новдангда, ҳар мевангда минг жилолар.  
Кодирийлар, Чўлпонлару Абдуллолар,  
Сенинг қайтган кунинг мен туғилган йилим,  
Она тилим, эй муқаддас Она тилим.

## ЎЗБЕКИСТОН

О, ота маконим,  
Онажон ўлкам,  
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.  
Сендай меҳрибон йўқ,  
Сенингдек кўркам,  
Римни алишмасман бедапояннга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,  
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.  
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,  
Тоғларинг изимдан эргашиб юрар.

Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,  
Ё худбинман, ё бир содда касман мен:  
Парижнинг энг гўзал рестороанларин,  
Битта тандирингга алишмасман мен.

На гапга кўнайин, на тил билайин,  
Кўздан уйқу кочди, дилдан ҳаловат.

Уч кунда соғинсам нима қилайин?..  
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.

Билдимки, баридан улуғим ўзинг,  
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.  
Баҳорда Бахмалда туғилган қўзинг  
Араб охусидан азизроқ менга.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм,  
Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.  
Сени билганларга қиламан таъзим,  
Сени билмасларга раҳмим келади.

## ЛОЛАҚИЗГАЛДОҚ

*Шавкат Раҳмон хотирасига*

Мендан нима қолар:  
Икки мисра шеър,  
Икки сандиқ китоб,  
Бир уюм тупроқ.  
Одамлар ортимдан  
Нима деса дер,  
Мен сени ўйлайман  
Ўзимдан кўпроқ –  
Лола, лолажоним,  
Лолақизгалдоқ!

Мен кетсам, ёмондан  
Йироқ бўл, оху,  
Чунки сен чиройли,  
Кўркли бир жувон.  
Ёмон кунлар бир кун  
Яхши бўлар-у,  
Ёмон одам яхши  
Бўлмас ҳеч қачон...  
Яша чегарада  
Тургандек огоҳ,



Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдок.

Уйда ётибман-у,  
Сезиб турибман,  
Кўкда кетаётир  
Қушлар қайтишиб.  
Хайрлар ёғдириб  
Қанотларидан,  
Хаста шоирига  
Видо айтишиб.  
Бор, менинг учун ҳам  
Уларга қўл коқ –  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдок.  
Уларни мен яна  
Кўрарманми-а,  
Айвондан одамдек  
Кузатолмадим.  
Куз. Тўйлар мавсуми  
Юрагим пора –  
Битта қизимни ҳам  
Узатолмадим...  
Демак, тақдир экан  
Тўй кўрмай ўлмоқ,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдок.

Бирок, кўнглим сезар,  
Мендан кейин ҳам,  
Бир кун бу ҳовлига  
Одам тўлади.  
Ҳали тўйлар қилиб  
Чарчайсан, эркам,  
Менинг қизларим  
Энг бахтли бўлади!  
Келинлар кўйлаги  
Рухимдай оппоқ –

Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдок.

Гулим, яқинроқ кел,  
Қара, не савдо,  
Бу ажиб ишларни  
Дил лавҳига ёз:  
Кимга қаср етмас,  
Кимга мол-дунё,  
Менга эса ҲАВО  
Етмайди холос.  
Тириклар мудроқда,  
Ўликлар уйғоқ –  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдок.  
Кўксим куйиб борар,  
Кўкрак ёнмоқда,  
Айтинг дўхтирларга,  
Ёришса ёрсин!  
Жисм ўз улфати –  
Жондан тонмоқда,  
Бечора жон энди  
Қаерга борсин.  
Энди осмон йироқ,  
Энди ер юмшоқ –  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдок.

Бунини ҳаёт дерлар,  
Унутма асло,  
Бир кун очиласан,  
Бир кун сўласан.  
Қалбимда-ку фақат  
Сен эдинг танҳо,  
Қабрим устида ҳам  
Ўзинг бўласан.  
Сен бизнинг севгидан  
Хотира – байроқ,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдок.





Аёл қалбинг билан  
Сув кеч, олов кеч,  
Ғам келса бошингдан  
Ҳушинг учмасин.  
Худодан сўрадим:  
Мендан кейин ҳеч  
Номард кимсаларга  
Ишинг тушмасин.  
Уларнинг қўлида  
Ҳамиша тузоқ,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдоқ.  
Ишинг тушса, иним  
Мухаммадга бор,  
Шоирлар ичида  
Ишонганим шу.  
Бироз ичишини  
Айтмаса агар,  
Кўкси тиниқ бола,  
Ҳалол бола у.  
Фақат сал соддарок,  
Фақат сал ёшрок,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдоқ.

Жон сўнгги бошпана  
Топаркан онгда,  
У юрак остида  
Дердим мен бўлсам.  
Ажабланма, агар  
Эртага тонгда  
Сени ўпиб, ўшни  
Қучоклаб ўлсам!..  
Ўтинчим – тепамда  
Йиғлама узок,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдоқ!





## Сирожиддин САЙИД

Ўзбекистон халқ шоири  
(1958 йилда туғилган)

### БУҒДОЙБЎЙ ВАТАН

Шаънингга оятлар ўқилганида,  
Гувоҳ бўлган эди куёшим, ойим.  
Хирмонга шувиллаб тўқилганингда,  
Жимирлаб кетдим-ку мен ҳам, буғдойим.

Одам Атолардан ёдгор зироат,  
Момо Ҳаволарим бокқан ҳавойим.  
Тингласам, ҳар майсанг айлар кироат,  
Илоҳий шеъримсан ўзинг, буғдойим.

Мен сўзга гоҳ нўноқ, гоҳо моҳирман,  
Қалбим чайганларим ариғим, сойим.  
Буғдой бошоғидан унган шоирман,  
Бошоқдошингдирман мен ҳам, буғдойим.

Ҳандалакбўй тупроқ, буғдойбўй Ватан,  
Бугун ҳар деҳқонинг – мўътабар бойим.  
Ризку насибамни бутун айлаган  
Ору номусимсан асли, буғдойим.

Бир ушоқ нонинг ҳам бўлмагай увол,  
Қошу қабоғимдир асраган жойим.  
Менинг ёруғ юзим, меҳнатим ҳалол,  
Тинчлик замонимсан ўзинг, буғдойим.

Тупроқ кафтларингга юзимни босай,  
Эй менинг заҳматкаш элим – фидойим.  
Олтин уфқлардан ранг олиб ёзай,  
Уфқларга қадар кетган буғдойим.

Ижобат топгайдир дил айвонида  
Нақшбанд бобода қилган дуойим.  
Сомон йўлларининг нур осмонида  
Сенинг сеҳринг бордир ахир, буғдойим.

Шу эл, шу уйлар, шу хонадонларни  
Балою қазодан асра, Худойим.  
Юртимда отгувчи заррин тонгларни  
Мунаввар айладинг, заррин буғдойим.

## **ЖОНУ ДИЛИМ**

Хуррият эпкинлари боғингдадир, томингдадир,  
Юлдузинг, кутлуғ ҳилолинг субҳу окшомингдадир,  
Файз ила фазлу фароғат тинчу оромингдадир,  
Эй Ватан, жону дилим, жону дилим номингдадир,  
Етти осмон жилваси бир нурли айёмингдадир.

Боғим ичра гуллаган зардоли, жийдам сен ўзинг,  
Сунбулу райҳон ифорли гул қасийдам сен ўзинг,  
Риштайи жоним ўзингсан, нури дийдам сен ўзинг,  
Эй Ватан, жону дилим, жону дилим номингдадир,  
Етти осмон жилваси бир нурли айёмингдадир.

Ҳақ таоло қўллаган юрт, сен валилар маскани,  
Ҳар каломинг бир каромат, ҳар ғуломинг бир ғани,  
Сен Бухорийлар баҳори, Термизийлар гулшани,  
Эй Ватан, жону дилим, жону дилим номингдадир,  
Етти осмон жилваси бир нурли айёмингдадир.

Битта ғиштинг, сўйласа, оламга дoston бўлгуси,  
Ҳар қўнғил бунда фазо, ҳар дил бир осмон бўлгуси,  
Тил чиқарган ҳар ўғил-киз Ўзбекистон бўлгуси,  
Эй Ватан, жону дилим, жону дилим номингдадир,  
Етти осмон жилваси бир нурли айёмингдадир.

Сен ўзингдан сен ўзингни айладинг барпо Ватан,  
Олам ичра марди майдонинг бугун пайдо Ватан,  
Сен ўзинг танҳо Ватан, танҳо Ватан, танҳо Ватан,  
Эй Ватан, жону дилим, жону дилим номингдадир,  
Етти осмон жилваси бир нурли айёмингдадир.

Кипригимда гардларинг, хору хасим бирлан кетай,  
Тоғларингдан эсган ул тонги насим бирлан кетай,  
Бир исм бирлан келибман, шул исм бирлан кетай,  
Эй Ватан, жону дилим, жону дилим номингдадир,  
Етти осмон жилваси бир нурли айёмингдадир.

### ҚОШУ КЎЗУ ХОЛУ ЗУЛФ

Қаро холинг ганжи узра  
бул нечук каж даҳодир?  
Қаро зулфинг қаро холга  
қўйилган аждаҳодир.

\* \* \*

Яратган гар қаро холни  
сенинг бўйнингга қўймишдир,  
Анинг жабрини тортмоқни  
менинг бўйнимга қўймишдир.





\* \* \*

Қошинг билан дил ораси  
бир йилчалик йўлдир, гўзал,  
Ишқу муҳаббат чораси  
бир дилчалик йўлдир, гўзал.

\* \* \*

Фалакким, ой юзингга  
икки ёндин икки зулф этмиш,  
Менинг кўнглим учун  
ул икки зулфдин икки кулф этмиш.

\* \* \*

Кийиккўз дилраболардин  
мудом бағринг куюк бўлгай,  
Кийикни тескарисидин  
ўқисанг ҳам кийик бўлгай.

## ЧАМАН САРВИ, МЕНИНГ САРВИМ

*(Мир Алишер Навоий газалига мухаммас)*

Муносиб келдилар еру самою оламу одам,  
Тириклик бирла кўнгиллар ҳавоси хуш келиб ҳар дам,  
Даҳр боғи бўлиб хуррам, менинг ёрим бўлиб кўркам,  
Мувофик кийдилар, бўлмиш магар Наврўз ила байрам,  
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.

Дамо-дам тўлғониб осмон, менинг ишким қилиб туғён,  
Менинг қалбим бўлиб найсон, дуру нур сачрабон ҳар ён,  
Лаб очса ғунчалар шодон, менинг ёрим бўлиб хандон,  
Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,  
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.

Менинг сарвим пари пайкар, чаман сарви анга навкар,  
Чаман сарви очиб дафтар, менинг сарвим сочиб гавҳар,  
Менинг сарвим бўлиб сарвар, чаман сарви бўлиб чокар,  
Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарвим бўлиб дилбар,  
Ани ел айлабон музтар, бу елдин секретиб адҳам.

Сув ичра соч тараб сунбул, чаман ҳам ястаниб гул-гул,  
Бўлубон гул билан машгул, тириклик айлабон кул-кул,  
Тамошо қил, аё кўнгул, таманно қил, аё кўнгул,  
Кўнуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидин ғул-ғул,  
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.

Сенинг ишқингдин, эй жоно, менинг кўнглум бўлиб пайдо,  
Агар сен бир гули зебо, ки мен ҳам булбули шайдо,  
Сен, эй сен, дилбари танҳо, кел, эй сен, нозанин Лайло,  
Қилиб оҳим сари парво, буён майл этмадинг қатъо,  
Сабодин, эй кади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ ҳам.

Бу олам гоҳи мовий, гоҳи оқу гоҳи пистоки,  
Димоғинг доимо чоқ қилки, қўймас бу фалак токи,  
Тадорик кўргил, эй оқилки, ўтгай умр авроки,  
Бу боғ ичра май, эй соқийки, бормен асру муштоки  
Ки, анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам.

Менинг сарвим тараб кокил, чаман сарви қараб қойил,  
Чаман сарви қолиб сойил, менинг сарвим кезиб соҳил,  
Муродинг айласин ҳосил, бу ҳар онингни байрам бил,  
Навоий, кўйин эт манзил, юзу қаддиға бўл мойил,  
Ки, боғ этмас сени хушдил, гулу сарв айламас хуррам.

\* \* \*

Чамандирсан чамандан ташқарида,  
Чаманлар бари сандан ташқарида.

Менинг жонимсан, эй сарви дилоро,  
Менинг жоним бадандан ташқарида.

Лабу холу хатинг берким, на топгум  
Юриб бу анжумандан ташқарида?

Муҳаббат жон билан кўнгили фанидир,  
Надир холинг бу фандан ташқарида?

Ниҳол эк эзгулик боғига, инсон,  
Юрибсан то кафандан ташқарида.





Ўзингдан ичкари кир, дилга киргил,  
На бордир жон ва тандан ташқарида?

Ватан ичра сафарлар айла, эй дил,  
Ватан бўлмас Ватандан ташқарида.

## БУЮК МУАЛЛИМ

Мен Ватанни ўрганмадим заридан,  
Ўрганмадим уни хур ё паридан.  
Кафтларининг чизиклари – хати ҳам  
Ажинлари бўлди менинг харитам.  
Шу хатларда кўргандим илк Ватанни,  
Ўз онамдан ўргандим мен Ватанни.

Меҳрлари кошу кўзлар бўлдилар,  
Ою қуёш мисол юзлар бўлдилар.  
Жисмим аро улғайдилар, тўлдилар,  
Ватан янглиғ улуғ сўзлар бўлдилар.  
Киприklarин остларида тургандим,  
Мен Ватанни шу кўзлардан ўргандим.

Нокаслардан ўрганмадим мен уни,  
Ёт каслардан ўрганмадим мен уни.  
Ору қарздан ўргангандим мен уни,  
Хору хасдан ўргангандим мен уни.  
Ўзим кийик сўкмоғида юргандим,  
Мен Ватанни сўкмоқлардан ўргандим.

Осмонлари бошим узра огоҳлар,  
Гиёҳидан дилга олдим гиёҳлар,  
Райхонларин сиёҳидан сиёҳлар,  
Булоклардан кўзлар олдим, нигоҳлар.  
Ўзим ҳам бир чечакларга буркандим,  
Мен Ватанни гиёҳлардан ўргандим.

Менга азал азиз бўлган баридан,  
Бешигимдан талпинган пайтларимдан,  
Умр кўрган ҳар кексаю қаридан,



Мехнатларин ёдлаб ўсдим бағридан.  
Пайкалларин кокиллардай ўргандим,  
Мен Ватанни эгатлардан ўргандим.

Ушок нонинг кадри минг элга маълум,  
Дарс олдим мен сувлар ичган маҳалим.  
Булбулларинг тилларида шу таълим,  
Ўзинг устоз, ўзинг буюк муаллим.  
Ҳикматлардан қургандим мен Ватанни,  
Захматлардан ўргандим мен Ватанни.



## Иқбол МИРЗО

Ўзбекистон халқ шоири  
(1967 йилда туғилган)



---

### ЎЗБЕК

Манглайга кафт қўйиб олисга боксам,  
Эдилдан кўринар бўйларинг, ўзбек.  
Туш каби жимирлаб минг йил окса ҳам,  
Номинг айтар Энасойларинг, ўзбек.

Нух тўфони, демак, қисмат шамоли,  
Кимнингдир камоли, кимнинг заволи.  
Саргашта кун кўрдинг оху мисоли,  
Шундан ҳамон мунгли куйларинг, ўзбек.

Дили конга тўлиб, кўзлари – ёшга,  
Алп Тегин бир хикмат чегирди тошга:  
«Бизнинг қайғумиз йўқ боладан бошқа...»  
Боланга боғлидир ўйларинг, ўзбек.

Бир замон оловни илоҳ билган эл,  
Қуёшга карашни гуноҳ билган эл.  
Ҳар бир босқинчини қўноқ билган эл,  
Ёвга сўқмоқ бўлган кўйларинг, ўзбек.

Исмингни айириб кечди асрлар,  
Хонликни бекликка бўлган не сирлар?  
Кентларга сочилган ўрда, қасрлар...  
Қумдан қорилганми лойларинг, ўзбек.

Дил кўзғалса, элни тўхтатиб бўлмас,  
Сел кўзғалса, гилни тўхтатиб бўлмас,  
Занжир узган қулни тўхтатиб бўлмас,  
Тиғ бўлди ҳар битта мўйларинг, ўзбек.

Бўйнингдан кетган йўқ ҳали дор изи,  
Қўй, қора кунларнинг ўчсин қораси!  
Сен борсан – Темурнинг улуғ вориси,  
Осмонингга қайтди ойларинг, ўзбек.

Катта қишлоқ экан Париж, Лондон, Рим,  
Даламни соғиниб эзилди кўнглим.  
Дунё гўзали – сен, қадокқўл синглим,  
Гўзалдир ўнгиган кўйлагинг, ўзбек.

Ҳафталаб йўл қараб сарғаймас Қумуш,  
Тоғни талқон қилди бобомерос мушт,  
Тин олди давонга боқиб Алпомиш,  
Тоғларни кўпорди ёйларинг, ўзбек.

Қўлингни кўзимга сурай, отажон,  
Ёнингда ул бўлиб юрай, отажон,  
Яхши кунларингни кўрай, отажон,  
Совимасин қўлда чойларинг, ўзбек.

Онажон, ҳаволи боғлар муборак,  
Ҳандалак банд берган чоғлар муборак,  
Келин юзидаги доғлар муборак,  
Буғдойларга тўлсин уйларинг, ўзбек.

Сумбула – тўкинлик, тўйлар мавсуми,  
Бир кўзғалиб олар боғбоннинг хуми.



Асли, бир сатрдир шеърим мазмуни:  
Тўйларга улансин тўйларинг, ўзбек!

## ЮРТ ҚЎШИҒИ

Бобомнинг байти бор япроқларингда,  
Момомнинг тафти бор чорбоғларингда.  
Онамни эслатар райҳонинг, юртим,  
Дадамнинг ҳиди бор тупроқларингда.

Сўлим Хонободдан Кийиксойгача,  
Қутлуғ остонадан суюк ойгача,  
Чироқлар юлдуздек порлар ҳар кеча,  
Мудом ўт гурласин ўчоқларингда!

Тоғларинг бағрида лиммо-лим тилсим,  
Минг йилким, мўйсафид Шоҳимардон жим.  
Сангардак қўшиғин шархлай олар ким?!  
Тилло кумлар ўйнар булоқларингда!

Мавлоно Лутфийлар улфатдир менга,  
Шеър лутфи энг тотли суҳбатдир менга.  
Улуғлар исми ҳам қувватдир менга,  
Туғеним – ўйноқи тойчоқларингда.

Бир куйчи ўғлингман, баётим ўзинг,  
Тилимнинг остида новвотим ўзинг,  
Бағрим, жоним ўзинг, ҳаётим ўзинг,  
Дил торим қалампирмунчоқларингда.

Қизғалдоқзорингда кўмилиб ётдим,  
Биллур шабнамларда чўмилиб ётдим,  
Дунёни унутдим, ўзни йўқотдим,  
Мен ҳам Ватан бўлдим кучоқларингда!

## ШЕЪРИМ

Энг гўзал мамлакат – Қўштегирмонда  
Менсиз оқарар тонг, оқади сувлар...  
Тушларини сувга сочади тонгда  
Онҳазратнинг  
қизларидек  
сулувлар...

Мени унутолмай қийналар қишлоқ,  
Турналар йиғлайди осмонларида.  
Товонимни қўмсаб қабарар тупрок,  
Қоларман тупрокнинг товонларига!

Оғилда ўрокни сарғайтирар занг,  
Далалар кузатар заррин мезонни.  
Дайди эпкинларнинг топгани найранг:  
Най қилиб пуфлайди синик сомонни...

Энг гўзал мамлакат – Қўштегирмонда  
Қон йиғлаб гулбаргин тўкади гуллар.  
Маъюс кетиб борар мағриб томонга  
Мендан аразлаган фаришта кунлар...

## ТОШКЕНТ ХОМАСИ

Музей ҳам хилхона қадар муқаддас,  
Шовкин солинмайди бу ерда зинҳор.  
Осори-атика сокин берар сас,  
Бунда аждодларнинг уйғоқ руҳи бор.

Камони Чочий бу – машҳури жаҳон,  
Қай бир бобом қийган ушбу жомани.  
Илкис кўриб қолдим дўсти кадрдон –  
Суяқдан йўнилган қалам – хомани.





Мўъжизага жазман бани одамзод,  
Ҳайратга ҳамиша талабгор олам.  
Биринчи мўъжиза мана шу, ҳаёт,  
Биринчи инкишоф шу – хома – қалам!

Масихдан аввалроқ, милоддан нари,  
Бинкат осмонига сочган қатим нур  
Энг қадим идрокнинг тасаввурлари,  
Биринчи даҳодан мерос тафаккур!

Кўзойнагин артиб бўйинбоғига,  
Қайта тикилади оқсуяк жаноб.  
Маърифат ахтарган зот сўроғига  
Ундов белгисидек шу хома жавоб.

Танга-терсақларда жозиба бордир,  
Қилич-тўфангларда даъво, истило.  
Вале кимки қалам тутмоққа кодир –  
Дилида эзгулик, зехнида зиё.

Чин солномалари “Чже” деб ёзган,  
Камон товушини эслатар бу сўз.  
Боболар хат боғлаб камондан узган:  
“Бизга чин дўст керак, садоқатли дўст!”

Нурга чулғадими Миср кўкини  
Буруксаб Искандар кутубхонаси?  
Бобил таназзулин битди ўкиниб  
Қадимий ўзбекнинг суяк хомаси.

Бу шундай элдирки, кон-қонигача,  
Суяк-суягига қадар маърифат.  
Бир ёруғ сўз учун жонидан кечар,  
Дунёга омонлик тилайди фақат.

Кўҳакийнинг кутлуғ қўллари тутган,  
Шошийлар илкида азиз бу қалам.

Битса, дўсту ёрга мактублар битган,  
Хома билан якдил бўлгандир қалб ҳам.

Қодирий қўлини қайирган қаттол  
Дилимга сиёҳдек сочган аламини.  
Кейин ёқа тутган акли шошиб, лол,  
Ойбек бармоғида кўриб қаламини.

Биларсиз, Оқсарой пештоқларига  
Зўр Темурий ҳикмат ёзилганини.  
Биларсиз, Тошкентнинг янги тарҳига  
Қаламда таҳрирлар чизилганини.


Ватаним саждагоҳ каби муқаддас,  
Тошканди азимнинг сирли саси бор.  
Зўлдирдек айланган чоғ қурраи арз  
Таянч нуқта топган мадрасаси бор.

Тошкент – севганники, ой – ҳамманики,  
Меҳрим изҳор этай дилнома билан.  
Фарзандлар сафида турибман токи,  
Қўлда отамерос шу хома билан.



Улмамбет  
**ХЎЖАНАЗАРОВ**

Қорақалпоғистон халқ шоири  
(1938 йилда туғилган)



---

**ВАТАН**

Қорақалпоқ отли менинг Ватаним,  
Дунёда муқаддас ғурур, орим ул.  
Ота-бобом ётган азиз тупроғим,  
Эшигимда кутган сулув ёрим ул.

Унинг лойқа суви, тузли ҳавоси  
Бул дардли кўнглимнинг ёлғиз давоси,  
Пирим Хўжа Аҳмаднинг холис дуоси,  
Жоним ичиндаги ганжим – зарим ул.

Ватан таърифланмас тилнинг учинда,  
Уни кўзинг қиймас шунинг учун ҳам,  
Барча дўст-ёроним, тенгу тўшим ҳам  
Эрназар, Элмурод, Абдукарим ул.

Бўлакча сийлаган тақдир инсонни –  
Танлаб бўлмас ота-она, Ватанни,  
Ватанни севмасанг бахш айлаб жонни,  
Тирик туриб ўлган ўлим – шўрим ул.

Умрим бўйи эрта кунми, кеч кунми,  
Мен Ватанни алмашмайман ҳеч кимга,  
Икки дарё оқар халқим кўксинда –  
Ибройим, Абдулла каби шеърим ул.

## ТУҒИЛГАН ЕР ҚАДРЛИ

Бўлса ҳам бир қаричдай  
Туғилган ер қадрли.  
Қаторингдан қолишмай  
Югурган эр қадрли.

Олис ерда адашсанг,  
Йўл бошларинг қадрли.  
Жанжаллашиб, ярашган  
Йўлдошларинг қадрли.

Туғишгандан ранжисанг,  
Бегонангдир қадрли.  
Қайғу билан ғам есанг,  
Пешонангдир қадрли.

Уя босган маконинг  
Учганингда қадрли.  
Тухмат қилган дўстингдан  
Душманинг-да қадрли.

Қўнаман деб қайрилсанг,  
Кўлинг бўлар қадрли.  
Ор-номусдан айрилсанг,  
Ўлим бўлар қадрли.



## БУГУН ҚҰШИҚ ЁЗАЖАКМАН

Бугун кўшиқ ёзажакман,  
Ажойиб, хушовоз бўлгай.  
Қувват битиб қанотиға,  
Осмонларға парвоз қилгай.

Бул кўшиғим Ҳумо каби  
Давлатли ва бахтли бўлгай.  
Озод учар, эмин-эркин,  
Саодатли, тахтли бўлгай.

Тоғнинг баланд чўққисига  
Барча бирдай ошиқ бўлгай.  
Ирмоқ каби чулдур-чулдур,  
Сўқмоқ каби кўшиқ бўлгай.

Армони кўп одамзоднинг  
Кўнгли бўлгай, дили бўлгай.  
Тилсими кўп табиатнинг  
Сўйлаб турган тили бўлгай.

Жизиллаган жазирада  
Ёлғиз ўсган терак бўлгай.  
Чарчаб келган йўловчининг  
Муҳтожига керак бўлгай.

Фазогирдек коинотда  
Юлдузларга сирдош бўлгай.  
Нозик таъбли, зийрак, оқил,  
Улуғликка тиркаш бўлгай.

Тонг-саҳарни қанотида  
Олиб учган лочин бўлгай.  
Мошинлига – аэроплан,  
Пиёдага – мошин бўлгай.

Олтин қушим, олмос қушим  
Эл-юртимга қўлдош бўлгай.



Мангуликка ошиқ бўлиб,  
Яхшиликка йўлдош бўлгай.

Ким бўлса ҳам, бул қўшиғим  
Инсон ғамин ўйлайверар.  
Катта билан катта бўлиб,  
Бола билан ўйнайверар.

Ким бўлса ҳам, бул қўшиғим  
Танҳо менинг ўзим бўлгай.  
Юртим учун Худойимдан  
Тилаб олган сўзим бўлгай.

## ҚЎНҒИР ҒОЗ

*Устоз Ибройим ЮСУПОВга*

Ғанқиллаган қўнғир ғоз,  
Овозингга танишман,  
Уя босиб олти ой ёз,  
Айланибсан олисдан.

Манзил олис, йўл азоб,  
Якка кезиб борасан.  
Қўйни иссиқ масканнинг  
Қадрин сезиб борасан.

Ўтар кунда тариқсан,  
Тоғлик тилаб борасан.  
Тўққиз ғозга тенг бўлган  
Соғлик тилаб борасан.

Денгиз тошиб турар деб,  
Тенглик тилаб борасан.  
Кенг дунёга яна кенг  
Кенглик тилаб борасан.



Ұйнаб оксин оқар сув,  
Сехр тилаб борасан.  
Меҳрсиз мерганлардан  
Меҳр тилаб борасан.

## УМРИМ БАЁНИ

Қарай-қарай дунёнинг  
Қизигига тўймадим.  
Яхши кўшиқ ёзганлар  
Кўп эмас, деб ўйладим.

Одамзодни ардоқлаб,  
Ойга, кунга тенг этдим.  
Бу тенглашлар бошқада  
Топилмайди деб эдим.

Табиатга ҳайрон бўб,  
Табиатга қизиқдим.  
Юлдузларга қарадим  
Гардишидан узукнинг.

Юлдузларнинг тилига  
Тушунмадим, қийналдим.  
Эрта пишган экиндек  
Ёз бошида йиғналдим.

Бу сиримни ўзгадан  
Сир сақладим, яширдим.  
Ҳикмати кўп китобнинг  
Бетларига бош урдим.

Яхши деди: “Яхши-ку,  
Тезроқ бери кел”, – деди.  
Дуруст кенгаш бермай у:  
“Ўзинг учун ўл”, – деди.



Арғумоқдек ирғишлаб,  
Баланд-баланд кир ошдим.  
Ўзим билан ўйлашиб,  
Ўзга билан синашдим.

Қараб турсам, ўзгадан  
Асло наф йўк, фойда йўк.  
Ўз нафига адашган  
Мендай одам қайда йўк?!

Бир манзилга келганда  
Алланега тўқиндим.  
Ўз-ўзимни пир билиб,  
Ўз-ўзимга сиғиндим.

Тингламадим айтганин  
Бир ўзимдан бошқанинг.  
Шу феъл билан, дўстларим,  
Манман бўла бошладим.

...Галма-гал кўп, ғавғо кўп,  
Қиёлмайман ҳеч бирин.  
Кун уззукун йўл юриб,  
Ухлолмайман кечкурун...

Талпинаман сўнг яна  
Учадиган каптардай.  
Кўз ўнгимда бу дунё  
Очик ётган дафтардай.

*Қорақалпоқчадан Рустам Мусурмон  
таржималари*



Олимжон  
ХОЛДОР

(1932 йилда туғилган)



ТИНЧ БЎЛСИН ОЛАМ

Осмонда бемаврид булут бўлмаса,  
Мард йигитнинг юзи шувут бўлмаса,  
Қахрамонлар ёди унут бўлмаса,  
Юрт билмаса ғам.

Ҳар фасл вақтида кела қолсин денг,  
Баҳорий шамоллар ела қолсин денг,  
Бўладиган тўйлар бўла қолсин денг,  
Ҳамиша ҳар дам.

Орзуларим бари ушалса қани,  
Шеърим қанотланиб юксалса қани,  
Умрларга умр қўшилса қани –  
Бўлардим бардам.

Биз ўтган йўлларда чечаклар унса,  
Келажак бамисол куёшдай ёнса,  
Олимжон орзуси шундайин кулса –  
Тинч бўлса олам.

## КЎЗ ТЕГМАСИН

Қадди-бастингга бокиб жоним адо, кўз тегмасин,  
Сенга жон не, кенг жаҳон бўлсин фидо, кўз тегмасин.

Сен оро берсанг ўзингга баҳр олур олам-жаҳон,  
Шунда сездирмай дегайман, илтижо, кўз тегмасин.

Ўтдан ўтга ташлама, ёндир тамом ишқинг билан,  
Мен десам, дер кексалар айлаб дуо кўз тегмасин.

Тегмасин, кўз тегмасин эй ошиқ аҳлига мудом,  
Тенг эрур севмоқда шоҳ бирлан гадо, кўз тегмасин.

Сен каби барнони билмас дунё яралгандан буён,  
Мен жаҳонга жар солиб қилгум нидо: кўз тегмасин.

Истагим шул, бир умрга кўзларимда суратинг,  
Мен Олимжондан сени қилмай жудо, кўз тегмасин.

## КЕТСАМ АГАР

Соғинурман ҳар нафас сендан йироқ кетсам агар,  
Ўртагай хижрон деган оташ, биروق, кетсам агар.

Ўтса сенсиз бир куним умримга асло кўшмагин,  
Ошиқ аҳли қарғасин, қилсин сўроқ, кетсам агар.

Дейдиларки чин муҳаббат йўллари бўлмас равон,  
Йўлларимга сен ўзинг ёқдинг чирок, кетсам агар.

Ўчмасин ёққан чироғинг қўқда ой, юлдуз бўлиб,  
Бўлмасин ҳаргиз етим “Чўли ирок”, кетсам агар.

Бесабаб шеър бўлмагай, дерлар азалдан шуаро,  
Минг балоларга дучор этсин фироқ, кетсам агар.

Дер Олимжон: севгилим, жонимдасан, қонимдасан,  
Кўз каросида ўзинг Шому Ирок, кетсам агар.

Бошимга тушса минг савдо санам, сенсиз яшолмасман,  
Десам, дердинг висол чоғи манам сенсиз яшолмасман.

Нечун энди фироқ, хижрон, нечун ғурбатга отмоқлик,  
Гуноҳим не, ёнар билсанг танам, сенсиз яшолмасман.

Кеча-кундуз хаёлимда ўзингсан, бир ўзинг танҳо,  
Яна бошга солур кийноқ, алам, сенсиз яшолмасман.

Тилим айланмагай ўзга малак номини олмоқдан,  
Кўлим ҳам тутмагай билсанг қалам, сенсиз яшолмасман.

Сенинг ишқингни қуйлашда Олимжон бахтиёр чандон,  
Не донишлар қилиб кўргай карам, сенсиз яшолмасман.

## ШОДА-ШОДА МАРВАРИДЛАР

Шода-шода марваридлар бўйнингизда,  
Жоним, айтинг, не гап бўлса кўнглингизда...  
Кеча-кундуз хаёлимда бир ўзингиз,  
Шу кунларга мени солиб қўйдингиз-да!

Анов тоғда қор ёғса гар, бунда қиров,  
Совчиларим уйингиздан қувманг дарров.  
Кўча-кўйда учратганда сиз пинҳона,  
Шўх қизларга мени асло деманг “биров”.

Биров бўлсам сизни бунча ўйлармидим,  
Номингизни қўшиқ қилиб қуйлармидим.  
Севмасайдим, ҳар кўрганда олов бўлиб,  
Дудуклана-дудуклана сўйлармидим?

Шода-шода марваридлар бўйнингизда,  
Жоним, айтинг, не гап бўлса кўнглингизда...  
Кеча-кундуз хаёлимда бир ўзингиз,  
Шу кунларга мени солиб қўйдингиз-да!



## Маъруф ЖАЛИЛ

(1936 – 2004)

### СОҒИНЧ НАФАСИ

Деразамнинг ортида тун  
Қора сочин ёзганда,  
Тинч хонада хаёл билан  
Қолганимда бир ўзим,  
Ҳар бир сўзни қалам чертиб  
Муҳр қилиб босганда,  
Энг аввало, ўз олдимда  
Ёруғ бўлар деб юзим –  
Қоғоз узра аста-аста  
Қанотимни кергайман,  
Бургут каби юксакларга  
Ҳаётимни бергайман.

\* \* \*

Мен мард рақиблирни ҳайратга солиб,  
Номард дўстларимга аччикма-аччик –  
Ташвиш юкларини елкамга олиб,  
Шундай яшаяпман очикдан-очик.  
Ҳаёт улғайтирган сизни эркалаб,  
Йўқ, менинг бошимни силамаган у.

Йўл бошига чикиб ҳар кун эрталаб,  
Кулиб менга омад тиламаган у.

Кўлига мўлтираб қарайман унинг,  
Меҳнатдан топганман, нимаки топсам.  
Мен лаънатлаб ташлаб кетмасман уни,  
Юрагимга ҳар кун ғамлар ортса ҳам.

Рохат кўрган бўлсам дунёда агар,  
Унинг азобини чекканман олдин.  
Сизга тутун бўлиб кўринса қадар,  
Мен учун ғамларим кўринар ёлқин.

Тушса бошингизга тирнокча ташвиш,  
Довдираб қоласиз, ҳаётдан тўйиб.  
Ўзгадан нолийсиз тинмай эрта-кеч,  
Кулфат сабабчисин бир ёкка қўйиб.

Сиз дарахт кўрсангиз, шуни ўйлайсиз,  
Зинҳор эсингизга келмас илдизи.  
Шу сабаб, бировдан ўгирганда юз  
Чақилмай қолади моҳият сўзи.

Разил ва оқилнинг борми маглаби,  
Бўларми тун, кунни ёнма-ён қўйиб?  
Ғурури чертилган олифта каби  
Олмасман тўнимни тесқари кийиб.

Қалбим масканига ҳасад битмасман,  
Гарчи ҳаёт менга кўп қилмас қарам.  
Мен уни лаънатлаб, ташлаб кетмасман,  
Унинг дардларига топарман малҳам.

\* \* \*

Сен осмон сингари узок эмассан,  
Яқин ҳам эмассан дастурхон каби.  
Шу нотинч дунёда борми демассан,  
Қачондир мен турган хонадон каби.

Бахтиёр қиласан баъзан тушимда,  
Сирли юрагингни бир менга очиб,  
Гоҳ мадад берасан оғир ишимда,  
Кўл етмас жойга сўнг кетасан қочиб.

\* \* \*

Айланолмай нимадир сўзга,  
Эшитилар мазмундор саси.  
Далалардан уфурар юзга  
Иссиқ-иссиқ соғинч нафаси.

Томоғимга тикилар недир,  
Кўзларимда айланади ёш.  
Шохи билан оҳиста елпир  
Кўчаларда толлар эгиб бош.

Хиёбонлар соғинч уфурар,  
Ариқларда жилдирар соғинч.  
Юрагимда соғинч ўқирар,  
Мезон бўлиб ҳилпирар соғинч.

Бир пайт орзу ортидан қувиб,  
Кетган эдим бу ердан олис.  
Энди ушбу далаларда мен  
Соғинчимни кўраман ёлғиз.

Гулчеҳра  
**ЖҶРАЕВА**

(1937 йилда туғилган)



**БАХТИЁР ОНА**

*Мустақиллик ва эзгулик монументи ёнидаги ўйлар...*

Жажжи дўмбоғини олиб бағрига  
Юзидан нур ўпган гулгун Она – ким?  
Буюк келажакни босиб бағрига  
Эзгулик онлардан мамнун Она – ким?

Меҳнат юлдузими, санъат юлдузи,  
Олима, шоира, деҳқон аёли.  
Балки сен, балки у, балки мен ўзим,  
Бу Аёл – ўтмишнинг ширин хаёли!

Сен – онам, сен – опам, сен – синглим, қизим –  
Замонлар юкини кўтара олган.  
Матонат кучининг теран илдизи –  
Ҳаёт синовидан ғолиб ўта олган...

Сен шундай яралдинг, хурликка тимсол,  
Юртбошим қалбидан чиққан садодай...  
Сен шундай яралдинг, мушфикдил мисол,  
Сочларинг силаган саррин сабодай...

Иссик кучоғингда яйрайди боланг,  
Олғунча лабидан аримас ханда.  
Бу шундай лаҳзаки, унутдир олам...  
Эй тақдир, бу бахтдан этмагил канда!

Юксакка талпинган митти қўлчалар  
Осмондан юлдузни узаман, дейди.  
Митти хаёлида митти ўйчалар;  
Эзгулик наҳрида сузаман, дейди...

\* \* \*

Мозийни эслайман, бувим Тўмарис  
Ватан ва эл учун умрини тиккан,  
Тегинабегимлар жасурга ворис,  
Улуғ зот Темурни ўзбекка тукқан.

Тарихга кираман хаёлан бир зум,  
Лолақизғалдоққа айланган қонлар...  
Зиёни чачвонга бекитган тузум  
Оёғи остида сўнган Нурхонлар...

Жасорат, заковат аёлга ҳамдам,  
Фақат руҳ шикаста, кўнгил шикаста.  
Ғайратда эркакдан эмас эди кам,  
Ер юмшоқ бўлганда, осмон ҳам пастда...

Ўтмишни кўраман хаёлан бир зум,  
Болалик чоғларим кечган замонни.  
Радио остидан кетмасдим ўзим,  
Жангга кетган опам тирик, омонми?..

Жароҳат малҳами бўлиб ҳамшира,  
Ота-акаларга қайтарган ҳаёт.  
Уруш ортида ҳам тинмаган сира,  
Эркакдан қолмагач уйда бирор зот.







Фарзандлар доғида калби ярадор  
“Мотамсаро Она” куяди хануз.  
Қорани ташламас – хамон азадор,  
Қанча қорлар ёғди, ўтди ёзу куз...

Ва лекин синмади ирода буткул,  
Мушкуллар тоғига дош берган аёл.  
Қанча оғир тортса, шу қадар енгил  
Қанотин кенг ёзди лочинлар мисол.

Мол-қолга топшириб тонгда “эшиқни”,  
Керзада лой кечди, сув кечди беҳол.  
Дарахтнинг шохига илган бешиқни  
Шомгача тебратди муштипар шамол.

Елкаси кетмондан қабарган вужуд  
Тунда нон ёпади, кунда – пахтазор.  
Ясану тусанга қўймади ружу,  
Хаёлида “Пахта – бизнинг ифтихор”.

“Пахта ҳам фронтдир – бўлмас қурбонсиз”,  
Баландпарвоз шиор чорларди факат,  
Тракторга ўтирди қўплаб хотин-қиз,  
Турсунойлар, афсус, ўтдилар бевакт.

Вза захрин ютган шўрлик онаизор  
Ўйлади, қайданам болам ногирон...  
Қўлларинг ажини бамисли шудгор,  
Нафис латофатдан йўқ эди нишон.

Етмиш йил тобелик қолдирган доғлар  
Бугуннинг иқболи ювса-да кетмас.  
Шаҳидлар хунидан унди гулбоғлар,  
Эҳхе... ёзаберсам қоғозим етмас...

Шунда ҳам енгилмас номус-орлиги  
Ҳақиқат тоғига суянди интиқ.  
Ростмикан аёлда қирқ жон борлиги,  
Гул каби нозигу темирдан қаттиқ...



Етмишга етгунча кўрдимми озни –  
Билган, билмагандан бир шингил холос.  
Меҳрида эритди неча аёзни,  
Аёлнинг сабрига қойилман, хуллас.

Йўл босдик, мўл босдик, узундан-узок,  
Шукур, етиб келдик ойдин манзилга.  
Шукур, парчинланди кўринмас тузок,  
Шукур, қисматимиз қутулди зилдан...

Энди боғи эрам – ўлкам меники,  
Топганим-тутганим – улкан меники,  
Бўй етган ўғлонлар – эркам меники,  
Ўтмишим, бугуним, эртам меники.

Меҳмондўст номимиз – азалий унвон,  
Дўст излаб келганга очиқ уйимиз.  
Дўстларга ҳамиша ёзик дастурхон,  
Туташса тил ва дил, эзгу ўйимиз.

БМТда таниб юртим байроғин,  
Кўзимда ёш билан балқди ифтихор.  
Давлатлар сафида шаҳдам бормоғи  
Жаҳоннинг наздида топди эътибор.

Ҳавасим келтирар фозила қизлар  
Вашингтон, Токио, Пекин, Лондонда...  
Илм олиб, илм бериб минбардан сўзлар,  
Бундай эрк бўлганми қайси замонда!


Санъатин, ҳунарин, ақл, маҳоратин  
Денгизу тоғ оша тан олди башар.  
Оламда ягона ҳусн, малоҳати,  
Ўзбек қизларининг доврўғи яшар.





## **Турсунбой АДАШБОВ**

(1939 йилда туғилган)



---

### **ОНА ТИЛИМ**

Алла бўлиб жаранглаган  
Она тилим – жону дилим.  
Унга ахир пайвастадир  
Қадру қиммат, меҳр, билим.  
Буюк Темур жаҳон бўйлаб  
Довруғини солган тилим.  
Мир Алишер бобомлардан  
Мерос бўлиб қолган тилим.  
Бобур Мирзо шеърларидан  
Ранг ва оҳанг олган тилим.  
Шундай тилдан тонар бўлсам,  
Қийма-қийма бўлсин тилим,  
Она тилим – жону дилим.

### **БОТИРАЛИНИНГ САВОЛЛАРИ**

Гапга чечан набирам Ботирали,  
Ахён-ахён бошимни қотиради.  
Саволлари ажабтовур, турфа ранг:  
– Бобо, – дейди, – майналарга бир қаранг!  
Тўрғай нега кўкда қанот қокмайди?



Кумриларга новвот берсам бокмайди?..  
Нега кирни хуш кўради чакчиғай?  
Донлар сочсам якин келмай, чапчиғай?  
– Шўх болалар қувлашган-да тош отиб,  
Шунинг учун тоққа кочган бош олиб...  
– Шаҳарликлар булбул созин укқанми?  
У ерда ҳам уя солиб, тукқанми?  
– Битта булбул чидаб йўғу бориға,  
Кувончларин қўшиб ғижжак зориға,  
Макон тутиб қўниб олган, кўниккан,  
Камолиддин Раҳимовнинг ториға.

## ЎҚИТУВЧИМ

“Алифбе”дан ўрин олган  
Бир кам ўттиз ҳарфларни,  
“Алла”, “Анор”, “Баҳор”, “Байроқ” –  
Каби оддий гапларни  
– Ўргатган ким?  
– Ўқитувчим.

Содда, зийрак, бироз шўхмиз,  
Қизиқувчан, серталаб.  
“Ло-ла”, “Ош-ол” сўзларини,  
Тоқат билан эркалаб  
– Ёздирган ким?  
– Ўқитувчим.

Ҳарф танитиб, бурро қилган  
Анварни, Санобарни.  
– Ким ўргатган қарраларни,  
Тўрт амал, баробарни?  
Айт-чи, Азим?  
– Ўқитувчим.

Китобни шар ўқир Хулқар,  
Рости гап ишонмадик.

Биз “Алифбе” байрамини  
Жуда зўр нишонладик.  
– Устозинг ким?  
– Ўқитувчим.

Доим шаймиз: – Лаббай, – деб  
Устозлар хитобига.  
Болажонлар, навбат келди  
Энди “Ўқиш китоби”га.  
– Ўргатар ким?  
– Ўқитувчим.

### БЕШТА АРРА

Рақамларнинг ёрдамида тўртта амал,  
Дафтарингда ёзилгандай КАРРА бўлар.  
Тегирмонда дон-дунларни тортиб кўрсанг,  
Маидаланиб ун бўлар, ЗАРРА бўлар.  
Ким ўзарга пойга қўйсақ, манзил сўнги  
Чавандозни аниқловчи МАРРА бўлар.  
Сабзавотнинг номлари ҳам турфа хилдир,  
Бодрингнинг жайдариси ТАРРА бўлар.  
Талай сўзнинг маъносини англаб етдинг,  
Миршаб тутган таёқ эса ДАРРА бўлар.  
Бу сўзлардан бош ҳарфини олиб қўйсақ,  
Дурадгорга бирмас, бешта АРРА бўлар.



## Эрмамат НУРМАТОВ

(1937 йилда туғилган)

### ЎГИТ

Юрагим мисоли гулнинг япроғи,  
Муқимдир тоабад бокира шабнам.  
Ҳеч раво кўрмангиз ғуборни, доғи  
Ногаҳон изғирин аёзини ҳам!

Ўшалар забтидан куйганлигим рост,  
Озурда дил захми битмаган алҳол.  
Бошдан кечирганим табибларга хос,  
Ўгитим тинглангиз келмаса малол:

– Гурунгда хамирдек кўпмасин иғво,  
«Ёмонлик» сўзига бермангиз урғу.  
Бусиз ҳам тўлиқиб турибди дунё,  
Бусиз ҳам зиёга муҳтождир туйғу...

Эзгулик васфидан бошлангиз гапни,  
Эшитиб ҳаттоки куёш қувонсин.  
Оламга татирли муқаррам тафтни  
Ҳазрати инсондан, бизлардан олсин!

Лабзингиз кумрига бўлсин илҳомчи,  
Чаманни куршаган яхни аритсин.  
Чўл қаърига сингсин баайни томчи,  
Навқирон озорни, ғамни қаритсин!

Шиддатини кессин қайсар довулнинг,  
Уятдан ер чизсин сўқир хиёнат.  
Мискин ўчоғида чўғ қилсин кулни,  
Қанотлар боғласин орзуга журъат...

Азалдан омонат умр деган жом,  
Ким устун бўлибди дунёга, ахир?  
Мангудир меҳрдан туғилган калом,  
Мангудир яхшилик – илоҳий сеҳр!

## НАВРЎЗ

Кел эй, Наврўз, шукур минг бор фасллар ичра борингга,  
Дилим интиқ, тилим интиқ хузур инган ифорингга.

Аёзли киш, туман чўккан маъюс кунлар адоғи рост,  
Латиф куйлар киритгай жон яна бийрон дуторингга.

Тошиб анҳор, жўшиб дарё, саболар кирлар ошгайдир,  
Боқиб хушнуд бўлармиз гул, чечак, хаттоки хорингга.

Кўкатлар яшнатиб кўзни, димоғни чоғлагай ялпиз,  
Табиб янглиғ улашгайсан шифолар ҳам хуморингга.

Бодомзор кийса оқ кўйлак, ўрикзор нурга чулғанса,  
Табассум айлагай тортиқ гўзал тонглар бу корингга.

Муҳаббат куртаги унгай, йигитлар кўксига тўлқин,  
Шивирлаб розлар айтарлар неча минглаб нигорингга.

Қадам қўйса уфқ ўпган даламга танти деҳқоним,  
Тиларсан гашт, тиларсан шашт ўшал тоғдек виқорингга.

Умидим бор, ювиб ҳасрат, алам омухта чангларни,  
Севинч лутфини битгайсан дуолар деб туморингга.

\* \* \*

Эл аро иззатга лойиқ инсон имон ахтарур,  
Эзгулик оташларидан дилга дармон ахтарур.

Кимки поклик чашмасин кўзига чўп ташлар экан,  
Окибат чўл бағрида саргашта армон ахтарур.

Гар мачит гардин ялабдир, жаннати эрмаски, ким –  
Ўзгалар ризқидану ҳамёнидан кон ахтарур.

Кибр отин минган, дилозор кимсадан олисда юр,  
Шум тикон янглиғ ҳамиша оғриғу қон ахтарур.

Чин заковат ҳам ғурурдан бенасиб бўлганки бор,  
У амал тўлғоғида ўлгунча фармон ахтарур.

Эрмухаммад умридан сен излама доғлар, ғаним,  
Тонг нури тушган диёрдан давру даврон ахтарур!





# Болта ЁРИЕВ

(1941 йилда туғилган)



## АСР АЛМАШУВИДА АЙТИЛГАН ШЕЪР

Асрлар алмашгай, йиллар алмашгай,  
Фасллар алмашгай, селлар алмашгай.  
Насллар алмашгай, эллар алмашгай,  
Бу – абад кетгувчи қутлуғ жараён,  
Галма-гал мўъжиза айлар намоён.

Учқур бедовларни буриб бергайдир,  
Белда белбоғларинг сириб бергайдир,  
Ризқу насибангни териб бергайдир.  
Омонлигинг тилаб элтгай ҳар сари,  
Меҳнаткаш қисматнинг қадок қўллари.

Чекингда гоҳ ҳаён, гоҳи барака,  
Йўлингда яхши-ю ёмон маърака.  
Умр ўтаверар ушбу тариқа,  
Демак, бу дунёнинг бегонаси йўқ,  
Кўпга кўшилмаган ягонаси йўқ.

Надомат чекмагил кетганларингга,  
Саловат ўкигил ўтганларингга,  
Шукрона айлагил етганларингга.  
Умринг мазмунига бор-йўғинг – тафсир,  
Бардош-иродангга мўлжалли тасвир.

Келгач йил ораси, аср ораси.  
Биродар, дўст-ёрга тилак сараси –  
Азиз боболардан бизга мероси.  
Саодатдан тахту меҳрдан куёш –  
Доимо насибинг бўлсин, замондош!

\* \* \*

Шамол тезлигини олган автобус-  
Манзилга интилгай бекатма-бекат.  
Боқаман:  
Гоҳ четда тераклар тўкис,  
Гоҳ терим авжида эгатма-эгат.  
Шаҳарлар...  
Қишлоқлар...  
Ҳу, чўқкили тоғ...  
Кенгликлар кўйнида ўтлокзор-яйлов.  
Кундузи рангин боғ, тундаги чароғ –  
Тириклик инъоми, кўзимга сийлов.  
Йўловчилар чикқай (йўлдошлик насиб),  
Овуллар руҳини айлаб мужассам.  
Ул тоғлар ҳавосин келгандай кесиб,  
Ул яйлов ҳидларин этган каби жам.  
Шу қишлоқлар каби бағрилари кенг,  
Боғлар мевасидай меҳрга тўла.  
Кўнгли ҳам пахталар оклигига тенг,  
Чинорлар мисоли пишиқ зувала.  
Орзулари юксак чўққилар монанд,  
Бир дам ширин суҳбат кўшиб қолишгай.  
Қайта учрашувни қилганча ният,  
Сўнг қай бир бекатда тушиб қолишгай.  
Олис хотиралар кўзгалгай шунда,  
Юракда ҳаяжон мисли дардарак.  
Орзиқиш домига руҳим тутқунда,  
Қайтмас бир бекатдан излагай дарак.  
Биз ҳам дуч келгандик,  
Эзгулик бўлди.  
Лек насиб этмади қайта кўргулик.



Ох, хижрон азоби безгулик бўлди,  
 Айрилик, айрилик, машъум кўргулик!  
 Поёни номаълум йўл экан умрим,  
 Йиллар ракамланган бекатга ўхшар.  
 Ул бирида қолиб кетгандинг, нурим,  
 Энди қайтмагайсан то рўзи маҳшар...

\* \* \*

Эсингдами, дилбар, айни навбахор,  
 Қирларни кезмоқни этдик ихтиёр.  
 Ёқутдай товланган гулларда ханда,  
 Севгимиз олқишлар эди беғубор.  
 Шу баҳор завкини сўйлаган эдик,  
 Узоқ чўккиларга бўйлаган эдик.  
 Баҳордай сермазмун, чўккидай юксак,  
 Тотли келажакни ўйлаган эдик.  
 Шунда тебранганча нигоҳим тортган  
 Поёндоз ям-яшил кўкатлар эди.  
 Кўкатлар умрига бўлгали посбон,  
 Кўнглимда орзулар кўкатлар эди.  
 Сўнг кетдик... қирларни тарк этган сардай,  
 Ёз келиб, тоғларда эриган қордай.  
 Баҳор жозибаси, шуқуҳларини  
 Бетиним куйловчи қалдирғоч – дардай...  
 Баҳор келса, сени ўйлайвераман,  
 Чўкки қорларига бўйлайвераман.  
 Интиқлик, муштоқлик, соғинчим айта,  
 Қалдирғоч куйини куйлайвераман.  
 Қирларга баҳорлар неча бор қайтди,  
 Ул севги – умиддан энди юз қайтди.  
 Мен-ку, бир кунимни кўриб ўткардим,  
 Билмам, унда сенинг тақдиринг қайтди?  
 Мана, далаларда яна нафосат,  
 Майин майсаларда қанча малоҳат.  
 Кўнглимда орзиқиш кўзғайди бот-бот,  
 Кўкатлар қўйнида қолган муҳаббат.





## Шафоат РАҲМАТУЛЛАЕВ

(1942 йилда туғилган)

### ОЛИЙ ҚОМУСИМ

“Авесто”дан мерос эзгу амал сен,  
“Қуръон” оятидан иймон камол сен.  
Темурий “Тузук”дан қутлуғ тамал сен,  
Эй менинг ўзлим: ғурур, номусим,  
Конституциям – олий қомусим.

Сенинг битик йўлинг курашдир йирок,  
Бир бобинг Тўмарис кўтарган чирок.  
Ўзди бир бобингни қон билан Широқ,  
Эй менинг ўзлим: ғурур, номусим,  
Конституциям – олий қомусим.

Сенинг манзилингни кўзлаган қарвон,  
Ғазнавий, Темурий, Бобурий даврон,  
У қарвон бошида Навоий сарбон,  
Эй менинг ўзлим: ғурур, номусим,  
Конституциям – олий қомусим.

Сен адл аҳлининг олмос пичоғи,  
Фитрат фидо бўлган ҳақнинг ўчоғи,

Қодирий етмаган Қумуш қучоғи,  
Эй менинг ўзлим: ғурур, номусим,  
Конституциям – олий қомусим.

Келдинг йигирманчи аср сўнгида,  
Улуғ истиклолнинг қутлуғ тонгида.  
Порладинг жаҳоннинг кўзи ўнгида,  
Эй менинг ўзлим: ғурур, номусим,  
Конституциям – олий қомусим.

Энди мен озодман, сен бахт эшигим,  
Қамол беланчагим, беҳишт бешигим,  
Ушалган армоним – олтин қўшиғим,  
Эй менинг ўзлим: ғурур номусим,  
Конституциям – олий қомусим.

Тенгларнинг ичида бугун тенг ўзим,  
Жаҳоний тўнларга ёқа, енг ўзим.  
Дунёлар бағримда, бағри кенг ўзим,  
Эй менинг ўзлим: ғурур, номусим,  
Конституциям – олий қомусим.

## ОНА ДИЁР ОҲАНГЛАРИ

### 1

Дунё кезар она диёр оҳанглари,  
Юртни безар она диёр оҳанглари.  
Боботоғнинг баҳоридай қамалақранг –  
Минг қатим зар – она диёр оҳанглари.

Аждодларнинг асрий қарвон теvasи у,  
Фаробийнинг, Навоийнинг шеvasи у,  
Бу оҳанглар улуғ руҳлар минтақаси,  
Илоҳиёт иқлимларин меvasи у.

Ёлқин бўлган бу қуй Зардўшт чўғларига,  
Ҳамдам бўлган бу қуй Темур туғларига.

У бағрида истиклолни ардоклаган,  
У эгизак озод ўзбек рухларига.

Она диёр, оҳангларинг қутлуғ бўлсин,  
Рухий олам жаҳонларинг қутлуғ бўлсин.  
То бетакрор хар куй сенинг бир бўлагинг,  
Ватан, оҳанг ватанларинг қутлуғ бўлсин.

2

Сурхоним ҳам тўлиб-тошиб кўшиқ айтди.  
Хаёт ишқин кўшиғига кўшиб айтди.  
Қизлар куйга кокилларин эшиб айтди,  
Бўз ўғлонлар бахши бўлиб, жўшиб айтди.

Ахир бунда яшар куйга ошуфта эл,  
Дуч келганда куйлашар ё олишар бел.  
Тоғларидан тушган тошқин сувларидай,  
Хар кишлоғи сой-сой оққан санъати сел.

Эзгу урфлар зўрлигига шак йўқ бунда,  
Ўктам рухлар хурлигига шак йўқ бунда.  
Аждод – авлод, устоз – шогирд ворислиги  
Анъаналар бирлигига шак йўқ бунда.

Шу бирликда Ватаннинг шаън келажаги,  
Шу тинчликда икболимиз кулажаги,  
Ғалабамиз ўзбекона тотувликда,  
Шу хос рухни бутун жаҳон билажаги.

Шу рух санъат, тарихимиз билан тенгдир,  
Бу оҳанглар қонимизга кетган сингиб.  
Рухи бардам, санъатсевар бундай халқни,  
Юртбошимиз айтганидай, бўлмас энгиб.

Дўстлар, бўлсин шу Ватаннинг куйи мангу,  
Озод элнинг озод байрам, тўйи мангу.  
Она диёр оҳанглари олам кезсин,  
Ўзбекона бўлсин ранги рўйи мангу!



## Самандар ВОҲИДОВ

(1942 йилда туғилган)



---

### ВАТАН

Бир умр шеър айтдим-у, мадҳингга мос сўз топмадим,  
Сайри олам этдим-у, сендек дилафрўз топмадим,  
Оғриса жон, сен каби бошимда жонсўз топмадим,  
Инграсам – кондир дилинг, яйрасам – бағринг чаман,  
Мен сенинг жонингми ёки сен менинг жоним, Ватан!

Гоҳи гулга, гоҳи кулга айланиб сен муттасил,  
Кифтда тарих йўл босарсан, гоҳ ҳақир, гоҳи дадил,  
Гоҳ жаҳонгир Темуру гоҳ Бобури озурдадил,  
Кўзларингни тўсса ҳам кўнглинг тўсолмайди туман,  
Гоҳ куёшин бой бериб, гоҳ топган осмоним, Ватан!

Гоҳ ўзингга сиғмадинг, кетдинг йирок Сино бўлиб,  
Ал-Берунийдек буюклар номларига жо бўлиб,  
Қайтадир бари бугун бағрингга бир дарё бўлиб,  
Гар дарахтнинг илдизи бут, барг ёзаркан қайтадан,  
Ҳар бутоғи кумрию булбулга ошеним, Ватан!

Қайси юрт сендек жудолик жомидан ичган шароб,  
Чашмасин ёв сипқориб, ўз халқига қисмат сароб,

Эрк деган фарзандлари бўғзида тиғи изтироб,  
“Беватан” деб олмади ном, ўлса ҳамки бекафан,  
Қодирий Чўлпону Фитрат, Файзулла Усмоним Ватан!

Зарра хокинда мужассам ибрату фазлу камол,  
Қай дарахтки серсамардир, унга тошдан бор малол,  
Шул сабаб сенга ҳасад бирла боқар аҳли завол,  
Аммо мақсад мулкига соҳиб бўлолмас Ёсуман,  
Сабридан тилло яратган бағри уммоним, Ватан!

Айлади Оллоҳ хидоят, кўнди бошингга Ҳумо,  
Кўнди туғингга ҳилол, юлдузлари бирла само,  
Хам бошингни бағрига босганда оқил раҳнамо,  
Меҳрини туйдинг-у, билдинг кимлигингни дафътан,  
Орзулар саҳросида мардона карвоним, Ватан!

Бу заминки, ҳар қарич ери жаҳон мулки қадар,  
Равзаи ризвон бўлиб энди бақодан гул тутар,  
Лутф ила олам бугун солгай жамолингга назар,  
Тинглагай ўзбекни дунё, қайда тузса анжуман,  
Пок йўли офтобга пайванд Ўзбекистоним – Ватан!

## БОҚИЙЛИК ҚАСИДАСИ

*“Кўҳна ва боқий Бухоро” монументига боқиб*

Боқий бўлолмагай ҳамма кўҳна ҳам,  
Кўҳи Нур саналмас ҳар бир кўҳна тош.  
Боқийлик улдирки, токи бор олам,  
Хира тортмагайдир бамисли Қуёш.

Боқийлик улдирки, кўпса ҳам бўрон,  
Тўфонлар этса ҳам қисматиға қасд,  
Кўзлаган йўлидан оғишмай бир он,  
Юксалган тахтидан тушмагайдир паст.





Тарих – зарни мисдан фарқловчи маҳак,  
Синаб, сараланган боқий яшайди.  
Тарих гуруч аро асрамас курмак,  
Миси чикқанларни туфлаб ташлайди.

Ҳаёт сахнасида давру давронлар  
Турланиб турса ҳам обу ҳаводай,  
Боқийлик иршодин олган даҳолар  
Зангу чанг юктирмай қолар тиллодай.

Тиллони асрашга жасорат керак,  
Даҳони алқашга – аллома ақл.  
Дўпписин осмонга отар, қайси халқ –  
Боқийлик бобида кўрсатса далил.

Боқийлар туғилгай боқий заминда,  
Ёғилган сингари нур устига нур.  
Ҳаётнинг ҳаётбахш хислати шунда –  
Нурга нур қўшилса, дунё нурланур.

Не бахтки, ҳаққа юз бурдию замон,  
Кўҳнага боқийлик бахш этиб сайқал,  
Бизнинг кимлигимиз билсин деб жаҳон,  
Боқий Бухорога тикланди ҳайқал.

Халқим, ҳақинг бордур этгали фаҳр,  
Бунда буюклигинг сўйлар ҳар лавҳа.  
Авлод ўз аждодин айласа қадр,  
Бу эл тарихига “Бахт” дир сарлавҳа.

Боқийлик тимсоли, эй кўҳна шаҳрим,  
Гарчи армонинг йўқ шуҳрат бобида,  
Яна минг йилларга узайтар умринг  
Васфинг қасидаси – янги обида!



## Абдулла ШЕР

(1943 йилда туғилган)

### ЎЗБЕКИСТОНИМ

*Ўзбекистон тонг каби хумор,  
Баҳор каби лозор диёр.*

Туроб Тўла

Бир майин шамоллар эсиб қолдилар,  
Булутлар осмондан бешиб қолдилар,  
Куртаклар қушларни сезиб қолдилар,  
Гулларга кўмилди гулгун маконим,  
Баҳорнинг синглиси Ўзбекистоним.

Тоғларни уйғотган ўжар шалола,  
Кўклам байроғини кўтарган лола,  
Дунёни варрак деб югурган бола  
Менинг жоним эрур, менинг жаҳоним,  
Баҳорнинг синглиси Ўзбекистоним.

Кимлардир тирқишдан сизиб чиқди-ку,  
Бўйинини эркимга чўзиб чиқди-ку,  
Кўлидан милтиқлар ўсиб чиқди-ку,  
Милтиқла отилган кунлар – армоним,  
Баҳорнинг синглиси Ўзбекистоним.



Лекин кўклардан сўнг келарми ҳеч қиш,  
Мачитга олинмас сағанадан ғишт,  
Қарғалар дунёси қайтмагайдир: «Кишт!»  
Булбуллар маскани, булбулистоним,  
Баҳорнинг синглиси Ўзбекистоним.

Мангулик алқагай ёш дамларингни,  
Юлдузлар санагай қадамларингни,  
Куёшга менгзарлар одамларингни,  
Сурурим, гурурим, шавкатим-шоним,  
Баҳорнинг синглиси Ўзбекистоним.

Алдамчи ўйларни сўзга йўлатмай,  
Баҳорга чиқдик биз, дўстим, тўлат май, –  
Ҳар умр икболга битта йўлакдай,  
Яшнасин, яйрасин дориломоним,  
Баҳорнинг синглиси Ўзбекистоним.

## ТУҒИЛГАН ВАҚТИМ

*Туғилганимда замон қанақа  
бўлганини сўраган ёш кўшимга*

Даҳшатли замонда кўз очдим илк бор,  
Йиғим сезилмади фарёдлар аро.  
Тириклар ўларди, ўлик эса хор,  
Аёллар эғнида фақат кўк мато:

Замонки, урушнинг замони эди,  
Ёмғирдек ёғарди ерга қайғулар;  
Осмонки, қорахат осмони эди,  
Қушларнинг ўрнига учарди улар.

Дарахтлар ўларди одамлар каби –  
Айланиб кўндокқа, ёғочоёққа.  
Очликдан кўкарган гўдаклар лаби  
Мадор тополмасди ҳатто титрокқа.



Жабҳага ортилмай, пайкалда қолиб –  
Музлаган шолғомни топган болакай  
Ўзни ҳис қиларди совринни олиб,  
Уйга қайтаётган бахтли полвондай.

Қари-қартанглару қизлар бошига  
Шамол ҳам инграрди – қамчи тушганда.  
Урушнинг бужмайган зунг қуёшида  
Гўё бордек эди бир заҳарханда.

Портлаган Ғарбдаги қиррали тўзон  
Қумдек тикиларди Шарқдаги кўзга.  
Барча бўйсунарди қул каби сўзон  
Уруш деб аталган биргина сўзга...

Ғар бугун қулмасман, ҳурман юртимда,  
Лекин сал эгилиб яшайман, қўшни:  
Туғилган вақтим деб мен бошпуртимда  
Кўтариб юраман ўша урушни.





## Қамбар ОТА

(1941 йилда туғилган)



\* \* \*

Гуржистонда буюк удум бор:  
Қизга келса ошиқдан совчи,  
Кимлигига қилмас эътибор –  
Косибми у, деҳқонми, овчи...

Илк саволи фақат шу бўлар:  
– Ўрганганми Руставелини?  
Шу ваяданки, шоирин билар  
Гуржиларнинг куёв, келини.

Ҳар ўзбекнинг уйига бирров  
Буюрганда совчилар ташриф,  
“Навойни биларми куёв?”  
Деб сўрашин қилурман таклиф!

Шундай талаб қўйилса, алҳол,  
Қўркманг, қолмас қизларимиз ток.  
Буюк шоир шеърларин дарҳол  
Ёд оларди ҳар ошиқ бўйдоқ.



Назми – миллат,  
Юраги – Ватан  
Навойдан покланар иймон.  
Навоийни дунё олар тан,  
Бизга насиб наволи чаман.

Улуғликка тимсол, андоза,  
Ҳар бир сўзи илоҳий ва ҳақ.  
Виждони бут,  
Юраги тоза –  
Навойдан мадад олган халқ.

Навойдан кимки бебаҳра,  
Ошиқ эмас,  
Саналмас ота.  
Кўкси мисли қарғалган сахро,  
Эта олмас элга жон фидо.

Қалбини ишқ тилмаганларга  
Насиб этмас фахрли ўзлик.  
Навоийни билмаганларга  
Қиз бермасин биронта ўзбек.

## ЎЗБЕКИСТОН – ОНАЖОН

Ер-осмоннинг ораси,  
Оламнинг энг сараси,  
Авлод мерос Ватаним –  
Она Ўзбекистоним.

Ой ҳуснда етолмас,  
Қуёш шайдо, кетолмас.  
Кўк тоқида юлдузлар,  
Бахт таратар кундузлар.

Саховатли, фидокор,  
Дунёда энг бахтиёр.

Содикликда болангга,  
Танилгансан оламга.

Бир ёнингда Жайхундир,  
Бир ёнингда Сайхундир.  
Меҳрингдир нур тарами,  
Бағринг диллар ороми.

Ҳиммати ҳаётга тенг,  
Инсонпарвар бағрикенг.  
Покдомон Ўзбекистон,  
Меҳрибон Ўзбекистон.

Фарзандларин сийлаган,  
Камолотин ўйлаган.  
Ватан мангу улуғдир,  
Саодатга тўликдир.

### ОМАД КЕЛДИ

Мартабамни баланд айлаб,  
Мени йўқлаб омад келди.  
Севганим ўзинг, деб раўйлаб,  
Вафоли, хушқомат келди.

Ўнгу тушимда кўрмаган  
Тақдири аломат келди.  
Хаёлимга ҳам кирмаган  
Кулиб гўзал ҳаёт келди.

Бошим осмонларга тенглаб,  
Бир илоҳий имдод келди.  
Дунё юрагимни англаб,  
Ёнимга дўстлар шод келди.

Порлоқ толеимнинг тенгсиз  
Иймони саломат келди.  
Омад келган дилга ҳаргиз  
Сарвари саловат келди.



## Ошиқ ЭРКИН

(1943 йилда туғилган)

### ЮРТ ИШОНЧЛИ ҚЎЛДАДИР

Жавлон уриб бахт сари келди гўзал онимиз,  
Ўйнамоққа, кулмоққа бизнинг ҳам давронимиз,  
Омон бўлғай Ҳақ берган шавкатли сарбонимиз,  
Диёрим Ўзбекистон оидин, равон йўлдадир,  
Тинч тутинг кўнглингизни, юрт ишончли қўлдадир.

Кўз тегмасин илойим – одимларимиз шаҳдам,  
Зафарларга, шонларга тўлиб-тошмоқда ҳар дам,  
Эрк йўлинда халкимнинг руҳи тетик ва бардам,  
Диёрим Ўзбекистон жаннат томон йўлдадир,  
Тинч тутинг кўнглингизни, юрт ишончли қўлдадир.

Ҳақсизлик замонида эрсак ҳамки басирлар,  
Орзу эрди бу кунлар неча-неча асрлар,  
Оз фурсатда курдик биз юзлаб олий қасрлар,  
Диёрим Ўзбекистон равон, тўғри йўлдадир,  
Тинч тутинг кўнглингизни, юрт ишончли қўлдадир.





Истиклолнинг кадрига етиб-етиб яшайлик,  
Жону дилимиз унга нисор этиб яшайлик,  
Даврон сурмоққа жаннат томон ўтиб яшайлик,  
Диёрим Ўзбекистон нурли, равон йўлдадир,  
Тинч тутинг кўнглингизни, юрт ишончли қўлдадир.

Бизнинг даври-давронга ҳайрон қолсин давронлар,  
Келар бундан ҳам гўзал, олий, беҳишт замонлар,  
Яшнагай, Ошиқ Эркин, элимда ҳар томонлар,  
Диёрим Ўзбекистон нурли, равон йўлдадир,  
Карвон ишончли қўлда, юрт ишончли қўлдадир.

### **ТИЛИНГДАН АЙЛАНАЙ, ХАЛҚИМ**

Мозийда битилган элимнинг оти,  
Миллати ўзбек, деб, фалакнинг хати.  
Гуфторларинг эрур жонлар роҳати,  
Изҳор этгувчи дур сўзлар дилингдан,  
Тилингдан айланай, халқим, тилингдан.

Навойни булбулнавоз сўйлатган,  
Огаҳийга хуш наволар куйлатган,  
Қаддимизни тоғлар ила бўйлатган,  
Ўзбакий лафз – шарбат тўла дилингдан,  
Тилингдан айланай, халқим, тилингдан.

Латифдурсан, бебаҳосан азалдан,  
Аён гўзаллигинг шеърдан, ғазалдан,  
Қолишмас лаззатинг новвот, асалдан,  
Хуш наволар изҳор этган дилингдан,  
Тилингдан айланай, халқим, тилингдан.

Дурдонамсан, менинг доно тилимсан,  
Бахтим, давлатимсан, она тилимсан,  
Машҳурдирсан кенг жаҳона, тилим, сан,  
Ошиқ Эркинга шавқ берган дилингдан,  
Тилингдан айланай, халқим, тилингдан.



## ЎЗБЕКНИНГ ЎҒЛИМАН МЕН

Мозийларга бориб такалар аслим,  
Тарихлардан аён насабим-наслим,  
Ўтган бор авлодим ширин нафаслим,  
Қадим боболардан тухфадур фаслим.  
Авлодимдек юраги чўғлиман ман,  
Бахтим шуки, ўзбекнинг ўғлиман ман.

Халқимнинг ажойиб таърифи бордур,  
Беш минг йилдан ҳам кўп тарихи бордур,  
Ўзбек деган исми шарифи бордур,  
Гулдек гўзал хусни зарифи бордур.  
Зурёдимдек юраги чўғлиман ман,  
Бахтим шуки, ўзбекнинг ўғлиман ман.

Қадимлардан мерос диёр бу менга,  
Эрк учун курашда қайтмаган изга,  
Бағри тўтиёдир бокқан ҳар кўзга,  
Номи минг йилларким, чиққан юлдузга.  
Бобомлардек юраги чўғлиман ман,  
Бахтим шуки, ўзбекнинг ўғлиман ман.

Диёрим жаҳоннинг жаннат чамани,  
Бағри бутун, бахтиёрлар ватани,  
Қуёш эмиб, тоблангандир бадани,  
Ошиқ Эркиннинг ҳам жони ва тани.  
Юрак-бағри қуёшдек чўғлиман ман,  
Бахти кулган ўзбекнинг ўғлиман ман.

Қўлда ўз байроғим бор – туғлиман ман,  
Бахтим шуки, ўзбекнинг ўғлиман ман.





## Тошпўлат АҲМАД

(1943 йилда туғилган)



---

### ТАЪЗИМ АЙЛАБ

*Омон МУХТОРга*

Тупроғингнинг хушбўй атридан  
Ҳидлагани келдим, Бухоро.  
Тўймоқ бўлиб иссиқ меҳрингдан,  
Бағринг томон елдим, Бухоро.

Келсам, мени илк бора кучди  
Фарзандидек Афанди бобом.  
Саррофондан ифорлар кўчди,  
Лаби Ҳовуз тутди гулгун жом.

Сипқордим ман қона ва қона,  
Вужудимда ёқиб аланга.  
Ростин айтсам, этдим шукрона,  
Таъзим айлаб сендай чаманга.

Ахир азал меҳригиёсан,  
Боболардан мерос дуосан.  
О, Бухоро, қиблагоҳимсан,  
Нурсан, Ҳурсан – Арши аълосан.



## БОРАР ЙЎЛИ БОР...

Кўнгилнинг кўнгилга борар йўли бор,  
Чаманзор боғларнинг ўз булбули бор.

Агарчи оламнинг чеки йўқ, лекин  
Фарбию Шаркию ўнги сўли бор.

Ўргилай юртимнинг тупроқ, тошидан,  
Унинг жонни ёқар минг хил гули бор.

Азизлар, гар мени кўрсангиз, айтинг:  
“Бизнинг орамизда меҳр кули бор”.

Билингким, ўртага совуқлик тушса,  
Шаксиз, хиёнатнинг кинғир қили бор.

Дўстим деб ўйламанг ҳар бир кимсани,  
Кулиб, жон олгувчи айёр хили бор.

Ишонманг савлатдор, гўр кимсаларга,  
Уларнинг ақлимас, беҳад пули бор.

Ва лекин элимнинг заҳматкаш, хоксор,  
Иймондек муқаррам қалб маҳсули бор.

Ғурурким, мўйсафид, пир – Бухоронинг  
Қуръонхон, ҳадисхон қизи-ўғли бор.

Уларни юракка босгувчи шоир –  
Тошпўлат Аҳмаднинг қадок кўли бор...

## НАВОЙНИ БИЛМОҚ УЧУН...

Навоийни билмоқ учун  
Навобахш зот бўлмоқ керак.  
“Калом” илмин, “Ҳадис” илмин  
Юракка жо қилмоқ керак.



Навоийни билмоқ учун  
Нигоҳни пок қилмоқ керак.  
Комилликни дунё англаб,  
Ҳаққа етган бўлмоқ керак.

Навоийни билмоқ учун  
Тилни шаффоф тутмоқ керак.  
Эл дардини дардинг билиб,  
Меҳрини тож этмоқ керак.

Навоийни билмоқ учун,  
Халқ ичига кетмоқ керак.  
Факирлару ҳакирларга  
Иймон нурин тутмоқ керак.

Навоийни билмоқ учун  
Разолатни юлмоқ керак.  
Адолатни қуёш англаб,  
Навоийдай бўлмоқ керак...



## Садриддин Салим БУХОРИЙ

(1946 – 2010)

### “ОҚҚУШИМ” китобидан

Куйилганда ҳамал ёмғири шаррос,  
Далада бошяланг еларди опам.  
Дил орзуси гўё этарди парвоз,  
Куйлаб-куйлаб уйга келарди опам.

“Сочларимни узун этгин, ҳамалжон,  
Юрганимда ер ўпсин қирқ кокилим.  
Ўзинг осмон кокилисан ер ўпган,  
Кошки ўриб қўёлсам толим-толим”.

Йиллар ўтиб сочлари бўлди узун,  
Бўй улади ҳамал орзусига ҳам.  
Қизалоғин қўлда кўтариб бугун,  
Опам дала кезар куйлаб бошяланг:

“Қизим сочин узун этгин, ҳамалжон,  
Юрганида ер ўпсин қирқ кокили!”  
“Ҳамал қандай узун этар, онажон,  
Ҳамал ким у? Борми оёғи, қўли?”

“Ҳамал – баҳор. Ернинг сочи майсалар,  
Дарахт сочи япроқлар эрур, кизим.  
Ёмғир бўлиб ҳар гал қуйилар ҳамал,  
Қўли теккан сочни этади узун...”.

Қизча дилин ўрар ойдин ҳаяжон,  
Ишонч билан қуйлагай у бетиним:  
“Сочларимни узун этгин, ҳамалжон,  
Юрганимда ер ўпсин қирқ кокилим!”

### ҲАМРОБИБИГА

Болалар лабига кулгу улашар  
Бухоро лойидан ясалган хуштак.  
Милтиқча яшадан қилади ҳазар,  
Ясади булбулча, бўталок, лайлак.

“Чурр” этиб овоза қилса бўталок,  
“Чурр” этиб қўшилар митти тойчоқ ҳам.  
Болалар севиниб тутади кулоқ,  
“Уруш-уруш”ларни унутиб шу дам.

Мақсади – лабларга кулгу улашмоқ,  
Болалар милтиққа солмасин назар.  
У билар урушни, билар не фироқ,  
“Фироқни билмасдан ўссин болалар...”.

\* \* \*

Қуюн учирмоқчи Сомон йўли “сомон”ларини,  
Қуюн кўчирмоқчи Сомон йўли осмонларини.  
Кўкрак кериб унинг йўлларида бўламан қалқон,  
Меники ер, меники осмон.

Қарамоқчи катта Айиқ илинж билан Зухроға,  
Қирмизи қон хиди анқир оташнафас самодан.  
Қанот қоқиб самоватда пайдо бўлгум ноаён,  
Меники ер, меники осмон.

Бир майсанинг тили куриб, қатра сувга бўлса зор,  
Юлдузлар тун бўйи кўзёш тўкиб, суғорар гулзор,  
Муҳаббатнинг атрофида айланади бу жаҳон,  
Меники ер, меники осмон.

## БАҲОР

Гумбур-гумбур бошлар юриш,  
Булутлар карвон.  
Аста-секин эрийди киш,  
Тизилар маржон.

Дехкон каби қўшиғини  
Куйлаб беармон.  
Кўзикорин уруғини  
Сепмоқда осмон.

\* \* \*

Яланғоч новдаларга  
Чумчуклар кўниб олди.  
Гўё улар япроққа  
Бирдан айланиб қолди.

Қикир-қикир барглардек  
Маст бўлишди кулгудан.  
Улар кекса дарахтни  
Уйғотмоқчи уйкудан.







# Носир МУҲАММАД

(1946 йилда туғилган)



---

## СОҒИНЧ

Диёрим – жисмимга жон берган тупрок,  
Сенинг меҳрингга ҳеч бормикин поён?!  
Бағрингдан қанчалик кетмайин йирок,  
Ишқинг ҳамроҳ бўлур менга ҳар қачон.

Сендан гўзал юртлар бордир дунёда,  
Бойлиги сендан мўл ерлар бор ҳатто.  
Вале менинг учун сендан зиёда,  
Сендек севимлиси йўқ эрур асло.

Қалбим саёҳатлар завкига тўла,  
Кўплаб ўлкаларда бўлганман меҳмон.  
Қайда бўлмай, буюк бир соғинч ила  
Сенинг қиёсингни изладим ҳар он.

Мевазор боғларинг эсладим рости,  
Қайинзорлар ичра кезганда масрур.  
Лол этганда улкан дарёлар басти,  
Аму ва Сир ёди бахш этди ғурур.



Шаҳарлар чиройи очганда баҳрим,  
Оврупо бағрига килганда сафар,  
Кўз олдимда турдинг, жонажон шаҳрим –  
Осиё куёши тоблаган гавҳар.

Мен учун ҳар жойда бўлди бир ҳужжат  
Бепоён Ватаннинг безавол номи.  
Хорижий тилларда қизиса суҳбат,  
Менга эшитилди ўзбек каломи.

Сенинг борлигинга шукрона айтдим,  
Ҳар кадамда меҳринг сезган онимда.  
Гоҳо изтиробда ўртанган пайтим  
Мунис она каби турдинг ёнимда.

Узоқда билинар юрт кадри ҳар вақт,  
Кўзларда ёш билан ёдлашар отин.  
Қадру қимматингни билмаган фарзанд,  
Майлига айрилиқ захрини тотсин.

Сафар гар завклидир, поёнсиз эмас,  
Соғиниб қайтурман бағрингга хушҳол.  
Учиш завқи ила бўлса-да сармаст,  
Уясига қайтган полапон мисол.

## ОСМОНДАГИ ЎЙЛАР

“Боинг” парвоз қилар само баҳрида,  
Гўё жонлангандек қадим рўёлар.  
Пастга тикиламан, замин бағрида  
Қон томирлар каби йўллар, дарёлар.

Оппок момик каби булутлар сузар,  
Гўёки пахтадан уюлган хирмон.  
Куёш шуъласидан уфқларда зар,  
Ер каби туюлар шу дамда осмон.



Сузиб борар экан ҳаво кемаси,  
Силкиниб олади чарчоқ кушдай гоҳ.  
Учоққа илк минган гўдак чамаси  
Вужудимни босар ваҳима ногоҳ.

Ҳис этдим: бу буюк кенгликлар аро  
Бизнинг ҳаётимиз заррадир шояд.  
Дилимда кўрқинчу тилимда дуо,  
Бир томчи сув каби умр омонат.

Меҳр-ла боқаман ерга дам-бадам,  
У гўё харита – рангларга тўлик.  
Кўринар на шаҳар, на бирор одам,  
Тиканли симлару чегаралар йўк.

Қани у давлатлар, эллар, элатлар,  
Ирқу мазҳаб аро ғавғою низо?  
Англадим, самодан боқилса агар,  
Шу тупроқ барчага ягона маъво.

Низо, қон тўкишлар етар энди, бас,  
Қўлни қўлга беринг, яшнасин ҳаёт.  
Бахтини осмону фалақдан эмас,  
Шу Заминда топар ахир одамзод



## Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА

(1946 йилда туғилган)

### СИРДАРЁНИНГ БЎЙЛАРИДА

Бу воҳани мардлар юрти, навкирон Сирдарё дерлар,  
Сайхун дарё, сирли дарё, қатраси дур дарё дерлар,  
Қирларида буғдойзорлар олтинланиб куйлаб ётар,  
Соҳилида сўлим боғлар, анорзорлар болга ботар,  
Юксак хирмон ишқи яшар деҳқонининг ўйларида,  
Жамол очган бир воҳа бу Сирдарёнинг бўйларида.

Элнинг ўктам ўғлонларин олтин боши омон бўлса,  
Ниятлари тонгдай тоза, ҳамроҳлари имон бўлса,  
Султонларин қўлларидан Хизр тутиб қўллаб тургай,  
Саодатли манзилларга, мақсадларга йўллаб тургай,  
Оналари дуога қўл очиб, омад тилаб тургай,  
Насиб этсин бир яйрамоқ бу йил ҳосил тўйларида,  
Бир тўй бўлсин довруқ солиб Сирдарёнинг бўйларида.

Ғўзасининг бўйларига қараб кўнгли ўсган элим,  
Даласини сел, ёмғирдан кўкси билан тўсган элим,  
Бугун сокин тонглаарида бахт насими эсган элим,  
Бугун зафар китобига мағрур исмин ёзган элим,  
Яралмоқда ажиб дoston Сирдарёнинг бўйларида,

Йўллари диллар чароғон Сирдарёнинг бўйларида.  
Сирдарёнинг боғларида ухлар беҳишт шамоллари,  
Ойдан ойдин Сайхунобод кизларининг хаёллари,  
Ойбарчинга гап бермагай Боёвутнинг аёллари,  
Тўйларига ярашиқли ўланлари, алёрлари,  
Бешиктўйдан бўшамайди момоларин айвонлари,  
Тўйхона ҳар бир хонадон Сирдарёнинг бўйларида.

Мақтанишга йўйманг, айтиб қўяй гапнинг сирасини,  
Тотганмисиз Мирзачўлнинг қовунларин ширасини,  
Анорзорин кезганмисиз, анорлари етилганда,  
Кузак офтобидан қирмиз косадек болга тўлганда,  
Анорзорлар шохи ларзон Сирдарёнинг бўйларида.

Агар кўрмоқ истасангиз Сирдарёнинг камолини  
Гулистоннинг, гул шаҳарнинг тўлин ойдаи жамолини,  
Яратгандан толе сўраб, тилаб ёруғ иқболини,  
Келинг, бир кун бўлинг меҳмон Сирдарёнинг бўйларида.

## ВАТАН

Кўзларимнинг қароғида асраганим,  
Хаёлларим ардоғида асраганим,  
Соғинчларим титроғида асраганим,  
Кўкрагимнинг чап ёғида асраганим  
Исмингдир, Ватан!

Сен-ла умрим мунаввардир, сўлим баҳор,  
Сенсиз кўнглим – нурсиз гўша, узилган тор,  
“Ватан” сўзи кўнглимдаги тоғдек виқор,  
Тилимдаги тиловатдир, номус ва ор –  
Исмингдир, Ватан!

Чашма бўлиб қутлуғ тупроғингни ўпдим,  
Ёмғир бўлиб майсанг, қиёғингни ўпдим,  
Насим бўлдим тонглариингни қуйлагувчи,

Саҳарларда саодатдан куйлатувчи –  
Исмингдир, Ватан!

Лола тердим бахмал адир тоғларингдан,  
Шеъримдаги тоза ифор боғларингдан,  
Тўрт фаслингни хур нафаси жонимдадир,  
Чечакларинг, қувраган янтоқларинг ҳам –  
Исмингдир Ватан!

Шу табаррук замин менга берди қувват,  
Тонгда суук исминг айтиб уйғонмоқ – бахт,  
Кўнглимни тоғ айлаб турган ғурур ва шахд,  
Юрагимда юксалгувчи буюк ҳикмат –  
Исмингдир, Ватан.





**Исмоил  
МАҲМУД**

(1947 йилда туғилган)



\* \* \*

Ўзбекистон кучди борлик ичра икбол босафо,  
Элу юрт оламча бахтдан топди файз олам аро.

Мустақиллик даврига солди асос Юртбошимиз,  
Бу буюк заҳматли ишга бўлди чин Ҳақдин пано.

Жо-бажо бўлди ёруғ йўлларда даврон шуҳрати,  
Боз зафар кучди, этиб майдонда халқ аҳду вафо.

Халқ, Ватан бу ишда ҳар дам кўллади Сарварни рост,  
Ул буюк Соҳибқирон шахд-азмини этди бажо.

Эл саодат бағрида топди букун хос йўлниким,  
Ҳар вужуд калбида порлар Ҳуррият – нури Худо.

Эртаси бундан буюк бўлди бу юртнинг, бахт насиб,  
Бу саодат нуридин топди фарах еру само.

Кўкка бўй чўзмокда масрур турфа гуллар баҳравар,  
Бу барокатдан ўзига айлабон ҳамду сано.



Бархаёт пиру азизлар рухи шодким ажридин,  
Икки оламлик саодат файзидин айлаб ғизо.

Ушбу айём қон-қариндош барча миллат иттифок,  
Айлағаймиз шукрин ул Зот ҳаққига айтиб дуо.

Бу муборак тонгда, Махмуд, васф этар икболини,  
Асрасин Ҳақ Мустақиллик БАХТИНИ – шу муддао.

\* \* \*

Дилда бўлса эҳтироминг келган ул фурсатда айт,  
Чин тавозе бирла унга сен чуқур ҳурматда айт.

Чикса бемаврид куёш ҳам тўзғитар гавҳарни, бил,  
Ким ўзинг офтоб мисоли вақтида журъатда айт.

Топмадим деб бўлма ғофил, аҳду шаҳдингдан кечиб,  
Изла, ўргангил киёсин, бас, топиб ҳикматда айт.

Оқилу доно ишидин қувват олгин ҳар нафас,  
Эҳтиёт айлаб тилингни дилдагин тоатда айт.

Одабийлик ичра ҳар ким топгуси чин муддао,  
Сийратинг бирла сўзингни бир тутиб ғайратда айт.

Эҳтиром бирлан улуғлар тутдилар қалб риштасин,  
Ким саодат манзарин ҳар дам билиб неъматда айт.

Бу ҳаёт бўстонида, Махмуд, ўзингни англагил,  
Ҳар сўзингни дўст билиб дўст қалбига ибратда айт.

\* \* \*

Хуш назар бирла каранг, дийдор ғаниматдур бу дам,  
Ота-она, аҳли дўст, дилдор ғаниматдур бу дам.

Ҳар нафас такрори ўзга қайтмағай ҳеч лаҳзаким,  
Паст-баланд урғай юрак, иқрор ғаниматдур бу дам.





Ҳар кадамда турфа ҳис, ҳар бир назар тафти бўлак,  
Гоҳ ёруғ, гоҳи заиф рухсор ғаниматдур бу дам.

Вақт аро дўстлар жамоли ичра сиз хурмат топинг,  
Ким азизлар лутфидан асрор ғаниматдур бу дам.

Аввалу охирда ҳар иш фурсати ҳикматдадур,  
Анга кўнглин чоғлаган аброр ғаниматдур бу дам.

Жустужў айланг саодат ичра дил майдонида,  
Бу ҳидоят истари бедор ғаниматдур бу дам.

Айлагай кимёки, Махмуд, иқтидо руҳи дилинг,  
Бу улуғ майдонда чин ҳамкор ғаниматдур бу дам.

\* \* \*

Бўлди бахтим дастхати – ўзбек тилим, давлат тилим,  
Бўлди қалбим раҳмати – ўзбек тилим, давлат тилим.

Халқ аро тенг ичра тенгдир, берди Истиклол шараф,  
Бўлди кўнглим шавкати – ўзбек тилим, давлат тилим.

Ифтихор бирла ҳамиша сўзларим дунё аро,  
Бўлди руҳим кудрати – ўзбек тилим, давлат тилим.

Бўйласам минбарда фикрим етти иқлимга етар,  
Бўлди қадрим неъматини – ўзбек тилим, давлат тилим.

Барча тиллар ҳам гўзалдир, бир-биридан кам эмас,  
Бўлди фикрим санъати – ўзбек тилим, давлат тилим.

Бу жаҳон майдонида ул ўзлигим, ўзбеклигим,  
Бўлди ақлим талъати – ўзбек тилим, давлат тилим.

Толем шукрида, Махмуд, шеър битарман ишқ аро,  
Бўлди умрим роҳати – ўзбек тилим, давлат тилим.





## Ёқубжон АҲМАДЖОНОВ

(1947 йилда туғилган)

### БОБОРАҲИМ МАШРАБНИНГ ТУҒИЛГАН ЖОЙИ

Туғилган маконин англамоқ бўлиб,  
Хаёлан Машрабни айладим тавоф.  
Менинг саволимга аламли кулиб,  
Юртдошим қайтарди хўп қизиқ жавоб:

Бил, тирик чоғида хор бўлган зотлар,  
Одатда, кўз юмгач бўлади азиз.  
Оргидан нечалар йиғлашар додлаб,  
Шонига топилар қирқ мингта ворис.

Мени ҳам қувдилар тошларни отиб,  
Юртма-юрт судралдим, юрак-бағрим қон.  
Фожелар эвази ўлмас шухратим,  
Не ажаб, талашса ушбу кун жаҳон?

Яхшиси, сен бунга қилмагин парво,  
Ўзимни тинч қўй-у, ўрган ижодим.  
Кимки донг таратиб ўлса мабодо,  
Ернинг ҳар бурчидан чиқар авлоди.”

## ГАМЛЕТСИЗ ТРАГЕДИЯ

ёки улуғ одамларнинг ўрни ҳақида шеър

*Наманган театри тайёрлаган «Гамлет» спектакли  
саҳнада Гамлет ролига муносиб актёр йўқлиги  
туфайли томошабинларга кўрсатилмади.*

Наманган. Театр. Вильям Шекспир  
Фожеси саҳнада – Дания ана:  
Юввош мулозимлар титраётир зир,  
Маккор ҳукмдорлар қилур тантана.

Эльсинор кўкида оқ булут эмас,  
Озриклар – пуфаклар юришар учиб.  
Марцел, Бернардолар кўзга кўринмас,  
Балким ваҳмданми кетишган қочиб.

Атроф ўлик гуллар – заъфарон рангдир,  
Сайроқи кушларнинг тили кесилган.  
Сарой пештокига даҳшатли қандил –  
Мархум ҳукмдорнинг кўзи осилган.

Пурвиқор аъёнлар, гўзал таннозлар,  
Юз хил афт-башара, юз турлик овоз.  
Жиддий, совук юзлар ва масхарабозлар,  
Саҳнада биргина Гамлет йўқ холос...

Сармаст, фиск-фужурни майдек симириб,  
Ўйчан шахзоданинг эгасиз юрти.  
Қапбайган қоринлар борар семириб,  
Оёқлар инграйди томири бўртиб.

Акасин ўлдириб, шоҳ бўлган одам  
Клавдий қувончдан энтикар, зеро  
Унинг қаршисида даҳшатли ҳакам  
Қасоскор Гамлет йўқ, йўқ буюк даҳо.

Гартруда, ҳирсу хавас тутқуни,  
Эҳтиросли тунни хотирлар ҳамон.  
Таъна оловида ёққани уни  
Фарзанди Гамлет йўқ – ярадор виждон.

Ҳатто Офелия бехис, беқайғу,  
Ўз-ўзидан мамнун. Полонийсифат.  
Зеро, уни ақлдан оздирган туйғу –  
Оққўнгил Гамлет йўқ, йўқ ишқ-муҳаббат.

Горацио ғамгин. Кўзлари алам.  
Кўксини эзади аллақандай муз.  
Сабаби, дардини кўргани баҳам  
Гамлет йўқ. Қайдасан, садоқатли дўст?!

Бир чеккага отар Лаэрт қиличин,  
Зерикиб эснайди атрофга бокиб:  
У билан юзма-юз жанг қилмоқ учун  
Сахнада Гамлет йўқ – муносиб Ракиб.

Гильденстрен одаммас. У кора қарға,  
Розенкрац инсон суратли дажжол.  
Лаэрт тўлғанади: «Палид зотларга  
Йигитнинг қиличи, Ажал ҳам увол...»

«Ё ҳаёт, ё мамот!» деб айтмас ҳеч ким,  
Умр бир марталик. Ширин нарса жон.  
Эльсинор мулкига розолат ҳоким,  
Дания Гамлетсиз, ғарибдир иймон.

«Топишиб олибди одам-у ваҳшат...»  
Кўчаларда Арвоҳ бечора санқир.  
«Фарзандим Гамлет йўқ... О, қандай даҳшат!» –  
Лир каби инграйди. Кифтида таҳқир.

«Мен-ку, арвоҳман-а... Булар-чи, булар  
Мендан ҳам батгарроқ, ҳислари мурда.  
Жасорат – Гамлет – йўқ. Ким хуним олар,  
Изтироб илони чакмасми гўрда?!»

Бардоши битдими ё тирик арвоҳ  
Кимсалар бағрини этдими вайрон,  
Марҳум қирол руҳи чекканича ох,  
Кўздан ғойиб бўлди маъюс, нигорон...



# Матназар АБДУЛҲАКИМ

(1948 – 2010)



---

## ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Кўринмасдим ҳар ким-ҳар кимга,  
Мен – саҳарлар уфурган нафас.  
Гардсизлигим, тозалигимга  
Чексизликлар қиларди ҳавас.

Бир тонг ногоҳ бўлдим мен шабнам,  
Сўнг булутга, ёмғирга дўндим.  
Майсаларга айландим кам-кам,  
Тупрок бўлиш дардига кўндим.

Минг йилликлар туркум ва туркум  
Қорилдилар зулмат, зиёга.  
Саодатли қандайдир бир кун  
Дарахт бўлиб келдим дунёга.

Ҳаёт бир йўл – сўнгсиз, бетимсол,  
Минг тирилиб, минг ўлиб чопдим.  
Насиб бўлди ноёб бир висол,  
Жонзот ўлиб таваллуд топдим.



Қаноатлар, тоқат, сабрлар  
Ғилдираги айланди гир-гир.  
Кечди неча туман даврлар,  
Инсон бўлиб туғилдим охир.

Эндигина ором топиб жон,  
Етти десам толега хуш гал,  
Ҳар тўқисда неча минг нуксон,  
Ҳар тўқисда – неча минг ишқал.

Зулмат тўйди ютиб зиёни,  
Зулматларга зиё ҳам тўйди.  
Дийдорига тўйдим дунёнинг,  
Дийдоримга дунё ҳам тўйди.

Қўйинг, сўйлаб бўлмай мен нолон,  
Сиз ҳам тинглаб бўлмангиз ҳалак.  
Шу ўзингиз билган тўполон,  
Шу ўзингиз билган чархпалак.

Номард бўлай агар нолисам,  
Бошқа тирилмайман, ўлмайман.  
Бир қутулсам, бир кетиб олсам,  
Дунёга мен бошқа келмайман.

## ДИЙДОР

Мукамал бу гўзаллигингни  
Ёниб қилгим келади таъриф.  
Бирок, не қилайки, қошингда  
Энг қудратли каломлар ғариб.

Висолингни қилсам-да ҳавас,  
Меҳрим изҳор этмадим ҳеч вақт.  
Сен билан бир ҳаводан нафас  
Олиш ўзи менга катта бахт.



Бир қайрилиб ташласанг нигоҳ,  
Юрак тўлар сўнмас зиёга...  
Сени бир бор кўриш-чун фақат  
Келиб кетса арзир дунёга.

### **ХАБАРИНГ ЙЎҚ**

Зоримни сезиб, титради дутор, хабаринг йўқ,  
Ғафлатда сену мен бунда бедор, хабаринг йўқ.

Оламни босар зулмат агар лаҳза юмилса  
Ул кўзларинг, эй кўзлари хуммор, хабаринг йўқ.

Ишқ бўлмаса кошонаи бахт кунпаякундир,  
Ишқ туйғусидир энг буюк меъмор, хабаринг йўқ.

Ҳам менинг, ҳам колди куни ишққа заминнинг,  
Иккимиз ҳам йўкса у бемор, хабаринг йўқ.

Қалбингдаги ишқ қатрасини офтоб олгач,  
Атрофида ер айланади зор, хабаринг йўқ.

Бахтингни кутиб вақт ўтишин тезда тиларсан,  
Умрингни ўғирлайди у айёр, хабаринг йўқ.

Дебсанки, хабарсиз бу йигит жабрима маҳкум,  
Бундан хабарим аллақачон бор, хабаринг йўқ.



## Ўткир РАҲМАТ

(1948 йилда туғилган)

### ВАТАН

Ватан – сен кўзимсан, борсанки – ёруғ,  
Ҳам оташ қалбимсан – даргоҳи юрак.  
Сен нурли – истиклол, буюк ва улуғ,  
Ватан сен – онамсан  
Ҳаммадан юксак...

Хаёлим ўзингсан – ният ўзингсан,  
Умидим ўзингсан – бахтим – Ватаним.  
Агар сен бўлмасанг менга не ҳаёт,  
Минг парча-парчадир  
Бу жон, бу таним...

Ватан, ифорингдан аланай, ахир  
Муаззам тонгингда хуршиди жон бор.  
Соҳибкирон руҳи қўллаган тақдир –  
Юрт бахти, эл бахти –  
Буюк Сарбон бор.

Қошу кўзгинангга тушмасин бир гард,  
Мен кўрай, сен асло ҳеч кўрмагин дард.  
Эртанг бугунингдан гўзалроқ, юртим,



Индини эргадан  
Асалрок, юртим...

Сен борсан – мен борман,  
Биз бормиз, Ватан...

## СОҒИНЧ

Сутдай окшом қўйнида,  
Васлинг умидида зор,  
Сени интиқ кутарман  
Сахаргача мен бедор.

Йўлингга ой ёғдуси  
Сочки тангадай сочик.  
Умидворим, соғиндим,  
Мени истаб йўлга чиқ!

Истасанг ху фалакдан  
Ойни узиб берай мен.  
Юлдузлардан бўйнингга  
Маржон тизиб берай мен.

Оқмоқда-ку умримиз  
Бу тинимсиз сойдаин.  
Қўшиқлари турфа хил,  
Нола қилар найдаин.

Бепоён дала – ўтлоқ,  
Чаман эрур бу нафас.  
Бу юрт – бизнинг юртимиз,  
Янграмасин ўзга сас.

Ғафлатда қолиб бир кун,  
Излаб дема: – Қайдасиз?!  
Умр ўтиб кетган сўнг,  
Билсанг, бари фойдасиз!

## СУЮКЛИГИМ...

Суюклигим, кошингдаман  
Дилда неки бори билан,  
Тинчлик бермас ёнган олов –  
Муҳаббати, зори билан.

Оҳ десанг ҳам, воҳ десанг ҳам,  
Авайласанг, бахтим шудир –  
Тўрт фаслли феълимдаги  
Тўфон, ёмғир, қори билан.

Қувонч ҳамроҳ, алам ҳамроҳ,  
Ташвишларнинг чеки йўқдир,  
Гоҳ уфуриб, гоҳ қадалган  
Райҳон гуллар хори билан.

Адолатни, ҳақиқатни  
Гирён излаб кезди қалбим,  
Сарсонликдан қайтди охир  
Иймон, инсоф, ори билан.

Тушовланган тилим энди  
Занжирларин бир-бир узди,  
Сўзламокка, куйламокка  
Шайланган дил – тори билан.

Тақдир яна дуч қилмасин  
Азобланган умрим кийнаб,  
Меҳробларда писиб ётган  
Чаёнлару мори билан.

Чанг-ғуборлар йўқлик сари  
Бир-бир сингиб битарлар-ей,  
Ардоқласанг, суйсанг етар  
Сен қалбингнинг бори билан.

Бир кун дўстлар кўзин ёшлаб  
Ўтиб кетди демасинлар,  
Қайтиб келса бу дунёга  
Ўткир вафодори билан!



## Кенгисбой КАРИМОВ

Қорақалпоғистон халқ шоири  
(1948 йилда туғилган)



---

### ОҚ ЎТОВ

Куёш нури ёқар чанғароғингдан,  
Тизма увукларинг мисли улкан тов.  
Турфа нақшларинг гулшан боғимдан,  
Ўзлигим белгиси, жоним оқ ўтов.

Оппоқ кийиз кийган коматинг бардам,  
Сенда кенгаш қурган Маманбий бирдам,  
Халқимга саройдан, қасрдан кўркам,  
Бизга боболардан мерос оқ ўтов.

Қаддингни довуллар силаб ўтади,  
Ёғинлар сойларга оқиб кетади,  
Олимлар изланиб кўрса нетади,  
Табиатга бунча ўхшаш оқ ўтов.

Тўксон увук тўрт фаслнинг тимсоли,  
Бошқуринг\*, белдовинг шардозли холи\*,  
Боғ-чийинг қизларнинг қадди-ниҳоли,  
Фалак гумбазига сирдош оқ ўтов.

Жапсарингда отам-онамма дедим,  
Жабиғингдан боққан санамма дедим,



Белдовга бойланган дўнанма дедим,  
Қорақалпоқка содик йўлдош оқ ўтов.

Яшил яйловларда сойнинг бошинда,  
Шилдир-шилдир оккан булоқ кошинда,  
Ботир алпомишлар дубулғасиндай  
Серсавлат, қорувли, қўлдош оқ ўтов.

Ўткинчи дунёнинг кўп галма-гали,  
Ҳар кимга даврон бор келиб-кетгали,  
Оқ ўтов тиксам деб қорақалпоқ эли  
Қанча армон этган, қурдош оқ ўтов.

Кераганг сонидан зиёд тарихинг,  
Шеър дostonларга тушган таърифинг,  
Қасру саройларга нишона тарҳинг,  
Неча асрларга тирдош оқ ўтов.

Минг шукур, элимнинг бордур давлати,  
Йилдан йилга зиёд эрур химмати,  
Каримтекли баён этди ҳикматин,  
Кучоғинг оламдай дилкаш, оқ ўтов!

### АТШУК\*

Савр ойи. Ногаҳон сахар кўйнида  
Бир товуш эшитдим:  
“От йўқ”, – дер, – от йўқ!”  
Синчиклаб қарасам, ариқ бўйинда  
Отин йўқлаб, кўзни ёш этди атшук.

Ариқ ёқасининг қора толлари  
Силкинар мисоли тулпор ёллари,  
Уйғониб кўнгилнинг қийлу қоллари,  
Дардин эслаб дилни ғаш этди атшук.

Атшук тўғрисида халқда бор масал,  
Масал ҳам ҳаётдан олинган мисол,

Куш асли қиз экан гўзал, бетимсол,  
Нечун юрагини тош этди атшук?

Қадимда бир бойнинг қизи бор экан,  
От ҳам кўтаролмас нози бор экан,  
Отасининг қарғиш сўзи бор экан,  
Қайсар қизлигини фош этди атшук.

“Отни келтир!” – деса келтирмаган тез,  
Ота буйруғини бажармаган қиз,  
Энди: “От йўқ, от йўқ, от йўқ...” деб ҳаргиз  
Толлар япроғини қош этди атшук.

Кўзга кўринмайди, қочар одамдан,  
Аразлаган каби бутун оламдан,  
Юраги эзилиб дарддан, аламдан,  
Ташин ич, ичини таш этди атшук.

Савр оқшомида ўйларга ботиб,  
Кўзим илинганда борар тонг отиб,  
Бир тилсимли овоз аста уйғотиб,  
Тонг саҳарда мени маст этди атшук.

*Қорақалпоқчадан Салим Ашур  
таржималари*

\* Бошқур, белдов, жапсар, жабиқ – ўтовнинг таркибий қисмлари.

\* Холи – юнгдан ўрмак ўриб тўқилган гилам.

\* Атишук – От йўқ маъносида, какку қушининг қорақалпоқча номи.



# Гулистон МАТЌУБОВА

(1948 йилда туғилган)

## ВАТАН РУҲИ

(туркумдан)

Бир бахт бўй тиклайди...

Бир тоза саҳифа очмоқ ниятим,  
Муқаддас бурч яшар покиза қонда.  
Авлодларга ибрат бўлса меҳнатим,  
Бир бахт бўй тиклайди Ўзбекистонда.

Муқаддас дамларга солнома юртим,  
Ҳар гиёҳ чечагинг азиз, мўътабар.  
Фурур, Ифтихорим, Шоним, Шавкатим,  
Жаҳонга мактансам лойиқ муқаррар.

Аждодлар изида буюклик балқир,  
Улуғ бир тарихнинг вориси ўзим.  
Муҳаббат, Садоқат, Эътиқод ила,  
Сенга сиғинади бир шоир қизинг.

Улуғвор истиқбол юз очаётир,  
Шод бўлиб аждодлар муборак руҳи.



Миллат боши узра, озод, хур осмон,  
Умид, комил ишонч элнинг шукухи.

Ватан, сенга бугун не бера олдим,  
Қуёш каби ёник меҳримдан бўлак.  
Юрт ишки байроқда баланддир бугун,  
Ҳар янги кун билан уйғонар юрак.

Нотинч-тахликали замонга таянч,  
Бунёдкорлик руҳи, тинчлик камари.  
Эл билан яралиб тикланган бино,  
Юртимнинг мангулик йўли – хабари.

Умримиз тинимсиз кураш, изланиш,  
Ишонч, умид қанот меҳнатимизга.  
Азиз юртбошимиз!  
Озод юрт учун  
Меҳримиз қуёши нур сочсин Сизга.

Сиз қайта тиклаган озод Давлатнинг,  
Авлодлар нияти – адолат, тинчлик.  
Элимнинг яратиш салоҳияти  
Миллат камолига ишончли элчи.

Бағрингизга босиб ҳар ўғил-қизни,  
Оллохдан сўрайсиз насиба, мадад.  
Сиз қилган ҳар тилак, ҳар биримизга,  
Ҳам равнақ, ҳам омад, ҳам эзгу ният.

Сиз тилаган Озод нафас, Озод нур,  
Куч, шижоат бўлар танги деҳқонга.  
Оталар тилайди: абадий бу эрк,  
Мудом қутлуғ келсин Ўзбекистонга.

Шу муқаддас замин эгаси инсон,  
Мурод мақсадига етиб яшасин.



Ёвузлик янчилсин мисли бир илон,  
Ёлгон синдирмасин кўнгил шишасин.

Истиклол юкини елкага олган  
Бор бўлсин Алпомиш бўйли йигитлар.  
Беғубор болалар, Барчиной кизлар,  
Ватан осмонида жасур бургутлар.

Омон бўлсин мудом,  
Муқаддас шу юрт.  
Орзу ҳам, бахти ҳам бўлсин зиёда.  
Адолат, Ҳақиқат, Яхшилик, Савоб  
Ўзбекистон бўлиб колсин Дунёда.







# Азим СҮЮН

(1948 йилда туғилган)



---

## ЎЗБЕКИСТОН БУ

Отасидан кўрган ўғил уй қура,  
Онасидан кўрган қиз бичгайдир тўн.  
Аждодлар мероси – бокий, элсуяр,  
Улар елкамизда эъзозли, бутун.  
Нур юзли она юрт, ота макон бу!  
Жаҳон ичра жаҳон Ўзбекистон бу!

Дунёнинг ишлари қизик ва чигал,  
Битта пешонада минг ёзиқ шоён.  
Асрлар қаъридан келгайдир тугал  
Чин инсон қалбида чин комил Иймон.  
Гарчи инжа иймон, ўлмас иймон бу!  
Жаҳон ичра жаҳон Ўзбекистон бу!

Дўст Аллоҳ номига яширинган сир,  
Дўст оро кирармиш қиёматда ҳам.  
Дўстимга дўст эрур, ёвимга ёвдир,  
Орият шарафи эрур мукаррам.  
Илоҳий қалъа бу, жонбахш қўрғон бу!  
Жаҳон ичра жаҳон Ўзбекистон бу!



Демиш: авлиёлар эмасдир худо,  
Лекин худоликдан жудо ҳам эмас.  
Ҳар қадам жойида азиз авлиё,  
Осмони тоқида сирлар муқаддас!  
Тўрт фасли муқаммал Замин, Осмон бу!  
Жаҳон ичра жаҳон Ўзбекистон бу!

Инсонга инсондан жоиз мурувват,  
Ишқ, садоқат ила муҳтарам инсон.  
Ватан бўй-бастига миллати қувват,  
Пойдор сарҳадларга фарзандлар посбон.  
Азим Суюн айтар: фидойи жон бу!  
Жаҳон ичра жаҳон Ўзбекистон бу!

## ДИЛДОРЛИК

Бир дилдорлик ҳавода  
бел бойлаган гул-гиёҳ,  
сипо сарин шаббода,  
ОҲ-ОҲ-ОҲ.

Уфқларга атласдай  
туташ-туташ қизғалдоқ.  
Қайда чулдирар тўрғай,  
ВОҲ-ВОҲ-ВОҲ.

Йўлин қайирма қилиб  
гала чуғурчук ногоҳ  
ўтар кўкни тўлдириб,  
ОҲ-ОҲ-ОҲ.

Қарикизгул нафармон  
Узмокчи эдим сершоҳ  
Қўлимга санчди тикон,  
ВОҲ-ВОҲ-ВОҲ.

Яшил яйлов тўшида  
ўтлар уюр арғумок  
Айғири тоқ кушидай,

оҳ-оҳ-оҳ.

Тўлкин-тўлкин кир-адир,  
Гулкоки сариғу ок,  
юррак тошиб борадир,

воҳ-воҳ-воҳ.

О, адашгай ким деса:  
ҳаёт доим қайғу-чоҳ,  
билгай мен-ла гул терса,

оҳ-оҳ-оҳ.

Юртим кенгликларида  
сайр эт – кўнгил бедок,  
юксал эркинликларда,

оҳ-оҳ-оҳ.



## Муҳаммад РАҲМОН

(1948 – 2010)

### ТОПИЛАР

Дунё кўзимизга, мунисим, мунглим,  
Гоҳида тангу тор, вайрон топилар.  
Илло, азал-аввал накл бор, кўнглим:  
Ҳар яхшига битта ёмон топилар.

Аммо ҳар учраган нокас, паст эмас,  
Топган, топингани – иймон, нафс эмас,  
Бўйлаким, кулли боғ хору хас эмас,  
Боғ ичра ғунчайи хандон топилар.

Мўминдир, ҳалимдир одам боласи,  
Лекин билиб бўлмас – ичда оласи,  
Тоғ-тошга дариса қашқир галаси,  
Анинг кушандаси – арслон топилар.

Йўлсизлик ёмондир, йўлсизлик ёмон,  
Бўлсин юрак довлаб йўл тортган омон.  
Жадди-жадал истар магарким, карвон,  
Шаҳдига муносиб сарбон топилар.

Ҳар қайдай топарсан бир бурда нонни,  
Қайда бор бундай юрт, садка қил жонни.  
Бағрингга маҳкам бос Ўзбекистонни –  
Ватан топилмайди! – макон топилар.

\* \* \*

*Мен ёмон бордим вале сен яхши қол.  
Алишер Навоий*

Мен – забун хоки туроб, сен моҳитоб, қандоқ қилай,  
Ёлворурман, ол юзингдан ол ҳижоб, қандоқ қилай.

Бир нигоҳ эрди карашма, нотавон дил матлаби,  
Келмаса кўз учида хайру савоб, қандоқ қилай.

Коми қисмат таъмини кўрдим татиб – аччиқ экан,  
То ҳануз оғзимда бор талх ашки об, қандоқ қилай.

Қуръакаш, бокма фалак ҳам саҳфаи таъбирга сан,  
Боиси – терс ўқилур бу чоркитоб, қандоқ қилай.

Аҳли ишқким, бир кўриб юз йил вовайло айламиш,  
Дард кетарда суст эрур, келгай шитоб, қандоқ қилай.

Асрасин кўздан сени, теграмда қуюн айланур,  
Шайланур ютмакка, ваҳ, бу гирдибод, қандоқ қилай.

Мен ёмон бордим эй вале, сен, нигоро, яхши қол,  
Бори умрим илтижо, дуо, хитоб, қандоқ қилай.

\* \* \*

*Ҳазрати Баширға бағишлов...*

Бандайи ғофил, кўзинг оч, мен дилингни дил қилай,  
Ҳам тариқат, ҳам ҳақиқат шевасин табдил қилай.  
Сен учун дунёйи дун шароб тўла хумдир магар,  
Мен ўшал дунёни тошға урибон чил-чил қилай...

Ҳимматинг ҳам, миннатинг ҳам тожи сарим, кулоҳимдир,  
Фалак тоқиға чирмашган тутун эрмас, ул оҳимдир.

Билганлари таъкиб ўлди, ҳамма манга ракиб ўлди,  
Сенга дўст-ёр тутинганим манинг бор-йўк гуноҳимдир.

## ИЧИНДА

Манзил кўринмас магар йўл қорларнинг ичинда,  
Адашганлар ҳоли вой оҳ-зорларнинг ичинда.

Қисмат ўзи бошингда мушт ўйнатса, на илож,  
Синган тишинг қонталаш анорларнинг ичинда.

Қайда дема эранлар, кўзим ёғин еганлар,  
“Жоним садқа” деганлар агёрларнинг ичинда.

Ҳаргиз мағрур ўлмаки, умри баҳоринг ўтар,  
Барги хазонинг асли баҳорларнинг ичинда.

Иймон – онанг, чалғима, маҳкамроқ тут дастидан,  
Бўзлар анграйган бола бозорларнинг ичинда.

Нафсинг учун тавба де, войким сўра мағфират,  
“Дунё менинг” деганлар мазорларнинг ичинда.


Бўлсин сенга бу ғазал Муҳаммаддан кўзтумор,  
Радди бало, дуо бор туморларнинг ичинда.





## Марта КИМ

(1949 йилда туғилган)



---

### БАХТ

Бу бахт фақат меникидир, мен учун –  
Бор оламини саваларкан қамчиси,  
Ким мендайин гаплашолур ярим тун  
Кафтларида кўзёш – ёмғир томчиси.

### ЭВРИЛИШ

Ёмғирларга, япроқларга,  
Фаслларга эврилгум –  
Бир бош узум, бир боғ шамол  
Бўлиб яна тирилгум.

### ХУЛОСА

Айтганларинг ўзингга қайтсин,  
Англа дилдан, ёр, мурувватни:  
Ердаги бор оғриқларнию  
Заминдаги бор муҳаббатни.



## СЕВИШГАНЛАРГА

Сўқмоқларга сиғмай кетдингиз,  
Уйга қайтинг энди, ошиқлар.  
Сиз ҳаётни қўшиқ этдингиз,  
Сизни кутар ойдин қўшиқлар.

## УЧҚУН

Бу ҳаётда сийланмоқ учун,  
Сен истаксан, хоҳиш бус-бутун.  
Муҳаббатга айланмоқ учун  
Менга керак биргина учқун.

## ЯШАШ МУМКИН

Яшаш мумкин учмайин,  
Булутларга ҳам сингмай.  
Муҳаббат билан бахтни  
Куйлайвергум мен тинмай.

## БУЛБУЛЛАР

Баҳордан барча ишқу  
Висол кутар ҳам гуллар.  
Бирга бўлмоқлик учун  
Куйлар фақат булбуллар.

## ҚАЙТИШ

Мен ўзимга қайтаман. Тамом.  
Остонам ҳам супурилгандай.  
Ёлғиз даргоҳ бесўз, бекалом –  
Юрагимга кулф урилгандай.



## **НОЗИК ГУЛ**

*Неварам Наталяга*

Мунаввардир олам сен билан,  
Порлаб турар сўқмоғим, йўлим.  
Менинг бахтим, севинчим сенсан,  
Менинг нозик марварид гулим.

## **КЕЧИКИШ**

Сен бир соат кечикдинг,  
Мен учун бу – йиллардир.  
Мен минг боралар кетдим,  
Минг пора бу диллардир.

Келишлару кетишлар,  
Соғинч бўлди-ку борим.  
Кўринмас занжирларни  
Мен ўзим уздим, ёрим.

## **УМР**

Йиллар ўша, ўхшаш фасллар,  
Кунлар – умр дилномалари.  
Фақат боғда гулламас ўша  
Баҳоримнинг оқ олмалари.

*Рус тилидан Сирожиддин САЙЙИД  
таржималари*



## Мирпўлат МИРЗО

(1949 йилда туғилган)

### МЕХР

Онамни қанчалар севишим ҳақда  
Ҳеч кимга ҳеч қайда қилмадим хитоб.  
Ахир, меҳрдир бу – бўлар юракда,  
Ким ҳам дил меҳридан бергайдир хисоб!

Онамни ўйласам – тарқаб дард-оғриқ,  
Сизарди мижжамга тунлар иссик ёш.  
Шундок товлангайдир масту мустағрик  
Ойнинг шуъласида шудринг қучган тош.

Ҳаётда ғам кўрдим, даврон ҳам сурдим,  
Йўқдир онажоним қошимда бу дам.  
Бирок сенинг мунис сиймонгда, юртим,  
Мен онам сиймосин кўрдим мужассам.

Юртим, сени ўйлаб – кўнглимда фарах,  
Вужудим нурланар ажиб титроқда.  
Худди киш қунида муз қотган дарахт  
Товлангани каби офтобшувоқда.

## БИЗЛАР

Бизларни азалдан алкаган тақдир,  
Дориломон юртда бир ажиб чоғлар...  
Кимлардир ҳовлисин айлар чўл-такир,  
Бизлар ундирамиз саҳрода боғлар.

Ҳаёт тугаган йўқ батамом, буткул,  
Орзу-ҳаваси бор инсонга раҳмат...  
Кимлардир эртасин ғамин ер нукул,  
Бизлар тўй қилай, деб чекамиз захмат.

Кимлардир дунёни этмоқ-чун барбод  
Зимдан қабихният касларни қўллар.  
Бизлар дўст дийдорин соғиниб бот-бот,  
Қурамиз махташам кўприклар, йўллар.

Кимлардир нафсинг гирдибодида  
Мудом сўз очади бойлиқдан, пулдан.  
Бизлар чўнг пойтахтнинг нақ меҳробида  
Китобга кошона тиклаймиз улкан.

## АЛИШЕР НАВОИЙ

Мен ушоқ бир зотман тарих олдида,  
Сира мангуликни қилмасман даъво.  
Ахир, мангулик бу – миллат қалбида  
Яшамоқдир дунё турғунича то.

Бор экан токи зулм, токи қабоҳат,  
Инсон юрагини тарк этмагай шеър.  
Асрлар қаъридан соғу саломат  
Сиз чиқиб келасиз, устоз Алишер!

Жахон шоирлари турса гар қатор,  
Уларга сиз мудом сардорсиз, бошсиз.  
Бу кун юрагимда ғурурим бисёр,  
Ўзбек манглайига битган қуёшсиз!

Қалблар нурга тўлсин – шу буюк матлаб,  
Юксалар улуғдан улғуни олган...  
То маҳшар эҳтиром топса, не ажаб,  
Битта байтингизнинг мағзин чақолган!

Нафсдан чайқалганда замон – тўрт тараф,  
Сизни жалб этолди на тожу на тахт.  
Сизга мухлисликнинг ўзи бир шараф,  
Сизни англамоқнинг ўзи ҳам бир бахт!





# Шавкат РАҲМОН

(1949 – 1996)



---

## МАНЗАРА

Ок сукунат порлар сахарда  
кун нурида ёниб, яраклаб,  
чошиб кирар совуқ шаҳарга  
ялангоёк яшил дарахтлар.  
Бир зумдаёк деворлар ошиб,  
Кўчаларга тарқаб кетдилар.  
Дарчаларга юзларин босиб,  
болалардай қарар катталар.

## ЭСДАЛИК

Унутганим йўқдир ҳали  
ўрикзорни, асов сойни,  
сой бўйида кўздан холи  
бақатерак ўсган жойни.

Унутганим йўқдир ҳали  
ўйинқарок зилол сувни,  
тол тагида шом маҳали  
ғира-шира икки қувни.

Ёдимдадир ўшал дамлар,  
кулгуларинг эди сўлим,  
ҳали йироқ эди ғамлар,  
дунёда йўк эди ўлим.

Қовжирадим ёз гулидай  
соғинганча ўшал жойни,  
холи кеча, етим хулво,  
ярқираган улкан ойни...

### БИР КЕЧА ЁДИ

Ёғилади майин сас, садо,  
ёғар, ёғар шомурут кори,  
накадар хуш жодугар наво,  
озод, кора сочлар ифори.

Шомурутлар оппоқ гулидан  
кузатаркан фонуслар ёқиб,  
юлдузларнинг олов селида  
эртакларга кирамиз оқиб.

Туйғулардан девона кўнгул,  
саҳаргача юрармиз дайдиб.  
Келармикин бу жодули тун,  
келармикин дунёга қайтиб?!

### НИГОР

Катталарга қарардинг сирли,  
катталарга тутдинг гулингни,  
катта бўлдим мен бола шўрлик,  
кечалари пойлаб йўлингни.

Энди сени кутмасман ортик,  
деразангга боқмасман маҳтал.



Кўзларингга қарайман қаттиқ,  
белларингдан қучаман дағал.

Бирок жисму жонингни ёққан  
девонаваш кудратни енгиб,  
деразангга жовдираб боққан  
болакайга қарайсан ғамгин.

### ДАСТХАТ

Гўзаллик, покликдан уялиб,  
қисилиб, қимтиниб турасан,  
қоп-қора деворга суяниб,  
ёп-ёруғ хаёллар сурасан.

Илоҳам, тонг каби юзингга  
ҳирсланиб, ҳезланиб боқарлар,  
кўзларин қоқарлар кўзингга,  
қалбингни азоблаб ёқарлар.

Йиқилма, ўзингни ушлагин,  
отсинлар жаҳолат тошини,  
лабингни қаттиқроқ тишлагин,  
кўрсатма кўзларинг ёшини.





## Исмоил ТУХТАМИШЕВ

(1950 йилда туғилган)

### ТУҒИЛМОҚ ШАРАФ

Ўғилу кизлари саф тортган қатор,  
Дилларида жўшар фахр-ифтихор,  
Азму шижоати дунёларча бор,  
Бундайн ўлкада туғилмоқ шараф.

Самога бўй чўзар кўзлар ўнгида,  
Пойгада у ўзар кўзлар ўнгида,  
Режаю ўй тузар кўзлар ўнгида,  
Бундайн ўлкада туғилмоқ шараф.

Шодлигу кувончин кўради баҳам,  
Бировдан бўлмаган ҳеч нарсада кам,  
Аҳдида доимо қатъий, мустаҳкам,  
Бундайн ўлкада туғилмоқ шараф.

Боболар шавкатин сақлаган ёдда,  
Сабоғин бир умр қўллар ижодда,  
Улар тажрибаси муҳим ҳаётда,  
Бундайн ўлкада туғилмоқ шараф.



Барча маҳобатлар, хайбат шу ерда,  
Меҳнатни шарафлар рағбат шу ерда,  
Кўнгиллар истаги – жаннат шу ерда,  
Бундаин ўлкада туғилмоқ шараф.

## СЕН ҲАВАС ВАТАН

Йигирма икки ёш – ёйдинг кенг қулоч,  
Кел энди, бағрингни самоларга оч,  
Меҳру муҳаббатинг борлиқ узра соч,  
Дилларни лов ёқсин эътиқод, ишонч,  
Қадр-қимматимсан, муқаддас Ватан,  
Кўкдаги ойга ҳам сен ҳавас – Ватан!

Кўзларим ўнгида очасан чирой,  
Бунчалар малоҳат, латофатга бой,  
Ҳуснингга ташнадир фалакдаги ой,  
Тўлиб оққан тошқин аҳордаги сой,  
Қадр-қимматимсан, муқаддас Ватан,  
Кўкдаги ойга ҳам сен ҳавас – Ватан!

Темурий шиддатга ҳайрондир жаҳон,  
Қадамда кучавер шуҳрат ила шон,  
Кундан-кун юз очар янада имкон,  
Юртбошим ҳамиша бўлсинлар омон,  
Қадр-қимматимсан, муқаддас Ватан  
Кўкдаги ойга ҳам сен ҳавас – Ватан!

Бу кун сенга бўлсин борим бахшида,  
Номусим, ғурурим, орим бахшида.  
Дардингга малҳамим, корим бахшида,  
Кўнгилдан ёғилган зорим бахшида,  
Қадр-қимматимсан, муқаддас Ватан  
Кўкдаги ойга ҳам сен ҳавас – Ватан!

Сен бу кун толмасдан кўкка учавер,  
Хурликнинг шарбатидан қониб ичавер,  
Тоғлардан тошларга яна кўчавер,  
Юксак чўққиларни яна қучавер,  
Кадр-қимматимсан, муқаддас Ватан,  
Кўкдаги ойга ҳам сен ҳавас – Ватан!

## УНУТМА

Ҳаёт ўлим билан юрар ёнма-ён,  
Қолади – кетади кучганларинг шон.  
Омонат билгин сен ўзингни, инсон.  
Дунёда эканинг меҳмон, унутма.

Айтганларим бўлсин десанг ижобат,  
Орзулар жўш урсин дилингда қат-қат.  
Дунёда яхшилик қилиб ўт фақат,  
Қўлингда бўлса гар имкон, унутма.

Иддао қилма кўп, қилмагин араз,  
Ҳаммани ўзингдек айлагил фараз.  
Саховатли бўлмоқ бурчдир ҳамда фарз,  
Қилмоқни ҳеч қачон эҳсон, унутма.

Бировдан зиёда, гоҳ бировдан кам,  
Яшаб ҳам юрибсан, аҳдда мустаҳкам.  
Оёқда турибсан ҳар лаҳза, ҳар дам,  
Омонат танангда бу жон, унутма.

Исмоил, кўз очиб, атрофингга боқ,  
Бу ҳаёт эмасми, сен учун сабоқ,  
Кўз очиб юмгунча танангда ҳар чок  
Меҳмон эканлигин бу жон, унутма.





# Хосият БОБОМУРОВА

(1951 йилда туғилган)



---

## ВАТАН ЯГОНАДИР

Дерлар, ширин сўзнинг гадолари кўп,  
Ёниб турган кўзнинг адолари кўп,  
Юртлар бор, ҳаттоки худолари кўп,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Кездимки, дунёнинг йўллари узун,  
Фаҳми ноқисларнинг қўллари узун,  
Аммо барчасининг кўрари, кўзи:  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Кимдир дўстларини сотиши мумкин,  
Кимдир ўзига ўқ отиши мумкин,  
Ўқ ўтмас қалъанинг борлиги ҳам чин:  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Ватан деб Ватандан кетганлар айтсин,  
Соғинч ёқасидан тутганлар айтсин,  
Пушаймонлик захрин ютганлар айтсин:  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.





Нега учган кушлар қайтади бот-бот,  
Қозигини излаб келар учқур от,  
Дунёда бор бўлсин меҳр, оқибат,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Менинг Темур бобом, соҳибкироним,  
Асрларни енгиб елган бўроним,  
Қонидан қўшилган бир қатра коним,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Ер юзин қаратган кўркам Самарқанд,  
Қирқ йил шоҳи бўлган Улуғбекдек мард,  
Кўксимдаги қувонч, кўксимдаги дард,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Биров бор, онасин ташлаб кетади,  
Биров бор, боласин ташлаб кетади,  
Аммо Ватан ташлаб кетмас ҳеч қачон,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

Нега томиримга сиғмай борар қон,  
Эрларнинг жони ўн, меники қирқ жон,  
Бер деса, барини киламан қурбон,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.

## ГУЛИНГ БЎЛАЙ ҚУЧОҚЛАРИНГДА

Меҳрингга кун сайин қониб борарман,  
Ватан, гулинг бўлай қучоқларингда.  
Сеҳрингдан юрагим ёниб борарман,  
Ватан, гулхан бўлай ўчоқларингда.

Изин суртай кўзларимга мардингни,  
Бергил бир жонимга қирқта дардингни,  
Ёвга раво кўрсам зарра гардингни,  
Тилка-тилка бўлай пичоқларингда.

Хосиятинг бўлай, сўзинг бўлайин,  
Насибаси бутун кизинг бўлайин,  
Кўклардан тикилган кўзинг бўлайин,  
Ёқутдай товланай мунчокларингда.

Саратон куйдирса соя бўлайин,  
Мардларинг суянса қоя бўлайин,  
Эрк деган ўғлингга доя бўлайин,  
Бахт бўлиб туғилай тўлғоқларингда.

Нур бўлиб кезайин кундузларингда,  
Сув бўлиб сизайин илдизларингда,  
Маржонлар тизайин юлдузларингдан,  
Қирқта жоним учсин учоқларингда,  
Ватан олов бўлай ўчоқларингда.





## Саъдулла ҲАКИМ

(1951 йилда туғилган)

### ЎЗБЕКИСТОН

*Сен онам, синглимсан, ёримсан азал.*

Абдулла Орипов

Одам Атодан то бу кун  
Чоптириб умр чобукин,  
Асраган эл миллат юкин,  
Отам, онам, ёрим, болам,  
Суйсам – наво, куйсам – нолам,  
Жон Ватаним,  
Жон ва таним  
Ўзбекистон.

Бу йўлларда нор изи бор,  
Ёмғир изи, қор изи бор.  
Ўзбек изи, ор изи бор,  
Отам, онам, ёрим, болам,  
Суйсам – наво, куйсам – нолам,  
Сен Ватаним,  
Жон ва таним  
Ўзбекистон.



Ўзбек элим улкан чинор,  
 Тўксон икки томири бор,  
 Шохларида юлдуз ёнар,  
 Отам, онам, ёрим, болам,  
 Суйсам – наво, куйсам – нолам,  
 Жон Ватаним,  
 Жон ва таним  
 Ўзбекистон.

Саъдуллонинг суяр сўзи,  
 Тирикликда кўрар кўзи,  
 Аввал ўзи, азал ўзи –  
 Отам, онам, ёрим, болам,  
 Суйсам – наво, куйсам – нолам,  
 Жон Ватаним,  
 Жон ва таним  
 Ўзбекистон.

## АЛЁР

Шамол-шамол оққан, эй булут,  
 Гавҳар бўлиб ёккан, эй булут,  
 Лолаларни боққан, эй булут,  
 Гул яшнади дил, яйради кўз,  
 Алёр энди, аллаёр Наврўз.

Офтоб – чироқ, дунё – хонадон,  
 Башар бир отаю онадан.  
 Эй хур инсон – олмос донадан,  
 Гул яшнади дил, яйради кўз,  
 Алёр энди, аллаёр Наврўз.

Ўн икки хур ситора той-той,  
 Туғди куёш, туғди ярим ой.  
 Ки, Озодлик кўргазди чирой,  
 Гул яшнади дил, яйради кўз,  
 Алёр энди, аллаёр Наврўз.

Наврўз, олов кўклам сенингдур,  
Неки азал кўркам сенингдур,  
Ўзбекистон ўлкам сенингдур,  
Гул яшнади дил, яйради кўз,  
Алёр энди, аллаёр Наврўз.

## НАВОЙ ВА БОБУР

Она тили ори, ғурури  
Асрлардан садо беради.  
Навойдан сўз айта туриб,  
Тилга Бобур келаверади.

Олти кунда яралмиш олам  
Ва одам ҳам. Шукрона айта,  
Биз февралнинг олти кунда  
Туғиламиз ҳар йили қайта.

Ҳали борлик қиш уйкусида,  
Ҳали кўзин очмайин бодом,  
Туркий замин кенгликлариди  
Чапараста гуллайди одам.

Сен, эй кўнгил, гар тиларсан хўб,  
Сўз сеҳридан умрингга нажот –  
Мир Алишер этагини ўп,  
Бобур Мирзо эшигида ёт...

Она тили ори, ғурури  
Асрлардан садо беради.  
Навойдан сўз айта туриб,  
Дилга Бобур келаверади!







# Шарифа САЛИМОВА

(1951 йилда туғилган)



---

## ВАТАН

Бир куни ё майса – гиёҳ бўламиз,  
Шунда ҳам ҳолингдан огоҳ бўламиз.  
Шоир қаламингга сиёҳ бўламиз,  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Ё ёмғир бўламиз, бўламиз шабнам,  
Майсалар кипригин айлажакмиз нам.  
Ногоҳ хазон мисол тўкилганда ҳам  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Юлдузлар кулгусин ичганда ҳилол,  
Сочларин дарёда ювса мажнунтол.  
Бир бойчечак бўлиб, сурганча хаёл,  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Биз сингил, ё ини, ёки оғамиз,  
Бағрингда дарё ё тоғдек қоламиз.  
Ғаним бошига тош бўлиб ёғамиз,  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!



Кўксингда кулунлар бўлиб чопамиз,  
Арча бўлиб тоғлар кўксин ёпамиз.  
Бургут бўлиб чўккинг излаб топамиз,  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Майли, тиканларинг қонатсин кўлим,  
Майли, изғиринлар қилсинлар зулм.  
Сен рози бўлсанг бас, энажон элим,  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Сендан хаёлда ҳам кетмаймиз нари,  
Онасини кучган фарзанд сингари.  
Сўнг сўз ёзганда ҳам умр дафтари,  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Туғинг нафасларин ичганда дунё,  
Ўзбек деган номга тўлганда само.  
Биз бағрингда ётиб, қилганча дуо  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

## ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИГА

Дўппингни осмонга от,  
Қирларда кувнаб югур.  
Дарёда оксин армон,  
Қушлар билан сухбат қур,  
Ўзбекистон сеники.

Кишанларни босиб ўт,  
Товонингда бўлсин кул.  
Улуғ эркнинг пойига  
Бошинг теккунча эгил.  
Ўзбекистон сеники.

Навоийни кўзга сур,  
Булбул ўпсин тилингдан.



Бу дунё ўтаверсин  
Ўзбек деган элингдан,  
Ўзбекистон сеники.

Дилдаги жирканч кулнинг  
Узиб ташла бошини.  
Тиллоларга менгзама  
Она замин тошини.  
Ўзбекистон сеники.

Имони заифларни  
Журъат ила тиклаб қўй.  
Занглаган виждонларни  
Баҳор бўлиб кўклаб қўй.  
Ўзбекистон сеники.

Эрк сўзи – жон сўзидир,  
Жонни ўғлонингга бер.  
Қонли битик – тарихни  
Руҳи равонингга бер.  
Ўзбекистон сеники.

Ватан ишқи илоҳий,  
Ўтгучи замин, замон.  
Бўтадек бўзлаб сўра:  
Она юрт бўлсин омон.  
Ўзбекистон сеники.





## Икром ОТАМУРОД

(1951 йилда туғилган)

\* \* \*

Канглум, яна сенга бақамти келдим,  
Канглум, яна мендан кутдинг ҳидоя.  
Канглум, юрган йўлларим сен сори елди,  
Канглум, турган бекатларинг менда ниҳоя.

Канглум, яна сенга қилдим тавалло,  
Канглум, яна менга термулдинг сузор.  
Канглум, мен – ситамлар пайкони, илло,  
Канглум, сен – андуҳлар узилган узор.

Канглум, менга таъсиб кунёлар жизғонч,  
Канглум, сенга етмайди қасм шитоби.  
Канглум, менга насиб дунёлар қизғонч,  
Канглум, сенга қотмайди насим итоби.

Канглум, сенинг тасаллингга зорикдим яна,  
Канглум, менинг таскинимга интизор анғиз.  
Ёлғиз ўлтирибман, канглум – ёлғизгинам,  
сен – менда ёлғизсан,  
мен – сенда ёлғиз.  
Канглум, яна сенга бақамти келдим,

Канглум, яна мендан кутдинг хидоя.  
Канглум, юрган йўлларим сен сори елди,  
Канглум, турган бекатларинг менда ниҳоя.

\* \* \*

Кенгликлар ҳавоси мусаффо, гардсиз,  
шабнамдай беғубор,  
шабнамдай тиник.  
Заминга риштаси туташган чексиз:  
осмон зангор,  
осмон баланд,  
осмон эник.

Қанотларин ёйиб кўкларга довур  
чарх урар тўрғайлар кўк денгизида.  
Кенгликлар ҳикмати – гўзал тасаввур –  
асрори ўзида,  
сири ўзида.

Эркалаб силайди мардона насим  
сулув кўзигуллар яфроқларини.  
Пайваста айлагум жонимга сим-сим,  
жонимга жон бўлган туфроқларини.

Канглумда тотланар тоти хуш анқиб:  
қизғалдоқ,  
чучмома,  
анғиз ифори.  
Шамсдан таралади ҳарорат балкиб,  
камарнинг нурлари ёзар сифорин.

Кенгликлар соғинчи канглум тўлдириб,  
кенгликлар соғинчи канглум марқади.  
Уфқлар отини борар елдириб,  
хаёлимни еткизмай қочар сарҳади.

Найлай,  
кенгликларга талпинар кангул:  
хотиралар,  
армонлар махзун елади.  
Найлай,  
бул бағирнинг бағрида буткул  
бағир бўлиб қолгим келади.

Кенгликлар ҳавоси мусаффо, гардсиз,  
шабнамдай беғубор,  
шабнамдай тиник.  
Заминга риштаси туташган чексиз:  
осмон зангор,  
осмон баланд,  
осмон эник.





## Фарид УСМОН

(1951 йилда туғилган)



---

### ОТА ДУОСИ

Онам ёпди тандир тўла иссиқ нон,  
Хар бир нони ҳароратли бир куюш.  
Отам эса ҳаммамизга бўлиб бош,  
Айвончага ёзди катта дастурхон.  
Дастурхонга олиб келиб қўйдилар,  
Онам иссиқ, қайноқ буғдой нонини.  
Отам мактаб она ернинг донини,  
Биз фарзандин эркалади, суйдилар...  
Улғайдик биз, шу мўтабар нон тафти  
Бизга меҳр ато қилди бир жаҳон.  
Бизни сийлаб этди ҳақиқий инсон –  
Отамизнинг заҳматкаш кадок кафти...

### СЕВГИ ВАТАНДАН БОШЛАНАР

Севгини мен англадим, аввал ватандан бошланар,  
Севги инсон улғайиб ўсган чамандан бошланар.

Севгидан сўзлар она тупроқдаги ҳар бир гиёҳ,  
Лолаю райхону сунбулдан – сумандан бошланар.

Севгидир йўрғакда тингланган мунис аллалар,  
Ота-она – икки жондан, икки тандан бошланар.

Эй Фарид, калбинга ишк берган чаманга таъзим эт,  
Севги инсон улғайиб ўсган ватандан бошланар.

## ВАТАН ТУЙҒУСИ

Ватан – бу кафтдаин тор кулбамасдир, бепоён менга,  
Дилимдек бепоёну ҳамда онгимдек аён менга.  
Болам, киндик қонинг томган бу ер кўзинг қароси деб,  
Онам, жоним онам айтган бу сўзни ҳар қачон менга.  
Онамнинг оқ сути ҳаққи Ватан ҳар доим эъзозим.  
Ватан – жисмим, Ватан – жоним,  
Ватан – покиза қон менга,  
Алифбо ҳарфидек ҳар ҳарфини ёд айлаганман, ёд,  
Ватан бу она сўзидек аёнлардан аён менга.  
Назарлар айласам тарихга юртим таърифин сўзлар,  
Навойи ҳамда ул Бобур тузиб берган девон менга.  
Улуғлар даъвати қалбимда сўнмас офтоб янглиғ,  
Ватанни куйлаган чоғимда доим меҳрибон менга.  
Фарид дер, Ўзбекистон бебаҳо жаннат макон ўлка,  
Жаҳон бу бир жаҳону сен ўзингсан бир жаҳон менга.

## ВАТАН

Уйғониб саҳарларда, сув ичиб наҳорингдан,  
Тонг саҳар ғазал битдим завқ олиб баҳорингдан.

Куйладим олов меҳринг, кўнглима кўшиқ бўлди.  
Дунёда улуғ соз йўк сайроки дуторингдан.

Ўт бўлиб ёнар қалбим, бу – Ватан сенинг ишқинг,  
Порлаган куёшингдан, шуълайи шарорингдан.

Қилмагин жудо ҳаргиз сен она сути бирлан  
Берган эътиқодингдан, берган иқтидорингдан.

Эй Фарид, муқаддас, чин сен учун азиз жой йўк,  
Бу азим чаманзоринг – бу азиз диёрингдан.





Мақсуда  
**ЭРГАШЕВА**

(1951 йилда туғилган)



**КЎЗИНГ ТЕГМАСИН**

Кўзи қаттиқ ботгувчи, эй зот,  
Диёримга кўзинг тегмасин.  
Гуллар менинг учун очилган,  
Баҳоримга кўзинг тегмасин.

Мен ишқ билан овора бўлдим,  
Ташна бўлдим, бечора бўлдим,  
Куз гуллари сингари маъюс  
Дийдоримга кўзинг тегмасин.

Бир дўст бордир боғу баҳорни,  
Куй-ғазални севар, ва лекин  
Фақат мени севмас, севолмас,  
Ночоримга кўзинг тегмасин.

Тирикликнинг бозори дунё,  
Муҳаббатнинг озори дунё,  
Менга озор берди муҳаббат,  
Озоримга кўзинг тегмасин.

## СУСАМБИЛ ҲАҚИДА ЭРТАК

Олдимизда бир уюм кўсак,  
Чирс-чирс ёнар ғўзапўчоклар –  
Онам айтар тунларда эртак,  
Қора кумғон кайнар ўчоқда.

...Сусамбилнинг ўтлари барра,  
Сусамбилнинг гуллари алвон.  
Сусамбилнинг хавоси – асал,  
Сусамбилнинг сувлари равон.

Сусамбилнинг узумларидан  
Чаккка-чакка томиб турар бол.  
Сусамбилнинг олмаларини  
Бир ёғи оқ, бир томони ол.

Сусамбилда юлдузлар катта,  
Сусамбилда ой ҳам чароғон.  
Сусамбилда ҳеч ким кўрмас кам,  
Сусамбилда бўлмайти армон.

Ташқарида эса изғирин,  
Босиб ётар боғларни туман.  
Мен кечалар ухламас эдим  
Сусамбилнинг хаёли билан.

Энди билсам, ўша Сусамбил  
Диёримнинг эртаси экан.  
Ўша ўзим туғилган қишлоқ  
Сусамбилнинг ўртаси экан.

### ЭЙ ДИЛИМ

Эй дилим, юргил сени бир ёқлара олиб кетай,  
Кўз ёшу ғам бўлмаган қишлоқлара олиб кетай.



Боғлар ичинда шохалар, силкиб турар япроқларин,  
Шул шохалар бандидаги титроқлара олиб кетай.

Даҳрнинг чанги юкмаган, болари ҳам бош сукмаган  
Гулкосалар ичинданам ичроқлара олиб кетай.

Мен сени хор қилмагайман нафси балолар қошида,  
Ичмоқ-емоқнинг ғами йўқ пучмоқлара олиб кетай.

Атрофимизда хур насим айтиб юродир бир исм,  
Шул исм мағзидаги учмоқлара олиб кетай.





## Қутлибека РАҲИМБОЕВА

(1946 йилда туғилган)

### ЖОН СЎЗНИ

Шу уйнинг устида турган байрокни  
ёғоч туткичидан оҳиста ечиб,  
ўзимнинг қўлимга ўрнатгим келар.

Ҳумоқуш ўтирган туғромизни ҳам  
михланган тахтадан  
юрагим устига ўрнатгим келар.

Озодлик деган шу бебаҳо сўзни  
девордан беозор кўчириб олиб,  
яшириб қўйсайдим кўнгил уйига.

Мумгардиш ичига киргим келади.  
Ҳар харфин, ҳар товшин мадҳиямизнинг  
содиқ аскар каби қўриб ўтирсам  
ёмон қарашлардан, ёмон кўзлардан.

Мен бадбин эмасман,  
шубҳачи эмас.  
Фақат кутиб-кутиб топганимизни,  
Фақат қонлар ютиб топганимизни  
Мана бу Ёғочми, Тахтами, Девор –

Мумгардиш – бир лахза ғафлатда қолиб,  
олдириб қўймаса, дея қўрқаман.  
Мен ушок бўлсам-да,  
Аёл бўлсам-да,  
Ўзимда тургани ишончлироқдай.

## ВАТАН

“Ўзбекистон” дея шивирлаганда  
Ўзингнинг овозинг ўпгинг келарми,  
Силагинг келарми товушларингни  
Онангнинг юзини силаган каби,  
Болагнинг юзини силаган каби.

Хорижий бир юртдан сафардан қайтиб,  
Ўзбекча гапира бошласанг ногоҳ –  
тушовини узган тулпорлар каби  
ўйноқлаб кетарми тушунчаларинг?  
Ё Ҳақдан шифосин топган гунг каби  
мақтангинг келарми тинмай гапириб,  
тилингнинг қайтадан очилганини?

Ёлғиз қолганингда, маъюс чоғингда  
Ўзингдек қорақўз келса ёнингга,  
қалбингда бир кудрат тириладими?  
Ўзингни бир эмас, ярим кўнгилмас,  
икки деб, бутун деб ҳис этасанми?

Яшаган умрингда шу туйғуларни  
лоақал бир марта кечирган бўлсанг,  
Сен мутлоқ кичкина одам эмассан.  
Ишончли аскарсан. Ишончли қўшин.

## ЎЗБЕКИСТОН

Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар,  
Айтсам, ҳар товшимдан сачраб чиқар чўғ.  
Ҳар товшим кўксимда Тангри тоғ тиклар,  
Дунёда бундан-да гўзал унвон йўқ.

Фақат шу унвон деб куйса бўлади,  
Фақат шу арзийди одам жонига.  
Байроқ каби қадаб қўйса бўлади  
Ёлғиз шу унвонни юрак ёнига.

Кўз ёш билан келар ҳақиқий шодлик,  
Йиғлаб қувонаман, халқим, бахтингдан.  
Гўрўғли кўринар ҳар битта отлик,  
Қуёшлик излайман тола ёқтингдан.

Эркнинг жон сувидан ҳовучлаб олиб,  
Ҳар битта ўзбекка сепгим келади.  
Ўзбеклигим учун ўзгалар қолиб  
Ҳатто ўзимни ҳам ўпгим келади.

Ҳур миллат нишонда туради мудом,  
Уйғоқ бўлмоғи шарт ичи ҳам тоши.  
Кўзимни очик тут, эй Қодир Худо,  
Қувончдан айланиб қолмасин бошим.

Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар,  
Ҳар товши бир шункор – ушлаб турар туғ.  
Шункорим, туғингни баландроқ тикла,  
Дунёда бундан-да яхши унвон йўқ.





## Муҳтарама УЛУҒ

(1952 йилда туғилган)



---

### ЭРГАШИБ КЕТМАЙДИ ВАТАН ҚУЁШГА

Яланғоч қўлларин узатганича  
Дарахтлар осмонга интилиб қолди.  
Юлдузлар жунжикиб турган бу кеча  
Турналар шошилинич қайга йўл олди?

Яланғоч қўлларин узатганича  
Дарахтлар олисга интилиб қолди.  
Ойни тунд булутлар қийнаган кеча  
Йўловчи кушлар ҳам қайга йўл солди?

Яланғоч қўлларин узатганича  
Дарахтлар йўлларга термилиб қолди.  
Тупрокни шамоллар совутган кеча  
Анвойи чечаклар қайга йўқолди?

Яланғоч қўлларин узатган кўйи  
Дарахтлар ҳайратга айланиб қолди:  
“Ватаннинг қуёшли кунлари суюк,  
Изғирин тунлари, нахот, малолдир?”

Яланғоч кўлларин осмонга чўзиб  
Фалакка илтижо қилди дарахтлар:  
“Муқаддас онадан жисмимни узиб,  
Бемақсад, бесамар кезмоқдан сакла!”

Яланғоч кўлларин кенг ёйиб охир  
Дарахтлар айланиб қолди бардошга:  
“Куёш-ку, Ватанга қайтар барибир,  
Эргашиб кетмайди Ватан куёшга”.

## ОҚ АТИРГУЛ

Қип-қизил гулларнинг ичинда  
Хаёлкаш, расида, мулойим...  
Гулбарглар – бу қат-қат кўнгилми,  
Тонглардан яратмиш Худойим.  
Боғ тўла оловранг гуллар...  
Бир-  
Бирдан қизиллик талашар.  
Яшиллик тахтига оқ чехра,  
Оқ сурур бунчалар ярашар!  
Чор тараф алвон гул, иши йўк:  
Не туғён, не гирён кўксимда?  
Оппоқ гул кўзимга сўзлади:  
“Ҳаммадан яхшимсан, ўксима,  
Ҳаммадан кераксан ўзима...”  
Бир нурки, жисмимга элади.  
Тўймайман, оқ атиргуллардан  
Онамнинг хидлари келади.

## СЕВГИ

Кўнгил учун, армон учун,  
Безак учун севмадим.





Ё шунчаки танҳоликда  
Эрмак учун севмадим.  
Қай кун сенга шўх назарим –  
Тушди, йўқдир хабарим,  
Орзулари ўн саккиз минг  
Юрак учун севмадим.  
Сўзларимга изламадим  
Сайкал баҳор рангидан,  
Кўп тинглаган афсонаю  
Эртақ учун севмадим.  
Дўсту ёрсиз умрим ярим,  
Шодликларим бесамар,  
Деб бу йўлда кимдир биров  
Керак учун севмадим.  
Дунё ишкий китобларин  
Ўкиб чиқдим қанчасин,  
Ундан ибрат олиб, ёки  
Ўрнак учун севмадим.  
Қалбда қуёш бўлиб балқдинг,  
Ўзга ташбеҳ на ҳожат?!  
Қуёшимсан, бошқаларга  
Бермак учун севмадим.



## Турсун АЛИ

(1952 йилда туғилган)

---

### ЧИЛЛАНИНГ СЎНГГИ КУНИ

Балик йили.  
Далв.  
Шамсий йилнинг охирги ойлари  
Бешинчи февраль —  
Қиш чилласин сўнгги куни...  
Онам айтишича,  
ўша куни,  
ўша туни  
Қор ёққан экан дунё гувиллаб,  
Оч бўридай бўрон увиллаб,  
Алангадай ўрлаб,  
Шип-шийдам дарахтлар шоҳлари  
Қор уюмидан қирсиллаб, инграб синганда  
Лайлак ташлаб кетган экан  
Мени осмондан —  
Юлдуздан тушган экан тақдирим  
Туғилган кунимга эш бўлиб.

Далв  
Қор ёққан экан,





Еру осмон гўёки тутаб,  
Ризк излаб изиллаб учган чумчуқлар  
Қора шохларда қолиб қора мевалардек тўкилиб дув-дув,  
Барибир, “қор” дея қарғалар куйлаган экан нақорат:  
Қор, қор-а, қора,  
Қара, қорр...  
Дераза,  
Синган “кўзлардан”  
Кирган экан дунё совуғи.  
Музлаган хона,  
Совқотган танам  
Илитган экан онамнинг тафти  
Авайлаб бағрига босганда кафтин.

Яна Далв...  
Қор ёккан эди устма-уст.  
Ранглари турфа:  
Қирмизи,  
Оқ,  
Қора,  
Сап-сарик...  
Яна Далв...  
Осмон ғалвирини элаган эди бошимга  
Чилвирдай узун,  
Тўрдек тўзгин,  
Музлаган иплари чатишган сочимга,  
Илашган оёғимга.  
Тўр ташлаган кўзимга,  
Боғланган сўзимга

Ў, неча бор дилимни куйдирган аёз.  
Яна Далв...  
Бугун чилланинг сўнгги куни,  
Ажабо,  
Ёмғир ёғаётир,  
Менинг бағрим,  
Дунём шаллабо.



Вожаб,  
Эрта ёмғир айланар қорға  
Балки  
Қуёш оҳанларин сочар Борликка,  
Қайдам,  
Шодликлардан чечак очадир юрак.

\* \* \*

Кўнглим кошонаси ёришмоқда Ойдан-да,  
Ҳозир,  
Ҳозир мен кутган энг қисқа шеър ёзилиши муқаррар.

\* \* \*

Негадир “оҳ” тортаман оғир,  
“Муножот” навоси мисоли узун,  
Жуда маҳзун йиғидан-да бу хўрсиник.

\* \* \*

Тунлар қулоғига киради, қизиқ,  
Отамнинг жуда мағрур,  
Жуда ночор овози.

\* \* \*

Тамаки тутунин ичимга ютдим,  
Сўнг кидирдим ичимдан  
ўз сўзларимни.





## Музаффар ЖАҶОН

(1952 йилда туғилган)



---

### ЭЙ, ВАТАН!

Ватан бу – эътиқод, Ватан, бу – иймон,  
Ватан бу – номус-ор, Ватан бу – виждон.  
Ватаннинг гардини муқаддас сана,  
Ватан бу – бошпана, Ватан бу – макон.

Ватан, ҳа, белинчак, Ватан, ҳа, бешик,  
Ватан, ҳа, гўшадир, Ватан, ҳа, эшик.  
Она юрт ҳиссидин фарахбахшки қалб –  
Тил эмас, бу дилдан тушмас куй-қўшиқ.

Полопон қушча ҳам инимни дейди,  
Мунаввар, осойиш қунимни дейди.  
Гар зимдан кузатсанг, оддий чумоли –  
Ҳажман тор қулбасин ғамини ейди.

Кўзимга қорачик, гавҳарак Ватан,  
Наин гард, зарраси тўтиё Ватан.  
У ҳақда не битмай, нимаyki ёзмай,  
Менга ҳамияту ҳамқувват Ватан.



Борингдан айланай, ошсин хурлигинг,  
Йўқ завол топмасин, бокий нурлигинг.  
Ўзлик – ўзбеклигим, сингган қатингга –  
Шарқда ял-ял ёнган ёкут-дурлигинг.

Музаффар, юртнинг ҳам хур юрти бордир,  
Ватанга чин сарбон, ҳамюрти бордир.  
Шу юртга жигарбанд эканинг бир бахт –  
Ўзбекистон эртаси тинч, пурвиқордир!

### **ҚОРАЧИҚДА ТУТГУМ ВАТАННИ!**

Ҳоримам оламини елкалаб юрсам,  
Нолимам халқимни опичлаб турсам,  
Қанийди, шу юртга жонимни берсам,  
Суйиниб севардим, бу вужуд-танни –  
Бошимда тутардим буюк Ватанни!

Юз йиллаб истибдод кўрган элат сен,  
“Қизил иттифоқ”да турган миллат сен,  
Исканжа, сиқувда ўлган уммат сен,  
Унутмам Сибирни, симли тиканни –  
Сабрингга қойилман сендай Ватанни!

Чўлпону Фитратга қондошлигим ҳақ,  
Қодирий, Носирга жондошлигим ҳақ,  
Шаҳидлар яшайди, шаҳидлар барҳақ,  
Кўрдим кўп исёнкор, шеър-шуур, шанни –  
Куйлам қаноатда юрган Ватанни!

Қатағон йилларин қурбони талай,  
Илму зиё ёнди... Қай тилга олай?  
Кулоқ қилинмаган иймон ҳар қалай,  
Маърифат йиртди-я оппоқ кафанни –  
Қорачиқда тутгум омон Ватанни!



Борлиқ барҳаётдир, эмас омонат,  
Хиёнат – минг йилки, албат хиёнат,  
Бўхтону рўёдан устун диёнат,  
Зулматда кўрдим-а не-не чаманни –  
Борлиги бахтимдир шундай Ватанни!

Истиклол эшиги ланг очик бугун,  
Бошимда эрк куши – Хумо бор бугун,  
Ўзбегим қалбида йўқ ғубор, тугун,  
Не қилай, келбатли бу жону танни? –  
Кўзимга суртмасам азиз Ватанни!

Мустақил бу диёр жаҳонга пешвоз,  
Ундаги ҳар ўғлон Фарҳоддай шоввоз,  
Юртим, самоларга қилавер парвоз,  
Тоабад мадҳ этгум гулу гулшанни –  
Ҳеч кимга бермайман улуғ Ватанни!

Ўзбекка тош отган бўлади абгор,  
Тўғроси, Байроғи, мадҳияси бор,  
Биламан, шу элга мангу толе ёр,  
Кўрдим харитада бирдам, бир танни –  
Дунё тан олаётган бардам Ватанни!

Осойиш, хур кундан шоддир Музаффар,  
Шу элдан топди у шону шан, зафар,  
Ўзбек – Ўзбекистон, – дея куйлар ҳар сафар,  
Миллатки меҳмондўст, билмас сан-манни –  
Қадрига етайлик шодмон Ватанни!



## Усмон ҚУЧҚОР

(1953 йилда туғилган)

\* \* \*

Бахтлидир бу дунё...  
Сен уни йўқлаб  
Мангу баҳорлардан учиб келгансан.  
Кечалар бу дунё қолганда ухлаб,  
Олис осмонлардан тушиб келгансан.

Ғафлат оғушида ғафлатдан тўйиб,  
Бу дунё тош каби ётар экан жим,  
Сен келгач, пойингга тоғлар бош қўйиб,  
Тошлигидан пушмон,  
Йиғлаган юм-юм.

Сувлар ётганида қумли саҳродек,  
Недир бўлганини сеза бошлаган.  
Уммонларга тушган долғали ҳадик,  
Эпкинлар уйғониб эса бошлаган.

Гарчи сен келгансан шабнамга ўхшаб,  
Борлиқда сезгилар тўлғониб кетган.  
Шамоллар шовулдаб уйғонган шўх-шан,  
Майсалар, гиёҳлар уйғониб кетган.





Заминга эгилиб тушган камалак,  
Ям-яшил адирлар кетган чайкалиб.  
Уч кунлик умридан шодон капалак  
Чаманларга учган чапаклар чалиб.

Ҳали ранг тополмай,  
    ҳар бир кўринган  
Юлдузга умидвор боқаркан гуллар,  
Сенинг шивир-шивир айтган сирингдан  
Қизарган,  
    сарғайган,  
    оқарган гуллар.

Сенинг бу дунёга тушган йўлингдан  
Кўшиқдек уйғонган, янграган дунё.  
Ҳар қандай йўқликда, ҳар бир ўлимда  
Туғилиш борлигин англаган дунё.

Англаган:

Сукутда бир садо яшар,  
Ҳар қандай ғафлатда бир уйғониш бор.  
Ҳар қандай ғамда бир шодлик бор, магар,  
Ҳар қандай сўнишда қайта ёниш бор...

Сен ўзинг шондирсан, сен ўзинг шоён,  
Оламда поёнсиз поёним менинг.  
Ҳар қандай аёнда сен ўзинг пинҳон,  
Ҳар қандай пинҳонда аёним менинг.

Шу қадар яқинсан...  
Шу қадар йирок...  
Сендан зарра нари ўтолмағайлар.  
Борлигингни англаб етгайлар, бироқ  
Кимлигингни англаб етолмағайлар...



\* \* \*

Галги мингйилликка киргач янгидан,  
Дунё юпунлашди, дунё ўнгиди.  
Вақт хийла ҳориган, даврон гангиган,  
Ҳаётнинг кўзлари чўкди, тўнгиди.

Қон кечган тарихнинг кир туғларидан  
Жазиллаб томади ваҳшат мойлари.  
Кўринар дунёнинг йиртиқларидан  
Башариятнинг уят жойлари....

\* \* \*

Замин тўзон сочар. Осмон – аланга...  
Қизариб боқади офтоб ҳам уфқдан.  
Қудуклар кўмилган... Карвон таланган...  
Шом тушар... Бошланар афтода хуфтон.

Ёлғиз ўзи қолди. Паноҳ – Худодан.  
Омон қолганини саодат билар.  
Саҳрода қибласин йўқотган одам  
Дуч келган томонга ибодат қилар...



Умида  
**АБДУАЗИМОВА**

(1952 йилда туғилган)



**ЕР ШАРИМИЗ**

Тинч бўлсин ер шаримиз,  
Тинч яшайлик баримиз.  
Туп қўйиб, палак ёзиб,  
Шунда ҳамдан наримиз.

Тинч бўлсин ер шаримиз,  
Хоҳ ёшу хоҳ қаримиз.  
Тун отар ё кун ботар,  
Шодмиз борган сари биз.

Тинч бўлсин ер шаримиз,  
Мисли асал аримиз.  
Бол йиғамиз ғимирлаб,  
Ёпишиб шаккаримиз.

Тинч бўлсин ер шаримиз,  
Деб устун ё харимиз.  
Йўқ бўлса ҳам бордекмиз,  
Олтин, кумуш, заримиз.

Сизга юрак сўзларим,  
Тинчликдир, — деб сўзладим.  
Душманларим дўст бўлсин.  
Кўпайишсин дўстларим!

## БОБОЛАР ЮРТИ

Боболар юрти – бу, боболар  
Қадрин бил, кўзга сурт хокини.  
Болалар юрти – бу, болалар  
Чироғин ёқажак хокими.

Одамлар юрти – бу, одамлар  
Меҳрини ошириб яшайди.  
Узилмас экан шу қадамлар,  
Юрт доим ёшариб яшнайти.

Яшайди тупроғим тозариб,  
Бағрида авайлаб зурёдин.  
Ўткинчи ўтинчлар озариб,  
Эшитмай Искандар фарёдин.

Шоҳларнинг қўллари кетди бўш,  
Топганин топшириб ўзига.  
Дунёга демасдан хайр-хўш,  
Қулоқ сол хокимлар сўзига:

Боболар юрти – бу, боболар  
Қадрини ошириб яшайди.  
Болалар юрти – бу, болалар  
Билан юрт ёшариб яшнайти!

## ЎЗБЕКЧА ТУШ КЎРАМАН

Устозим ўз тилимда  
Сўзлатар мени равон.





Чунки ўзбек тилида  
Сўзлашар Ўзбекистон.

Ўзбек тили – она тил,  
Рус, немис... – жонона тил.  
Қайси юртда яшасанг,  
Шу юрт тилин ҳурмат қил.

Мен кўп тилни ўрганиб,  
Муомала қиламан.  
Аммо ўзбекча йиғлаб,  
Ўз тилимда куламан.

Ўз тилимда ўй суриб,  
Ўзбекча туш кўраман.  
Ўзбекман деб ҳар ерда  
Фурурланиб юраман.





## Отабек ИСМОИЛОВ

(1953 йилда туғилган)

### ИСТИҚЛОЛ

Бир сўз бор  
Ҳар недан улуғ, муқаддас.  
Жаннат ҳавосидек табаррук тоти.  
Агар у йўқ эса дунё бир қафас,  
Фидо унга не-не мардлар ҳаёти.

Бир сўз бор  
Ҳар недан азиз, мўътабар,  
Усиз бахт қасрининг дарвозаси берк.  
Унингсиз бемаъни карвон-карвон зар,  
Бир сўзки, юракда жаранглагай: Эрк!

Бир сўзки, унингсиз татимайди ҳеч  
Минг бир вақтихушлик, минг битта шодлик.  
Орзу ушалгани муборак, халким,  
Юртим, қутлуғ бўлсин сенга Озодлик!

Нега севинмайин, шу эл шўху шан  
Мустакиллик тўйин тўйлаб турибди.  
Қувонмай бўлурми, шу юрт, шу Ватан  
Буюкларга бўйин бўйлаб турибди.

Нурли манзилларга элтмоғи тайин,  
Зўр ахир карвоннинг шижоат, шахди.  
Мухими, барг ёзиб, гуллаб турса бас,  
Ҳар битта юракда умид дарахти.

Она юрт!  
Кучоғинг қўшиққа тўлсин,  
Умидим шул эрур: яшна безавол!  
Халқим, эркинг, бахтинг барқарор бўлсин,  
Мангуга омон бўл, сен ҳам Истиклол!

\* \* \*

Хоразм! Мукаддас, мўътабар замин,  
Не-не кўргилигу шарафлар кўрган.  
Унга сизинмокни, унга сингмокни  
Зиёратга келган дарёдан ўрган!

Аму бўйига бор, кирғоғида чоп!  
Юрагинг бир ажиб тарзда тепади.  
Шу замин фарзанди бўлганинг учун  
Дарё оёқларинг ўпади!

## ВИЖДОН

Юракларни ёндир,  
Қалбларни қийна!  
Шунда яхшилиқнинг чечаги кулгай.  
Чин инсон наздида буюксан доим,  
Сени танимаслар кадринг не билгай.

Виждон!  
Юрагимни кетма тарк этиб,  
Кимни тергаб турсанг шу киши бахтли.  
Ёмонлар қалбин ҳам тил, уруғ ташла,  
Унсин эзгуликнинг дарахти.

\* \* \*

Булутларга ўхшамадим, йўк,  
Шамолларга бўлмадим эрмак.  
Йиғламадим ҳуда-бехуда,  
Ясамадим кўз ёшдан кўлмак.  
Гар ўхшасам булутга. Юрмоқ  
Лозим ичга нафасинг ютиб.  
Дўнмоқ учун қорга, ёмғирга  
Яшаш даркор қисматинг кутиб.  
Менгзашим бор булутга бироз,  
Гоҳ шовқинман, гоҳида ювош.  
Унинг каби бағримни йиртдим,  
Балқди дард – ишқ,  
Қисқаси қуёш!

*Озод Ватан сардари*







## Зиёвиддин МАНСУРОВ

(1954 йилда туғилган)



---

### ЎЗБЕКИСТОН

– Аллоҳ Ер юзини тақсимлаганда  
Ўзбекка тегмаган Ердан, – дейдилар, –  
Яйрасин, – деб шу эл боғу чаманда  
Аршдан бир кафт тупроқ берган, – дейдилар.  
Зуваласи Аршдан  
Қутлуғ ошён бу –  
Ўзбекистон бу!

Шу боис тиллолар ниҳон қаърида,  
Бу ернинг тупроғин ҳар мисқоли зар.  
Тўрт фасл ризку рўз кайнар бағрида,  
Одамнинг жонидан бошқаси унар.  
Худо ёрлакаган  
Жаннатмакон бу –  
Ўзбекистон бу!

Боксам вокиф бўлгум яна бир сирдан,  
Ҳақ ўзи яратиб,  
Ўзи суйгандир.

– Пайхон этолмасин, – деб ёвлар,  
Гирдин  
Дарё,  
Тоғлар билан ўраб қўйгандир.  
Пўлатдан мустаҳкам  
Қалъа, кўрғон бу –  
Ўзбекистон бу!

Асли илк одам ҳам биздан, деб хаёл  
Айласам ҳеч кимса инкор қилмагай:  
“Фергантроп” сўзи бунга нақд мисол.  
Айтинг, бу фикрга ким қўшилмагай?!  
Илк Одам яралган  
Доя майдон бу –  
Ўзбекистон бу!

Момо Ҳаво янглиғ ҳаволарим бор,  
Бекларга ҳақиқий бекалик қилган.  
Дунёга оталик айлаб ихтиёр,  
Қарийб Ер шарига эгалик қилган.  
Дунёда тенги йўк  
Соҳибқирон бу –  
Ўзбекистон бу!

Ўз ўрнин кидириб,  
Ризкини териб,  
Ўзлигин топгунча кон-зардоб ютган,  
Кўрган ёқасига осилавериб,  
Охири ёқасиз яқтакка ўтган.  
Дарди юз минг йиллар  
Ичра ниҳон бу –  
Ўзбекистон бу!

Тақдири азалнинг битик-хатида  
Шу ойдин қисмат бор – бундан кўнгил тўк:  
Дунёнинг бирон бир мамлакатаида  
Номига бек сўзи қўшилган халқ йўқ.

Беклик ҳеч бир халқда  
Йўқ бир унвон бу –  
Ўзбекистон бу!

Навой бобомга таъзимда олам,  
Шеър ила ўзбекнинг донғи кетгандир.  
Қуёш нури етмас овлоқларга ҳам  
Ўзи етмаса-да сўзи етгандир.  
Шеърият мулкида шох бу,  
Султон бу –  
Ўзбекистон бу!

Ҳақимбек алплиги оламга аён,  
Забтида тўқсон алп шашти мужассам.  
Тўмарис доврўғин айласам дoston,  
Таъзимга келарди Жанна д'Арк ҳам.  
Мардлар ичра асл  
Марди майдон бу –  
Ўзбекистон бу!

Дерлар:  
– Оккан дарё оқаверади,  
Бизга қисмат кулиб боқа бошлади:  
Хурлик нашъаси-ла тўлиб сарҳади  
Тамом янги дарё оқа бошлади.  
Дарёмас,  
И С Т И Қ Л О Л  
Номли уммон бу –  
Ўзбекистон бу!

Даврлар келади,  
Йиллар келади,  
Ушалар дилдаги орзулар бари.  
Дунёда хали кўп ўрганилади  
Ўзбек давлатчилик тамойиллари.  
Аждодлар сурмаган  
Давру даврон бу –  
Ўзбекистон бу!

Буюк манзилларда кўрганда ўзни  
Тилларда янграгай шўх кўшиқ-ялла,  
Ва дилдан отилган шу қутлуғ сўзни  
Дунё ҳам бизга жўр айтар баралла:  
Кўхна бу жаҳонда  
Янги жаҳон бу –  
Ўзбекистон бу!





# Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

(1953 йилда туғилган)



---

## ИСТАК

Юртим,  
Сени яшартириб яшасам,  
Меҳрим унса ҳар бир майса, гиёҳда.  
Қанча суйсам  
Қанча куйсам шунча кам,  
Шунча камдир, шунча камдир, шунча кам.

Юртим,  
Кўзим!  
Ёшинг артсам, яшартсам,  
Вола бўлиб колсам, воланг ўзим ҳам.  
Сени суйиб, кучоғимга айлаб жо,  
Кўзинг бўлиб кўзинга нур қўшолсам.

Ўзинг бўлсам,  
Ўзим бўлсанг, ўзлашиб  
Бир дил бўлсак,  
Битта дилдай яшасак.  
Ва севишсак, севишсалар шу қадар,  
Муҳаббатга, ишққа дўнса Келажак.



Ҳаёларга дўниб қолса ҳаволар,  
Ҳаёларни қона-қона симирсак.  
Телбаланиб бизнинг далли наволар  
Осмонларда учиб юрса ҳаволаб.

Эзгуликка айланса ҳув булутлар,  
Жолам бўлиб армонларинг ювсалар.  
Куёш мисол чарақласа умидлар,  
Умидлардан унса ширин бўсалар.

Юртим, сени яшартириб яшасам!..

## ДАВРОНЛАРИНГ

Мозийларда янграйди най, бир куй қадим,  
Қай замондан келаётир у, билмадим.  
Бу наволар элим ёди, дил имдодим,  
Куйларингни топгил, Ватан, куйларингни!

Куйларингда куяй, деб мен келдим мана,  
Тўйларингда куйлай, деб мен келдим яна,  
Бўйларингга тўяй, деб мен келдим, Она –  
Бўйларингни тарат – Ватан, бўйларингни!

Давронларинг даврон бўлди, дов бўл энди,  
Қадди баланд, қадри баланд тов бўл энди,  
Ёвларингга ярашиқли ёв бўл энди,  
Бўйларингни кўрсат, Ватан, бўйларингни!

Бўйларингдан ўргилай мен, мен ўргилай,  
Давринг келиб даврон сургил, сур ўргилай,  
Бу дунёлар тургунча тур, тур-тургилай,  
Тўйларингни кўрсин Жаҳон, тўйларингни!



## БАҲОР НАФАСИ

Ай, сабожон!  
Ай, ҳарир шамол!  
Нафасларинг бунчалар нафис?  
Яна бир бор яйраб елақол,  
Энтиккандай ўша... сулув қиз?

Бир меҳрибон,  
Бир эрка нафас...  
Билбилмам, келар қаёқдан!  
Илк ҳамалдан бўйи сарафроз,  
Ялпиз бўлиб унди қирғоқда.

Кеча,  
Хирмон чолнинг... олмаси,  
Оқ рўмолин бошга солибди.  
Мен ҳам меҳмон, кандоқ қилай деб,  
Тунда киш ҳам йиғлаб олибди.

Эрка саслим,  
Мушк нафаслим!..  
Кутавериб кўзларим толди.  
Қикирлаши қизғалдоқ розлим,  
Келаётир, Наврўз! Кепқолди!..

Ай, сабожон!  
Ай, сарин саслим!  
Эрка нозлим, насийм нафаслим!...



**Энахон  
СИДДИҚОВА**

(1954 йилда туғилган)

**СЎЗНИНГ УСТИДА ТУРАР...**

Ким айтар бу чархи дун ҳўкиз устида турар,  
Ким айтарки, тафаккур, тамиз устида турар,  
Ҳакнинг дастида олам, зарра иштибоҳим йўқ,  
Оҳ тортсам, икки дунё сўзнинг устида турар.

Гаҳи зил дарди янчиб, дил устида тургандай,  
Баъзида фарёд доди тил устида тургандай,  
Аё чархи кажрафтор қил устида тургандай,  
Икки қулоч тупроғу бўзнинг устида турар.

Кўнгилгамас, минг қўйли бойларига чопдик биз,  
Мунглиғгамас, зўрларга зарбоф чопон ёпдик биз,  
Муттаҳамни пир тутиб, дарвозасин қоқдик биз,  
Аё бахт, бир кафт ҳалол тузнинг устида турар.

Бу жон қалқиб турибди Вақтнинг камонида,  
Айирмасин иймондан умримиз поёнида,  
Шафакнинг қадахидан тўкил ишқ туғёнида,  
Дунё ишққа чўкилган тизнинг устида турар.



Аё дўст, юрагимга увлаб кирар хавотир,  
Тошларни муштлаб-муштлаб дарёлар кетаётир,  
Ишқ кетган юраклардан чаккалар ўтаётир,  
Бу дунё қалкиб, гўё музнинг устида турар.

Жонимнинг устидадир, Ватан, шону шарафинг,  
Иймоннинг устунидир ҳар валий, ҳар салафинг,  
Кўзимга тўтиёдир ҳар чўпинг, ҳар тарафинг,  
Фарғонам, жаннат юртим кўзнинг устида турар.

Аё огоҳсан умр кун ботарга оғанда,  
Бир тушдек экан дунё, ўтар киприк қоққанда,  
Дўстлари кўзин очиб атрофига бокқанда,  
Онагул кетар йўлда – кузнинг устида турар.

Оҳ тортсам, икки дунё сўзнинг устида турар...

## ХЎҚАНДИ ЛАТИФ

Хўқанди латиф бу, буюк мўъжиза,  
Юксалиб кетади руҳинг бу шондан.  
Бу сўз мулки каби латиф, покиза,  
Бир мулк йўқ дунёда ўзга Қўқондан.

Юрагимда кўклаб, гуллайди ҳар сўз,  
Кўтаради бунда руҳим сарбаланд.  
Ҳазрат Навоийга, Хиротга зотан  
Йўллар борар фақат, фақат Қўқондан.

Хўқанди латиф бу, улуғ мўъжиза...  
Яралади бунда ҳар лаҳза сирдай.  
Адабиёт қадар, абадият қадар  
Фарзандларин бу мулк кўтарар пирдай.

Ана, қадамидай сокин, залворли  
Абдулла Қаҳхорнинг абадияти.

У поклаб туради, этади таъмир,  
Уйғотиб туради адабиётни.

Ўйлаб босинг бунда ҳар бир кадамни,  
Келар Фурқатининг соғинч ноласи.  
Усмон Носир юрар шеър айтиб беун  
Сибирда сил бўлган шоир боласи.

Изсиз кетмагай ҳеч эзгулик, токи  
Тафаккур зиёси дунёи дунда.  
Лекин ҳеч чикмасин ёвуз чоҳидан  
Нодира қатлига қўйилган кунда.

Ўпиб кўзга суртсак, покланар кўнгил,  
Бошига кўтарар табаррук тупроқ.  
Болам, кафтингда тут, сабоқлар олгил,  
Ватаннинг ҳар қарич ери саждагоҳ.



## Олқор ДАМИН

(1947 йилда туғилган)



---

### ЎЗБЕКИСТОН – ОНАЖОН

Ўзбекистон – онажонимнинг  
Гард кўнмасин киприкларига.  
Кипригимни қилурман совға  
Қувват бўл деб кўприкларига.

Ўзбекистон – онажонимнинг  
Боғларидан томиб турар бол.  
Унинг ширин-шарбатларини  
Ҳеч бир кимса этолмас увол.

Ўзбекистон – онажонимнинг  
Кўзларига тўймасман қараб.  
Унинг тиниқ майсаларини –  
Сочларини яшайман тараб.

### ҚИРЛАР

Қирлар, қирлар – яшил кўшиқлар,  
Кўзим яшнар жамолингиздан.

Қирлар, қирлар, кучсаму Сизни,  
Ўпсам яшил рўмолингиздан.

Қирлар, қирлар, Сизнинг меҳрингиз  
Қай юракка солмайди оташ?!  
Бир четингиз – яшил уфққа,  
Бир четингиз – қалбимга туташ...

## ҚИШЛОҒИМ ҚЎШИҒИ

Кўкларда кезганда оқёл булутлар,  
Булутлар хидига тўлганда ҳар ён,  
Ҳар ён тинглаганда булутдан дoston,  
Дoston айтгим келур, билмай сукутлар!

Сукутлар бегона қишлоққа бу он,  
Бу он дов-дарахтлар шовуллар майин.  
Майин қўшиқларни мен ҳам айтайин,  
Айтайин: – Сочингдай, оҳ, майин жаҳон!

Жаҳон – санам, анга холсан, қишлоғим,  
Қишлоғим, шамолдек кучгайман сени!  
Сени кўзларимга суртгайман энди,  
Энди англадим: сен – мовий байроғим!

...Кўкларда кезганда оқёл булутлар,  
Булутлар хидига тўлганда ҳар ён,  
Ҳар ён тинглаганда булутдан дoston, –  
Дoston айтгим келур, билмай сукутлар!

## СЕВОЛСАК...

Севолсак, бизники шу боғлар,  
Шу тоғлар бизники, севолсак.





Бизники қайноқ муз, булоклар,  
Ва шодлик сурати – шаршарак.

Бизники марварид шудрингу  
Шўх шаҳар, камсукум қишлоқлар.  
Гулларнинг лабида шам кулгу,  
Бизники шу атроф, овлоқлар.

Бизники яшину гулдирак,  
Баҳорий ёмғирда кезишлар.  
Бизники ҳув нозли камалак,  
Полиздан тарвузлар узишлар.

Бизники дудоклар, гулсимон,  
Бўлса-да беҳисоб, бизники.  
Бизники Замину осмон,  
Барчаси, барчаси бизники!  
Ҳайкириб,  
ҳайкириб

севолсак!



## Чоршамъ РЎЗИЕВ

(1955 йилда туғилган)

\* \* \*

Нигоҳ ташла самоларга, ватан осмонлари порлар,  
Югур, елгин ҳаволарга, дала бўстонлари чорлар.

Кулок солгил, садо келгай, неча минг йилни қаридин,  
Узун тунлар ҳузур айла, шеър-у дostonлари янграр.

Муҳаббат даҳрига киргил, баҳор бағрини тўлдиргил,  
Гўзал ошиқ, гўзал маъшук, гўзал ишқзорлари борлар.

Кўлим очиб шукур қилгум бу неъмат боғига, илло,  
Қаён боксанг ўрик, олча, узумзор-у бодомзорлар.

Бошимга бахт қуши қўнганлиги шундандир эй, кўнглим,  
Элимда бағрикенгликдин баланд шон-у, баланд орлар.

Сени кутмоқда кўп давра, қўшил сафларига Чоршамъ,  
Ғаниматдир ажаб даврон, ажаб дўсту, ажаб ёрлар.

*Озод Ватан саодати*

\* \* \*

Доим бир меҳрни туйиб яшайман,  
Шу меҳрга кўнгил кўйиб яшайман.

“Ҳар япроқда яшар Худо” дейдилар,  
Кўкламни чунонам суюб яшайман.

Мусога ҳавасим келар бир умр,  
Тур каби тоғларга тўйиб яшайман.

“Ҳақ йўлдан адашма” деган ҳақ сўзни  
Ҳар куни дилимга куйиб яшайман.

Тақдирга шукурлар қилиб минг бора,  
Ажаб тақдирлардан кулиб яшайман.

Ҳаётдан бир маъни топа олмаган,  
Ғамзада каслардан куйиб яшайман.

Дунёдан кетса ҳам жисму-жон Чоршамъ,  
Рухим қайта-қайта келиб яшайман.





## Фарида АФРУЗ

(1956 йилда туғилган)

\* \* \*

Арғумчоқлар учгин камалак билан,  
Гир айлан, ракс туш капалак билан,  
Яшасанг, яша фақат жон ҳалак билан,  
Умр асли бир кундир, ўша кун – бугундир.

Эртани ўйламоқ сен учун эмас,  
Ўтганга йиғламоқ сен учун эмас,  
Жазони қўлламоқ сен учун эмас,  
Умр асли бир кундир, ўша кун – бугундир.

Этагингдан шамол ўтдими, басдир,  
Тириклик олдида ҳар неки, хасдир,  
Бошинг омон бўлса, тоғлар ҳам пастдир,  
Умр асли бир кундир, ўша кун – бугундир.

Ота-онанг қайтмади, сен ҳам қайтмассан,  
Бу олам тубига сен ҳам етмассан,  
Ки, Навоий айтмади, сен ҳам айтмассан,  
Умр асли бир кундир, ўша кун – бугундир.





Нухдайин умр кўрмоқ истасанг ҳам – шу,  
 Вактнинг тулпорини қистасанг ҳам – шу,  
 Яхши ном олсанг ҳам, олмасанг ҳам – шу,  
 Умр асли бир кундир, ўша кун – бугундир.

Эй, Фарид, лаҳзалар, шукри-ла, яша,  
 Бу дунё байрамдир, қилгин томоша,  
 Ошиқ номинг колар асрлар оша,  
 Умр асли бир кундир, ўша кун – бугундир.

\* \* \*

Йигирмага кирди Истиқлол – ўғлим,  
 Йигирма ёшдадир кизим – Хуррият.  
 Мен нега қувнамай, фахр этмай, айтинг,  
 Олдинда нурдайин кулар хидоят!  
 Йигирмага кирди ихтиёр, инон,  
 Йигирма ёшдадир дориломонлик.  
 Ўзлигига қайтди пароканда халқ,  
 Бирдамлик кавмига кирмас ёмонлик.  
 Йигирмага кирди шуҳрат ҳам, шон ҳам,  
 Йигирма ёшдадир камолот, шараф.  
 Жаҳонга нур сочар ЎЗБЕК деган ном,  
 Шу ном-ла ифтихор, ғурур ҳар тараф.  
 Йигирмага кирди бобом орзуси,  
 Йигирма ёшдадир озодлик, сафо.  
 Тўкинлик, ғалаба, барака, хирмон,  
 Ҳар фидо қонида садоқат, вафо.  
 Йигирмага кирди тинчлик, тотувлик,  
 Йигирма ёшдадир хотиржам, сурур.  
 Қушлар учиб ўтмас тоғлардан ошдик,  
 Тиғ етмас чўққимиз, қоямиз – мағрур.  
 Йигирмага кирди жонимнинг ёши,  
 Йигирма ёшдадир қўшиғим, баёт



Дилимни куйладим, дилимни чалдим,  
Яна гўзал бўлди гўзал бу ҳаёт.  
Йигирмага кирди шу буюк ВАТАН,  
Йигирма ёшдадир юртбошим, султон.  
Шул боис ғайрат – туғ, адолат – комус,  
Шул боис навқирон, мангу навқирон!

\* \* \*

Даланинг қоқ ўртасида,  
саратон мавжида,  
тут соясида,  
гўдагини бағрига босган жувон –  
менинг Ватаним!  
Ғўзасининг шонасин ўпиб,  
эгатларга жон терин тўкиб,  
кўсагининг кулганин кўриб,  
кўзларига ёш олган деҳқон –  
менинг Ватаним!  
Ёз чилласи дошқозонида  
ковурдоқдек қовириб,  
гаримселда созуриб,  
шимолга шафтоли тутган боғбон –  
менинг Ватаним!  
Бобосининг белбоғин –  
Адолатнинг байроғи қилиб,  
“Ҳалол, ҳалол!” дея, рақибин  
курагини ерга босган полвон –  
менинг Ватаним!

Миллатим, юртим – ориятим деб,  
Тинчлик муддаомдир, пок ниятим деб,  
Темурий тулпорин миниб,  
Кўкрагини ўққа тутган  
ялангтўш султон –  
менинг Ватаним!

# Баҳодир ИСО

(1956 йилда туғилган)



## ОНА ЮРТГА ТАЪРИФ

Ерда тортиш кучи бор, тўғри,  
Аллақачон исботлаган фан.  
Аммо ўша қувватнинг тўри –  
Ўзбекистон аталган маскан!

## НАВРЎЗИМ

Кел-ей, тенглик кунни, қутлуғ адолат они, Наврўзим!  
Адолатли диёримнинг азиз меҳмони, Наврўзим!

Сочиб кел қир-адирларга бойчечак, лолақизгалдок,  
Яшиллик истаган ернинг ўзинг бўл жони, Наврўзим!

Тақиб олсин товон ўпган сочига толпопукларни  
Қоши ўсма сувин ичган элим жонони, Наврўзим!

Сумалак сайли бошлансин шаҳар-кишлоқ аро ёппа,  
Ки бирдай кайнасин тўқ ошиён қозони, Наврўзим!

Сени қўлга киритгунча улус қанча жафо чекди...  
Шукур, хурликка ҳам етди кетиб армони, Наврўзим!

Баҳор бўйин олиб келсин чуғурлаб икки қалдирғоч,  
Наволарга яна тўлсин уйим айвони, Наврўзим!

Ўзинг малҳам-даводирсан соғинган барча дилларга,  
Ўзинг қайта яралмоқнинг гўзал имкони, Наврўзим!

Сенинг мангулигинг истаб Баҳодир ҳам тилак қилди,  
Кўлида хуш сумалакка тўла финжони, Наврўзим!

### СИЗ ШОШИЛМАНГ...

Сиз шошилманг,  
ошиқманг бунча,  
Ҳали баҳо беришга эрта.  
Шоир  
ҳамма каби  
бугунча  
Куймаланиб юрибди ерда.

Сабр қилинг,  
дунёдан ўтиб,  
Сингиб кетгач тупрокка жисми,  
Дилингизни соғинчи тутиб,  
Тилингизга тўлади исми...

### ОҚ АЙИҚ

Уммон...  
Уммон...  
Қулочлари  
чексиз ёйиқ...





Баҳор келиб,  
Эрияпти унинг музи...  
Уммоннинг қоқ ўртасида  
бир оқ айик  
Ҳолсиз сузиб бораётир  
ёлғиз ўзи...

Тирикчилик  
шўрликни шу ҳолга солган –  
Балиқми ё  
бир балони келган кўзлаб.  
Соҳил эса  
анча олис,  
олис қолган...  
Топармикин  
энди уни  
кайта излаб...

Эҳ, оқ айик,  
Уҳ, оқ айик...  
Оҳ, оқ айик...  
Кетмасайди  
адоғи йўқ сувда ўлиб...  
Гўл бўлмаса,  
Соҳилларни бадар кўйиб,  
Музга ишонч боғлайдим  
келиб-келиб?

Оқ айикқа  
қўнглим жуда ачишяпти...  
Қолармикин  
чексиз уммон ичра  
омон...  
У эса муз парчасига ёпишяпти,  
Яна шу муз элтади деб  
соҳил томон...





## Баҳриддин САДРИДДИНОВ

(1956 йилда туғилган)

### УЛУҒБЕК

Дунё дунёлардан доим ранг олгай,  
Ўзбекистон – юртим, чаманга менгзар.  
Севинчдан юрагим бу дам ёрилгай :  
Қаранг, шох Улуғбек Тошкентни кезар.

Осмонга тикилсам – осмон ранго-ранг,  
Хайратларнинг нуқси кўкка урибди.  
Тошкентни кезаётган бу шоҳга қаранг –  
Самарқанд томонга сал бурилибди.

Майсани гуллатар бу қутлуғ тупроқ,  
Улуғ зотлар ўсди юртимда, абад.  
Шу юрт деб йиғласанг, арзийди ҳар чок,  
Юртим, деб куйинсанг, ҳақлисан фақат.

Элни эл қилгувчи фарзандларинг кўп,  
Улуғбекдир бу зот – тарихий салаф.  
Тошкентга салобат, кўрк бера туриб  
Бироз ўгрилибди Самарқанд тараф...

Вакт ўлчов эмас. Хукмдир, илло,  
Самарқандда туриб осмон яратган.  
Иғволар, ғийбатлар, тухматлар аро  
Маърифат ёғдусин бизга қаратган.

Тошкентнинг осмони – жаҳонга безак,  
Ўрда, Хадралари ўхшар садафга.  
Шаҳаншоҳ Улуғбек илҳақдир бешак,  
Бокмиш Самарқандга... ўшал тарафга.

Истиқлол шонимдир, эй Ота макон,  
Шеъримга сиғмайди гар битта сойинг.  
Ишқ ёндиргайдир кўксим атайин,  
Тунлар ухламайди осмонда ойинг!

Ҳеч кимни севмаган юртни ҳам севмас,  
Ишқ дегани доим Оллоҳдан карам.  
Юртим демаганлар шеър надир билмас.  
Сиз шоҳсиз, олимсиз, валлоҳи аълам.

Улуғ халқ шони деб, юлдузлар санаб,  
Шомларни тонгларга бедор улабсиз.  
Соғинч ҳам бахт эрур – Самарқанд қараб...  
Соғинчини Самарқанд томон йўллабсиз....

## ОЙБЕКНИНГ ҲОВЛИСИДА

Сизга талпинарлар. Кўнглим тўлмагай.  
Изларингиз олган кўчадан юрдим.  
Бу ховли соғинчдир. Соғинч ўлмагай.  
Айтурлар Сиз ҳақда. Хўп тинглаб кўрдим.

Алломалар сўзи – ўлмас ҳақиқат,  
Манов пештоқларни байтлар қизғонган.

Адабиёт надур?  
Келажакка ХАТ!  
Бу ҳовлида бир вақт абёт уйғонган.  
Мана бу дарчадан охиста ўтиб,  
Ҳар тонгдан инжулар териб олгансиз.  
Интиклик бахт эрур. Ёруғлик кутиб,  
Тикилиб, тикилиб узок, толгансиз.

Хотира уммондир. Маънилар – инжу.  
Юрт учун шеър айтмоқ, ёнмоқлик – ҳиммат.  
Фикримда бир ожиз хулосам шулким:  
Ўлмагай Ойбегин асраган миллат.

Бу ҳовлига кўклам энтикиб келгай,  
Бу ерда дарахтлар сукутга чўмган.  
Тунни ёритган зот Ой... деб аталгай,  
Хотирот девору йўлакка дўнган.

Ойбекнинг ҳовлиси. Тарих вақт хушлар.  
Навоий нафаси манзил қилибдир...  
Қаранг, ҳовли узра чарх урган қушлар  
Ҳирот осмонидан учиб қелибдир.





Ойгул  
СУЮНДИҚОВА

(1957 йилда туғилган)



МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ

Юртимнинг юраги ягона, азиз,  
Бунда яркирайди ҳар бир мармар тош.  
Ҳар бир қадам битиб борар ўтли ҳис  
Тарих китобига сўзлари оташ.

Мағрур хилпирайди байроқ улуғвор,  
Эсаётир тонгдан шамоллар сарин.  
Бутун Ер курраси бўйлаб бетакрор  
Ўзбекистон номи товланар заррин.

Ҳайкаллар сукутда, ҳайкаллар вазмин,  
Хотира олови турар ловуллаб.  
Пойида эҳтиром гуллари гулгун,  
Дарахтлар таъзимда, таъзимда ёш калб.

Буюк аждодларинг орзуси бўлиб,  
Кўкни куч, қуёшли йўлга туш дуркун,  
Баркамол авлодим, ғурурга тўлиб,  
Муқаддас майдондан ўтиб тур ҳар кун!

# САМАРҚАНД

1

Самарқанд – тун ардоғида,  
Юлдузлар намойиши.  
Қадим пойтахт кучоғида  
Кезар шовқиннинг туши.

Самарқанднинг кўчалари  
Қадим-қадим ва ўлмас.  
Таралади кечалари  
Минор, гумбазлардан сас.

Кўкдан зиё ташлайди  
Мозийларнинг баёти.  
Мушоира бошлайди  
Регистон хаёлотини...

2

Сўлимлашди тунги Самарқанд,  
Чироқларнинг тиниқ ёғдуси.  
Минорларнинг ўйлари баланд,  
Юлдузларнинг келмас уйқуси.

Юзларингга урилар нафис  
Ёзнинг салқин, хушбўй шамоли.  
Ой шаҳардан узолмайди кўз,  
Кўзларимда – юлдуз хаёли...

3

Онам севинчлари руҳига сингган,  
Отам меҳри ила боғ каби унган,  
Йиғим ва кулгумни севиб қолган – у,  
Гўдакликдан ҳидим тўйиб олган – у,  
Дилбардир туғилган уйим севгиси.

Эритиб юборар қайғуларимни,  
Юлдузли сирдоши орзуларимнинг,  
Кўрган юрагимнинг ёғдуларини,



Сатрга чизилган туйғуларимни,  
Дилбардир туғилган уйим севгиси.

Накадар кенг, шаффоф гўдак олами,  
Андухсиз эртақдир босган қадами,  
Кўздаги ёшингни артаркан такрор,  
Дардингни ўзига ортар беозор,  
Дилбардир туғилган уйим севгиси.

Баҳор ёмғирида биллур ва хушбўй,  
Энг нозик товушли дутордаги куй.  
Қанотли шамоллар нафаси билан,  
Болаликнинг мангу ҳаваси билан,  
Дилбардир туғилган уйим севгиси.

4

Кўнглимда қуш сайрар, тонг яқин,  
Кўнглимда тонг яйрар, вақт – окин.

Кўнглимда ой нури новвотли,  
Кўнглимда ишқ сири баётли.

Кўнглимда орзулар тоғи бор,  
Кўнглимда дostonлар боғи бор.

Кўнглим – тиниқ булоқ – кўзимдир,  
Кўнглим – яшил япроқ – сўзимдир.

Кўнглим чашма – тиним билмайди,  
Кўнглим қушдай кўним билмайди.

Кўнглим кўклам бўлиб айтади –  
Кўнглимга хуш дамлар қайтади.

Кўнглим – йўлда, эсди шамоллар,  
Кўнглим кўнгли ўсди – хаёллар!

Кўнглимда нур чўққиси баланд,  
Кўнглимдаги тупроқ – Самарқанд!



## Замира РУЗИЕВА

(1957 йилда туғилган)

---

### ВАТАНГА СЕВАМАН ДЕЙИШ

Осон эмас, йўк жуда мушкул,  
Севаман деб айтиш дафъатан.  
Жойлашолса икки кўзингга буткул,  
Бўйи-эни билан бу Ватан.

Узоқ ҳозирлик кўр, тайёрла ўзни,  
Бойчибор тизгинин тополсин кўлинг.  
Қизарган қароклар ювганда юзни,  
Япроқлардан шабнам теролсин кўнглинг.

Бокий қасрларга нигоҳинг етса,  
Кўра бил ботирлар хешингми сенинг.  
Ҳақиқат йўлида курашлар кетса,  
Ҳақ тараф тутарми пешингни сенинг.

Чуқур илдизлардан олдингми сабоқ,  
Рухингга ёрми, бил, Навоидан байт.  
Зулумотни қандай енгишин чирок  
Ўзлик дафтарингга этиб кўйгин қайд.



Кулоғингга чорлов саси етган дам,  
“Лаббай”дан кучланиш топгин дафъатан.  
Кўкрагингга уриб бақирмасанг хам,  
Севишингни англар бу дониш Ватан.

Шунчаки гап эмас... жудаям мушкул,  
Севаман деб айтиш Ватанга...

## СЕВДИМ

Ватан, сен ой, офтобим,  
Зиёларингни севдим.  
Кутлуғ хоки туробим,  
Гиёҳларингни севдим.  
Ичсам таъми гулобим,  
Дарёларингни севдим.  
Шашмақомли рубобим,  
Наволарингни севдим.

Сен алп бобом қолдирган,  
Хосиятли “тузуг”им.  
Баланд-баланд дарахтлар  
Илдизида озиғим,  
Минг шукур, пешонамга  
Худо берган ёзиғим,  
Кафтга олиб юргоним  
Хиноларингни севдим.

Кечмшингни варақлаб  
Гоҳо сел-сел тўкилгум,  
Оҳинг кўрсам, бўғзимга  
Тошлар тўлар – тикилгум.  
Ватан дея жон берган  
Улуғларга йикилгум,  
Ёт гулшанни на қилгум,  
Саҳроларингни севдим.



Ишқ оҳангга эврулса,  
Мен найга айланурман.  
Икки кароғим соқий,  
Хуш майга айланурман.  
Сен аршим, сен меърожим,  
Бағрингдаги бир хурман,  
Замирам деб чорлаган  
Садоларингни севдим.

## МУҲАББАТДАН ЯРАЛГАНДИР

Хокинг ўпиб нозик ниҳол кўкка етди,  
Кам бўлмагай севганки дил тупроғингни.  
Даргоҳингнинг таърифи тўрт томон кетди,  
Сехри баланд кўллардаги қадоғингнинг.  
Манглайингни мубораклаб силар мезон,  
Муҳаббатдан яралгандир Ўзбекистон.

Меҳмон кутиб яйраб кетар дастурхонинг,  
Олов кўрса гуриллайди ўчокларинг.  
Кимга ҳавас, кимга ҳасад гулкўрғонинг,  
Гоҳо мўлжал ғийбатхўрга кучоқларинг.  
Асл гавҳар лой, балчикдан кўрккан қачон,  
Муҳаббатдан яралгандир Ўзбекистон.

Овоз берар авлиёлар ўтган йўллар,  
Тош битикли қадамжолар сўзлагайдир.  
Уйғок дилни яратганнинг ўзи кўллар,  
Озодлигин асраган эл тўзмагайдир.  
Синовларда синмайдиган Сара султон,  
Муҳаббатдан яралгандир Ўзбекистон.





# Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД

(1959 йилда туғилган)



---

## ВАТАН

Яланг оёғимга санчилса тикан,  
Тан оғриб, қон кўпчиб, ингранади жон.  
Ўзни сендан ўзга санамадим мен,  
Танимсан, қонимсан, жонимсан, Ватан!

Тан – кўзга кўринган савлатим менинг,  
Қоним-чи, жонимга, руҳимга макон.  
Мақташга сўз етмас васфингни сенинг,  
Танам ичиндаги танимсан, Ватан!

Миллион йил саҳрода гулдек очилган,  
Сир, Сурхон, Зарафшон, Ўкуздарёсан.  
Юрагимдан вужуд ичра санчилган  
Қоним ичиндаги қонимсан, Ватан!

Жон – Аллоҳ неъмат: биз учун иқбол,  
Эркин рух – инсонни юксалтирган шон.  
Халқимнинг қамоли, бахти Истиқлол,  
Жоним ичиндаги жонимсан, Ватан!

## БИЙ ОҒА

Тангрим бизга ортик дунё бермади,  
Минг бора бисёр ишқ берди, бий оға.  
Соғинч шамширини Лайлим сермади,  
Тўрами тўнингни бугун кий, оға.

Ох, юрак-бағримни тилмоқда олмос –  
Бу Худойдан бизга келган сий, оға.  
“Кел...”, – деб чакирар ёр, бормасам бўлмас,  
Кўзимга тор бўлди Нукус – уй, оға...

Оллоҳ неъматидир севги-мухаббат,  
Бизга висол йўлин кўрсат, бий оға.  
Ўчсин ё ўрласин юракдаги ўт,  
Бўзадан тўлдириб яна куй, оға...

## ДЎСТ УЧУН

Севимли ойим кизлар, мени аяманг!  
Дўстликни мухаббатдан баланд кўяман.  
Ёрдан жафо кўрдим, вафо кўрмадим,  
Айтинг, бу доғни мен қандай юваман?

Севимли гул бекалар, мени аяманг,  
Дўстликни ишқингиздан баланд кўяман.  
Зиндонбанд этдингиз менга май куйиб,  
Алпомишдек чоҳга тушиб куяман...

Севимли хонимлар, мени аяманг,  
Дўстликни бўсангиздан баланд кўяман.  
Ёр деб ўзни фидо этмасман энди,  
Дўстга жоним қурбон – жоним “сўяман”...



## ҚАЛБИМДА НЕ СИР БОР

Жануб томонларга саф тортиб учар,  
“Қурей-қурей” қилиб мунгли турналар.  
Кетмоқда... Чўллардан, тоғлардан ошар,  
Куз карвони кўчди... Юрак тирналар.

Қизил жийдаларга қировлар тушди,  
Печакгуллар жон деб толга чирмалар.  
Жийдали Бойсунда жийдалар пишди:  
Узатилган киздек йиғлар турналар.

Минг марта ўқилган севги китоби –  
Парвоз қилган қушлар сувсаб, тин олар.  
Қизилкум миллион дардим ютади,  
Қоратеранимда соғинч, сир колар...

Нукусдан Қарши ва Термизга қадар  
Куз кўшиғин тинглаб учар турналар.  
Қалбимда бир сир бор... Ким дардим олар,  
Қорақалпоқ – Сурхон – Қашқадарёлар?..

## МИНГ МАНЗИЛДАН УЗОҚ

“Минг манзилдан узо-о-ок...” Макрит боғидан  
Тушумга киради ҳар тун бир узум...  
Узумнинг сувини – майни соғиндим,  
Қалбимда оқ каптар учмоқда. У – ким?..

Қарши чўлидан оқ булутлар келар  
Қора товга – гулсиз, урэн тошларга.  
Ўкуздарёда тонг... гўё сел ёғар,  
У – тилла узукнинг кўз ёшларими?

Чап қўлимда қадах, ўнг қўлда шароб,  
Ўз-ўзимга қадах сўзи айтарман.  
Оқ булутдан оппоқ каптарни сўраб,  
Маст бўлиб тунлардан тонгга қайтарман.



## Ҳалима АҲМЕДОВА

(1960 йилда туғилган)

### “ОНА ТИЛИ” ДАРСИ

*“Ўғлимга дарсликлар” туркумидан*

Ўғлим, таниб қолдинг оқу қорани,  
Энди эртақлар ҳам сени алдамас.  
Йўқ жойдан саволлар топасан менга,  
Нега “Она тили”, “Ота тили”мас?  
Бу ҳақда ҳеч қачон кўрмабман ўйлаб,  
Қалбимни уйғотди бир илоҳий хис.  
Бизнинг ўзагимиз она кўнглидир,  
“Она тили” дея айтилмас бежиз.  
Билсанг, киндик қонинг тўкилган тупроқ  
Менинг дилим, сенинг, унинг дилидир.  
Агарчи, Ватанни онажон, десак,  
Бизнинг “Она тили” Ватан тилидир.  
Бу тилда сўзлайди ўзбек виждони  
Ва яна бор бунда дунё хаваси.  
Тингласанг келади ҳар сўз қатидан  
Навоий бобонгнинг ўтли нафаси.  
Юрак негизида муҳаббат яшар.  
Эгаси Аллоҳдир, кесими ҳаёт.  
Биз эса “Бахт” сўзин ясовчилармиз  
“Ли”да “Обод этиб”, “Сиз”даци барбод...

Ўргилай, онажон деган тилингдан,  
Демак, “Она тили” жонинг тилидир.  
Меҳр оқаётган томирларингда  
“Она тили” буюк конинг тилидир.

## АДАБИЁТ ДАРСИ

Гоҳо бўм-бўш кўнглим оралаб  
Судралади кузак шамоли.  
Сарғайган гул япроқларига  
Дилим чизар ишкнинг хаёлин.

Тўкилмоқда томчилаб умр  
Малакларнинг гул косасидан.  
Мен туғилган эдим-ку бир кун  
Ёмғирларнинг сирли сасидан.

Дарахт эдим, эгилмас дарахт.  
Ўсардим нур эмганим сайин.  
Яшил дунё соғинчларида  
Бир кун хазон бўлмоғим тайин.

Шоир эди, бебош юрагим –  
Талашарди рухим, само, ер.  
Мен сендайин пайтимда, ўғлим,  
Далаларга ўргатардим шеър...

Ўғлим, сендан бошқа кимим бор,  
Кўзларингда оқади дилим.  
Шеърдай Мажнун кунларим ҳаққи,  
Сен дунёни шоир қил, ўғлим.

## ҲАЁТ ДАРСИ

*(Ўғлимнинг сўрови)*

Дунёнинг кўзига қарай бошлабсан,  
Ажаб нигоҳингда уйғонмоқда сир.

Рўзгор деворини елкангда суяб,  
Эртадан не учун олдинг хавотир?!  
Инсон ўлмас экан очликдан, болам,  
Билсанг кадрсизлик ўлимдан ёмон.  
Ғурур гавҳарини асра кўнглинга –  
Ох, уни йўқотсанг, қулайди осмон.  
Очликдан гар силланг қуриб қолса ҳам,  
Қавму қариндошдан сўрамагин нон.  
Беҳуш ётганлигинг аълодир билсанг  
Миннат оғусидан кўра минг чандон.  
Эртага эртадай яшаймиз, болам,  
Кўнгилда тугилиб борар экан тош.  
Ёришиб бормоқда тонг каби умид:  
Оч қолсак юрак бор, чанқасак кўз ёш...

## БЕКИНМАЧОҚ ЎЙИНИ

Болаликда жуда яхши кўрардим  
Бекинмачоқ деган қизик ўйинни.  
Юрагимга соғинч келтирар ҳар кун  
Болаликнинг тоза, бегард ўйини.

Бу ўйинда жуда моҳир эдим мен,  
Ҳеч ким тополмасди, беркинсам агар.  
Жони ҳалак бўлиб ўртоқларимнинг  
Излаши кетарди бекор, бесамар.

Бугун кўзларимга қуйиларкан тун,  
Ўзимни ўзимга яшириб қўйдим.  
Мени излаб-излаб топмаган тонгни,  
Художон, не учун шошириб қўйдим?

Бу ердан дегим келар-у, бироқ  
Ўйиннинг шартини бузгим келмайди.  
Наҳотки, умримнинг сўнгигача то  
Менинг қайдалигим ҳеч ким билмайди?





# Абдували ҚУТБИДДИН

(1960 йилда туғилган)



---

## ДАЪВАТ

Кўр бўлгайлар билмаганлар Сарбонимни,  
Шоқолга ем бўлар эди бу карвонлар,  
Ичимизда тухум очган шум илонлар,  
Ёв қиларди ҳаётимга давронимни.

Кўнгил обод ўлса унда хатар бўлмас,  
Обод бўлмоқ инсон учун улўглиқдир.  
Агар унда чироқ ёнса ёруғлиқдир,  
Ёруғлиқда тонглар ахир уруғлиқдир.  
Шу тонгларни авлодларга ким атади,  
Боғларимиз кўнгил билан ким бутади,  
Қалбга қўйиб англаб олинг сарбонимни.

Қанча қайроқ қайрадилар кўз олайиб,  
Ўт куйдилар ичи куруқ хашакларга,  
Кибрларга, ҳасадларга, шак-шакларга,  
О, қанчалар юрагидан кетди майиб,  
Ҳақиқатнинг оловидан зум бужмайиб.

Тик турди-ку Баҳоуддин Нақшбандий,  
Соҳибқирон, Бобур мирзо, Улуғбеклар,

Кешийлару шошийлару, дилбандийлар,  
Аҳли Хораз, хўқандию самарқандий,  
Улуғ йўлга от қўйдилар ўзлуғ беклар.

Ўзлигимиз сари кетдик, кўкрак кериб,  
Орзулару умидларни бир-бир териб,  
Буюк давлат куёшига ихлос бериб,  
Боламизга шижоатни мерос бериб,  
Ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб кетмоқдамиз,  
Умр ўтар, аста-аста ўтмоқдамиз.  
Аммо кўнгил хотиржамдир, тўғри бўлди,  
Ойдинлик ҳам бағримизга бағир бўлди.

Минг йил ўтар, ўзгаради бу дунёлар,  
Балки намхуш тортиб колар хуш ҳаволар,  
Балки тўфон кўтаради шўх саболар,  
Ўзгармайди то киёмат аҳду паймон,  
Ўзгармайди ер юзида Ўзбекистон,  
Яшнайверар хурриятдан таралган нур.  
Ранги ўчмас, қони эзгу бу зиёлар.

Мангуликдир чин меҳнатлар ва захматлар,  
Иқболимиз учун ёнган бу ҳикматлар,  
Аждодларнинг руҳи айтган бу раҳматлар,  
Келажакнинг уйи янглиғ бу мактаблар,  
Бу ишончлар, бу туйғулар ҳамда сурур.

Адашмайлик, қайишмайлик, эгилмайлик,  
Ҳиёнату алдовларга букилмайлик.  
Ағёрларнинг кимхобиға тикилмайлик,  
Айрилмайлик орзулардан ва ватандан.

Шукрона айт, Абдулвали, иқболингдан,  
Гул бахтингдан, бугунингдан зилолингдан.  
Билдинг ахир Ўзбекистон ва шавкатни,



Она ватан деган кутлуғ тарикатни,  
Шу тарикат пойдор бўлди, куллуғ қилгил,  
Озодлигу ободликни сен туғ қилгил.

Илдамлагин Истиклолнинг йўлларидан,  
Бу йўлларки, саодатга элтгувчидир,  
Ҳеч туширма байроғингни қўлларингдан,  
Адл турган муродига етгувчидир.

Даъватим шу ватан Аллоҳ назардандур,  
Юртшайдолиғ вожиб Хўжа Хизрдандур.  
Ватан ахир иймон учун бир саждагоҳ,  
Кимки ватан ичра бўлса ўшал огоҳ.

Иймондандир хизмат қилмоқ раиятга,  
Бутун халққа, азиз юртга, ҳақиқатга,  
Ўзбекистон деган буюк муҳаббатда,

Яшаб бирга,

Кетиб бирга!

Тирилганда –

Ўзбекистон жонажоним – ватан десак,  
Парвардигор, ўзинг уни асра десак,  
Шу юрт учун порлат десак кўзимизни,  
Тупроғига тупроқ қилгин ўзимизни.

Онажоним,

Жондан суюк

Ватан десак!

Ватан десак, ватан десак, ватан десак!



**Амирқул  
КАРИМ**  
(1960 йилда туғилган)

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Токи эзгуликка кодирдир юрак,  
Лабларда тинчлик деб туғилса тилак,  
Иқбол бунёдига чоғланса билак,  
Фаровон бўлади ота маконим,  
Чароғон бўлади Ўзбекистоним.

Токи эътиқодда собит диёнат,  
Тарозу қошида мулзам хиёнат,  
Қойим бўлолмагай асло қиёмат,  
Танимга сингади ҳалол бу ноним.  
Диломон бўлади Ўзбекистоним!

Токи Ориятдир Ватанга посбон,  
Шижоат меҳнатдан бунёд этар шон,  
Йигит эл, ёр учун садқа қилар жон,  
Тупроғим ёв енгмас баланд кўрғоним,  
Гулафшон бўлади Ўзбекистоним!

Тотувлик аслида юртнинг сарвати,  
Гардсиз виждон эрур инсон давлати,  
Поклик улғайтирар миллат савлатин,  
Юлдузлар тахтига тилло нарвоним,  
Қаҳқашон бўлади Ўзбекистоним!





## ТИНЧЛИК

Оламнинг энг ширин неъматини,  
Бағрида унади гул – шуур.  
У бир соз эрурки, жўрида  
Умрлар кўшиғи айтилуру.

Идроку юракнинг кўкидан  
Сен она заминга бўйлагин,  
Тинчлик бу мунаввар Ҳаётнинг  
Ўзига ярашган кўйлаги!

## БАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ҚЎШИҒИ

Фаровон кўчангда юриб тўймайман,  
Покиза туйғулар териб тинмайман,  
Эркнинг оғушида эриб тинмайман,  
Мунаввар тонгларинг гўзалдир, Ватан,  
Бетакрор онларинг гўзалдир, Ватан.

Элимнинг умиди пайванд жонимга,  
Туганмас булоқсан ғурур – шаънимга,  
Меҳримни берайин жонажонимга,  
Мунаввар тонгларинг гўзалдир, Ватан,  
Юксалган шонларинг гўзалдир, Ватан.

Миллат дарахтига муқаддас макон,  
Авлодлар улғаяр азиз ошиён,  
Дилим тулпорига суворий туғён –  
Мунаввар тонгларинг гўзалдир, Ватан,  
Чексиз имконларинг гўзалдир, Ватан.

Мен борман – элимнинг эгилмас боши,  
Мингларга кирса ҳам қаримас ёши,  
Истиклол кўкида балққан куёши –  
Мунаввар тонгларинг гўзалдир, Ватан,  
Бетакрор онларинг гўзалдир, Ватан,  
Юксалган шонларинг гўзалдир, Ватан,  
Чексиз имконларинг гўзалдир, Ватан.



## ҲУМО ҚУШИ

Болаликдан сен эркимнинг висолисан,  
Фазо кезиб гўё осмон мисолисан,  
Онажоним, Ватанимнинг тимсолисан,  
Ҳумо кушим, эртақлардан кадрдоним,  
Ўтда ёнмас, сувда чўкмас жонажоним!

Гоҳи ёниб истиқлолнинг ҳавасида,  
Мазлум бўлдинг ёғийларнинг қафасида.  
Кўкка учдинг шахидларнинг нафасида,  
Ҳумо кушим, эртақлардан кадрдоним,  
Ўтда ёнмас, сувда чўкмас жонажоним!

Самандардек қайта қанот қоқдинг яна,  
Озод юртга эрк рамзида боқдинг яна,  
Кўкрагимга чўнг ғурурни тақдинг яна,  
Ҳумо кушим, эртақлардан кадрдоним,  
Ўтда ёнмас, сувда чўкмас жонажоним!

Меҳрим билан патларингни силагайман,  
Ватан бешик – унга орзу белагайман,  
Юртга гўзал истиқболлар тилагайман,  
Ҳумо кушим, эртақлардан кадрдоним,  
Ўтда ёнмас, сувда чўкмас жонажоним!





**Зикрилла  
НЕЪМАТ**  
(1961 йилда туғилган)



---

**ИСТИҚЛОЛ**

Ҳар тонг олам ёришганда шуълаафшон нур билан,  
Уйғонурман юрагимда бир олам сурур билан,  
Мустақиллик туйғусидан кўксим тоғдек юксалиб,  
Юрт ишига отланурман ифтихор – ғурур билан.  
Сен қалбимнинг ёниб турган туғёнисан, Истиқлол,  
Оллоҳимнинг бизга берган эҳсонисан, Истиқлол!

Неча йилки, Эрк нуридан гулламоқда Ватаним,  
Неча йилки, Ҳурлик куйин куйламоқда Ватаним.  
Неча йилки, овозаси кетиб етти иқлимга,  
Эртанги кун умидларин ўйламоқда Ватаним.  
Келажакнинг нурга чўмган қарвонисан, Истиқлол,  
Эзгуликлар қарвонининг сарбонисан, Истиқлол!

Минг шукрим, аждодларнинг армонлари ушалди,  
Мард элимнинг йўлларига гул поёндоз тўшалди,  
Тўмарису Широқлардан мерос – Она Ватаним –  
Буюқ Дунё ишларига ўз ҳиссасин қўшолди.  
Эрка ташна кўнгилларнинг дармонисан, Истиқлол,  
Эзгуликнинг нурга чўмган қарвонисан, Истиқлол!



Эркни асли эл истади, элдан кечиб бўлмагай,  
Юраклардан тошган туғён, селдан кечиб бўлмагай,  
Сен – бедармон юрт қалбига куйилган соф қондирсан,  
Жондан кечсак ҳамки, энди сендан кечиб бўлмагай,  
Юракларнинг ёниб турган туғёнисан, Истиклол,  
Озодликнинг шовуллаган уммонисан, Истиклол!

## ВАТАННИ АНГЛАШ

Боболарим хоки ётар тупроғингда,  
Уммондирсан, бир майсаман қирғоғингда,  
Чинордирсан, жоним титрар япроғингда,  
Илдизингга туташдир қалб қоним, Ватан,  
Борим – Ватан, шоним – Ватан, жоним – Ватан!

Куёшдирсан, меҳр тўла нигоҳларинг,  
Яйраб ўсар гулу майса, гиёҳларинг,  
Ҳеч сўнмагай «Шашмақом»у «Сегоҳ»ларинг,  
Дилимда ҳеч туганмас дostonим – Ватан,  
Борим – Ватан, шоним – Ватан, жоним – Ватан!

Мардларинг бор, мадҳи сиғмас китобларга,  
Жўровозсан Тинчлик деган хитобларга,  
Ойдек юзинг чайй гулгун гулобларга,  
Шуълаларга чулғанган бўстоним – Ватан,  
Борим – Ватан, шоним – Ватан, жоним – Ватан!

Парво қилмай алдоқчи туш, рўёларга,  
Дунёларга чикдик ахир, дунёларга,  
Олам муштоқ сендек меҳригиёларга,  
Қалдирғочлар чарх урган осмоним – Ватан,  
Борим – Ватан, шоним – Ватан, жоним – Ватан!

Аму Сирдай сирлашурмиз бахтинг учун,  
Бир тан бўлиб бирлашурмиз бахтинг учун,  
Керак бўлса, жон тикурмиз бахтинг учун,  
Муқаддасим, меҳрли ошёним – Ватан,  
Борим – Ватан, шоним – Ватан, жоним – Ватан!



**БЕДОРЛИК**

Ўйлар юрагимни ўйиб оладир,  
Кўксимни тўлдирар жўшқин садолар.  
Кўзларим олдидан ўтар бирма-бир,  
Инсонлар, имконлар, бахтлар, хатолар.

Менга юқа бошлар дунё дардлари,  
Севинчи, ўкинчи, армонлари ҳам.  
Давр шамолларин ғубор-гардлари  
Бедор кипригимга ёпишар маҳкам.

Мен энди кўзимни юма олмайман,  
Киприк қоқолмасман ҳатто ботиниб.  
Сўзларим кўксимга кўма олмайман,  
Улар юрагимдан чиқар отилиб.

Шундай сўзларни мен кўзга суртаман,  
Шулардан тизаман шеърларим сатрин.  
Чунки мен кўрқаман, жуда кўрқаман  
Ранжитиб қўйишдан Шеърят қалбин.

**КИПРИК**

Само гўё кўзимизнинг окидир,  
Замин эса яшнаб турган қорачик.  
Кўзлар умри нур туфайли боқийдир,  
Тиникликдир уларга хўб ярашиқ.

Аммо мудом изғиб юрар қабоҳат,  
Соф кўзларнинг тиниклиги қасдида.  
Шу боисдан, инсон унга ҳамма вақт,  
Киприк бўла олмоғи шарт, аслида.



## Жумагул СУВОНОВА

(1961 йилда туғилган)

### НАЪМАТАК

Бу гулнинг бутоғи  
Жуда ҳам аччиқ,  
Тегса, қони кафтга –  
Хино бўлади.  
Кутсангиз бир куни  
Меваси пишиб,  
Барча дардингизга  
Шифо бўлади.  
Бу гулнинг тикони  
Жуда ҳам аччиқ,  
Тегса, тилар ҳатто  
Дилингизни ҳам.  
Парвариш қилсангиз  
Ўзидан ортиб,  
Гулга бурқар сизнинг  
Умрингизни ҳам.  
Бу гулнинг тикони...  
Эҳтиёти шарт...

Юрагим гуллади  
Алвон бўёқда,  
Бир томчиси – ҳаёт,  
Бир томчиси – дард.  
Мен унинг исини  
Тутиб димокка,  
Дунёнинг юрагин  
Гуллатишим шарт.  
Юрагим гуллади,  
Атру бўйидан  
Сон минг юракларда  
Шона унди шод.  
Мен сизга йўллаган  
Тухфамнинг ранги  
Ям-яшил муҳаббат!..  
Ям-яшил ҳаёт!..  
Юрагим гуллади  
Бугун сахарда,  
Бир ғунчаси кизил,  
Бир ғунчаси ок.  
Тасаввур қилсангиз,  
Ҳар бир бандига  
«ИШҚ» сўзи битилган  
Жўшқин қўнғирок.  
Юрагим гуллади...  
Мисоли баҳор,  
Алвон дафтарига  
Ёзди дафъатан;  
...Рангин камалакда  
Учиб,  
Телбавор,  
Дунёни маст этгум  
Юрак исидан!..  
Юрагим гуллади –  
Юракгул!..



## Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА

(1961 йилда туғилган)

### ТИНЧЛИКНИНГ ЭНГ ЛАЗЗАТЛИ ҚЎШИҒИ

Тонг... Атроф уйғонар оҳиста...  
Шу осуда борлик, хотиржам осмон  
Бувамнинг кафтидек бошимда паноҳ,  
Хотиржам ястанган шу сокин замин  
Момоннинг бағридек беҳадик, бежавф...

Кундуз...  
Бир интиқ ҳис билан оқа бошлайман  
Даврим шиддатига қўшилиб.  
Юрагим гурсиллар, юрагим урар  
Қадам товушидек отамнинг...

Шом...  
Йўлларни чангитиб пода қайтади,  
Димокни китиқлар пиёздоғ ҳиди...  
Бу окшом шу қадар майин чўқади,  
Онамнинг нигоҳи сингари майин...





Окшом...

Бундай елкаларга суюнмоқ мумкин бемалол,  
Жуфти ҳалолимнинг лутфлари сўнгсиз...  
Кўлим кафтларида, кўзларида кўзим,  
Бу бахтнинг сувратин чиза олмай ким?  
Шамшоддай қаддингдан айланай, ўғлим,  
Қизим, кўзингдаги бахтга чўкайин!..  
Кўксида асраган болаларимни,  
ВАТАН, тупроғингни ҳар тун ўпайин...

Саҳар...

Уйғонаман,  
гудок чинкириғи  
ва ё соат зангиданмас,  
Масъум набирамнинг жонбахш йиғисидан!

Ассалом, янги Кун!

## ВАТАН

Дунёда сен борсан, мен ҳам сондаман,  
Гоҳо айро тушсам маҳзун, кандаман...  
Ёдинг қайда бўлса, мен ҳам андаман,  
Сенинг дийдорингга ташнаман, Ватан...

Бағрингга илдизим ботиб бородир,  
Тобора шукронам ортиб бородир,  
Ҳаётбахш тонгларим отиб бородир,  
Кўксингда бир боғдай яшнарман, Ватан...

Туғини юракка қадаган бобом,  
Дарёга от солиб сакраган бобом,  
Жон бериб, юртини бермаган бобом,  
Пойига жонимни тўшарман, Ватан...



Сенингдек бошпаноҳ яна қайда бор,  
Сен билан бутунман, сенингсиз абгор,  
Соғиниб, талпиниб, ичикиб зор-зор,  
Отам деб қошингга шошарман, Ватан...

Бу совуқ қабр тоши бунчалар иссиқ,  
Ёнбошида унган майсалар тансиқ,  
Юзимга, кўзимга сураман қангсиб,  
Онам, деб кўзимни ёшларман, Ватан...

Аслингни, расмингни чиза олмадим,  
Шоирманми ўзи, сеза олмадим,  
Ватан деб бир сўз ҳам ёза олмадим,  
Тилим лол, кўлим шол, қақшарман, Ватан...

Ва лекин сенга тенг бир матоҳ – жон бор,  
Қонимда момомдан юккан бир шон бор,  
Дилни узиб, сенга тутгувчи он бор,  
Шу кунга ўзимни чоғларман, Ватан...

Бўйларим сенингдек ўсганча ўлсам,  
Туморсан, бўйнимга осганча ўлсам,  
Болам деб, бағримга босганча ўлсам,  
Мангу баҳорингдай яшарман, Ватан!





## Эшқобил ШУКУР

(1962 йилда туғилган)



\* \* \*

Лафз каби улуғман-у, шеър каби ғариб шонман,  
Мен шонга султонман-у, шон устида бешонман,  
Жаҳон мунча шонталаб, жон мунча жаҳонталаб,  
Мен мунча паришонман, мунчалар паришонман.

Ой мунча осмонталаб, осмон эса жонталаб,  
Ер мунча найсонталаб, найсон эса онталаб,  
Ёр мунча ҳижронталаб, ҳижрон эса конталаб,  
Мен мунча паришонман, мунчалар паришонман.

Ишқ мунча оловталаб, олов эса ёвталаб,  
Дил мунча яловталаб, ялов эса товталаб,  
Тулпорлар жиловталаб, сор-бургутлар овталаб,  
Мен мунча паришонман, мунчалар паришонман.

Ботирлари орталаб, ор эса хазорталаб,  
Шоирлари дорталаб, дор эса бозорталаб,  
Зорлари озорталаб, озорлари зорталаб,  
Мен мунча паришонман, мунчалар паришонман.

Кулги йиғидай йиғлаб, йиғи кулгидай кулса,  
Нафрат севгидай ёнса, туйғу севгидай ўлса,  
Бошқа Эшқобил бўлиб, бошқа Эшқобил келса...  
Мен мунча паришонман, мунчалар паришонман.



## АЗАЛ КУЙИ

Сен баҳордан олдин гуллайсан,  
Жилмаясан сахардан олдин.  
Ҳар гал ойдан олдин тўлгайсан,  
Жон ичида жавҳардан олдин...

Сен олдин.

Сен олдин.

Сен ёмғирдан аввал йиғлайсан,  
Ёғажаксан қорлардан аввал.  
Янги йилдан аввал киргайсан,  
Дил тубида зорлардан аввал...

Сен аввал.

Сен аввал.

Юрагимнинг боғчаларида  
Етаклайсан ўн икки ойни.  
Дил дарахтин шохчаларида  
Куртаклаган етмиш минг куйни

Сен чалдинг.

Сен чалдинг.

Сувдан олдин дарё жони сен,  
Сен ёрийсан чакмоқдан олдин.  
Йиғлаётган булут қони сен,  
Ҳар қадаминг сўқмоқдан олдин...

Сен олдин.

Сен олдин.

## ЗИЁРАТ

Дунёга не бериб, нимани олдим,  
Кўнглим саҳросида гуллади зорлар.  
Дилидан дин топган султондай келдим,  
Туркистон пирлари ётган мозорлар.



Бу мангу ибодат – мангу ҳақиқат,  
Рухлар манзилгоҳи тилангиз омон.  
Бир коса гулобдай чайқалар хилқат,  
Бир оний шамолдай гувиллар замон.

Кўнгил рўзғорининг ризқини тердим,  
Ажаб туйғулару ажаб озорлар...  
Сизга қушлар тўла юрак келтирдим,  
Туркистон пирлари ётган мозорлар.

Бир оний шамолдай гувиллар замон,  
Қай бошда гултожу қай бошда дорлар.  
Қай дилни етаклаб юрибди имон,  
Қай дилни комига тортмоқда морлар.

Гоҳо ўрмалабман думимни судраб,  
Гоҳ ҳарир қанотлар ёйибман кўркам.  
Гоҳо уйғонибман тонглардай титраб,  
Гоҳ бадтар яшабман ўликлардан ҳам.

О, мунча залолат – беш кунлик сафар,  
Инсон жилвасию ҳайвон шарпаси.  
Ҳар бошда айланса то рўзи маҳшар,  
Қуёш кулгусию зулмат кўлкаси.

Эй дил, кайда эдинг, қайларда колдинг,  
Кифтингда неча куз, неча баҳорлар?  
Ҳол сўраб турибди маҳшардан олдин,  
Туркистон пирлари ётган мозорлар.



## ФАХРИЁР

(1963 йилда туғилган)

---

### ИСТИҚЛОЛ

Не устихон, дарёга солдинг?  
На балиқ, на холиқ билмади:  
Сен ким эдинг минг йиллар олдин,  
Қайдан келдинг, қайдан келмадинг?

Келмаганинг ростдир, эхтимол  
Келганларинг ростмидир тағин?  
У не ўтмиш, у қайси шимол?  
Бу не бугун, яйраган бағир?

У не кеча, саид суяклар  
Кўмир каби қораймиш бирдан?  
Бу не бугун, массагет, саклар  
Ўмганини кўтарар ердан?

У не кеча, устихонлари  
Камон каби букилган миллат?  
Бу не бугун, ҳур бўлган сари  
Суякларин ювади йиллаб?





Ҳар бир хожа, ҳар бир саиднинг  
Қора суяклари оқарар.  
Бугун кимнинг ийди – ҳайити?  
Суяк чайкаб олар таҳорат?

Тушларини терс қилиб кияр,  
Армонларин олар ўнгариб.  
Энди сенмас, ўзини суяр  
Кечаги ҳар мазлум ва ғариб.

Мозий томон умр қарийди,  
ёшаради келажак сари.  
Мустабидга меҳр арийди,  
Нафрат бўлар азмойишлари.

Не устихон, дарёга солдинг.  
На балиқ, на холиқ билмади:  
Сен ким эдинг минг йиллар олдин,  
Қайдан келдинг, қайдан келмадинг?

## КУЗ ЭЛЕГИЯЛАРИ

### 1

Октябрь ҳам оёқламоқда,  
икки ой бор йил тугашига.  
Шохлар бир-бир таёқланмоқда,  
шамол боғда хазон ташиган...

Кўрсичқонга ўхшайди шамол,  
ғамлаб олар хазонни қишга.  
Тугаб борар куз ҳам. Йил – тамом!  
Изтироблар тушади ишга:

шамол тўзғутгулик ё сичқон  
уясига ташиб кетгулик  
ёзилмабди бир сатр, ишон,  
ёки тутантириқ этгулик



кузги ёмғирлардан жунжиккан  
бир дўст учун гулхан ёкмокка.  
Гарчи ҳаво очик, кун чикқан,  
кўр беради на дўст, на боққа...

2

Шеър ёзгиси келар одамнинг  
тўйиб-тўйиб, кун катораси.  
Гурсиллайди юрак қадами,  
лекин кўринмайди қораси

бир манзилнинг – бўлмайти қойим.  
Ҳамма нарса сарғайган – хазон...  
Куз тонгида қаноти шойи  
зоғлар тинмай айтади азон.

Бу азоннинг қораси йўқдир,  
мўлжал тортиб боргани шахдам.  
На оч унинг ранги, на тўқдир,  
териб олинмаган пахтадай

ё бутага илинган мезон  
каби элас-элас кўринар...  
Чир теварак бирдай баргрезон,  
Қораяди факат мўрилар...

3

Хазонлайди дарахтлар аста,  
кайнок ранглар улашар ҳаёт  
тўкилмокқа чоғланган хаста  
япроқларга. Интиҳо – аён.

Мовий рангдан айрилар само,  
энди ранглар боғни тўлдиранар.  
Адолатни билар тийрамоҳ,  
ҳар япроқни гўзал ўлдиранар.









Фақат эркинликда ҳаёт дедингиз!  
Замин остида ҳам ёник чироғи,  
Ватан унутмайди, келар ардоғи.

Ишкнинг ўрнини ҳеч ололмас ишва,  
Покнинг ўрнини ҳеч ололмас ришва,  
Ҳар не мўъжиза жам Ёрни севишда.  
Ишқ-ла олтин бўлган олтин тупроғи,  
Ватан унутмайди, келар ардоғи.

Нафснинг ўрмонида нокас адашди,  
Тўкин яшаш учун ўрин талашди,  
Ахир мангумас-ку бу фано дашти,  
Бир кун йўқлагайдир Ҳақнинг сўроғи –  
Ватан унутмайди, келар ардоғи.

Сўнгсиз дардингизни бўларми айтиб,  
Дилга лолаларни кетгансиз такиб,  
Кўкда турналардек келдингиз қайтиб.  
Банддан узилмагай зангор япроғи,  
Ватан унутмайди, келар ардоғи.

Мустабидлар битсин! Уриб турган дўк,  
Зулм музларида сўнди қанча чўғ,  
Мардлари орамизда, номардлари йўк...  
Ё насиб, сизга бўлсин кавсар булоғи,  
Ватан унутмайди, келар ардоғи!

## ЖОН ИСИ

Турналарни кўрдим, кўрдим баҳорни,  
Ташрифингни қандай айлайин баён?  
Шаксиз Ҳақ йўқлаган каби беморни,  
Боқий ёшлигига қайтмоқда замон.

Гуллар, чечаклардан жон иси келди,  
Олтин адирларга йўл солди кўнгил.  
Абри найсонларнинг юриши бўлди,  
Мажнун шоирларнинг малиги булбул.

Дардга лим-лим дунё бахтга ҳам тўлди,  
Беҳишт боғларида кезар капалак.  
Замин ифоридан мастона кулди,  
Аршнинг курсисини кўтарган малак.

Мен ҳам бир бандаман, хур ният қилдим:  
Залолатга ботма баҳор олами.  
Ҳалокатдан қутул мардона бедил,  
Ишқ-ла мунаққаш эт дашту далани!



## Муҳиддин ОМОН

(1963 йилда туғилган)

### МАНГУ СЎЛМАС БАҲОРИМСАН

Чаманимсан, ифорингга тўйиб бўлмас,  
Дийдорингни киёматга қўйиб бўлмас,  
Мингта жаннат боғидан ҳам Сен муқаддас,  
Мангу сўлмас баҳоримсан, Ўзбекистон,  
Бахти кулган диёримсан, Ўзбекистон!

Сен мусаффо ҳам мунаввар осмонимсан,  
Боболардан мерос шонли дostonимсан,  
Онамдек меҳрибон, озурда жонимсан,  
Бағри қайнок, юзи офтоб Ўзбекистон,  
Иймони пок, олтиндек соф Ўзбекистон!

Алломасан, самоларда изларинг бор,  
Фотихларни мағлуб қилган кизларинг бор,  
Жаҳон аҳлин лол этгувчи сўзларинг бор,  
Сарбонисан Осиёнинг, Ўзбекистон,  
Даҳоларнинг ошиёни –Ўзбекистон!

Дилдан жўшиб куйлагайман икболингни,  
Байроғингни, юлдузларинг, ҳилолингни,

Тангрим улуғ килсин мудом камолингни,  
Шарқ машғали, шаъни комрон Ўзбекистон,  
Қадри буюк, қадим Турон – Ўзбекистон!

## БИЗНИКИДИР ДУНЁЛАР

*Фахрия*

Субҳи содиқ саҳарларда  
мустанжобдир дуолар,  
Бошимизда қанот қоқар  
тушга кирган Ҳумолар.  
Кўнгил озод, Ватан обод,  
бизникидир дунёлар,  
Юрт тинчлиги, эл равнақи –  
мақсади аъмолимиз,  
Кундан-кунга нурафшондир  
толе-ю иқболимиз!  
Истибоднинг кишанлари  
узилгани рост бугун,  
Қадрин топиб, жилоланар  
ҳар олтин мерос бугун.  
Ўзбек элим шавкатига  
жаҳонийлик хос бугун,  
Дилда иймон чашмасидур  
нўш этар зилолимиз,  
Маънавият қуббасида  
Туғромиз, Ҳилолимиз.  
Қадим Турон замини бу,  
тўтиёдур тупроғи,  
Улуғларнинг ёди билан  
нурафшон дил чироғи.  
Бунда тарих сўйлаб турар  
ҳар чинорнинг япроғи,  
Шул Ватандан баҳра олган  
зеҳнимиз, камолимиз,  
Ойдан-ойдин, кундан-кўркли  
рўйимиз, жамолимиз.

Дарду хасрат, бизга ётдир,  
бегона ғам азоблар,  
Бахтимизни кўролмаса,  
куйиб ўтсин каззоблар.  
Осмонимиз тарк этмасин,  
Юрт деб, ёнган офтоблар,  
Мангу ризқдир бизга насиб –  
луқмаи ҳалолимиз,  
Адолатдир бизга пешво,  
бўлмагай заволимиз.

\* \* \*

Кел.  
Кучоқ очиб кутиб оламан.  
Лабларимнинг табассумида,  
Ҳисларимнинг гул мавсумида,  
Орзуларнинг энг маъсумида  
Сенинг насибангни асраётирман.  
Кел...  
Кўзларимнинг қароқларидан,  
Дил дафтарим вароқларидан,  
Тонг елининг сўроқларидан  
Озод бўл-да, кошимга келгин.  
Кел...  
Гарчи алам ашкидай тахир  
Умрим бўлсин тўфонли баҳр,  
Қиёматга дўнса-да даҳр,  
Барибир, кел,  
юзингни бурма.  
Барибир кел,  
бузилмасин аҳд.  
Ҳеч бўлмаса,  
Сен соғинтирма,  
Ҳеч бўлмаса,  
Сен вафо қил, БАХТ...



# Рустам МУСУРМОН

(1963 йилда туғилган)



---

## ТОШКЕНТ КУРАНТЛАРИ

Тошкент курантлари – вақтнинг овози,  
Ҳар чорак соатда уриб турар занг.  
Кунларнинг чолғуси, ойларнинг сози,  
Ўзгача оҳанг бор, ўзгача жаранг.

Қум соат, сув соат, куюш соат бор,  
Кун ва ойга қараб вақт ўлчар одам.  
Йўлдан асрларнинг қарвони ўтар,  
Юк ортади ҳаёт қадамма-қадам.

Соат ишлаши шарт аниқ, беқусур  
Замондан орқада қолмаслик учун.  
Улуғбек расади, зижги эмас сир,  
Бизга қараб соат тўғрилар очун.

Минорада турган посбондир курант,  
Вақтида қўнғироқ чалади хушёр.  
Тошкент курантлари бўйлари баланд,  
Юлдузларни санаб туради бедор.

Халқ билан ҳамнафас кечди йиллари,  
Қайғу ва шодликни тенг кўрди бахам.



Тўхтаб қолган эмиш курант миллари  
Тошкентда зилзила бошланган маҳал.

Соат ҳам одамга ўхшаб чекар ғам,  
Соат ҳам йиғлайди одамга ўхшаб.  
Соат ҳам одамдек тутади мотам,  
Одамнинг ёнида туради қақшаб.

Юракда тулпордек дупурлар соат,  
Соатдек югурар томирларда қон.  
Соат бу – тириклик, соат бу – ҳаёт,  
Соат бу – умрга суръат берган жон.

Иккита юракнинг муҳаббати – бахт,  
Тошкентнинг боғида қўшалок курант  
Ҳамоҳанг бонг урар, яшнайти пойтахт,  
Ҳаёт бахш этади хуш соат, хуш вақт.

Оламда вақт эрур энг олий ҳакам,  
Юлдузлар тақдирни қилур башорат.  
Курант соатида ўн икки рақам  
Абадий ҳаётга эрур ишорат.

Икки курант турар ёнма-ён, хушбахт,  
Замин тимсоли бу, осмон тимсоли.  
Замон ўтаверар, ўтаверар вақт,  
Икки курант аро дарё мисоли.

## САМАРҚАНДИМСАН

Алп Эр Тунга – Афросиёб зотингдир,  
Туркий шажарамда улуғ бандимсан.  
Ер юзига сайқал бўлган отингдир –  
Санъат шаҳардирсан, Самарқандимсан.

Ўчоғингда Зардушт олов ёққандир,  
Ватанимсан, эзгу сўзим – онтимсан.





Зарафшондан тўлиб олтин окқандир,  
Куёш кўзин камаштирган кентимсан.

Қахрамонсан, мағрур Суғдиёнасан,  
Аждодларим қиличсан – қаҳримсан.  
Тўмариссан – қасос олган онасан,  
Искандарни тор – мор этган шаҳримсан.

Ислондирсан, муқадассан, имонсан,  
Минораларга накш этилган Курьоним.  
Дунёдаги шаҳарларга султонсан ,  
Шоҳим Амир Темур соҳибқироним.

Жамолингга боқиб лол қолур олам,  
Мўъжиза яратган хунармандимсан.  
Бино этдинг буюк аждодларни ҳам,  
Илохий меъморим Самарқандимсан.

\* \* \*

Ҳаводан олача тўқийди куёш,  
Томчилардан маржон ясайди ёмғир.  
Юрагини лола этар тоғу тош  
Кўпкари чопади ер – қора бағир.

Бандидан узилар узум – олтин бош,  
Ҳўқизнинг шоҳига қуйилар чоғир.  
Бодомни абадий севар харсанг тош,  
Кўпкари чопади ер – қора бағир.

Боғлардан кетади яшил тароват,  
Сарғайиб қолади дарахтлар фақир.  
Чўкилар кузатар тик, беҳаловат,  
Кўпкари чопади ер – қора бағир.

Соғринида ҳовур, от кишнайди. қор...  
Ер яғир, юк билан югириш оғир.  
Тоғлар музлаб қолар келгунча баҳор,  
Кўпкари чопади ер – қора бағир.





## Салим АШУР

(1964 йилда туғилган)

### ОНА ЕРИМ

1

Бу ерлар юрагим мулкидир,  
Кўзларим мулкидир дала, кир.  
Бу ерлар жаннатдан улгидир,  
Ҳар тошда ўтирар битта пир.

Бу ерлар ёпинган кўрпамдир,  
Думалаб-думалаб ўсганман.  
Бу ерлар жигарим, ўпкамдир,  
Совуқдан, иссиқдан тўсганман.

Иссиғи... ай, уни айтмайман,  
Биласиз, қайнайди қумда чой.  
Борсам-чи, куймасам қайтмайман,  
Қалбимдан кетмайди оппоқ ой.

Ай... азиз офтобда килкиллаб,  
Денгиздек тўшалган кумим шу.  
Бошимни ҳар қадоқ қафт силаб,  
Меҳнатсиз ўтмаган куним шу.



Йўлимга кўз тиккан онамдек  
Эшикка суянган йўлларим.  
Ўзини таниган боламдек  
Илк бора титради қўлларим.

Кетаман, ортимдан эмакляб,  
Онамдек эргашган шамоллар.  
Рўмоли четини тишлаган  
Опам, холам, аммам... Аёллар...

Кўзлари оғрийди куракда,  
Ухласам юракка ботади.  
Кўз очсам туғилган тўшакда,  
Умримда мовий тонг отади.

2

Оқ кунлар имиллаб чўзилар,  
Капалак соясин қувади.  
Далада туғилган кўзилар  
Ҳидини ёмғирлар ювади.

Шалоббо бўлади уст-бошим,  
Атирдан гуркирар ҳамма жой.  
Мен билан тортишиб, талашиб,  
Уйгача киради сақич лой.

Бу ёмғир, бу лойлар меники,  
Меники атирли қиёқлар.  
Ястанган бу жойлар меники,  
Меники кўқарган байроқлар!..

3

Ёриларкан тарс-тарс ковун,  
Чумак урар палакларда.  
Сахарданоқ сайрайди кун  
Тарвуз каби юракларда.

Бедазормас, шабнамзорда  
Беданалар чўмилади.



Калиш илган одамзорлар  
Зангорларга кўмилади.  
Кадиларда қалин қаймоқ,  
Тандирларда нон тобланар,  
Барча ранглар уруғ-аймоқ,  
Барча диллар дилбарланар.

Сигирларнинг елинлари  
Болаларни боқар, ана.  
Оқ ҳаётнинг келинлари  
Ўчоқларни ёқар, ана.

Зовурларнинг бўйларида  
Кураш тушар ўсмир орлар.  
Оқшомларнинг тўйларида  
Дарё диллар дилдорланар.

Шишинади тарвуз, ковун  
Кўл ташлаган палакларда.  
Ёрилади юлдузли тун  
Опам айтган эртақларда.

Қарз сўради кимдир мендан,  
Юрагимни шартта бердим.  
Айланайин ўзим сендан –  
Ерим, ерим, она ерим!

4

...Отамни шу ердан топаман,  
Онамни топаман шу ердан.  
Шу ердан уйимга чопаман...  
Шу ердан, шу ердан, шу ердан.  
Шу ердан!..



## Зебо МИРЗО

(1964 йилда туғилган)



---

### ҲИНДА ТУРИБ ВАТАННИ СОҒИНИШ

Мен бегона эмасман Ҳинд, Кашмирга ҳам,  
Бобом илки етган мулки султондир бу.  
Жалолиддин келган бўлса Синдни кечиб,  
Демак унга тангри берган имкондир бу.  
Қулоқ тутсам, арғумоқлар саси келгай  
Захириддин ошиб ўтган довонлардан.  
Қўлларини соя қилиб, қараб турар  
Мир Алишер Ҳазрат Ҳирот томонлардан...  
Тожмаҳални нега энди Ҳинда деманг,  
Бобур ердан кўтарса бир курагини.  
Шоҳжаҳондан сўранг ўзбек тупроғидан  
Олиб кетган ахир ошиқ юрагини.  
Томиримни тортиб кўрсам етиб боргай  
Шаҳри Кешдан минг асрлик чинорларим.  
Дунё томи Ҳимолайнинг чўққисидан  
Кўринади Самарқанднинг минорлари!  
Зебуннисо қабрини мен кўп изладим  
Акбаршоҳлар ётган қадим мазоридан.  
Қаранг, қандай олиб ўтди ишқини у  
Пойида чарх урган дунё бозоридан.



Ўз кўнглимни олиб аста кўлимга мен,  
Бир осмонни кўрдим, бу – сен, азиз ўлкам.  
Ҳар бир тоғу тошларингда минг бахт яшар,  
Бундай гўзал эмас Бобил боғлари ҳам!..  
Ахтармадим сени ўзга чаманлардан,  
Фақат мозий қатларига қанча кирсам,  
Шунча улуғ кўрдим баланд арконингни,  
Қанча яқин борсам, шунча олисдирсан.  
Эй ризвоннинг бир бўлаги – жоним Ватан,  
Мен учун не Чин ё Араб мушк-анбари?  
Битта райҳон бўйларингга тўйиб ўлсам,  
Менга етар шу давлатнинг мукамбари.  
Эй юракнинг пайғамбари, жоним Ватан,  
Сенга уммат бўлмоқ олий имкондир бу,  
Ахир сендек Ватан йўқдир ҳеч Ватанда,  
Тангри берган менга мулки Султондир бу.

## ИШҚ

Ҳаёт қандай гўзал, яшаш қандай бахт,  
Олам бурканганда оппоқ нурларга  
Юрак қонинг ичиб кўрганмисан, айт,  
Кунинг қолганида макри зўрларга?  
Сенга айтиш осон, ўзингни эмас,  
Элайсан ўзганинг қийлу қолини.  
Сен қайдан биласан тўфонда қолган  
Ожиз одамларнинг ғариб холини!  
Осмонлар чарсиллаб, синганда ҳар санг,  
Бошингга келганда қиёмат куни.  
Ҳеч қачон тавба, деб эгилмагансан,  
Сени кўрқитмаган хатолар хуни.  
Қиличга ярашар қиличдай яшаш,  
Мен тўғри ҳолимдан бир маъни уқдим.  
Яшашдан кўрқмадим, эй аҳли ғараз,  
Кўрқсам, сиздан эмас, Худодан кўрқдим!  
Жимлигим ичида битта хурлик бор,



Сукутим ичида минг исён ва дод.  
Қачонки, юракда зўрлик, хўрлик бор,  
Қулликка чидолмас ҳеч вақт одамзод.  
Шоирнинг умри бу – улкан қуюндир,  
Ўзининг ичига ўзи сиғмас ғам.  
Ҳаёт кимга қасос, кимга ўйиндир,  
Менинг қайга қўнсам куйди қўналғам!  
Аммо мен... руҳида гулнинг бўйи бор,  
Ёмғирлар эзилиб чалган куй эдим.  
Милён йил кутдим-у, умидсиз, абгор,  
Бир дилни Худони севгандай севдим!  
Кейин... кўтарилди буюк бир тўфон,  
Фалакни куйдирди ҳасратим-оҳим.  
Ҳеч кимга бунчалик куйган эмасдим,  
Балки шу бахтимдир ёки гуноҳим.  
Кимдир илҳом олди, кимдир завқ олди,  
Мен эса кўнгилнинг кузидан бездим.  
Бир тун аламлардан жон бераётиб,  
Юрагимга баҳор кирганин сездим.  
У қайтди уйғотиб диллар тонгини,  
Жонбахш кўзларидан чекинди Ўлим.  
Ғанимим, сен агар бўлмаганингда,  
Севгимиз бўлмасди бу қадар сўлим!  
Ҳаёт қандай гўзал, яшаш қандай бахт,  
Олам бурканганда оппоқ нурларга,  
Осмонни кўтариб қўлларингга шахт,  
Айланиб кетолсанг кейин хурларга!  
Ҳаёт қандай гўзал, яшаш қандай бахт,  
Дунё гардишидан бўйламаса ғам.  
Титроқ қўлларингга аста босиб лаб,  
Худони севгандек севолса У ҳам!





## Фулом МИРЗО

(1964 йилда туғилган)

### ЮРТ БАҲОРИ

Манзара устаси рассом – табиат  
Бўёқ сандиқчасин очмасдан хали,  
Никоҳ тунидаги келинчак сифат  
Оқ кийди тезпишар тўп-тўп зардоли.

Бўрдоқи-бўрдоқи булутлар келди  
Қаршининг даштдай кенг осмонларига.  
Қишлоқлар, ўтлоқлар, овлоқлар тўлди  
Кислороднинг манфий ионларига.

Девор ошаётган “ўғри” боланинг  
Қўйнидан довуччалар тўкилганидай,  
Томчилар шовқини кўмиб оламни,  
Жигарранг заминга тўкилди тинмай.

Ёғмаган қорлардан ёмғир яхшироқ,  
Ҳар қалай бир қадар қонар дала-туз.  
Эртага гуркираб чиқар исмалок,  
Чиқади қоқигул, кушоёқ, ялпиз.





Эртага кенгликлар киздек ясаниб,  
Куёш ошиқ бўлиб кўкда балкигай.  
Эрта ёкмай қолар кушларга жануб,  
Кушлар қайтиб келар яна шаркига.

Жаннатни рад этиб яшаган очун  
Эртага барибир уни кўражак.  
О, агар Қаршидан кетмасам бугун,  
Эртага қувончдан ёрилсам керак.

### ДАРАХТ

Озрок елса шабада,  
Зикрлари беҳисоб.  
Хивчину шох-шаббада  
Шитирлари беҳисоб.

Ёмғир ювса мабодо,  
Ҳузурлари беҳисоб.  
Новдаларин дуога  
Чўзурлари беҳисоб.

Япроқдек бир қалбимда  
Шукронам қанча, билмам.  
Лек юзлаб юрак – баргда  
Шукурлари беҳисоб.

\* \* \*

Кўзларингда ўт ва сув яшар,  
Кўзларингда – оқ билан қаро.  
Кўзларингда қандай чиқишар  
Манфий билан мусбат ўзаро?

Кўзларингда – хаёт ва қазо,  
Кўзларингда – гул билан ханжар.  
Кўзларингнинг ўзидир даво  
Кўзларингдан дард тегса агар.

## ФАВВОРА

Хиёбонни тўлдириб  
Оҳ-зор этган фаввора.  
Оҳ-зори билан дилга  
Озор этган фаввора.

На нур ва на соясиз,  
На-да бир ҳимоясиз,  
Йиғлаши ниҳоясиз,  
Безор этган фаввора.

Ғаминг бунча шарросу  
Дардинг бунчалар тиник.  
Эй, сен – биллурий вужуд,  
Эй, сен – шаффоф бир хилқат.

Эй, сен – шаббодасимон  
Ўксиккина хўрсиник.  
Эй, сен – кўчасаргардон,  
Совуккина муҳаббат...



ХУМОЮН  
АКБАРОВ

(1964 йилда туғилган)



АФСОНАЛАР ЮРТИ

Ишонаман халким эртақларига,  
Ишонаман қадим афсоналарга,  
Орзу-армонларнинг сингиб бағрига,  
Айланаман шоҳга, девоналарга.  
Темур лашкарида кездим дунёни,  
Навоий базмида тингладим ғазал,  
Улуғбек ёнида кўриб зиёни,  
Бобурдек юртимни соғинган маҳал,  
Нечун ишонмайин ривоятларга  
Кўриб Афросиёб тепаликларин.  
Бухорои шариф, Насафга қадар.  
Қадим миноралар очсалар сирин,  
Қалбимда гоҳ ғурур, гоҳида қадар.  
Эртақлар юртидир – табаррук юртим,  
Боболарим руҳи ҳамроҳ ҳар қадам.  
Очиқ турибди-ку дўстларга бу кун,  
Шошкентнинг ўн икки дарвозаси ҳам.  
Дунё кездим, Ипак йўллари равон  
Бу йўллардан қанча йиллар ўтурлар.  
Бугун ҳам бор ўша аждарҳо, илон,

Бугун ҳам шарафли кенжа ботирлар.  
Бахт куши бош узра этаркан парвоз,  
Шудир бахт, қалбимда туяман сурур.  
Афсоналар ичра кезмоқлик на соз.  
Эртақлар юртида ўзгача сурур.

## БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

Бағрингда не пинҳон, қандайин асрор  
Балки гул уруғи, райҳон, лолазор,  
Балки мужассамдир мухташам бир боғ,  
Кафтимга олганим бир сиким тупроқ.

Қалбинг кашф этгайдир фасли навбахор,  
Факат баҳорларга айтасан иқрор,  
Майсалар найзадай кўтарилган чок –  
Дардинг аён бўлғай, бир сиким тупроқ.

Ўзингсан – олтиндан, кумушдан ноёб,  
Сув ўргулса сендан, ўргулса офтоб,  
Томир тортиб, ниҳол ёзгайдир япроқ,  
Сен чинор бўлғайсан, бир сиким тупроқ.

Бунчалар хокисор тупроқ бўлмасанг,  
Савобнинг жавоби шумикан, аттанг.  
Бошинга кўтардинг касрларни, бок,  
Қаср ҳам ўзингсан, бир сиким тупроқ.

Эй, она еримнинг мўъжаз парчаси,  
Сендан бунёд бўлғай ризқ-рўз, барчаси,  
Хирмонларинг йиғсанг, тоғдан улуғроқ,  
Сеҳрингдан ақлим лол, бир сиким тупроқ.

Бағрингда оламнинг илдизи пинҳон,  
Бағрингда одамнинг илдизи пинҳон,  
Мангу тарихимсан ҳам эртама порлоқ –  
Сирсан, табарруксан, эй, она тупроқ.

## НАСАФ ҚАЛЪАСИ

Бобосининг этагин тутган  
Болаликка қайтиш эди бу...  
Бир оила –  
бир тўкис Ватан  
Эх, канчалар муқаддас туйғу.

Қайтиш эди –  
Бу улуғ сафар,  
Ўз сўз қайтди ўзин дилига.  
Чараклади юлдузи ахтар,  
Карвон қайтди  
Ипак йўлига.

Етти иклим аҳлини чорлар,  
Темурийлар тортган наъраси,  
Қутлар букун сени ёронлар  
Эй, қадимий Насаф қалъаси.

Алпомишдай бағринг кезаман  
Боболарнинг бордир далдаси.  
Момоларнинг меҳрин сезаман –  
Нафасингдан  
Насаф қалъаси.



## Шахло АХРОРОВА

(1967 йилда туғилган)

### ВАТАН ШУЛМАСМИ?

Онамнинг райхон хидли  
Тонгларидай нахор йўк.  
Томларида қизғалдок  
Сеп ёйгандай бахор йўк.  
Тупроқ йўлда болакай  
Қалбидай беғубор йўк.  
У минган тол отидай  
Учқур йўк, бойчибор йўк!  
Ватан шулмасми, асли?

Ўшал гўдак изи бор  
Тупроқ ерлари азиз,  
Майли, чўлми, майли тош,  
Дала-қирлари азиз.  
Отамнинг ҳар эгатга  
Томган терлари азиз,  
Гоҳ бахти, гоҳ жим ютган  
Дарду сирлари азиз!  
Ватан шулмасми асли?

*Озод Ватан саодати*



Кўзга суриб тупрокни  
Чигит кадаган чоғи,  
Кўрганмисиз, деҳқоннинг  
Кўлидаги қадоғин?  
Онам тебратган бешик  
Қуббасида мунчоғи,  
Энди болам тебратсам,  
Меҳрнинг йўқ адоғи,  
Ватан шулмасми, асли?

Тупрок бўйин хидлаш-чун  
Сувлар сепаяпман мен.  
Осмонимга ишониб,  
Райҳон экаяпман мен,  
Ўғлим қуёв бўлсин, деб  
Белбоғ тикаяпман мен.  
Онам, болам юзида  
Сени ўпаяпман мен!  
Ватан шулмасми, асли!

### ЖИЙДА ГУЛИМ

Жийда гулим, жийда гулим,  
Жилвалари майда гулим,  
Онам бағрин соғиндим мен,  
Онамдай бир суй-да, гулим.

Йўлимга кўз тикар эди,  
Пойимга дил тўкар эди,  
Онам райҳон экар эди,  
Кўнглим ўшал бўйда, гулим.

Куйгилиги кунда эди,  
Бир оҳ десам, шунда эди,  
Онам дарди менда эди,  
Менинг дардим куйда, гулим.



Кўнглим чўкса ҳозир эди,  
Эркалаши хузур эди,  
Она, десам, «жон», дер эди,  
Энди «жон»лар қайда, гулим?

Жийда гулим, жийда гулим,  
Хушбўй гулим, майда гулим,  
Онам исин соғиндим мен,  
Онамдай бир суй-да, гулим...

## СОҒИНЧ

Йўк, сени мен эмас, кунлар соғинди,  
Эртадан кечгача йиғлади юм-юм.  
Гоҳ ёнди, тўлғонди, ўчди-оғринди,  
Ўтинди, мен қараб туравердим жим.

Сени менмас, телба тунлар соғинди,  
Аламдан муштлади – ой ярми синди.  
Юлдузни тўзғитди, чўкди, сигинди,  
Мен эса бепарқдай кўзимни юмдим.

Сўнг юрак, соғиндим, деди хўрсиниб,  
Тонг қадар кўксимни ғингшиб, тирнади.  
Мен базўр жонимни бўғзимга кўйиб,  
Лабимни қонатдим тишлаб.  
Турмадим.

Қонатдим дилимдай, қонади чўғдай,  
Чарчадим.  
Чидамни кафтда тутаман.  
Билмам, бу сабрнинг охири йўқдай,  
Бу соғинчдан бир кун ёниб кетаман...





**Муҳаммад  
ИСМОИЛ**  
(1964 йилда туғилган)



\* \* \*

Деразам ортида ҳар тонг, ҳар сахар,  
Ҳали уйқу ичра ётганда шаҳар  
Еру кўкни шавқу завққа тўлдириб,  
Қушларнинг мусиқий баёти янграр.

Бу ғамза, бу ишва, бу авж, тарона,  
Бу нола, бу чаҳ-чаҳ, бу шодиёна,  
Бу оҳанг, бу жаранг, бу ноз мастона,  
Бу сеҳр, бу садо, соз байрамона.

О, юртим қушларнинг сайраганлари  
Шаънингга дostonдай туюлар бари!

Не-не шаҳар, не-не Ватан оралаб,  
Не-не диёр, не-не чаман оралаб,  
Не-не ўлкалару маскан оралаб,  
Не-не китъа, сарҳад ичра саралаб

Биламан, шамолдай шошиб елгандир,  
Узоқ-узоқдан йўл босиб келгандир,  
Бироз ҳоригандир, бироз толгандир,  
Талпиниб келгандир, топиб келгандир!



О, юртим кушларнинг сайраганлари  
Шаънингга дostonдай туюлар бари!

Деразам ортида ҳар тонг, ҳар сахар  
Ҳали уйқу ичра ётганда шаҳар...

\* \* \*

Нолангман, мен шаънингга шеър айтолмаган,  
Болангман, мен юзингдан тер артолмаган,  
Кўзим, юмиб кўкрагингга кулоқ тутсам,  
Худо бериб кетган буюк шеърсан, Сирдарё!

Заҳмат чексанг, заҳматларинг дурга айланар  
Меҳнат қилсанг, бир дондон юзга айланар  
Қучоғингга файз келтирган ҳар тонг, ҳар сахар  
Фаришталар сажда қилган ерсан, Сирдарё!

Ҳар болангнинг кўзларида қудрат чакнайди,  
Хур Ватаннинг шон-шавкатин жонда асрайди.  
Ҳар бир боланг буюк бўлмоқ учун яшайди,  
Арслонларга маскан, она шерсан, Сирдарё!

Юлдузлардан чирок ёнар кошонасан – Сен,  
Ўзбекистон бағридаги дурдонасан – Сен,  
Бахти кулган, саодати шоҳонасан – Сен,  
Худо ризкин бутун берган элсан, Сирдарё!

\* \* \*

Қара, осмон қандай бесарҳад,  
Қўқда оппоқ ой сузиб юрар.  
Хаёлимда абадул-абад,  
Чехранг шу ой сингари турар.

Ер юзида қолдирмай белги,  
Бир кун танни тарк айласа жон.  
Қўқда қолар бизларнинг севги,  
Ҳамда шу ой, ҳамда шу осмон.



Ахтамқул  
КАРИМ

(1964 йилда туғилган)



АГАР ВАСЛИНГНИ ЁД ЭТСАМ

Ватан! Титраб кетар жисмим, агар васлингни ёд этсам,  
Юзимни хору хасларга уриб, кўнглимни шод этсам.

Югурсам қирларинг узра, қолиб лол сирларинг узра,  
Очилгаи гулларинг узра дилим мушкулкушод этсам.

Қуёш ёнбошлаган тоғлар, яросин гул билан боғлар,  
Мени имлайди қишлоқлар, учарга бир қанот этсам.

Кезиб куйган далам ичра, дилим суйгап далам ичра,  
Камим уйган далам ичра, кўзим оби ҳаёт этсам.

Соғинчдан кўзларим ёшлаб, бораи тоғларга йўл бошлаб,  
Кейин харсангга ёнбошлаб, тиним билмай ижод этсам.

Қуёш унсиз қараб қолгай, дилимга ўт қалаб қолгай,  
Ғанимларга яраб қолгай, қаламни эҳтиёт этсам.

Мени хурлик билан қутлар, севинган марварид тутлар,  
Кўриб айғокчи тол қуртлар, заминга илтифот этсам.

Чикиб Ахтамкули дилдан, кучоғим тўлдирай гулдан,  
Ёруғ кунларни кўнгилдан ёзиб, элга баёт этсам.

## БЕРГАНИГА ШУҚР ҚИЛ

Нега нолиб яшайсан, берганига шуқур қил,  
Кўзинг ёруғ дунёни кўрганига шуқур қил.

Шивирлаган майсалар гилам бўлди йўлингга,  
Оқар сувлар уйингга келганига шуқур қил.

Бошин эгиб дарахтлар, юз минг нозу неъматлар,  
Дастурхонни тўлдириб турганига шуқур қил.

Баҳор билан қўшилиб, дарвозангга бош уриб,  
Айвонингга қалдирғоч кирганига шуқур қил.

Жажжигина кўлида юрт тупроғи болангнинг,  
Охиста қадам ташлаб юрганига шуқур қил.

Ахтамкули, огоҳ бўл, оламда йўқ бундай юрт,  
Қалам қоғозга дардинг сурганига шуқур қил.

## ДАФТАРИМ ҚИРЛАРДА ҚОЛДИ

*Ўзбекистон Қаҳрамонларига*

Сиз буюк Соҳибқироннинг сарбаланд авлодисиз,  
Эзгулик дунёсини забт айлаган зурёди Сиз.

Эл кураш майдонида Алпларга йўл бергай хануз,  
Донғи кетган паҳлавонлар масканин Дилшоди Сиз.

Тоғларим кўксида тордек янгратар темир йўлин,  
Орзикиб Ҳазрат Навоий куйлаган Фарҳоди Сиз.

Нур сочиб чикқан куёш, босгай иморатларга юз,  
Ҳар гиёҳ тимсолидан ранг излаган Бехзоди Сиз.

Авлиёлар руҳи покин шод этиб ҳар лахзада,  
Кечмагай ҳеч бир кунингиз яхшиларнинг ёдисиз.

Бебаҳо тупроғимизнинг тинчлигин ўйлаб мудом,  
Шерюрак посбонларимга раҳнамо Бунёди Сиз.

Дил ёзиб чоғгай ғазаллар завқидан Ахтамкули,  
Байтларим парвозию юртимни эрк, Озоди Сиз.



## Минҳожиддин МИРЗО

(1965 йилда туғилган)

### МУҚАДДАС САЖДАГОҲ

#### I

Қанча азиз зотлар сенинг бағрингда,  
Бобомнинг қабрида сабза, райхонлар,  
Момом мозорида маъюс қизғалдоқ,  
Дилимда соғинчу ҳасрат, армонлар.

Отамни ҳам сенинг бағринга қўйдим,  
Онамни кузатдим, жисмимда титроқ.  
Энди сени ота-онамдек суйдим,  
Бунчалар азизсан, эй, мунис тупроқ!

Эй, муборак замин, эй, қутлуғ макон,  
Юзимни босаман онам деб сени.  
Отамни соғинсам, сен таскин тилаб,  
Отамдек овутиб юпатдинг мени.

#### II

Юрсам дуо айлар эркалаб шу ер,  
Турсам шивирлайди болам деб шу он.  
Мени фарзандим деб асрайди шу эл,  
Менинг кимлигимни англаган шу қон.



Эй, Ватан таркини орзулаган зот,  
Эй, юртин сотмоққа шайланган олчок,  
Айт, ким хиёнатдан сўнг яшади шод?  
Кўзинг оч, муқаддас тупроғингга бок!

Пуллаб бўларканми онанинг қабрин,  
Ким ахир отасин мозорин сотар?!  
Тиллога алмашмам Ватаним гардин,  
Ахир, бунда менинг борлиғим ётар!

Қон кетса кетару сени асрайман,  
Жон кетса кетару сени асрайман.  
Муқаддас саждагоҳ – мен учун Ватан,  
У борки, эл билан мен ҳам яшайман.

Тангри нигоҳидан яшнаган чаман,  
Жаннатни эслатар сурагинг, Ватан.  
Кўхна ҳикматлардан мен нур ичаман,  
Фозиллар бешиги сийратинг, Ватан.

Ёв нигоҳ ташлама бу юртга, ғаним,  
Эрким , истиқлолим, бу менинг шаъним.  
Азиз Ўзбекистон дунёда тенгсиз,  
Бу менинг Ватаним, тенгсиз Ватаним!

## ВАТАН

Булбулга тикондин етса-да озор,  
Унга азиз эрур шу жой, шу гулзор.  
Юртим, булбулларилинг нафасин туйдим,  
Ким Ватанга ёрدير, Ватан анга ёр.

Муҳаббат иймонли ҳар дил зиёси,  
Кўнглимга ўт солса бир гул ҳаёси,  
Ёрдин диёримни ортиқ севмасам,  
Куйсин мендай ошиқ икки дунёси.



Майли, боғларингда тер тўкай тинмай,  
Майли, яшай бир зум рохат не билмай.  
Бошимдан зар тўкиб, тилло сочса-да,  
Ўзгага бир сиким туфроғинг бермай.

Меҳринг юрагимнинг нури – куёши,  
Тегса малҳам дейман шу замин тоши.  
Майли гўжа бўлсин, майли у ёвғон,  
Мен учун энг тотли шу юртнинг оши.

Мардинг шод қаршилар ҳар синов онни,  
Бир кун мендан сўрасанг шу азиз жонни,  
Танимни калхатлар нимгаласинлар,  
Магар бахт демасам мен бу имконни.

Эркинг, муҳаббатинг дилга оқмаса,  
Сенинг қайғуларинг кўнглим ёқмаса,  
Розимасман агар кўзим туғингни  
Қуръондай муқаддас билиб боқмаса.


Сенга кўтарилса у қўллар синсин,  
Ундайин юракнинг дуқури тинсин,  
Баҳорингни ҳеч вақт урмасин аёз,  
Сенга тушар қиров кўзимга инсин.

Ёв келса, камоннинг ёйи бўлай ман,  
Белингга боғланган шойи бўлай ман,  
Пешонамга битмиш ёрлақаб тангрим,  
Фақат пешонамда сени кўрай ман!



Мунаввара  
УСМОНОВА

(1965 йилда туғилган)



ВАТАН

Мен кўз очиб кўрган ёруғ оламда,  
Дер эдим, мунисим ёлғиз онам-да,  
Ажиб хотиралар жонланар манда –  
Йўрагимда сени кўраман, Ватан!

Бу кўхна заминга кўйиб илк кадам,  
Қоқилсам, таянчим бўлганда отам,  
Кўз олдимда турар сувратинг ҳар дам –  
Йўлагимда сени кўраман, Ватан!

Бола кўнглим баҳорни суйган куним,  
Кўкламу майса исин туйган куним,  
Онамга деб, бир чечак узган куним –  
Тилагимда сени кўраман, Ватан.

Кулча отсам, анҳорда оқиб кетди,  
Юрагимга алам ўтин ёқиб кетди,  
Иссиқ тандир ёнида бир тишлаган –  
Бўлагимда сени кўраман, Ватан!

Ҳаёт – денгиз эрур, умрдир – карвон,  
Учди оккуш ўзга сохилга томон,  
Дуолар кадалган ифори райҳон –  
Кўйлагимда сени кўраман, Ватан!

Баҳтимга бойланди илохий ришта,  
Бешигимда ётар жажжи фаришта,  
Моҳир кулол, Ўзи қўллар ҳар ишда,  
Гўдагимда сени кўраман, Ватан!

Боғимда шовиллаб ўсди дарахтлар,  
Шамоллар йўлини тўсди дарахтлар,  
Хокисор одамнинг дўсти дарахтлар –  
Терагимда сени кўраман, Ватан!

Отам – чинор эди, онам – мажнунтол,  
Бири – офтоб эди, бириси – ҳилол,  
Бўзласам, бўз тупроқ олгайдир малол –  
Тиргагимда сени кўраман, Ватан!

Ҳаётнинг ҳар они бўлмагай байрам,  
Оламда яшагай: яхши, ёмон ҳам.  
Сенга тош отсалар, озорда танам –  
Курагимда, сени кўраман Ватан!

Узилсам ё сендан кетсам йироклаб,  
Юрасанми номим кўксингда сақлаб.  
Ҳатто, руҳим сени келгай сўроқлаб,  
Юрагимда сени кўраман, Ватан!

Такдиримда сени кўрганман, Ватан!

## ЯШНАБ ЎСДИМ

Бағрингда мен яйраб ўсдим, яшнаб ўсдим,  
Сен бор учун, бекам, беғам, қувнаб ўсдим,



Сен – онамсан, гоҳо – синглим, содик дўстим,  
Сенга нима бера олдим сўздан бўлак?

Сувлар келса симирдиму сенга отдим,  
Тошлар келса кемирдиму сенга ботдим,  
Айтсам, сенга ҳасратимни йиғлаб айтдим,  
Сенга нима бера олдим сўздан бўлак?

Шодликларим бўлди факат ўзимга тан,  
Жаннатим деб олқишладим кезиб чаман,  
Қизғалдоқдек тўкилганда бағринг, Ватан,  
Сенга нима бера олдим сўздан бўлак?

Ярим аср ўтди, юрак ўйга толар,  
Нима қилдим, мендан сенга нима қолар?  
Умр – учкур тулпордайин елиб борар,  
Сенга нима бера олдим сўздан бўлак?

Йўлимга кўз тикдинг бўлиб мушфик онам,  
Отам бўлиб дуо қилдинг, кипригинг нам,  
Кечмагайсан, мендан ҳаёт кечганда ҳам,  
Сенга нима бера олдим, сўздан бўлак?

Менинг кадр-қимматимсан, шонимдасан,  
Тақдиримга бойланганим, жонимдасан,  
Уриб турган юрагимда, қонимдасан.  
Сенга нима бера олдим сўздан бўлак.

Сенга арзир тухфам йўқдир жондан бўлак!



## Жамолиддин МУСЛИМ

(1965 йилда туғилган)

### САБО АЙТАР...

Кўксимдаги армон гули очилдингми?  
Кўксимдаги асрорларим сочилдингми?  
Эй, тақдирнинг жафолари, соврилдингми?  
Сабо айтар: басе энди, бағрингни оч,  
Ягонадир қайрилма қош, тим қаро соч.

Жоним олиб қочарман-о қайларга ҳам,  
Дардим чалса осон эмас найларга ҳам,  
Дарс берарман бугун Ҳотамтойларга ҳам,  
Сабо айтар: басе энди, бағрингни оч,  
Дурдонадир қайрилма қош, тим қаро соч.

Ҳаётимни маҳаббатга тикиб ўтдим,  
Изҳорларим соғинчларга тўкиб ўтдим,  
Туйғуларим юрагимга экиб ўтдим,  
Сабо айтар: басе энди, бағрингни оч,  
Мастонадир қайрилма қош, тим қаро соч.

Кулгучлари қуйдиргучи ул санамни,  
Дил – чаманда хур очилган гул санамни,



Қадрига ет, ёр айлагил бул санамни,  
Сабо айтар: бaсе энди, бағрингни оч,  
Маржонадир қайрилма қош, тим қаро соч.

Гулим десам, ойга чирой ойжамол у,  
Малаксиймо чиройга бой ойжамол у,  
Жисму жондан олибди жой ойжамол у,  
Сабо айтар: бaсе энди, бағрингни оч,  
Жайронадир қайрилма қош, тим қаро соч.

\* \* \*

Туйғуларинг излаб топиб кўй дўстим,  
Боряпман сен томон туйғулар билан.  
Дастурхонингга дард, ҳасратинг кўйгин,  
Майли, меҳмон қилгин қайғулар билан.

Туйғулар гуллаган кўксинг боғида,  
Ифорлар таратиб турибдими, айт?  
Йўкмисан бедардлар қарамоғида,  
Мен сенга ишониб гуллаётган пайт!


\* \* \*

Шеър –  
Дилкурагим бераман сизга  
Қаҳрингизни кураб яшанг,  
Одамлар!

\* \* \*

Биз сизга харидор, эй, ғамлар,  
Ёмғирдай куйилинг кўзлардан.  
Сизни хуш кўрмаган одамлар,  
Биз қулсак, навбатда тўзарлар.  
Ҳатто ёлғиз қолиб  
Бўзламасин Ғам!





## Ориф ҲОЖИ

(1966 йилда туғилган)

### ВАТАН ЯГОНА

*Ашула*

Қалб кўри-ла аллалар айтар,  
Меҳр билан ўстирар Она.  
Ватан бутун элни улғайтар,  
Она танҳо, Ватан ягона.

Дунёда кўп гўзал диёрлар,  
Диёрида шод, бахтиёрлар,  
Бахтга ёрдир Ватани борлар,  
Она танҳо, Ватан ягона.

Охуларнинг Ватани сахро,  
Орзуларга Ватан сувайдо,  
Юлдузларнинг Ватани само,  
Она танҳо, Ватан ягона.

Қадрига ет озод диёринг,  
Обод айла обод диёринг,

Ғами бўлмас Ватани борнинг,  
Она танҳо, Ватан ягона.

Кечмиши зўр дoston диёр бу,  
Бобурларга армон диёр бу,  
Ватансеварларга шиор бу:  
“Она танҳо, Ватан ягона!”

Шукур, келди эркин замона,  
Юртим машхур жумла жаҳона,  
Тилда такрор янгроқ тарона:  
Она танҳо, Ватан ягона!

### ИФТИХОРИМСАН

Қадр-қиммат, таянчим, ифтихоримсан,  
Мени мангу ғурурим ҳамда оримсан.

Сенингсиз мен учун ҳеч бир жиҳат йўқдур,  
Дилим, жоним, вужудим ҳарна боримсан.

Жаҳон айвонида ўрнинг муайяндур,  
Жаҳонгир оталардан ёдгоримсан.

Ватан! Сенсиз кўнгуллар ҳам ёришмайду,  
Тилимда шеър, дилимда сўз – шароримсан.

Қаён борсам, дегайлар ўзбекистонлик,  
Менинг менлик нишоним – номдоримсан.

Бировдан кам эмасдурсан бирор важдан,  
Ки ҳеч кимга қарам бўлмас диёримсан.

Тилим тинмас тирикман то бу такрордан:  
“Қадр-қиммат, таянчим, ифтихоримсан!”

## ОБОД ЮРТ

То кўнгул тўлмай туруб ҳеч  
бўлмагай обод юрт,  
Рух озод бўлмай туриб ҳеч  
бўлмагай озод юрт.

Биз кўнгулни тўк тутиб, сўнг  
юртни обод айладик,  
Ким кўнгуллар шод ўлуб ҳам  
бўлди-ку дилшод юрт.

Мустабидлик таъсиридан  
рухни озод айладик,  
Тикладию қадди мисли  
бўлди бир шамшод юрт.

Қурдигу кишлокда қўрғонлар  
шаҳарлар рашк этар,  
Эртагу афсоналардан  
ҳам берар гоҳ ёд юрт.

Бу Сусамбил ёки Жаннат  
ёки Ширин кишвари,  
Тоғ кесиб йўллар солур  
чиндан букун Фарҳод – юрт.







## Хуршида БОНУ

(1967 йилда туғилган)



---

### МУСАФФО МАСКАН

Халқим, тегрангга боқ, ҳар ён мусаффо,  
Осмон мусаффордир – замон мусаффо,  
Мусаффордир диллар – виждон мусаффо,  
Не бахт, томирда қон – туғён мусаффо!  
Аждодларим руҳи шодон, мусаффо!

Гарчанд мотамсаро кўзлар тўла ёш,  
О, бу маскан узра парвона қуёш!  
Тингла, аҳли олам, тинглагил, элдош:  
Бу кун юракларда фиғон мусаффо...  
Аждодларим руҳи шодон, мусаффо...

Беқиёс бу Ватан васфидир сўзсиз,  
Хотира – Ватандек муқаддас бир ҳис!  
Гарчанд жисми тупроқ қаърида, сассиз  
Улуғлардан ёдгор – забон мусаффо,  
Аждодларим руҳи шодон, мусаффо!

Момоларим ёққан қадим чироғлар  
Нуридан залолат зулми йироқлар,



Жигарбандин кутган гирён кароғлар  
Уммонида фасли найсон мусаффо,  
Аждодларим рухи шодон, мусаффо!

Ёмғирдек ёғилган ўт гирдобида  
Шаҳид кетган номлар дил китобида,  
Она юрт бағрида қутлуғ обида –  
Азизу мукаррам майдон – мусаффо,  
Аждодларим рухи шодон, мусаффо!

Ватан Истиклоли йўлида қурбон  
Зотлар, иншооллох, топгай пок макон,  
Фитрату Абдулла, Усмону Чўлпон  
Чин ҳаққи-ҳурмати иймон мусаффо  
Аждодларим рухи шодон, мусаффо!..

## БЕДОРИНГМАН, ВАТАН

Дардингни кўксимда кўтаргим келди,  
Бир оҳ ўртаганда дилингни, Ватан!  
Нур бўлиб, ҳур бўлиб асрагим келди,  
Ёмон кўздан мушфиқ элимни, Ватан!

Ким сендан не тилар, барҳақи Худо,  
Мен фақат тинчингни тиладим, Она,  
Қара, сўз кўшикида Чўлпонинг каби  
Мен ҳам бедорингман, мен ҳам парвонанг!

Бағрингни бир тикон тилса ногаҳон,  
Бағримни минг фиғон ёқди ўшал дам.  
Фарзанд доғида сен ютганингда қон,  
Юпатмоқ истадим, кўзларимда нам...

Васлингдан даволар изладим ишққа,  
Тупроғингдан топдим тансиқ меҳрни.



Онамсан, сен томон отилса тошлар,  
Кўксим қалқон бўлур, сўзим қаҳрли.

Сенга пайвастадир томирим, илло,  
Бобур кўксидаги эй буюк армон!  
Тожмаҳалдан гўзал, азиз мен учун  
Қалдирғоч ин курган шу очик айвон!

Очик кўнгил элим, очик кўл элим,  
Очик айвонингда меҳр тўла дур!  
Жаннат жамолингга дунё ҳавасда,  
Сени асрамоқлик бурчим-ку ахир!

Улуғлар хокидан юксалган замин,  
Юлдузи бағрига сиғмаган само!  
Дукчи Эшонингдан сўрагил, айтур:  
Тинчлик – улуғ неъмат, барҳақи Худо!

Хоҳ бир майсангни, хоҳ битта ғунчангни  
Ғанимдан асрай деб ўртанар жоним.  
Ахир томиримда окмоқда менинг  
Ватан деб жон берган аждодлар қони!





## Даврон РАЖАБ

(1967 йилда туғилган)

### АСАЛАРИ ҚЎШИҒИ

Гуллар мени ўзига тортар,  
Йўл кўрсатар рангин ифори,  
Хаёлимга, йўлимга эсар,  
Ҳамроҳ бўлар умид шамоли.

Гул ҳидлаш-чун дунёга келдим,  
Бор гапим шу, алдаб нетарман.  
Бирпас қўниб ўтиш мақсадим —  
Гулзор қўмсаб ўтади умрим.

\* \* \*

Сув бўйида ўлтираман жим.  
Балки бунда шамол кутаман  
Эсдан чиккан хаёлларимга.

Сув бўйида ўлтираман жим.  
Хотирамда қўшиқ акс этар,  
Севинчидан йиғлаётгандек.



Сув бўйида ўлтираман жим  
Биллур дарё сокинлигидай  
Окиб турар менинг ҳаётим.

## ҚОДИРИЙ БАҲОРИ

Тайёр эмас эди Қодирий  
Қиш ҳовлидан қайта олишга.  
Ўттизинчи йиллар охири –  
Келмай қолди  
Баҳор ҳовлига...

...баҳорини кутиб олишга  
Келар энди бир гала кушлар.  
Кумушлару раънолар бўлиб,  
Кўклам ҳақда кўшиқ айтишга.

Аммо, бироқ тўлқин бўлмас тинч,  
Дарё мангу мавжланиб турар.  
Қодирийсиз келган баҳорга  
Отабеку анварлар етар.

\* \* \*

Ғижимланган қоғоз  
аслига қайтди.  
Хатдаги ёзув ҳам  
қайтди қаламга.  
Ёнаётган сурат чиқди  
оловдан.  
Олов гугуртга айланди.  
Фикр қайтиб кирди  
кўзларга  
Ҳеч нима  
Ҳеч нима  
Содир бўлмади.

\* \* \*

Кўзларимда,  
Хаёлимда,  
Сўзларимда  
Акс этасан...

Ҳатто аксимда акс этасан.  
Тўғри йўл шу –  
Кўнгилга қараб туташган.

\* \* \*

Шамолга йўл берма ўйлаганингда,  
Ёнингдан эсмасин фикрингни бўлиб;  
Сен сўнгсиз хаёлга берилганингда,  
Эзгулик гуллари қолмасин сўлиб.

Мино тоғидасан, ўйла, оғишма  
Ё бир овчисан сен хиёл омадсиз ...  
Қўй, ожиз жайронга ҳаёт бағишла...  
Тинчлик билан ўқла ов милтигингни,

Ҳасад қуйқасидан халос эт дилни,  
Тўлдир юрагингни ваҳдат лошига,  
Ким эди у қутла, бахтга эришса,  
Шайтонни дучор эт нафрат тошига.





\* \* \*

Тезроқ ота қолса тонг,  
Қолди оёқ уюшиб.  
Нима қиламан Осмон  
Бошимга кетса тушиб?  
Ёпишиб қолган лабим –  
Қўрқиб кетдим. Қотди бош.  
Нақ улкан ёнғин каби  
Чиқиб келмоқда қуёш.

\* \* \*

Турар афти буришган тўнка  
Кўкрагида яшириб тошни.  
Бутун дунё кўтарар кўкка –  
Истараси иссиқ қуёшни.

\* \* \*

Агар индамасанг кўйиб ҳолига,  
Ёки бош-бошини турмасанг қирқиб.  
Бакиргиси келар бор овозида,  
Токлар деворларнинг устига чиқиб.  
Ёз қўшни томгача ёйганида сеп,  
Уч ойлик баҳорнинг олиб дарсини.  
Қўшни деворлардан мўралайман, деб –  
Анор ёриб олар пешонасини.

\* \* \*

Боқиб боғнинг рангу рўйига  
Қовуштирар қўлини беҳол.  
Гуноҳини олиб бўйнига,  
Ер чизганча турар мажнунтол.  
Қалдирғочлар келиб мўлтирар,  
Тополмасдан оғочларини.  
Дарахтларда токлар ўлтирар,  
Чалиштириб оёқларини.



\* \* \*

Мана, кўркмасликни ўргандим энди,  
Қанча йиллар ўтди ахир орадан.  
Кўрасан. Бир куни етаклаб Сени –  
Тушларимга кириб бораман.

Бир ҳамла қилсам бас –  
Оламан кўкни,  
Ҳали қувватимни Худо олмаган.  
Ернинг остида ҳам бирор жой йўқки,  
Менинг илдизларим кириб бормаган.





## Икром ИСКАНДАР

(1972 йилда туғилган)

\* \* \*

Дутор навосидан нафис  
Кўйлак кияр теварак.  
Гул унутиб бирпас булбул сасини,  
ғунчасин эпкинда этганча сарак,  
тинглар нолали ишқ қиссасини.

Тебраниб, имранар бир жуфт сим –  
гўё дутор томирига қон киргай...  
Сен деб чалсам, шу жонсиз  
оғочга ҳам жон киргай.

\* \* \*

Ёз оқшоми осмоннинг  
оқаришиб дараси,  
Далаларга қуйилар  
юлдузлар шаршараси.  
Ёришади кўнглим ҳам,  
ё шундай туйилади,  
хаёлинг юлдузлардай  
шовуллаб қуйилади.





Менга шунинг ўзи бас,  
Шунинг ўзи бахт кабир,  
фақат оқимга қарши  
сакраган балиқ каби  
ўйинг билан қонмаган  
соғинч ўртар гоҳида...  
Ўйинқароқ бир юлдуз  
сакрар терак шоҳида.

### САРАТОН

Юрган ерин емириб  
оқар эди семириб  
ва сув келса симириб  
ва тоғ келса кемириб...

Энди ким ҳам танийди,  
куёш тепадан айни,  
озиб кетган анҳорнинг  
ковурғасин санайди.

\* \* \*

Кўнглимга йўл топмоқ бўлиб ўксинма,  
йиғлама,  
тушун, қанча ожиз бу ирмоқ – кўз ёш...  
Йўлига ғов бўлиб ётар кўксимда  
юррак ҳажмича келадиган улкан тош.

\* \* \*

Сен томон борар бўлсам,  
йўллар ўзи йўл бошлар,  
гирдида пояндоз гул  
шаклига кирган тошлар.

Семиргайман симирган  
сарим – сарин ҳаволар.



Дарахтларнинг мавжида  
авжланади наволар –  
чамамда дарахтлар ҳам  
сен ҳақда ўйлагайдир,  
шоҳларида жон куши  
васфингни куйлагайдир.  
Яқинлашар олислар,  
бир ғубор йўқ орада.  
Олам чиройга, нурга,  
сирга тўлиб боради.  
Шабаданинг қатида  
чорловинг илғаюрман.  
Юрагимни шабнамнинг  
сувларига чаюрман.  
Кўкайимни соғинчлар  
селдай ювар гулдираб,  
окиб кетар ғам-қайғу,  
йўқолади кудурат.  
Кўзида қуёш кулган,  
сочи тун, қоши қамар,  
сенсан борар манзилим,  
ошиқман, ошиқаман...





## Нилуфар УМАРОВА

(1972 йилда туғилган)



---

### МУҚАДДАС СЎЗ

Ичимда пичирлаб айтаман уни,  
Анор донасини ютгандек ютиб.  
Чорласа, бораман киёмат қадар,  
Ўтлиғ юрагимни байроқдек тутиб.

Ичимда пичирлаб айтаман уни,  
Оҳори тўкилиб кетмасин токи.  
Бошимни силаган қайноқ кафтида  
Асраниб ётибди аждодлар хоки.

Ҳайқириш – сочилиш, титилиш демак,  
Сокин жамланишнинг мазмуни кўпрок.  
Не буюк зотларни кўрмаган дейсиз,  
Бу тоғлар, бу осмон, сокин бу тупроқ.

Ичимда пичирлаб айтаман уни,  
Аё, умрим бўйи қайтмай бурчимдан.  
Ғолиблик ҳиссини туяди сўзлар  
“Ватан” деган товуш чикса ичимдан.

## ЮРТ ИФОРИ

Лой супада ёнбошлар соғинч,  
Юлдузларни кўрмоқ умиди.  
Сув сепилган тупрок ерлардан  
Гупиллайди Ватаннинг ҳиди.

Ой фонусин кўтариб чиқар,  
Ҳар кун тунда ваъдасига хос.  
Чигирткалар куйлайди бунда  
Тирикликнинг нафасига мос.

\* \* \*

Узуноёк йўллар писандмас девдим,  
Кани, шу йўлларда саргардон бўлсам.  
Ота, далангиз ҳам одам кўнглини  
Одамдан ортиқроқ оларкан, билсам.

Бунда борликнинг-да уйқуси уйғок,  
Бир-бирини кўрмас бедор киприқлар.  
Кўз кўзга тушганда ҳар уйғонгувчи  
Меҳр кўнгилларга боғлар кўприқлар.

Ҳалол лукма билан котган ҳар гавда,  
Кесакларни сизлаб силаган қўллар.  
Ингичка эгатлар бор бўйигача  
Чизилган чизикдан чикмаган йўллар.

Дардин бўлишганда таънаси йўқ ҳеч,  
Буғдойи устига ёпар тўнини.  
Бунча оқибатли бўлмаса булар,  
Меҳр билан тупрок оға-иними?

Ой билан йўлма-йўл келиб далага,  
Ўнгида ширин туш кўрганин айтар.

Қоронғилик мутлак ҳоким паллада,  
Ортга қарай-қарай изига қайтар.

Узуноёқ йўллар писандмас девдим,  
Кани, шу йўлларда саргардон бўлсам.  
Ота, далангиз ҳам одам кўнглини  
Одамдан ортиқрок оларкан, билсам.

\* \* \*

Ҳадемай шивирлай бошлар кўк,  
Булутлар келтирди хабарин.  
Ўрилган майсалар баррадек,  
Таратар юртнинг мушк-анбарин.

Ҳадемай ёмғирга бўқар ер,  
Ариқлар шилдирар – тўла сув.  
Япроқлар шод – чапак чалиб дер:  
Ғанимат кунларнинг дардин юв.

Бедазор ичида юрсам ҳам,  
Ҳар кун сўз айтса ҳам бу осмон.  
Кўксига бош кўйиб турсам ҳам,  
Ватаннинг ҳидига тўймасман.



## Ғайрат МАЖИД

(1976 йилда туғилган)

### ВАТАН БОҶИЙ ЭРУР

Тарих – таржимаи ҳоли миллатнинг,  
Кўхна саҳифалар сўйлайди хикмат,  
Шу мунис халқ эрур пайванди жонинг,  
Туғилган тупроғинг – покиза қисмат.  
Орзулар, армонлар тугамас, зотан,  
Ватан боқий эрур, азиздир Ватан.

Муҳаббат муқаддас неъматдир шаксиз,  
Фақат эл севгиси дил узра маёк,  
Ватаннинг қаҳрамон содиқ лашкари –  
Озодлик дегани эмасми Широқ.  
Билдимки, қувонч ҳам, қайғу ҳам маҳзан,  
Ватан боқий эрур, азиздир Ватан.

Ҳамиша уйғоқ бўл шамоллар каби,  
Ғафлат уйқусидан сакраб тур илкис.  
Туркий шижоатин айлаб намоён,  
Юртни асраб қолди она Тўмарис.  
Элсевар фарзандлар марддир азалдан,  
Ватан боқий эрур, азиздир Ватан.





Хиёнат қадимдан мунофиқ, э воҳ,  
Пайт пойлаб елкадан ургайдир ханжар.  
Султон Жалолиддин Мангубердининг  
Ор-номуси сабоқ қиёмат қадар.  
Садоқат ялови ҳилпирайди шаън,  
Ватан боқий эрур, азиздир Ватан.

Битта зўр паҳлавон туғилса элга,  
Асрлар армонин қила олгай ҳал.  
Соҳибқирон бобо шиддату шахтин,  
Қай қалам битишга қодир мукаммал.  
Шаҳри Кеш дostonдир тугамайдиган,  
Ватан боқий эрур, азиздир Ватан.

Адоқсиз фалақда Султон Улуғбек,  
Кашф этган юлдузлар нур сочар порлаб,  
Комил саодатга етсин деб диллар,  
Самарқанд юлдузи турибди чорлаб.  
Ҳамон сайёралар айлар анжуман,  
Ватан боқий эрур, азиздир Ватан.

Суюк Андижони дарди Бобурнинг,  
Латиф хотиридан бир дам кетмаган.  
Фурқатнинг “Ғиғонким...”, деган оҳию  
Қонли нидосига ҳеч ким етмаган.  
Қалбдан титроқ кетмас соғинчли байтдан,  
Ватан боқий эрур, азиздир Ватан.

Қодирӣ, Чўлпону Усмон Носирлар  
Дилин илма-тешиқ қилди қотил ўқ.  
Тортиб олиб бўлмас умидни асло,  
Маҳв этиб бўлмайди юракни, йўқ-йўқ...  
Ота юрт, она эл, хурлик бор экан,  
Ватан боқий эрур, азиздир Ватан.



Истиклол юрагим, қароғимдасан,  
Ичимда аждодлар рухидан бир ҳол.  
Халқим, дуоларинг ижобат доим,  
Бошингдан кетмагай хуршиди иқбол.  
Рух абад, тупроққа айланади тан,  
Ватан боқий эрур, азиздир Ватан.

## БАХТИЁРЛИК

Сирлашгим келади ялпизлар билан,  
Қучгим келаётир қизғалдоқларни.  
Биз бунёд этамиз бир қўшки азим,  
Биз бунёд этамиз гўзал боғларни.  
Жаннатий ифорлар сочади гуллар,  
Бўйларга тўлади юрак – гулхона.  
Биз шундай яшаймиз ўзимиз билан,  
Биз шундай яшаймиз гўзал, мастона.



## Ориф ТЎХТАШ

(1976 йилда туғилган)



---

### МУҚАДДАС ВАТАН

*“Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!”*

“Ватаннинг ҳар хизматига тайёр тур, болам,  
Мард ва жасур юрт ўғлони бўл!” дейди онам.  
Тупроғингни кўзларига сураркан отам,  
Сен буюксан, муқаддассан, эй, она-Ватан!

Энг навкирон ёшга тўлди озод, ҳурлигинг,  
Яна қаддинг ростлаб берди мард, мағрурлигинг,  
Фарзандларинг кўзларида бахт, масрурлигинг,  
Сен буюксан, муқаддассан, эй, она-Ватан!

Аждодларим заковати, шухрати-шони,  
Ҳайратларга солиб келар хануз дунёни,  
Ўғлим ёзар кеча-бугун таниб имлони:  
“Сен буюксан, муқаддассан, эй, она-Ватан!”

Ўлкаларни елкалаган момо Ер айтсин,  
Номинг қўшиқ қилиб айтсин, боғлаб шеър айтсин,



Сайёралар аро янграб бир садо қайтсин:  
“Сен буюксан, муқаддассан, жон Ўзбекистон!”

Кечалар ой, кундузлари қуёшим билан,  
Шу тупрокка гул экдик ҳар юртдошим билан,  
Катта йўлга чикдик бугун Юртбошим билан,  
Сен буюксан, муқаддассан, эй, она-Ватан!

Бир фарзандинг кўксин керса жонингга жон, деб,  
Яна бири илм истар, шонингга шон, деб,  
Биз ҳар тонгда уйғонайлик, “ЎЗБЕКИСТОН” деб,  
Сен буюксан, муқаддассан, эй, она-Ватан!

## САБОҚ

Табиат – дарсхона экан биз учун,  
Ҳаёт – ҳикмат экан, ўйлаб қарасам.  
Кузатиб, дедим мен:  
“Борица кучим –  
Шу элнинг корига мен ҳам ярасам!”

Майса ниш ураркан тупрокни ёриб –  
Шу маскан кўркига кўрк улашмоққа.  
Ирмоқ ҳам ўзича йўл топиб олиб –  
Қақраган ерларга қараб шошмоққа.

Неки мавжудот бор, курашар бетин,  
Ҳаётин мағзида эзгу бир ғоя.  
Дарахтлар мевалар тугмоқда олтин,  
Мева бермагани берай, деб соя.

Тераклар саф тортиб турар аскардай,  
Барқ урмоқ кўйида йўқ асло тинчи.  
Мақсад – шу эл қурган иморатларга –  
Бўлиб ярамоқлик васса ё синчи.

Кузда учиб кетган шойи қалдирғоч –  
Қайтиб топар экан эски ошённи.  
Бу ҳолни кузатиб, кўнглимда қувонч,  
Қушлар олқишлайди бундай маконни!..

Демак, биздан талаб – бундан-да юксак,  
Шу юрт, шу Ватанни жондай асрамоқ.  
Байроғини ўпиб, баландроқ тутсак,  
Ва шавкатин кўриб, қадни ростламоқ!

Фақат севиш мумкин бундай чаманни,  
Энди ғафлатларга видолар керак.  
“Булбул чаман севар, одам Ватанни”,  
Фидойилар керак, фидолар керак!

Табиат – дарсхона экан биз учун,  
Ҳаёт – ҳикмат экан, ўйлаб қарасам.  
Кузатиб, дедим мен: “Қолар из учун –  
Шу элнинг корига мен ҳам ярасам!”



## Гулжамол АСҚАРОВА

(1978 йилда туғилган)

### ОТАМ ВА ТУПРОҚ

*Туркум*

*“Деҳқон меҳнати ҳаётнинг илоҳий ақидасидир”.*  
Асқад Мухтор

Ота! Мендек телба кўрдими  
Худойимнинг девоналари,  
Кўнглинг мендан яхши билдими  
Бу дунёнинг майхоналари?

Кўргулигим кўрганингдан кўп,  
Кўксингдаги нолангман сенинг.  
Мен энг буюк фарзандинг, яна  
Мен энг ношуд болангман сенинг.

Лекин сира куймагил, ота,  
Сенинг ёруғ изинг бўларман.  
Рухим юлдуз бўлиб қолган кун  
Мен энг бахтли қизинг бўларман.

Мени кутиб бахтлар қариди,  
Кўксимда гул сўляпти, ота.  
Менинг энди бахтли бўлгиммас,  
ТУПРОК бўлгим келяпти, ОТА!

\* \* \*

Ота, дилинг ёритсин  
Кўксимдаги шамларим,  
Оқартирди сочингни  
Менинг қаро ғамларим.  
Бу дунёнинг ғамини  
Қадахимга сузим мен.  
Дунёнинг кўнгли менда  
Ундан кўнгил уздим мен.  
Ота, телба айлади  
Мени шеърнинг туйғуси,  
Лаҳзагина умримда  
Абадият қайғуси.  
Лекин билдим. Англадим,  
Бир “ух”га тенг дунё бу.  
Ота, дилхун тунларда  
Қалам, шеър, чироқ яхши.  
Бу норасо дунёнгдан  
Бир сиқим тупрок яхши.

\* \* \*

Ота, қандок яшасам бўлар?  
Кечалари махзун ўйладим.  
Ота, дунё узун йўлакча,  
У эртақдир руҳимдай қадим.

Ота, дунё – узун йўлакча!  
Ҳорғин кўрдим бу йўлда Сени.  
Сен бу йўлда ёмон толиқдинг,  
Зериктирди бу эртақ мени.

Ота, дунё – узун йўлакча!  
Унда руҳим топмади Ватан.  
Катта йўлга чиқардим, ота,  
Ўтиб олсам шу йўлакчадан!..

\* \* \*

Ота, шеър азоби уйғотди мени,  
Юрагимга кўчди уфқлар туси.  
Эл деган мушфиқ сўз улғайтди мени,  
Мени одам қилди миллат қайғуси.

Ёвга бермагайман эътиқодимни,  
Бир кун авраса ҳам кўринмас ҳалқа.  
Лекин бу олифта сўзларим билан,  
Нафим тегармикан шу мунглиғ халққа!

Чорламасми мени кибор давралар,  
Кўксим оловлари ўчмасми яна?  
Мен ул давраларда шоҳона юрсам,  
Осилган чориғим қилмасми таъна?!

Бир кун Ватан дея юксалса Руҳим!  
“Халқ” десам бошимга тиғ келмасидан.  
ОТА, ТУПРОҚларинг эсларми мени,  
Ватан ўчирмасми... хотирасидан?!





## Мундарижа

Зулфия.....	7
Эркин Воҳидов.....	13
Абдулла Орипов.....	21
Ибройим Юсупов.....	29
Мухаммад Али.....	35
Шукрулло.....	41
Жуманиёз Жабборов.....	46
Ҳусниддин Шарипов.....	51
Нормурод Нарзуллаев.....	55
Тўра Сулаймон.....	59
Охунжон Ҳаким.....	65
Барот Бойқобилов.....	69
Жамол Камол.....	73
Тўлан Низом.....	77
Александр Файнберг.....	82
Ҳабиб Саъдулла.....	88
Ойдин Ҳожиёва.....	92
Омон Матжон.....	97
Рауф Парфи.....	102
Анвар Обиджон.....	106
Ҳалима Худойбердиева.....	110
Жиянбой Избосканов.....	115
Усмон Азим.....	119
Хуршид Даврон.....	125
Маҳмуд Тоир.....	131
Мухаммад Юсуф.....	136
Сирожиддин Саййид.....	142
Иқбол Мирзо.....	149
Улмамбет Хўжаназаров.....	155
Олимжон Холдор.....	161
Маъруф Жалил.....	164
Гулчеҳра Жўраева.....	167
Турсунбой Адашбоев.....	171
Эрмамат Нурматов.....	174
Болта Ёриёв.....	177
Шафоат Раҳматуллаев.....	180

Самандар Воҳидов.....	183
Абдулла Шер.....	186
Қамбар Ота.....	189
Ошиқ Эркин.....	192
Тошпўлат Аҳмад.....	195
Садриддин Салим Бухорий.....	198
Носир Муҳаммад.....	201
Ҳаётхон Ортиқбоева.....	204
Исмоил Маҳмуд.....	207
Ёқубжон Аҳмаджонов.....	210
Матназар Абдулҳаким.....	213
Ўткир Раҳмат.....	216
Кенгисбой Каримов.....	219
Гулистон Матёкубова.....	222
Азим Суюн.....	225
Муҳаммад Раҳмон.....	228
Марта Ким.....	231
Мирпўлат Мирзо.....	234
Шавкат Раҳмон.....	237
Исмоил Тўхтамишев.....	240
Хосият Бобомуродова.....	243
Саъдулла Ҳаким.....	246
Шарифа Салимова.....	249
Икром Отамурод.....	252
Фарид Усмон.....	255
Максуда Эргашева.....	257
Қутлибека Раҳимбоева.....	260
Мухтарама Улуғ.....	263
Турсун Али.....	266
Музаффар Жаҳон.....	269
Усмон Қўчқор.....	272
Умида Абдуазимова.....	275
Отабек Исмоилов.....	278
Зиёвиддин Мансур.....	281
Абдунаби Бойқўзиев.....	285
Энаҳон Сиддиқова.....	288
Олқор Дамин.....	291
Чоршамъ Рўзиев.....	294

Фарида Афрўз.....	296
Баходир Исо.....	299
Бахриддин Садриддинов.....	302
Ойгул Суюндиқова.....	305
Замира Рўзиева.....	308
Бахтиёр Генжамурод.....	311
Ҳалима Аҳмедова.....	314
Абдували Қутбиддин.....	317
Амирқул Карим.....	320
Зикрилла Неъмат.....	323
Жумагул Сувонова.....	326
Гавҳар Ибодуллаева.....	328
Эшқобил Шукур.....	331
Фахриёр.....	334
Вафо Файзуллоҳ.....	337
Муҳиддин Омон.....	340
Рустам Мусурмон.....	343
Салим Ашур.....	346
Зебо Мирзо.....	349
Ғулом Мирзо.....	352
Ҳумоюн Акбар.....	355
Шахло Аҳророва.....	358
Муҳаммад Исмоил.....	361
Ахтамқул Карим.....	363
Минҳожиддин Мирзо.....	366
Мунаввара Усмонова.....	369
Жамолиддин Муслим.....	372
Ориф Ҳожи.....	374
Хуршида Бону.....	377
Даврон Ражаб.....	380
Хосият Рустамова.....	383
Икром Искандар.....	386
Нилуфар Умарова.....	389
Ғайрат Мажд.....	392
Ориф Тўхташ.....	395
Гулжамол Асқарова.....	398

# ОЗОД ВАТАН САОДАТИ

Адабий-бадий нашр

Муҳаррир *Носиржон Жўраев*  
Техник муҳаррир *Нодир Сувонов*  
Дизайнер *Ойгул Фозилова*

Нашриёт лицензияси № 181. 08.12.2011.

Теришга 20.11.2012 й.да берилди.

Босишга 10.10.2013 й.да рухсат этилди.

Бичими 60x90  $\frac{1}{16}$ . Офсет босма. "Times" гарнитураси.  
Шартли б.т. 38,5. Нашр-ҳисоб т. 25,2. Адади 3000 нусха.

Буюртма № 288-13.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
"ADIB" нашриёти масъулияти чекланган жамияти.  
100027. Тошкент. "Ўзбекистон" кўчаси, 16-А уй.  
Тел.: (8371) 245-89-24

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
“O`qituvchi” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

ISBN 978-9943-4165-4-3



9 789943 416543

## Азиз китобхонлар!

*“ADIB” нашриёти йил давомида ўзбек ва жаҳон адабиёти-нинг сара асарлари – назм, наср ва драматургия намуналарини тақдим этиб боради. Дунё адабиёти хазинасидан ўрин олган умрбоқий дурдоналар, аср ошган асарлар, кўпдан бери илҳақ кутаётган ва соғинган китобларингиз Сизга мунтазир.*

*Атоқли адибларнинг “тандирдан узилган” янги асарлари ва таржималари ҳам сўз санъати муҳиблари учун ардоқли армуғон бўлади, деган умиддамиз. Ижод майдонига журъатли одимлар билан кириб келаётган навниҳолларнинг илк тўпламлари орқали эса адабиётимиз ворисларини кашф этасиз.*

*Инсон учун яхши китоб ўқишдан-да мароқли, мазмунли машғулот йўқ. “ADIB” нашриёти китобсеварларга ана шу бетакрор шавқни туҳфа этишга бел боғлаган. Мутолаа завқи Сизни асло тарк этмасин! Содиқ дўст – китобга меҳрдан айрмасин!*

# ҚАЙДЛАР УЧУН

---